


З.Т. Тоҳиров

# Маҳрир манитиқи




2017/3 - 75





З.Т. Тоҳиров

# Пахрир мантиқи



ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2016



УЎК: 808.2 - *Таҳрир*

КБК 81.2-8

T 74

Мазқур китобда адабий таҳрирнинг илмий асослари баён этилган. Унда адабий таҳрир билан боғлиқ жараёнлар, таҳрирнинг мантикий асослари, композиция, асос (фактик) материаллар, матннинг мантикий таҳлили, муаллиф ва мухаррир муносабати, мухаррирнинг нашр жараёнидаги ўрни, айрим тур адабиётлар, матбуот, радио ва телематнлар таҳрири хусусида сўз юритилади.

Китобдан нашриётлар, оммавий ахборот воситалярининг таҳририятларида кўллэзма матни устида ишловчи мухаррирлар, мусаххилар ва журналистлар, адабий таҳрир илми билан кизиқувчи барча китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

ISBN 978-9943-28-544-6

© З. Тоҳиров, 2016

© «O'ZBEKİSTON» НМИУ, 2016

2017/3 T 74 voiy

o'zgi

A 75 G. 2016 son MK

## КИРИШ

Тахрир (арабча — *харара:* құтқармок, озод құлмоқ маъно ифодасини беради) — фаолият тури, маданий-ижтимоий ишлар ва адабий-ижодий амалиёт соҳаси сифатида ҳозирги замон ноширлик иши ва публицистикада кенг қўлланилади.

Тахрир деганда ифодани, қоидани, қарорни, мажбуриятларни аниқлаштириш, умуман турли ҳужжатларни тайёрлаш тушунилади. Масалан: «қарор матнини тахрир қилиш керак», «фармонни қабул қилиш мумкин, лекин уни диққат билан тахрир қилиш талаб этилади», «лойиха сифатида қабул қиласа бўлади, лекин айрим бандлари тахрир талаб» иборалари одатий бўлиб қолган ва доимий тарзда ишлатилади.

Хеч муболагасиз айтиш мумкинки, бугунга келиб ижтимоий амалиётга алоқадор ҳар бир киши тахиррга алоқадордир.

Нашр соҳасидаги «тахрир» тушунчасининг турлича талкини мавжуд.

Тахрир иши деганда, аввало, ижтимоий-адабий ва мафкуравий фаолият тушунилади.

Бу фаолият нашриёт, матбуот, радиоэшилтириш ва телекўрсатув органлари билан боғлиқдир. Шу маънода (айникса китобат, матбаа ишини назарда тутгандан) тахрир иши ўзига хос бой тарихга ва анъанага эга.

Тахрир ишининг тарихи ёзувнинг пайдо бўлиши ва китобат билан чамбарчас боғлиқ.

Ёзув ва китобат тарихи бу — маданият тарихининг таркибий қисмларидан бири. Оммавий коммуникациянинг бошқа воситалари, ҳатто, энг илфорларидан телевидение ҳам маданиятни ривожлантиришда қўшимча воситадир.

## ТАҲРИР ВА МУҲАРРИРЛИК

Манбаларда кўрсатилишича, илк бора ёзув ва китобат Шумер, Миср, Хитой ва Ҳиндистонда пайдо бўлган. Шумер ва Мисрда худолар, фиръавиалар ҳақида ҳикоя қилувчи битиклар дастлаб тошга ўйилган (мил. авв.VII–VI асрлар). Милоддан аввалги VI асрдан бошлаб, ёзув ҳам, ёзув материали ҳам ўзгаради. Ёзувлар тошга эмас, папирусларга ёзиладиган бўлди. Милоддан олдинги IV–III асрда Мисрда ихтиро этилган бу ёзув материалидан Юнонистон ва Қадимги Римда ҳам фойдаланилади. Папирус инсониятга 4 минг йилдан ортиқроқ ёзув материали бўлиб хизмат қиласи. Китобат билан хаттотлар шуғулланган. Оддий матнлар қора ранг билан ёзилган, агар сарлавҳаларни алоҳида ажратиш талаб этилса, қизил рангда ёзилган. Китобларда аниқ ва чиройли бўлган муқаддас – идеографик белгиларда ёзилган. Мисрда, Шумер ёки Бобилдаги китобларда ҳалқ оғзаки ижодининг таъсири яққол сезилади, адабий асарлар, ривоятлар, афсоналар, эътиқодий ақидаларнинг бадиийлаштирилган талқинидан иборат бўлган.

Ҳиндистонда милоддан аввалги 3 мингинчи йил ўрталарида Ганг водийсида қадимги ҳинд маданияти пайдо бўлади. Буддавийликнинг ҳинд ҳалқлари орасида тарқалиши билан бирга ҳинд ёзуви ҳам кенг ёйилади. Мазкур ёзув асосидаベンгал, непал, тибет, тамил, бирма, кхемер ва бошқа ёзувлар юзага келади. Ҳиндистонда ҳам Шумер ва Бобилдаги сингари лой тахтачаларга ёзадилар. Дастлаб палма барги ёзув материали вазифасини бажаради (VII аср). Мис, рух, ҳатто пўлат тахтачалардан, теридан ҳам ёзув материали сифатида фойдаланилади.



Коғоздан фойдаланиш XI асрда бошланади. Манбаларда қайд этилишича, Хиндистонга қофоз Хитойдан ўтган ёки Шимолий Хиндистонга ислом динининг кириб келиши билан боғлик.

Хитойликлар жаҳон маданияти тарихига улкан хисса қўшади, улар китобат тарихида янги даврни очади. Хитой қофози ва қўлда китоб тайёрлашнинг пайдо бўлиши китобат ишида бутунлай янги йўналиш бўлди. Хитой ёзуви ва китобат иши узок ривожланиш даврини бошидан кечиради. Хитойда топилган дастлабки иероглиф битиклар милоддан аввалги XIV–IV асрларга таалуқли. Улар тошбака косаси, сук я ва тўнғиз тишига ёзилган.

Милоддан аввалги V асргача китобат иши саройдаги маҳсус тарихчилар измида бўлган ва факат хукмдорлар манфаатига хизмат қилган. Лекин ўша пайтлардаёқ ҳалқ манфаатларига хизмат килювчи китоблар ҳам пайдо бўлади. Масалан, «Шицзин» («Қўшиқлар китоби», милоддан аввалги VI–V асрлар), ҳалқ қўшиқлари ва маросим қўшиқлари тўпламлари шулар жумласидандир. Қофоз бамбук китобларини сиқиб чиқарган. Милодий III–IV асрдан сўнг китобат иши анча жонланади. Бунга айниқса китоб босиш дастгоҳини кашф этиш сабаб бўлади. Аслида Хитойда милоддан аввалги VI–V асрлардаёқ даос ва будда таълимоти роҳиблари ёғоч ёзуви қолип, қабариқ накш кабилар ёрдамида туморлар, суратлар ва матнларни кўпайтиришни билганлар.

VIII–IX асрларда Хитойда нусха кўчиришнинг янги усули — ксилография пайдо бўлади.

Аммо ксилография ҳам хитойликларни қаноатлантирилмайди. 1040–1048 йилларда Пи Шен исмли темирчи териш жараёнини кашф этади (Европада бунга факат 400 йилдан сўнг эришадилар). У ҳар бир иероглиф учун алоҳида босиш белгисини тайёрлайди. Натижада иероглифларни териш имкони туғилади. Керакли материал тайёр бўлгач бўялади, ундан нусхалар кўчирилади.

Китоб тайёр бўлгач иероглиф белгилар сочилади ва яна керакли матнни тайёрлашда қайта фойдаланилади. Хитойликлар китоб босиш ишини такомиллаштириб борадилар ва кўп рангли матбаа ихтиро қиласидилар. Буддавийларнинг «Сутра шарҳлари» (1340 й.) китоби қизил ва қора рангда

тайёрланади. Хитойликлар босма нашрларнинг янги-янги турлари ва матбуот — вактли нашрни ихтиро қилади. Биринчи адабий асар катта энциклопедия бўлади, у X асрнинг иккинчи ярмида яратилади. Энг катта энциклопедик луғат эса XV асрда тузилади. 11915 жилдли бу луғатни яратишда 2169 киши қатнашади. Хитой даврий матбуоти ҳам VII—X асрларда юзага келади, кундалик газета «Ди бао» ёки «Дзин бао» («Пойтахт хабарлари») чиқа бошлайди.

Антик даврда Қадимги Рим ва Юнонистонда ҳам турли фанлар — математика, астрономия, тиббиёт, география, тарих, бадиий-тарихий драматургия юксак даражада ривож топган. Рим ҳукуқшунослиги, Рим, Юнон санъати, барча жанрдаги адабиёти бутун Европа ҳукуки, санъати ва адабиётининг асосини ташкил этади.

Қадимги Рим ва Юнонистонда папирусдан фойдаланиш ёзувнинг ва шу билан бирга китобатнинг жадал ривожига туртки бўлади. Римда ҳам, Юнонистонда ҳам янги ёзув — киррасиз, юмалоқ шаклга келтирилган, ёзиш учун қулай ва аввалгисидан кўра чиройлирок ва нафис — унциал, шунингдек тез ёзиш имконини берадиган ўнг томонга бироз ётиқ (курсив) ёзув пайдо бўлади.

Ёзиш учун материал сифатида папирус, пергам ва юпка ёғоч таҳтачалардан фойдаланилади. Масалан, Солон конунлари (мил. авв. VI аср) ёғочга ёзилган.

Кодекс ихтиро қилингач китоб биринчи марта ўз шаклига эга бўлади. Кодекслар пергам қофоздан тузилади, натижада биз ҳозир ўрганиб қолган китоб шаклини олади. Антик дунё — Қадимги Рим, Юнонистон Шарқдан фақат ёзувнигина эмас, балки папирусни ҳам олади. Папирус Юнонистонга Мисрдан (мил. авв. VIII а.) ўтади ва то милоддан аввалги III асргacha ундан фойдаланиб келинади. Милоддан аввалги VIII асрда пергам ихтиро этилади. Пергам тайёрлашда қўй, эчки, бузоқ терисидан, аввалроқ эса қуён, ҳатто мушук терисидан фойдаланилган. Кичик Осиёдаги эллинistik давлат Пергамда ихтиро қилингани учун пергам деб аталган. Китобат ишида узок йиллар мобайнида папирус ва пергамдан фойдаланилган. Милоддан аввалги IV—III асрларда Мисрда папирус ишлаб чиқариши таназзулга юз тутади, пергам асосий ёзув материали бўлиб

қолади. Мисрни араблар истило қилғандан сўнг (VIII а.) папирус ишлаб чиқариш мутлақо тўхтайди, ўрнини араблар келтирган қофоз эгаллайди. Шундай қилиб, араблар Европага ҳам қофоз кириб келишига сабабчи бўлдилар.

Папирусга учи найзаланган қамиш таёқчада ёзадилар. Кейинчалик у дунёга тарқалади, шарқда қалам (лот. *savatida*) деб аталади. Ҳозирги қалам сўзи шундан.

Милоддан аввалги VI асрдан бошлаб қамиш қаламдан ташқари, парранда патидан ҳам ёзишда фойдалана бошланади. Шундай қилиб, янги ёзув қуроли патқалам пайдо бўлади. Ёзишда суюқ моддадан – қоракуя ва елим аралашмасидан фойдаланилади. Рангига кўра уни форсийлар сиёҳ (кора) деб атагулар, ҳозиргача рангидан қатъи назар, барча ёзишда фойдаланиладиган маҳсус суюқлик сиёҳ аталиб келади.

Матн пергамга кўчирилгандан сўнг тўғри тўртбурчак шаклда иккига букилади ва тўрт варак-тўрт варак қилиб тикилади.

Тўрт варак юончча «тетрадион» аталган, ҳозирги рус тилидаги «тетрадь» сўзи шундан олинган. Ана шундай тетрадлардан кодекс тузилган. Уни ташки мухит таъсиридан сақлаш мақсадида икки томонидан юпқа тахтacha маҳкамланган ёки қалин чарм копланган.

Матнни кўчиришда кўпинча хатоликларга йўл қўйилган, бальзан хато ва нуқсонлар шу даражага етганки, хатто матн мазмунини англаш қийинлашган, муаллифнинг фикри мутлақо ўзгариб кетган. Бу хол Цицерон Марк Туллийни (мил. авв. 106–43 йй.) ташвишга солади. У ўзининг бадавлат дўсти Аттикка бу борада ёрдам беришлини сўраб мурожаат қиласди. Тарихчи Коркелий Непотнинг гувоҳлик беришича, Аттик бир гурух таҳрирчи, корректор ва кўчириб ёзувчи (хаттот)ларни тўплайди. Юон тилидаги матн (китоб)ларни таҳрир қилишга машҳур грамматик Тираннион таклиф этилади. Аттик ношир сифатида ўз фаолиятини Цицерон асарларини чиқаришдан бошлайди. Аттик нашриётининг буюк хизмати натижаси бўлиб, Платон асарларининг чоп этилиши хисобланади. Бу нашрни Тираннионнинг ўзи таҳрирдан чиқаради, таҳрир жараённада у Аристотелнинг сақланиб қолган кутубхонасидан фойдаланади.

Шундай қилиб, тарихда биринчи марта таҳрир амалиётига асос солинади.

Аттик тасвири китоблар нашр этишда ҳам донг таратади. У нашр эттирган биринчи суратли асар «Портретлар» эди.

Асарни ёзувчи Теренций Варрон яратади (мил. авв. 27–16 йй.). Асарда жами 700 га яқин римлик ва юнонистонлик атоқли шахслар таржимаи ҳоли ва суратлари берилган. Булар барчаси матбаа ихтиросига олиб келади.

Марказий Осиё (Турон)да ҳам ёзув, китобат ва таҳрир тарихи қадим даврлардан бошланади.

Туркий халқлар ҳарфли ёзуви таҳминан 2500 йиллик тарихга эга. Буни Олмаота яқинидаги Иссиқ қўрғонидан топилган кумуш идишдаги ёзув исботлайди. Қадимшунослар кумуш идиш милоддан аввалги 500–400 йилларга оидлигини исботладилар.

Туркий қабилалар истиқомат қилган худудлардан – ҳозирги Мўғулистан, Шарқий Туркистон, Сибирь, Марказий Осиё, Шарқий Европадан тош, қояга, олтин, кумуш идишларга, тангалар, уй-рўзғор буюмлари, ёғоч, сопол, металлга, шунингдек кирпеч (фишт)га ёзилган турли мавзулардаги битик-ёдгорликлар топилган. Сирдарё ҳавзасидан топилган битиклар милоддан аввалги III–II асрларга тааллуқлидир. Суғд ёзуви пайдо бўлган вақтни илмий адабиётларда биринчи турк хоқонлиги даври<sup>1</sup> деб кўрсатилади.

Суғд ёзуви туркий-рун ёзуви билан тенг қўлланади. Қадимги туркий ёзма ёдгорликлар Ўрхун ёзувидан ташқари, туркий уйғур ёзувида, баъзилари суғд, брахман, моний, сурёний ёзувларида ҳам битилган. Ўрхун ёзуви милодий 900 йилгача қўлланади. Араблар истилосидан сўнг (VII аср ўрталари – IX аср бошлари) араб ёзуви ислом дини билан бирга кириб келади. Юртимизда бу ёзув 1929 йилгача қўлланади. Сўнг лотин графикаси асосидаги ёзувга ўтилади. Бу ёзув 1940 йилда кириллчага алмаштирилади. 1993 йилдан яна лотин графикасидаги ёзувга ўтилади, у 1995 йилда қисман ислоҳ этилади ва ҳозиргача фойдаланиб келинмоқда.

<sup>1</sup> Н. Раҳмон. Турк хоқонлиги. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ месори нашриёти, 1993. 65-б.

Марказий Осиёда китобат иши милоддан аввал, ёзувнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Ёзувнинг тузилиши (белгилар тизими, жойлашиш тартиби), ёзув материали, ёзиш қуроллари ва бошқалар муайян дараҷада китобнинг қандай бўлишини белгилаб беради.

Марказий Осиёда ҳам аввал тошга, сопол, тери, ёғоч, металл, мато ва бошқаларга ёзилган. Милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида терига ёзиш кенг расм бўлган. Оташпастликнинг мукаддас китоби «Авесто» 12 минг мол терисига ёзилган. Кейинчалик қофознинг кашф этилиши китобат ишида улкан тараққиётга сабаб бўлади. 650-йилларда Самарқанд қофозига ёзилган китоблар бўлган. Қофоз китобларни кўп нусхада тайёрлаш ва тарқатиш имконини беради. Бундан ташкари, қофоз китобларни безатиш иши ҳам осонлашади. Китоб сахифаларига турли мишиялар, хошияларига безаклар ишланади. Аста-секин хаттотлик, муқовасозлик касблари ажрала бошлайди. Ёзуда сиёҳдан кенг фойдаланилади. XIV–XV асрларда китобат иши юқори босқичга кўтарилади. Ҳар бир китоб санъат асари даражасига етказилади. XV–XVI асрларда бир қанча истеъдодли хаттот, мусавир, лаввоҳ ва саххофлар (Абдураҳмон Хоразмий, Султонали Машҳадий, Султонали Хандон, Мирали Қилқалам ва б.) етишиб чиқади. Шу даврда матншунослик, тил масалалари билан шуғулланиш, таҳрир илми ҳам юзага келади. Бу борада буюк ўзбек шоири, мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоийнинг хизматлари катта бўлади.

Алишер Навоийнинг фаолиятидаги энг муҳим жиҳатлардан бири, унинг котиблар билан ишлаши, адабий меросни (ўз замонидаги ва ундан олдинги) асл ҳолида сақлаб колишга, муаллиф нусхасини путур етказмай китоб холига келтиришга интилиш эди. Алишер Навоийнинг фаолиятида матншунослик, муҳаррирлик қирралари яккол намоён бўлади. Хали китоб нашр этиш юзага келмаган у даврда жамиятнинг китобга, маърифатга бўлган эҳтиёжини қондиришда Навоийнинг хизматлари ўта аҳамиятли эди. Навоий хомийлигига ва бевосита назорати остида Султонали Машҳадий каби санъаткор хаттотлар томонидан юзлаб китоблардан нусхалар кўчирилади. Шулардан бир

қанчаси бугунги кунда ҳам жаҳон кутубхоналарида энг кимматли ёдгорлик сифатида сақланиб келмоқда.

1469 йилдан бошлаб, Навоий давлат арбоби сифатида, ўз қўл остида бой кутубхона ташкил этишга киришди. Кутубхонани китоблар билан тўлдириш учун қўплаб мохир котибларни тўплайди ва ўзи зарур деб билган китобларни танлаб, тайёрлаб уларга кўчиритиради.

Алишер Навоий китобат иши билан шунчаки, зарур пайтлардагина эмас, балки мунтазам шуғулланади. Бу ҳакда унинг замондоши Хондамир Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган «Макорим ул-ахлоқ»да тўлик маълумот беради. Унинг айтишича, Навоий котиблар кўчириши учун асарларнинг нусхаларини — яхши ва тўғри нусхаларини тайёрлаб берган. Натижада Навоий матншунослик — матн таҳлили билан ҳам шуғулланган.

Алишер Навоийнинг «...матнлар устида олиб борган ишлари унинг фалсафа, тарих, санъатшунослик, табиий фанлардан астрономия, математика, геометрия, тиббиёт ва бошқа соҳадаги бой ва чукур билимларига ҳам асосланар эди»<sup>1</sup>.

Алишер Навоийнинг фаолиятида мухаррирнинг муаллиф билан ишлаши — ҳамкорлиги қандай бўлишлигига оид ибрат бўларли ҳолни кўриш мумкин.

«Кунларнинг бирида Навоий ўз кутубхонаси учун Жомийнинг илк девонларидан бирини ўз замонининг хушнавис котибларидан бири Мавлоно Абдусамадга кўчиришга топширди. Девонни кўчириш тугаллангандан кейин Навоий уни муаллиф кўзидан ўтказиб келиш учун Жомий олдига олиб боради. Жомий машхур котибнинг хатини кўриб хурсанд бўлади-ю, лекин синчилаб кўриб чиқиши учун бир кечага олиб қолади. Эртасига Навоий Жомийнинг олдига яна боргандা Жомий жиғибийрони чиқиб шундай дейди:

«Бу китобни фарид навъ битибдур, анга ўхшарким, илтизом қилмиш бўлгайким, фалатсиз мисраъ битмагай, баъзи ерда бирор-иккирор, балки ортуқ абёт ҳам тарк қилибдур, ўзи-ўқ мунда бўлса, чун хушнавис кишидур, қўп эҳтиёж жихатдан шояд хейли рўзгори зоеъ бўлгай». Икки улуғ зот

<sup>1</sup> Хайитметов А. Навоий даҳоси. — Т.: F. Фулом нашриёти, 1970. 145—146-6.

бу тўғрида узок бош қотиришади. Охири Навоий Жомийга: «Агар сизнинг муборак қаламингиз била ислоҳ топса, мужиби мубоҳат ва зебу зийнат бўлур», — дейди. Натижада... Жомий ўзининг унча чиройли бўлмаган хати билан девонни бошидан охиригача тузата бошлайди<sup>1</sup>.

Бу мисолдан аниқ кўринадики, бизнинг бугунги ноширлик ишимиз, айникса, матн устида ишлаш, тахлил ва таҳрир бой тарихга эга экан.

Маълумки, қайсиdir даражада таҳriр қилинмаган асар деярли учрамайди, десак хато бўлмайди. Хар бир шоир, адаб ўз асарини оқقا кўчиргунча (нашрдан чикаргунча) қайта-қайта кўриб чиқади, тузатишлар киритади, ўзгартиради, хуллас, такомиллаштиришга интилади. Бу дегани, ўз асарини ўзи таҳriр килиш, яъни қўллэzmани муаллиф таҳriридан чиқариш демакдир.

Алишер Навоий ҳам ўз асарини маълум вақт ўтгач қайсиdir даражада таҳriр қилгани — ўзгартиргани, қайта ишлагани, айрим сўзларни бошқа сўзлар билан алмаштиргани тарихдан маълум.

Масалан, «Алишер Навоийнинг йигитлик йилларида Сайид Ҳасан Ардашерга ёзган машхур шеърий мактубида шундай байт бор: *Худо еткуурур онча суръат манга, Ки бўлмас битирига фурсат манга*. Бу байтнинг биринчи мисрасидаги «худо еткуурур» ибораси «етар тенгридин» ибораси билан алмаштирилган. Яна бир байтга эътибор берайлик: *Ани дерга бўлса қачон рагбатим, Эрур онча ҳақ лутфидин фурсатим*. Иккинчи мисрадаги «фурсатим» сўзи «куватим» сўзи билан алмаштирилган ва x.к.»<sup>2</sup>.

Хуллас, китобат асрида (босма нашр пайдо бўлгунича) асар таҳriри билан асосан муаллифларнинг ўзи шуғулланган. Айрим холларда бошқа кишининг мухаррирлик қилганлиги ҳам тарихий фактлардан маълум. Масалан, Алишер Навоий «Хазойин ул-маоний»нинг «Дебоча»сида ёзишича, мазкур девонни тузишда Ҳусайн Бойқаро мухаррирлик қилганлигини эслатиб ўтади.

<sup>1</sup> Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. — Т.: F. Фулом нашриёти, 1970. 148–149-6.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 153–154-6.

Китобат иши китоб нашр этиш пайдо бўлгунича кўп асрлар давом этади. Кўлёзма – хаттотлар кўчирган китоблар ижтимоий онгни ифода этувчи восита сифатида фоялар ва билимлар ривожига ўз таъсирини ўтказади, бирок, унинг тарқалиш доираси жуда тор бўлган.

И. Гуттенбергнинг ихтироси (XV а. ўрталари), яъни китоб босиш дастгоҳини яратиш (европача усулда китоб босиш) китобчилик тарихида янги даврни очди. XVII асрга келиб китоб нашр этиш иши тез ривож топа бошлади. У энди дунёнинг Европадан бошқа жойларига ҳам тарқалади.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб Марказий Осиёда китоб нашр этиши тарихида янги давр бошланади. Китоблар тошбосмада кўп нусхада тайёрланади. 1874 йилда Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II саройида тошбосма ташкил этилади. 1876 йилда биринчи китоб – Абдуносир Фароҳийнинг «Нисоб ус-сибён» асари босмадан чиқади. 1888 йилда Алишер Навоийнинг «Ҳамса» асаридан «Ҳайрат ул-аброр» нашр этилади. XX аср бошларига келиб Туркистон заминида 70 дан ортиқ босмахона ва тошбосмахона ишлагани хақида манбаларда маълумот учрайди.

XX асрнинг иккинчи ўн йиллиги арафасида китоб нашри билан Туркистон Давлат нашриёти (Туркдавнашр) шуғулланади. 1920–1924 йиллар мобайнида жами 1184 номда китоб ва рисола нашрдан чиқарилади. 1925 йилда Туркдавнашр қайта ташкил қилиниб, Ўзбекистон Давлат нашриёти (Ўздавнашр) тузилади. Нашриёт ўзбек, рус, қозоқ, тоҷик, қирғиз, туркман, озар ва уйғур тилларида адабиётлар нашр этади. Нашр маҳсулотлари ҳалқ хўжалигининг барча соҳалари учун мўлжалланган бўлиб, улар орасида ижтимоий-иктисодий, қишлоқ хўжалиги, тибиётга оид, шунингдек сиёсий, сиёсий-оммабоп, илмий, илмий-оммабоп адабиётлар бор эди. Бадиий, айниқса, болаларга мўлжалланган асарларга ҳам катта эътибор қаратилади. Адабиётлар чоп этиш жараёнида таҳrir алоҳида ўрин тутади. Бу даврга келиб таҳrir билан мутахассис ходимлар – муҳаррирлар шуғулланади. Корректорлик соҳаси ҳам ривож топади. Муҳаррирлик ишида адабиёт турлари, бошқа нашрлар табиатига кўра ихтисослашув юз беради. Бунга, айниқса, ягона бўлган Ўздавнашр турли таҳририятлари

негизида янги-янги нашриётларнинг ташкил этилиши ҳам сабаб бўлади. Масалан, ўқув адабиётлари таҳририяти негизида Ўқув педагогика нашриёти, қишлоқ хўжалик адабиётлари таҳририяти негизида Қишлоқ хўжалик адабиётлари Давлат нашриёти, шунингдек, Медицина, Болалар ва ўсмирлар адабиёти нашриётлари ташкил топади. 1939 йилда Бадиий адабиёт нашриёти очилади. Шундай қилиб, XX аср 1940-йили арафасида Ўзбекистонда 11 та нашриёт фаолият юритади.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари 1930-йилларда ташкил этилган ихтисослаштирилган нашриётлар тугатилиб, учта йирик нашриёт ташкил этилади (1942 й.). Булар – Ўздавнашр, Коракалпок давнашр ва Ўзбекистон Фанлар академияси нашриётлари эди.

Урушдан кейинги, айниқса эллигинчи йиллар ноширлик ишида жадал ўсиш юз берди. 1958 йилга келиб Ўзбекистонда нашриётлар сони 7 тага етади. 1970 йилдан бошлаб Ўзбекистон «Билим» жамияти орқали умумий ҳажми икки босма табоқли илмий-оммабоп рисолалар нашри йўлга қўйилади. Ўзбекистонда ноширлик иши тараққий топади.

Йигирманчи асрнинг 80-йилларидағи қайта куриш деб аталмиш ўзгаришлар ноширлик ишига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Нашриётларда янги бўлимлар, кутубхоналар, туркум нашрлар ташкил этила бошлади. Сиёсий адабиётлар, сиёсий плакатлар чиқариш қисқарди. Миллий-маданий, тарихий қадриятларни тиклаш, миллий ўзликни англашга ва шу билан бирга иқтисодга оид адабиётлар нашр этиш анча кўпайди, маънавий-маърифий ҳамда таълимий, энциклопедик адабиётлар нашри анча жонланди.

1989 йилда ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши ноширлик иши, айниқса таҳrir соҳасида туб ўзгаришларни юзага келтирди. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистоннинг Мустақиллигини эълон қилганлиги бутун миллатнинг истиқлол йўлидаги харакатларининг чўққиси бўлади. Ўзбекистон тарихида янги давр бошланди.

Ноширлик фаолияти доираси кенгайди, таҳrir ишида янги-янги жабҳалар очилди. Адабий тил, унинг услублари



эркин ривожланиш имконига эга бўлди, матн таҳрири билан шуғулланувчилар сафи кенгайди. Босма маҳсулотларнинг қарийб 90 фоизи ўзбек тилида чиқадиган бўлди.

Мустақиллик йилларида республиканинг мустакил ички ва ташки сиёсатини, ижтимоий-иктисодий соҳадаги фаолиятини, миллий истиқолол мафкурасини, кучли ҳуқуқий давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш, баркамол авлодни тарбиялаш бўйича сиёсатини акс эттирувчи адабиётлар нашр этишга асосий эътибор берилмоқда. Республикамиз Президенти томонидан барча нашрлар, хусусан матбуот ва оммавий ахборот воситалари олдига улкан вазифалар қўйилмоқда ва бу табиий. Зеро, келажаги буюк давлатни барпо этиш, айникса, ноширлар, матбуот ва оммавий ахборот воситалари барча ходимлари, хусусан, таҳрир билан шуғулланувчи мутахассислардан улкан масъулият талаб этади.

Мустакил юртимизда китобнинг жамият ҳайтидаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Китоб мафкура ва сиёсатнинг, фан ва санъатнинг, таълим ва тарбиянинг кучли қуроли бўлиб қолди. У ҳалқимизга улкан мъянавий бойлигимизни тортиқ этади, уни миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, кўз қорачигидай асрар руҳида тарбиялайди, миллий ахлоқ-одоб, умуман, миллий менталитетга садоқатли бўлишга ўргатади.

Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ Юортбошимиз ноширлик иши, матбуот ва оммавий ахборотнинг бошқа воситаларини тубдан ислоҳ этилишига алоҳида эътибор қаратмоқда. Президентимиз ғамхўрлиги туфайли мамлакатимизда китобчилик, матбуот барқарор ривожланиш йўлига ўтиб олди. Ноширлик иши соҳасидаги фаолиятни янада самарали, тезкор ва юкори сифатли бўлиши учун нашриётматбаа ижодий уйлари ташкил этилди.

Китоб нашри жараёнда муайян асар таҳрири билан шуғулланувчи – китоб мухаррири нашриётнинг энг муҳим ходими ҳисобланади. У қўлёzmани китобга айлантиришдек масъулиятили жараённи, хозирги мураккаб техника ва технологияни, китоб нашри иши иқтисодини, босма нашрни бадиий-техник безаш – дизайнни яхши билиши лозим. Факат шундагина у барча таҳририй-ноширлик ишларини

окилона ташкиллаштиришга кўмаклашиши мумкин бўлади. Тахрир ва нашр жараёнларига янги техника, технологияларни жорий эта олади, адабий асар чиқариш муддатини қискартириш, босма маҳсулот таннархини пасайтириб, олинадиган соф фойдани оширишга муваффақ бўлади, умуман ноширлик маданияти даражасини давр талаблари даражасига кўтаришга ёрдам беради.

Лекин буларнинг барчаси муҳаррир учун кўлёзмани малякали таҳрир қилишда камлик қиласди. Таҳрир иши адабий ижодий иш, муҳаррир меҳнати адабий меҳнат. Шунга кўра бу соҳада фаолият юритувчи инсоннинг саводлилиги аъло даражада бўлса, адабий тил меъёрларини яхши билса, адабий тил таракқиётни йўналиши, бойиши омилларидан хабардор бўлса, нихоят тил бойлигидан тўлақонли фойдаланиб, муаллифга самимият билан кўмаклашсагина унинг ижтимоий-маънавий, таълимий-маърифий, иқтисодий, сиёсий ва миллий мақоми, фойдаси юқори бўлади. Нихоят, муҳаррир муаллиф сифатида ҳам ўзини намоён эта олиши лозим, зеро, ўзи ёза оладиган киши адабий меҳнатнинг бутун машаққатини тўлигича идрок эта олади, адабий таҳрир технологиясининг барча жихатлари ҳакида чуқур тушунчага эга бўлади.

## НАШР ЖАРАЁНИДА МУҲАРРИРНИНГ ЎРНИ

Муҳаррирнинг нашр жараёнидаги иштироки, ўрни ва аҳамиятини кўрсатишдан олдин нашр жараёнига тўхталиб ўтамиз. Нашрнинг ўзи нима? Нашр жараёни деганда нимани тушуниш керак? Муҳаррир ким? Муҳаррир ўзи керакми? Бу ва шулар билан боғлиқ бошқа бир катор саволларга ушбу бўлимда жавоб беришга ҳаракат қиласиз.

Нашр жараёни деганда, аввало, босма асарлар чиқариш билан боғлиқ бирин-кетин амалга ошириладиган, ўзаро алоқадор, бири иккинчисининг тадрижий давоми бўлган, маълум қонуниятга бўйсундирилган ишлар мажмуи тушунилади. Демак, мавзули режа тузиш жараённинг бошлиниши бўлса, китоб тарқатиш ва китобга жамоатчиликнинг баҳо бериши яқун хисобланади.

Умуман, нашр жараёнини, хусусан, ҳар бир асарни нашрдан чиқариш жараёнини, шартли тарзда тўрт босқичга ажратиш мумкин.

Биринчи босқич — *тайёргарлик* босқичи бўлиб, бу жараён мавзуни белгилаш ёки мавзули режа тузишдан то муаллифнинг асарни нашриётта топширишигача бўлган ишларни ўз ичига олади.

Муҳаррир мазкур босқичда мавзули режа тузиш ва унинг муҳокамасида қатнашади, муайян мавзулар бўйича муаллифлар билан музокара олиб боради, нашр этилажак китоб режаси устида ишлайди, муаллиф илтимосига кўра ишнинг тайёр қисмларини кўздан кечириб чиқади, муаллифга у дуч келган муаммолар ва қийинчиликларни ҳал этишда кўмаклашади.

Иккинчи босқич — *таҳрирдан чиқариш*. Бу босқич муаллиф қўллөзмани нашриётга топширишидан бошлаб, то

қўлёzmани теришга топширишгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда қўлёzmани нашрга тавсия этиш масаласи ҳал этилади, ички ва ташки тақриздан ўтказилганлиги аниқланади, нашриёт ички тақризи (айрим ҳолларда мухаррир хулосаси) тайёрланади.

Бу вакт мобайнода мухаррир қўлёzmани таҳрирдан чиқаради. Таҳрир жараёнида амалга оширилган тузатишлар киритилади. Таҳрирдан чикқан нусха мусахҳихлар томонидан ўқилади, учраган имловий ва тиниш белгилар бўйича хатолар тузатилади.

Нихоят, қўлёzmани нашрга тайёрлаш ишлари (графика, техник мухаррирлик, бадиј мухаррирлик ва ҳ.к.) бажарилади.

Учинчи босқич – *ишлаб чиқариш* босқичи. Бу босқичда, асосан, ишлаб чиқариш билан боғлиқ ишлар амалга оширилади. Аввало, қўлёzmанинг корректура (гранка)си тайёрланади. Корректуранинг ҳам мусахҳихлик, ҳам мухаррирлик ўқуви амалга оширилади. Босмахона ишлари бажарилади. Барча ишлар мухаррирнинг кузатуви, қатъий назорати остида амалга оширилади. Чунки мухаррир нашрдан чиқарилаётган асар учун бош жавобгар – масъул ходимдир.

Тўртинчи босқич – *якуний* босқич. Бу босқич тайёр маҳсулотни қабул қилиш, тарқатиш, реклама ва аудитория баҳо чиқариши жараёнларини ўз ичига олади.

Мазкур бўлимда нашр жараёни ва унинг асосий босқичларида мухаррирнинг иштироқи, ўрни ва аҳамиятига тўхталамиз. Лекин, асосий максадни баён этишдан олдин нашриётлар ва бошқа нашр муассасалари ҳақида умумий маълумот бериб ўтиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, мамлакатда барча соҳаларда бўлгани сингари нашриётлар, таҳририятлар соҳасида ҳам чукур, ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатдан кучли ислоҳотлар амалга оширила бошлади ва бугунги кунда ҳам бу жараён давом этмоқда.

Эндиликда собиқ тузум давридаги нашриётлар, таҳририятлар, уларнинг моддий-техникавий таъминоти, нашр технологияси ўртасида ер билан осмонча фарқ мавжуд.

Бугунга келиб барча нашриётлар, таҳририятлар, китоб савдосига Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги уму-

мий раҳбарликни амалга оширади. Мазкур ташкилот барча давлат тасарруфидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари, матбуот ва бошқа муассасаларнинг ишини ташкил этиш, нашр режаларини ўйғуллаштириш ишларига бевосита бошчилик килади.

Нашриёт-матбаа ижодий уйлари қайсиdir даражада ихтинослашган дейиш мумкин. Масалан, «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи асосан ижтимоий-сиёсий адабиётлар чиқаришга, «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари, мактаблар учун ўқув адабиётлари чиқаришга, Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти энциклопедик асарлар, луғатлар, маълумотнома асарлар чиқаришга, Fafur Гулом ва Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари бадиий асарлар нашри билан шуғулланади.

Ноширлик ва матбаа иши амалда бирлаштирилган, яхлит тизимни ташкил этади. Бундай тизим нашрларни истеъмолчиларга етказишини қисқа муддатларда амалга ошириш имконини беради.

Ноширлик ишида етакчи касб **муҳаррирлик** саналади. Муҳаррир муаллифнинг биринчи ёрдамчиси, асарни биринчи бўлиб ўқувчи, тақризчи, танқидчи. Муҳаррир асарнинг нашр йўлини белгилайди, нашрни йўналтиради, кўп жиҳатдан унинг тақдирини хал этади. Нашр жараёнида иштирок этувчи бошқа бўлинмаларнинг мутахассислари — техник муҳаррир, мусаҳҳих, бадиий муҳаррир, бугунги кундаги дизайнер — қайсиdir даражада унинг мўлжаллаганларини амалга оширадилар.

Нашрдан чиққан асар foявий-сиёсий, илмий, маърифий мазмунига кўра аудиторияни тўлиқ қаноатлантиришида муҳаррир масъулияти юксакдир, бу борадаги барча масъулият унинг зиммасига тушади. Ўз фаолияти мобайнида муҳаррир миллий мафкура тамойилларига амал қилиши лозим, адабий асар турларидан қай бирининг нашри учун масъул бўлса, шу асар умумхалқ манфаатларини акс этириши, миллий мустақиллик foялари, кучли қонунчилик давлатидан фуқаролик жамиятига ўтиш тамойиллари, давлат юритаётган оқилона халқпарвар сиёсатга мувофиқ бўлишлигини таъминлаши талаб этилади.

Нашр маҳсулотларининг сифатли бўлиши учун тинмай курашиш, хар бир асар (китоб, брошюра ва б.) мазмун моҳияти, мақсади, қайси аудиторияга мўлжалланганлигига кўра ўз вазифасини тўла-тўқис бажара оладиган бўлиши лозим.

Нашриётлар ва таҳририятлардаги асосий мутахассис, бу — муҳаррир. Барча жанрлардаги асар дунё юзини кўришида нимаики қилиш лозим бўлса, ҳаммасида муҳаррирнинг иштироки бўлади.

Айтайлик, асар нашрдан чиқди. Бу, муҳаррирнинг иши тугади, дегани эмас. Ҳозирги замон ноширлиги муҳаррирнинг вазифаси доирасини сезиларли кенгайтиришни тақозо этади. У китоб дўконларида, кутубхоналарда бўлиши, ноширлик ишига алокадор анжуманларда фаол иштирок этиши, китоб савдоси бўйича тадбирларда, кўргазмаларда қатнашиши, китобхонларнинг китобларга берган баҳолари, фикрларини ўрганиши, хуллас, бир сўз билан айтганда, *маркетинг* билан ҳам шуғулланиши керак. Булардан ташқари, муҳаррир китобшунослиқдан ҳам яхши хабардор бўлиши талаб этилади. Бу унга навбатдаги китобни нашрга тайёрлашда аскатади. Зоро, кейинги китоб олдингисидан, албатта қайсиdir жихатлари билан яхши бўлиши лозим. Бунинг учун мунтазам, хар куни, бутун фаолият давомида изла-ниш, ўрганиш ва тадқик этиш керак бўлади.

Муҳаррирнинг қизиқарли, мазмунга бой, камдан-кам учрайдиган серкирра фаолияти, бошқа ҳар қандай фаолијатдан фарқли ўлароқ, ҳамиша сиёсий жараёндан, фан ва техника, маданиятнинг энг янги ютуқларидан ўз вақтида хабардор бўлишни, мунтазам равишда жамоатчилик фикрини ўрганишни, ноширлик соҳасидаги илфор тажриба ва технологиялар билан танишиб боришни, ўзида соҳавий инновацион усулларни амалга татбиқ эта билиш малакасини хосил қилишни долзарб масала қилиб қўяди.

Кўлёзманинг биринчи ўқувчиси сифатида муҳаррир муаллифга ўз асарини чуқурроқ идрок этиш, четдан кўриш, тўлароқ хис этишда кўмакдош бўлади.

Ҳар бир муаллиф, агар у том маънода ижодкор бўлса, ўз асари учун *бегона* кўз қанчалар керакли эканини яхши англайди ва қабул қиласи. Муаллиф учун муҳаррир шундай

ўқувчики, у бошқалардан кўра тийрак ва зийраклик билан асарни ўқииди. Китобхон учун эса муҳаррир — унинг вакили, унинг манфаатларини кўзловчи. Матнни ўқиганда, асар аудитория томонидан қандай қабул қилинади, баҳоланади, шуларни олдиндан сезади.

Бугунга келиб таҳрир ишига мураккаб техника жадал татбиқ этилмоқда. Ўқидиган қурилмалар, дисплейлар, шахсий компьютерлар, ноширик тизимининг қурилмалари, ўлчами турлича бўлган экранлар, унга бир йўла киритиладиган рақамлар, белгилардан матнни тузатишдаги барча юмушларни бажаришда фойдаланиш имкони мавжуд. Техника ёрдамида белгиларни алмаштириш, қўшимча қисм киритиш, сатрларни суриш, бир жойдан бошқа жойга ўтказиш, хатбошини тиклаш, олиб ташлаш ва х.к. ларни амалга ошириш мумкин.

Нашр жараёнига янги техникани жорий этиш матн ташки кўриниши — шаклини андозавийлаштиришга олиб келади, муҳаррирнинг уни қайта-қайта кўлга олишдан озод қиласди. Тўғридан-тўғри «оқ»ка ўтишни талаб этади. Компьютерда ишлаш матн яратиш ишидаги техникавий жараённи осонлаштирибина қолмайди, балки у муҳаррирнинг фикрлашини уйғунлаштиради, касбий малакани такомиллаштиришга ёрдам беради. Бироқ муҳаррир нашр жараёнига татбиқ этилган техникавий воситалар имконияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши лозим. Шуни яхши билиш керакки, техника муҳаррирнинг ишини осонлаштиради, лекин, зинҳор, унинг ўрнини боса олмайди, чунки у ижодий вазифаларни бажаришга қодир эмас.

Табиийки, муҳаррир матн устида ишлашнинг бутун мобайнида, ниҳоятда фаол, хушёр, диққат-эътиборини бир ерга жамлаган бўлиши керак. У матнни қандай идрок этишлигини назорат қила олиши, муаллиф мулоҳазасидаги ўзига хосликни баҳолай билиши керак. Бу муҳаррирга ўзи тутадиган йўл (стратегия)ни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади, айниска, тузатиш жараёнида.

Тажрибали муҳаррирлар таҳрир ишининг энг қийин жойи матнни ўзгартиришни амалга ошириш, деб хисоблайдилар. Чунки, у матнда ёт унсурдек бўлиб қолмаслиги ке-

рак. Киритилган матннинг бегоналиги сезилмаслиги, муаллиф матнининг узвлари бўлиб қолиши керак.

Мухаррирнинг хар бир қайди кўлёзма камчилигининг таъкидигина эмас, балки аниқ тавсия вазифасини хам ўташи лозим.

Бу мухаррир қайдлари муаллифга тақдим этилишдагина эмас, балки келгусида ишларни амалга ошириш дастури сифатида хам мухимдир.

Матнни фаол идроклаш, фикрлар аниқлиги мухаррир фаолияти ва хатти-ҳаракатидаги зарурий жиҳатлар хисобланади.

## МАТН ТАҲЛИЛИ ВА ТАҲРИРИ

Матн нима? У қандай тузилади, мақсади, вазифаси ва бошқалар хусусида сўз юритишдан олдин асар юзага келиши нимадан бошланиши хусусида тўхтаб ўтамиз.

Бирон бир матннинг муаллифи аввало асарнинг шакли хусусида ўйлайди. Демак, асар шакли устида ишлаш матн ҳали қоғозга тушишидан анча олдин бошланади. Яратила-жак асар хусусидаги ўйлар шаклланиши хаётий фактларни идроклаш жараёнидаёқ асар жанрининг, баёнининг ўзга жиҳатлари пайдо бўла бошлайди.

Мана, матн — муаллифнинг ёзувда акс этган ўз сўзи ҳам тайёр. Муаллифнинг фикри муайян шаклга солинган, тил воситаларида ифодасини топган ва ёзув белгиларида қайд этилган. Муаллиф учун матн — асар яратиш якуний босқичининг материали бўлиб ҳисобланади. Матн яратиш яратувчиликни, ижодкорликни талаб этиш билан бир қаторда, ҳар бир сўз устида ишлашни, қолаверса ҳисобкитобли ва ҳар кимга ҳам насиб бўлавермайдиган меҳнат тури саналади.

Муҳаррирнинг фаолияти муаллифнинг матни устида но-ширлик ишларини бажаришнинг асосий босқичи бўлиш билан бирга, муҳаррир адабий фаолиятининг асосий қисми ҳисобланади. Лекин шунга қарамай баъзи-баъзида, муҳаррир ўзи, умуман, керакмикан? — деган овозлар эшлитилиб қолади. Бундай фикр эгалари, афтидан, бу ортиқча куч ва маблағ сарфи, кераксиз чиқим, деб ўйласалар керак.

Баъзилар бу саволга, муҳаррир керак эмас, деб жавоб қиласидар. Улар фикрича, гёё кўпчилик муаллифлар муҳаррирга орқа килиб, хом-хатала асарларни ҳам һашр учун топшираверар эмишлар. Муҳаррирнинг бўлиши муаллифларнинг ўз асари устида қунт билан ишламаслигига



олиб келар эмиш. Улар мухаррирга суюниб қолар, асарини чиқарилишинигина ўйладиган бўлиб қолар эмиш.

Ноширлик соҳасида кўп йиллар фаолият кўрсатиб келган ва келаётганлар эса бутунлай бошқача фикрда бўлади.

Ўз тажрибаларига таяниб, бундай мутахассис ходимлар, айниқса, малакали мухаррирлар, «йўқ, тайёргарлиги мукаммал бўлмаган маҳсус адабий ёки ихтисосий ёрдамга муҳтоҷ шахсларнинг муаллиф бўладиган даври аллақачон ўтиб кетди», деб қатъий таъкидлайдилар.

Аммо мантиқан мулоҳаза юритсак, кимдир муаллиф асарининг сифатига баҳо бериши, кўлёзма нашр учун яроқлими-йўқми, аниқлаши керак-ку! Агар шундай бўлмаса, ким ҳар жиҳатдан — тил ва услуб, маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ва мағкуравий жиҳатдан мақбул бўлмаган кўлёзмалар дунё юзини кўрмаслигига кафолат беради? Бу ўринда биз мухаррирни назоратчи (цензор)га тенглаштиrmокчи эмасмиз. Факат мухаррир масъулиятини таъкид этмоқчимиз, холос.

Маълумки, муаллиф матни бўйича мухаррирлик ишларини амалга ошириш адабий фаолиятнинг асосий босқичидир.

«Мухаррирни муаллифнинг ёрдамчиси сифатида кўриш» айрим тадқиқотчиларнинг ишларида кўриниб қолади. Лекин мухаррир муаллифнинг ёрдамчиси дейиш, бизнингча, жуда ҳам тўғри эмас. Бунда гап сўз маъно ифодасида эмас, балки фаолият тўғрисида боради. Агар мухаррир ёрдамчи вазифасини бажарувчи бўлса, унда унинг фаолияти кўлёзмани нашрга топширган кундан тўхтаган бўлур эди. Ваҳоланки, мухаррирлик вазифасига кенг таъриф (айниқса, вақтли матбуотда) берилётган бугунги кунда ҳам муаллиф асарининг матнини таҳлил қилиш, баҳолаш ҳамда тузатиш унинг асосий мажбурияти бўлиб қолмоқда. Бу мажбуриятни уddyалаш учун мухаррир матн ҳакидаги билимларини — матн назариясини, матн таҳлили ва таҳрирининг илмий асосларини пухта ўзлаштирган бўлиши талаб этилади<sup>1</sup>.

Аввало шуни айтиш жоизки, матн сўзи ҳам ўзига яраша кўп маъноли. Филологик таълимда унинг маъноси уч хил изоҳланади. Биринчи изоҳ анча умумий: матн нутқ жара-

<sup>1</sup> Накорякова К.М. Литературное редактирование. — Москва: изд. ИКАР, 2002. 13-6.



ёнининг онгли суръатда ташкил этилган натижаси, муайян мазмунни ифода этиш учун муайян шаклга киритилган фикр. Иккинчи таърифда матн лингвистика объекти, кўп ҳолларда жумла доирасида чекланади, дейилган. Учинчиси эса, қиска ҳамда лўнда: матн — нуткий асар.

Муҳаррирлик нуқтаи назаридан матн деганда, ҳамма адабий асар доираси билан чекланган маъно ифодаси тушунилган. Бу матн аниқ ва тугалланган ҳисобланади. Тахрир назарияси ҳали-ҳануз матн тушунчасини очик-ойдин, аниқ таърифини берганича йўқ. Матн атамаси тор маънода қўлланилади, унга «муаллиф қўллэзмаси» ёки «асл нусха матни» маъно ифодаси берилади. Тахрир жараёнининг ўзига хос жиҳатларига асосланиб, муҳаррирлик ишлови амалга ошириладиган, нашр этиш учун муаллиф томонидан топширилган ҳар қандай китоб ёки мақола қўллэзмасини матн деб атаганлар. Шунингдек, муҳаррир ишлаши лозим бўлган тайёр қўллэzmанинг бир қисми, ҳатто бир ибора ёхуд бир абзац ҳам матн дейилган. Бундай таърифлар матн аталмиш ҳодисани тўлиқ ифодаси бўла олмаган ва бўлишиликка даъво ҳам қилмайди, шунга кўра илмий ёндашув учун асос бўла олмайди.

Тахрир матн назарияси илгари сурадиган вазифаларни ҳал этишдан бевосита манфаатдордир. Назарий жиҳатдан ҳал этилиши лозим бўлган энг муҳим вазифалар, айтиши мумкинки, қуйидагилардир: матннинг яратилиш, идрок этиш ва тушуниш жараённада мазмуний томонини тадқик этиш; матний алоқа бирлиги сифатида матнни кўздан ке-чириш; матннинг ахборийлиги масалаларини ўрганиш, матн ўзида ташийдиган маълумот (ахборот)ни тизимлаштириш ва тизимдан чиқариш.

Назарий жиҳатдан матннинг асосий тавсифи кўрсатиб ўтилган бўлиб, муҳаррир учун қуйидаги матн жиҳатлари биринчи даражали аҳамиятга эгадир: яхлитлик, боғлиқлик, муайян белгиларда қайд этилганлик, ахборийлик. Албатта, бу жиҳатлар муҳаррир учун фақат назарий жиҳатдан эмас, балки амалда ҳам муҳимдир.

**Матн яхлитлиги.** Ҳар бир асар, у хоҳ адабий бўлсин, хоҳ публицистик бўлсин, яхлит бир бутунликда бўлиши лозим. Яхлитлик матнни бошдан то охиригача гўё боғлаб

турувчи ип бўлиб ҳисобланади. Шаклдан бошлаб мазмунигача мазкур ипни аниклаш мухаррирнинг биринчи ва асосий вазифаси ҳисобланади. Мухаррир матн яхлитлигиги баҳолашда икки нарсага асосий эътиборини қаратиши лозим. Биринчиси, матнни узвий боғлик бир бутун, деб таҳлил қилиш, иккинчиси, уни ташкил этувчи унсурлар тўлақонлилиги ва аниқлигини белгилаш. Матннинг яхлитлигига фикрлар уйғуналиги ҳамда матн тузилишининг аниқлигига кўра эришиш мумкин. Булардан ташкари материални тўлалигича идрок этиш, фикр мантиқий ривожланишининг тушунарлилиги, шунингдек, матннинг услубий бир бутунлиги ҳам матн яхлитлигини таъминлайди. Матн таркибий қисмларини таҳлил қилишда мухаррирдан, аввалио, таҳлил объективини билиш учун чуқур ва ҳар томонлама билимга, адабий тил, адабий тил услубиятидан юксак иқтидорга эга бўлиш талаб этилади.

Тахририй тузатиш жараёнида, матн яхлитлиги бир нутқий қисмдан иккинчисига ўтишда мазмуний жиҳатдан айнийлик сақланишини тақозо этади. Матнни бошидан то охиригача диққат билан ўқиб чиқмасдан, дарҳол тузатишга киришиб кетиш салбий оқибатларга олиб келиши таҳрир амалиёти томонидан исботланган. Шунга кўра матнни тузатишга киришишдан олдин, унинг камчиликларини тўлигича белгилаш, мазмунини аниклаш лозим. Хабарни бир марта ўқийсан. Агар уни ёзилишига кўра битта ўқигандан тушунмасанг ва уни қайта ўқишига тўғри келса, демак у муваффакиятсиз чиқкан. Масалан, қўйидаги **«Маҳаллий хом ашё асосида»** сарлавҳали материалдан парчани айнан келтирамиз.

Шаҳримиздаги «Ташинвестпласт» масъулияти чекланган жамият мустақиллик йилларида ташкил топган бўлиб, ҳозирда корхона цехларида маҳаллий хом ашё асосида турли хил маҳсулотлар ишилаб чиқарилмоқда. Корхонада бугунги кунга келиб маҳсулотлар турлари икки юз хилдан ортиб кетди. Улар буюртмалар асосида тайёрланмоқда.

Корхона цехларида Италиядан келтирилган ротацион қолип машинаси ўрнатилган бўлиб, ушбу дастгоҳ ёрдамида буюртмалар тўла-тўйкис бажарилмоқда. Корхона

асосан ўз фаолиятини пластмасса контейнерлар ишлаб чиқарышдан бошлаган бўлиб, бундан кўзланган асосий мақсад пойтахтимиз санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ишларига муҳим ҳисса қўшишидир. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, корхона маҳсулотлари «Шўртнангаз» кимё мажмуасидан келтирилган хом ашёдан тайёрланиб, шу боис ҳам улар бирмунча арzonдир. Шунингдек, бугунги кун талабига жавоб берадиган чиқинди қутилари нафақат кўриниши, балки сифати, санитария қоидаларига мослиги, енгиллиги билан ажralиб туради... («Тошкент оқшоми», 2010 йил 6 январь).

Хўш, энди айтингчи, гап нима ҳақда боряпти? Сарлавҳадан маълум бўлишича, маҳаллий хомашёдан маҳсулот ишлаб чиқариляпти, биринчидан, Ташинвестпласт МЧЖ мустақиллик йилларида ташкил топган, иккинчидан, маҳсулот тури 200 хилдан ортиб кетган, учинчидан, Италиядан ротацион қолип машина келтириб ўрнатилган, тўртинчидан, дастгоҳ ёрдамида буюртмалар тўла-тўйкис бажарилмоқда, бешинчидан, корхона маҳсулотлари «Шўртнангаз»...дан келтирилган хомашёдан тайёрланиб, шу боис ҳам улар бирмунча арzon, олтинчидан, ... чиқинди қутилари... сифати, санитария қоидаларига мослиги билан ажralиб туради. Ўкувчи мавхум кўрсаткичлар – турли хил маҳсулотлар, маҳсулот турлари 200 хилдан ортиб кетди, пластмасса контейнерлар, ротацион қолип машина, дастгоҳ ёрдамида буюртмалар бажарилмоқда кабилардан бирон-бир нима тушуниши мушкул.

Факат матн умумий тавсифидан сўнг ва ана шу тавсифга кўра, шарҳда тил ва услугга хос камчиликлар таҳлили берилади, грамматик хатолар аниқланади. Бундай тартибда таҳлил килиш матнга мухаррирлик нуктаи назаридан ёндашишнинг ўзига хос жиҳатини акс эттиради.

Аслида матннинг бундай таҳлил этишлик таҳrir усуллари таркибиға киради.

**Матн уйғунлиги** унинг яхлитлиги гаровидир. Матнга бағишлиланган илмий асарларда у тўқимага ўхшатилади, айрим адабиётларда эса матн – муаллифнинг ўз сўзи, деб таърифланади. Яна бир бошқа манбада ёзилган ёки босилган мақола, ичидаги чизма, тасвир, изоҳ, эслатма ва



бошқалар бундан истисно, деб кўрсатилади. Матнни тушуниш учун бир-биридан ажратилган ибораларнинг маъносини аниқлаш кифоя қилмайди. Чунки ҳар бир кейинги ибора аввалгисининг маъносини ҳам ўз ичига олган бўлади. Шунинг учун, ҳар қандай тўқима матонинг биргина ипини узиш билан унга путур етказгандек, матн тўқимасига ҳам эҳтиётсиз бир ҳаракат билан заарар етказиш мумкинлигини муҳаррир доимо ёдида тутиши лозим.

Матнни баҳолаш, унга жуда арзимаган даражада бўлсин ўзгартиш киритиш чуқур таҳлилдан сўнг амалга оширилиши мақбул бўлади. Чунки, бундай ўзгартишда ҳам талқин, ҳам ички боғлиқликлар (шакл ва мазмун уйғунлиги) эътиборга олинган, ҳар бир жумладаги фикр аниқланган бўлади.

Мулоқот (коммуникация) тизимидан ташқарида матн узук-юлук бўлади. Унинг мазмунида, таъбир жоиз бўлса, турли ҳажмда мазмуний «ўпқон»лар учрайди. Ўқувчи матнни идрок этиш жараёнида бундай «ўпқон»ларни тўлдириб бориши керак. Демак, матнни тўғри ва тўлиқ тушуниш учун керакли бўлган билимларга эга бўлиш ёхуд олдинги баён навбатдаги мазмуний «ўпқон»ни тўлдиришга қўмаклашиши лозим бўлади. Агар мазкур шартлар бажарилмаса, муаллиф билан ўқувчи ўртасида тушунмовчилик юзага келади, тушунча хосил бўлмайди. Тахрир жараёнида бу жиҳатни эътиборда тутиш қанчалик муҳимлиги шундок ҳам тушунарли.

Тажрибадан маълумки, матннинг бир-биридан анча нарида жойлашган унсурлари ўртасидаги боғлиқликни, хотира-нинг лаҳзада ўзгаришини ҳисобга олсак, яъни бир мулоҳаза хотирада қисқа муддат сақланиши, ўрнини бошқа мулоҳаза олиши туфайли улар хотирада қисқа муддат сақланади. Шунга кўра бир-биридан нарида жойлашган унсурларнинг бир хил эмаслиги ёки мантиқан зид эмаслигини «тутиб» қолиш муҳаррirdан чуқур малака, кўникма ва тажриба талаб этади. Матн кисмлари (парчалари) ўртасидаги мавжуд боғлиқлик муҳаррир хотирасида бирдек сақланиши лозим.

Матн таҳлили ёки таҳрири пайтида бирор сўз қўшимча аниқлаштиришга муҳтоҷ бўлса, дарҳол шундай аниқлик киритиш керак ва мазкур сўз бошқа — икки хил маъ-

но ифодаси бериши мүмкінлиги ҳақида огохлантириш мақсадға мувофиқдір.

Матн унсурлариаро боғлиқлик (жипслик)ни таъминловчы воситалар түрли, фақат нисбатан кам ҳолларда грамматик воситалар шундай вазифаны бажаради.

Расмий ҳужжатлар, илмий асарлар матнларида биринчи ўринде мантикий уйғунлик (боғлиқлик) туралы ва бу аник сезилади. Бадиий, шунингдек публицистик, айниңса бадиий-публицистик асарларда матн унсурлариаро боғлиқликни образлар тизими таъминлайды, күпинча бу фикран боғланади.

Газета саҳиғасидаги қысқача хабарда бош тамойил кам сўздан фойдаланиб, кўп маълумот етказиш ҳисобланади. Ҳар бир жумлагага мустакил хабар етказувчи сифатида қараш мүмкин. Жумлалараро боғлиқлик эса жойлашиш тартибига кўра мантикий кетма-кетлик асосида юзага чиқади.

Ахборий материалларда матн унсурлари ўртасидаги боғлиқликнинг тамойилларидан бири такрордир. Бу ҳам ўқувчига мазмунни назардан қочирмаслигига имкон беради. Бундай такрорлар услугий ортиқчаликнинг намоён бўлиши деб ҳисобланилмайди, агар етакчи, асосий маънони ифода этувчи сўз такрор келса. Бундай сўзларнинг такрорланишини қайтариқ ёки тавтология санаб, уни синоними билан алмаштириш фикрнинг аниқлиги, аник ифода йўқолишига, терминнинг маъносига путур етказишга сабаб бўлади. Масалан, газетадаги хабарда «... *Италиядан келтирилган ротацион қолип машинаси...*» ўрнатилгани айтилади. Кейинги жумлада эса «*ротацион қолип машина*» гўё синоними «дастгоҳ» билан алмаштирилади<sup>1</sup>. Биринчи гапдаги термин айни бир нарса маъно ифодасини берса, иккинчи ўриндаги синоними умумий тушунчани ифода этади, нима эканлиги ҳам номаълумдир. Шунинг учун бу парчада такрор тамоилии ўринли ҳисобланади.

Мазмуний узилишни бартараф этишда айтиш мүмкинки, ўқувчи билан муаллиф ижодий ҳамкорлиги юзага келаади. Бу, айниңса, адабий асарни англаш жараёнида мухим ахамиятга эга бўлади. Бирор асарни яратганда барчасини мұхайё этиш, ҳаммасини икир-чикиригача баён қилиш

<sup>1</sup> Карап: Илесова Ш. Махаллий хом ашё асосида // Тошкент оқшоми, 2010 й. 6 январь. 1-6.

ўқувчи учун зерикарлидир. Агар бирор чизги ёки бириң-кетин чизгилар, қандайдир нозик ишора, нимагадир қилинган шаъма, шубҳа йўқки, ўқувчи уни тушунади ёки ўзи ўйлаб топади. Шунинг учун муаллиф хаёлот уммонини буткул ўзи қамраб олмаслиги, ўқувчига ҳам бу уммонда эркин сузиши учун кенгликлар қолдириши керак.

Тахрир вақтида матнни бошқача — нотўғри талқин этилишининг олдини олиш учун интилиб, уни ҳаддан ташқари сиқиб сувини чиқариш — қуритиб юбориш ҳам уни ўқувчи учун қизиқарсиз қилиб қўйиши мумкин. Бироқ, муҳаррир учун бошқа яна бир хавф мавжуд. У ҳам бўлса, матнда ўқувчи тўлдира олмайдиган даражада мазмуний узилиш қолдиришдир.

Газетада босилган материалдан олинган қуйидаги парчани дикқат билан ўқиб чиқамиз.

*2009 йил таҳлили якунлари на Афғонистон, на Покистон ва на Америка алоҳида ҳолда диний экстремизм, фундаментализм ва халқаро террорчиликка қарши муносаб тарзда **кураша олишини** ҳам исботлаганини таъкидлаш жоиз. Қолаверса, ўтган йил АҚШ ва унинг имтифоқчилари учун афғон можаросидаги энг иширик талофотлар даври бўлди, десак, хато бўлмайди.*

Юқорида келтирилган матнда мазмуний узилиш мавжуд ва бу узилишни ўқувчи тўлдириш (тўғрилаш)га қийналади. Курсивда ҳамда кора рангда берилган сатрни дикқат билан ўқисак, мазмуний узилиш *олишини ҳам исботлаганини* конструкцияси билан юқоридаги қисм ўртасида юз берганини пайқаймиз. Ўқувчи бу узилишни қандай тўлдиради: *кураша олишини ҳам исботлаганини тарзидами?* ёки *кураша олишини ҳам исботлай олмаганини тарзидами?* («XXI аср», 2010 йил 14 январь. 7-б.).

Айтиш мумкинки, бундай камчилик матн қисқалигига эришишга интилиш туфайли юз бергандир. Тўғри, қисқа ҳажмда кўп мазмун юклаш газеталар учун хос. Лекин, бундай муваффакиятсизликни ҳеч бир сабаб билан оқлаб бўлмаслигини муҳаррир ҳамиша ёдда тутиши керак.

Матнни ёзувда қайд этиш (акс эттириш) ёзма нутқнинг муҳим сифатларидан ҳисобланади, унга оғзаки нутқа нисбатан муайян афзаллик бахш этади. Нутқнинг мазкур икки



шакли — оғзаки ҳам ёзма — тингловчи, ўқувчининг матн мазмунини тушунишлигини осонлаштирувчи турли воситалари мавжуд.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳеч ким ҳеч қачон айтганидек ёза олмайди ва ҳеч қачон ёзганидек айта олмайди. Оғзаки нутқни тинглаб, мазмунини илғаш макон ва замонда чегараланган. Нутқ муайян вақтдагина тингловчи учун мавжуд бўлади. Айтилган фикрга қайтиш учун у албатта қайтарилиши (такрорланиши) лозим. Ёзма нутқ (матн)ни биз бир четга қўйиб қўйишимиш, мулохаза юритишимиз ва унга яна қайтишимиз мумкин.

Ёзма нутқнинг тузилиши анча мураккаб. Унда турли белгилардан иборат унсурлар бўлади, масалан, ракамлар, чизмалар, тенгламалар, расмлар ва бошқалар. Ёзма нутқ аталганидан мустақил ва таҳлилий фикрлашни талаб этади. Ёзма нутқда материални жадвал шаклида бериш имкони мавжуд. Ёзма ва босма ҳарфлар матнда фақат грамматик шакл вазифасини бажармайди, балки сўз маъносидаги эмоционал бўёқни ҳам ифода топтиради. Зоро, хар бир сўзнинг генетик ҳамда кўчма маъноси жумла таркибида аёнлашади.

Хат боши (абзац) даги сатр сурилган жой матн архитектоникасининг график кўринишинигина эмас, кўп ҳолларда ёзилганинг алоҳида маъно ифодаси мавжудлигини ҳам англатади. Публицистлар хат бошининг бу хусусиятидан кенг фойдаланиб, матннинг график шаклига эътиборни жалб этадилар. Масалан:

*Сиз ул мўѣтабар зотнинг ким эканлигини билишни истайсизми? Бу табаррук исм:*

*Низомиддин Мир Алишер Навоий, шеърият мулкининг сultononi.*

Матнни яратишнинг график усуллари билан муаллиф изоҳи ёки шарҳини мутаносиблаш фикрга урғу беришнинг таъсирчан усули ҳисобланади.

Фикрга ёки бирор сўз маъносига урғу беришнинг таъсирчан воситаларидан бири график усул билан муаллиф изоҳини ўйғуллаштириш ҳисобланади. Масалан,

*«Айни маҳалда шуниси ҳам муҳимки, у (мухолифат – изоҳ бизники Н.А.) ташкилий жиҳатдан расмийлашган, тегишили юридик мақомга эга бўлиши, Конституция ва*

қонун нормаларини ҳурмат қилиши, ўз ҳаракатлари билан шаклланадиган давлат ва ижтимоий тузумнинг қатъий, барқарор ҳолати учун масъул бўлиши, давлат қурилишининг мүқобил лойиҳаларига эга бўлиши лозим»<sup>1</sup>.

Ўзбек тили имлоси томонидан қабул қилинган тиниш белгилари ҳам нозик маъно ифодасини беради. Булар, айниқса, давлат аҳамиятига молик қонунчилик хужжатларининг матнида яққол намоён бўлади.

Матнни қайд этишнинг турли усуллари мавжуд: қўлда ёзилган, машинкада ёзилган (ўтмишда машинкалар мавжуд эди), компьютерда босилган ва бошқа турли полиграфия усулида терилган, дисплей экранида қайд этилган (матннинг намоён бўлиши). Мухаррир юқоридаги усуллар ҳар бирининг имкониятлари ва ўзига хос жиҳатлари билан яхши таниш бўлиши керак.

Босма матн қўлёзмага хос индивидуал хислатлардан ҳоли бўлади ва қайд этилган матн юқори даражада аниқлик ва ташкиллаштирилганлик хусусиятига эга бўлади. Ҳар бир нашр матни шу нашр турига мувофиқ, шунингдек, газета матни ҳам ўзига хос қулийлик түғдириш мақсадида шакллантирилади. Ҳарф ҳажми (кегли)ни, сатр узунлиги, сатрлараро оралиқ (интервал)ни танлаш ва бошқа шаклга бўйсунадилар.

Матнни қайд этишнинг турли усулларини қўллаб, шунингдек, унинг графикасини белгилаб, мухаррир ҳар бир сон (газета, журнал)нинг аудитория учун мавзуи ва жанрий тузилишини аниқлайди, газета саҳифаси ички шакллари унсурларининг ўзаро боғлиқлиги (алокадорлиги)ни белгилайди. Бунинг барчаси керакли материални осон тошип имконини беради.

Ўзига хос график ечимни излашда шуни ёдда тутиш лозимки, ташки кўриниш жозибаси орқасидан қувиши яхши натижа беравермайди. Ўқувчи эътиборини жалб этиш учун сунъий равишда «сўз ўйинлари» қилиш, одатда ҳар доим ҳам эълон қилинадиган материал мазмунига уйғун кела-вермайди.

<sup>1</sup> Каримов И. Ҳафсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. — Т.: Ўзбекистон, 1998, 6-ж. — 153-б.

2010 йил 14 январдаги «Хаёт» газетасининг 15-бетидаги материал сарлавҳасига эътибор берайлик.

Сарлавҳа: **Совуқ кунларда совуқ мижозлиларга тавсия.**

Мазкур сарлавҳани қандай тушуниш керак?

1. Тавсия совуқ кунларда совуқ мижозлиларга берилади;

2. Совуқ кунларда тавсия совуқ мижозларга берилади;

3. Совуқ мижозлиларга тавсия совуқ кунларда берилади;

4. Совуқ мижозлиларга совуқ кунларда тавсия берилади.

Ҳар қандай шаклга солманг асосий мақсад аёнлашмайди. Максад эса, *совуқ кунларда мижози совуқларга тавсия*. «Совуқ мижозли» бирикмасининг маъно ифодаси эса мижоз (клиент)нинг совуқ эканлигини англатади.

Сарлавҳа, юқорида айтганимиздек, «сўз ўйини»дан, назм усулидан фойдаланиб жарангдор, жозибадор бўлишига эришиш мақсадида тузилган. Лекин мантикий хатога йўл қўйилган. Сарлавҳа билан матн мантикий уйғунилигига пуртур етган. Куйидаги парчага эътибор беринг.

*Қишидаги ноннинг ёзникидан кўра магзи тўқ бўлиши керак. Гўшт ҳам шунга кўра танланади. Сабзавот ва кўкатлардан карам, лавлаги, петрушка, гулкарам, семизўт, сачратқи истеъмол қилиши наф келтиради. Қишида овқатни иссиқ ҳолда (иссиги чида бўлмас даражага етмаслиги керак) истеъмол қилиши лозим.*

Сарлавҳадан совуқ кунлар ҳакида сўз бориши маълум бўлади, келтирилган парчада ҳам фақат қиши сўзи учрайди. Аммо истеъмол этиладиган сабзавот ва кўкатлар орасида семизўт, сачратқи учрайди. Вахоланки, бу ўтларни қишида хатто иссиқхоналардан ҳам топиб бўлмайди!

Келтирилган парчанинг биринчи жумласида фикр мутаносибсизлиги мавжуд. Бу жумлада қишидаги нон магзи тўқ бўлиши кераклиги таъкидланмокчи. Ана шу таъкид қиёслов орқали юзага чиқарилмоқчи, яъни ёзникига қиёсланмоқда. Аммо мазкур ҳолда ҳамон қиёсланмоқчи экан ва бу қиёс мантиқан тўғри бўлиши учун қиёсланадиган субъект ва қиёс бўлаётган обьект мантиқан мутаносиб бўлиши талаб этилади.



Демак, қишидаги ва ёздаги; шунда ҳар икки сўз бир хил — пайт маъно ифодасини беради, мантиқан уйғунлик таъминланади. Юкоридаги парча эса биринчиси пайт маъно ифодасини берса, иккинчиси тегишлилик маъно ифодасини беради. Тахрир мантиқига кўра мазкур конструкция қишидаги ноннинг ёздаги нондан... тарзида ёки қиши ноннинг ёз нонидан... тарзида бўлиши лозим.

Маълумки, бир жумладан иккинчи жумлага ўтишида фикр тадрижийликка эга бўлиши, яъни мантиқан бири иккинчисини тўлдира бориши ёки аввалги фикрни янада мустаҳкамлаши ёхуд тасдиқлаши тахрир илмида исботланган қоида.

Лекин биз юкоридаги мисолда биринчи ва иккинчи жумлада фикр зидлигини кўрамиз. Биринчи жумлада «... ноннинг магзи тўқ бўлиши» билдирилмоқда. Иккинчи жумлада «Гўшт ҳам шунга кўра танланishi» фикри берилмоқда. Гўё ҳам боғловчиси икки жумлани бир-бири билан фикрий уйғунлигини таъминлайдигандек. Лекин гўшт нимага кўра танланади, деган савол туғилади. Ҳар икки жумладаги фикрлар уйғунлиги талаби бўйича шунга кўра бирикмаси мантиқига асосан ҳам нонга кўра, ҳам ноннинг магзига кўра танланishi лозим бўлади. Лекин тахрир мантиқига, мантиқий фикрлаш қоидасига тўғри келмайди. Ҳар икки жумладан англанаётган фикр бир-бирига мантиқан уйғун эмас, гарчи, ҳам боғловчиси туфайли маънан уйғундек туюлса-да.

Энди учинчи жумлагага келсак, у ўзидан олдинги икки жумладан мутлақо мустақил, матн умумий мазмунига кўра айрим фикрни ифода этади. Демак, у хат боши (абзац)дан ёзилиши лозим.

Матн билан тўлиқ танишилса, унда мижози совуқ кишиларга фақат қиши ойларида эмас, балки бошқа фаслларда ҳам амал қилиши лозим бўлган маслаҳатлар мавжуд. Демак, сарлавҳа мантиқан тўғри эмас. Матндаги фикрни мустаҳкамлаш, шунингдек таъсиранлигини оширишга хизмат қилиши лозим бўлган сурат ҳам матн мазмунига мос эмас.

Сурат мижози совуқ кишиникими? Уни қандай билиш мумкин? Бурнига рўмолча тутиб туришиданми?

Аслида сурат тумов одамники. Мижози иссиқ ҳам тумов бўлиши мумкин-ку! Бунда сурат билан матн мантиқан мутаносиб эмаслиги яқол сезилади.

Муҳаррир матнни мустаҳкамловчи усуллардан яхши хабардор бўлиши, бундай воситалар аниқ, мантиқан матн мазмунига мос бўлиши лозим.

Ёзма нутқ нутқий фаолиятнинг энг аниқ ва очиқ-ойдин тури. Хатто айнан ёзиб олинган оғзаки нутқ ҳам матн ҳисобланмайди. Матн — онгли равишда тузилган нутқ ижодчилигининг натижаси, нутқий асар.

Суҳбатдошнинг нутқини ифода этувчи матнни тузиш журналист адабий фаолиятининг алоҳида туридир. Агар матнда сўзлашув нутқига оид унсурлар қоладиган бўлса, улар албатта, материалнинг далилланганлигини, ишонарлигини ва ўқувчига хиссий таъсирини сақлашига хизмат қилиши керак. Бунга фақат умумий мулоҳазага кўра ва шунда ҳам матнга қунт билан ишлов берилиган бўлсагина эришиш мумкин.

Тошпўлат тажанг нутқига эътибор берайлик:

*Шу хумсоларинг қайси бир камбагалнинг бошини силади. Ёки мактаб-пактаб берганини биласанми. Вой ўша ҳамманга дедим, липпамни қоқай, бойлар!..* (Абдулла Кодирий. Кичик ҳикоялар)

Яна бир мисол:

*Думбулниса «Йилдан-йилга замонани ер ютвотти, эгачи. Эркак-ку, эркак, ёшларни ҳам тен-тенасидан худо уриб, товонидан чиқарвотти, мен сизга айтсан, қоқиндиқ»* (Кодирийни қўмсаб. Ёднома).

Амалий фаолиятида ҳар бир журналист ёзиб олинган оғзаки нутқни, масалан, интервьюни эълон қилиш учун матбуотга беришда матнга ишлов беришига тўғри келади. Бундай пайтда ёзма нутқнинг оғзаки нутқдан фарқли жиҳатларини билиш зарурдир. Хусусан, шундай нашрларнинг муаллифларини бир-биридан фарқ қилувчи тавсиялар беришдан, ҳаддан ташқари сўзамолликка берилиб кетмасдан, ўринли-ўринисиз нутқга илмоқли сўроқларни киритишдан, риторикага ружу қилишдан сақланиш ҳакида огоҳлантириш керак бўлади.



Айни мана шу оғзаки нутқда янги сўзлар, гайриодатий грамматик шакллар учрайди, муҳаррир булардан фойдаланиш қай даражада мақбул ёки мақбул эмаслигини аниқлаши лозим. Энг қийини матнга адабий ишлов беришда сұхбатдошнинг талаффузи (интонацияси)га ишлов беришdir. Сўзма-сўз ёзиб олиш ҳам унинг ифодасини аниқ бера олмайди. Интервью олинадиган вазиятни юзага келтириш усулини топиш мухим аҳамиятга моликдир. Сұхбатдошнинг кайфиятини тушуниш, унинг шахсий хислатларини пайкаш, нутқ маромини аниқ бера олиш ва ҳ.к. ниҳоятда мухим саналади.

Журналистика асари учун ахборийлик энг мухим хислат ҳисобланади. Маълумотларни эълон қилиш, деб тушуниладиган, умумэтироф этилган изоҳидан ташқари «хабар» терминининг журналистикада бу маълумотларнинг янги бўлишилиги ҳам талаб этилади.

Маълумки, оммавий ахборот воситаларининг нашрлари кенг аудиторияга мўлжалланган, мухимлигига кўра турли даражада, мавзуга кўра ранг-баранг хабарлардан иборат бўлади.

Булар, албатта, сиёсий, иқтисодий, маданият, ижтимоий турмуш соҳасидаги долзарб ҳодиса ва муаммолар ҳақида бўлади ҳамда умум диққат-эътиборини ўзига жалб этади. Бундай хабарлар билан бир қаторда «ҳаёт бадиияти» ҳақида маълумотлар — хабарлар ҳам бор бўлиб, улар кутилмаган вазият, хатти-харакат, келишмовчиликлар ва ҳ.к. дан иборат. Аксар ҳолларда турли шов-шувларга ҳам сабаб бўлади.

«Журналистика асари матнининг ахборийлигини белгилаш ўқувчиларнинг билим даражаси ҳақидаги ва вакт омилини хисобга ола билиш билан белгиланади»<sup>1</sup>.

Матн қисмлари хабарнинг ўз прагматик моҳиятига кўра турли мазмунга эга бўлиши мумкин. Оммавий ахборот воситаларининг кўпгина нашрлари учун юз бераётган, юз берган ҳамда юз берувчи ҳодиса ва жараёнлар ҳақидаги хабар тарзидаги матн қисмлари биринчи ўринда туради. Булардаги хабарлар матнни ҳаёт билан боғлайди. Албат-

<sup>1</sup> Накорякова К.М. Литературное редактирование. — Москва: изд. ИКАР, 2002. 25-6.

та, матнинг мазкур қисмлари вербал (сўзлар ёрдамида) ифодаланади, тил бирикмалари ўз генетик маъносига кўра асосли-мантиқий мазмунда қўлланилади.

Матн муаллифининг нуқтаи назари ифода топган маълумотни аниклаш, ходисаларро боғлиқликни идроклаш, улар моҳияти ва сабабини белгилаш, муаллифнинг нарса, воеа, ходисани баҳолаш усули ҳамда мазмуний боғлиқлик таҳлил этилишини талаб этади. Бундай маълумот бутун матндан олинади. Очик берилмайдиган, мулоҳаза юритиб илғаб олинадиган маълумотларни пайқай олиш анча мурракаб. Бундай усулда маълумот бериш бадиий адабиётлар учун алоҳида аҳамият касб этади. Бундай маълумотлар вербал ифода топмайди, улар факт (далил)лар хакидаги хабарларда мавжуд бўлади ва қўшимча, қўпинча, илғаб олиш қийин маъноларни беради. Оммавий ахборот восита-ларининг нашрларида бундай маълумот беришдан фойдаланиш камдан-кам кузатилади.

Маълумотларга бойлик ва янгиликнинг мавжудлиги даражасига кўра хабарлар қуидаги сифатларга асосан фарқланади: *асосий; аниқлаштирувчи; қўшимча; такрорий* ҳамда Европа журналистикаси тилида *нул деб* аталувчи турга.

Албатта матнни таҳир қилишдан олдин хабарларнинг ушбу жиҳатларини фарқлаб, ажратса олиш лозим.

**Асосий хабар**, бу – энг нодир ҳисобланади. У янгилик хабардир.

**Аниқлаштирувчи хабар** эса асосий маълумотни етказувчи матнинг қисмлари билан боғлиқ бўлади. У янги маълумот етказмайди, балки хабар қилинганни аниқлаштиради, холос. Масалан, улар вақт ва макон (жой)ни қўрсатувчи, тафсилот берувчи бўлиб, янгиликни аниқ-равшан бўлишига қўмаклашади, янгиликнинг ишончлилигини алоҳида таъкидлайди ва тўғрилигини исботлайди.

**Аниқлаштирувчидан** фарқли ўларок, **қўшимча хабар** асосий маълумотни берувчи матн қисмлари билан бевосита боғлиқ бўлмайди. Уни матнга киритишда айрим муаммолар юзага келиши мумкин, масалан, фикр изчиллигига птур етади, маъновий узилиш ҳосил бўлади, натижада матннинг боғлиқлиги бузилади. **Такрорий хабарда** янги-

лик бўлмайди, у аввало хабар қилинганинг қайтариғи бўлади, холос. Ҳамон хабар маълум экан, такрорий хабар ортиқча ҳисобланади. У факат риторик мақсадда бўлиши, яъни услугга хизмат қилиши мумкин. **Нул хабар** деганда, нуткнинг бир парчаси тушунилади, у ҳар қандай семантик (маъновий) маълумотдан холи бўлади (изоҳлар, «магзи пуч сўзлар», бетараф сас). Бундай хабар мантиқсиз нутқ парчаси сифатида, факат яхши матн тузишда «қўшимча қурилиш унсури» сифатида иштирок этади, холос. Кўп ҳолларда муаллиф нуткий маданияти даражаси пастлигидан далолат беради.

Асосий маълумот етказувчи нутқ қисмлари билан бошқа тур маълумот етказувчи қисмлар нисбати матннинг ахборийлик даражаси (коэффициенти)ни кўрсатади.

Журналистикага оид илмий-амалий адабиётларда бу кўрсаткич, яъни матннинг маълумотта тўйинганлик даражаси 0,4–0,6 бўлса, бу энг самарали ҳисобланади, деб кўрсатилган. Агар кўрсаткич юқоридаги меъёрдан ошиб кетса, уни идроклаш мураккаблашади. Агар кўрсаткич ундан паст бўлса, матн ўкувчидаги қизиқиш уйғотмаслиги мумкин.

Булар барчасини матннинг мантиқий тахлили аниқлашиб беради. Куйидаги газета материалини кўриб чиқайлик.

### Стресслар хақида

Инсоннинг асаб-руҳий тизимидағи ҳар қандай ўзгаришлар бутун вужудга акс-садо берши табиий. Инсон қаттиқ ҳаяжонланганда биринчи бўлиб юрак, иккинчи бўлиб ошқозон ва учинчи бўлиб ичаклар таъсирланар экан.

Бундан кўриниб турибдики, стрессларда ошқозон ва ичаклар тизими биринчилар сафида зиён-захмат чекар экан.

Ошқозонга кўрсатилган бу таъсир, яъни стресслар, ошқозоннинг шиллиқ қаватида жойлашиб, хлорид кислота ишлаб чиқарадиган безлар фаолиятининг кучайиб кетиши билан ифодаланади.

Сочма сатрларда берилган нутқ бўлаги нул шаклдир.

*Ошқозон ичидә узоқ муддат кучли кислотали мұхит бўлиши унинг шиллик қаватининг оширила боришига сабаб бўлади.*

*Хлорид кислотанинг кучайши даставвал ошқозон шиллик қаватини яллиглантиради, кейинчалик турли шаклли ва ўлчамли яраларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.*

Асосий маълумот, юкоридаги парчада, янгиликнинг моҳиятини кўрсатади (тагига иккита чизик тортилган нутқ бўллаги). У маълумотни аниқлаштирувчи янгилик мутлоқ эмас, у барча учун бирдек долзарб эмас (тагига битта чизик тортилган нутқ бўллаги).

Кўшимча маълумот киритиш (узук-узук чизик тортилган нутқ бўллаги) ҳамиша ҳам ўринли бўлавермайди. Кўшимча маълумот янги маълумот учун асос бўлиши мумкин, лекин матнда бундай бўлган эмас. Ўқувчи бу маълумотнинг моҳияти хақида тахмин қилиши мумкин.

Такрор маълумот қандайдир услубий вазифани ўтайди (тагига тўлқинли чизик тортилган нутқ бўллаги) ва у янги маълумот бермайди, айтилганинг хулосаси бўлиши мумкин.

## **МУҲАРРИР ВА МУАЛЛИФ ҲАМКОРЛИГИ**

Матн таҳрири усулларининг турли жиҳатларини белгилаб берувчи муҳим масалалардан бири муаллифнинг кўлёзмасига муҳаррир қай даражада аралашувидир. Бундай аралашув чегараси бўлиб, муҳаррирнинг матнни тузатишига йўл қўйилган меъёр ҳисобланади. Муҳаррир қўлёзмани таҳлил ва таҳрир қилиш жараёнида амалга оширилган барча тузатиш ва ўзгартиришлардан муаллифни хабардор қилиши лозим. Қўлёзманинг мазмуни, шакли хусусидаги барча муҳаррирлик иши анъанага кўра муаллиф билан ҳамкорликда амалга оширилади. Таҳрир назарияси ва амалиёти мазкур ҳамкорликнинг самарали бўлишлиги қўлёзмани нашрга тайёрлаш муваффакиятининг гарови эканлигини аллақачон исбот этган. XXI аср муҳаррiri шубҳасиз ўтган аср муҳарриридан ҳар жиҳатдан фарқ қиласди. Лекин уларнинг умумий бир жиҳати борки, бу макон ва замонда ўзгармасдир. У ҳам бўлса, муҳаррирнинг иқтидори ва муаллиф билан ҳамкорлик. Гарчи XXI асрда қўлёзмани таҳлил ва таҳрир қилишда кўпгина ишлар компьютер техникиаси ва технологияси зиммасига юклатилган бўлса-да, лекин бу жараёндаги ижодий иш ва муаллиф билан ҳамкорликда муҳаррирнинг ўрнини боса олмайди. Масалан, асарни ижодий идроклаш ва бойитиш, муаллиф усули ва тоғасини сақлаш.

Турли мавзудаги адабий асарлар матнини, шу жумладан, саводлилиги етарлича бўлмаган журналистика асарларини нашрга тайёрлашда муаллифнинг фикрлаш тарзи, тоғаси, усули, материалнинг ўзига хосликлари сақланиши зарур, акс ҳолда асар ўз индивидуаллигини йўқотади, демак муаллифнинг ўзи асардан ўчиб кетади.

Юкоридаги мулоҳазаларга кўра, мухаррир (нашриёт, таҳририят мухаррири) муаллиф қўлёзмасига зийраклик билан караши лозим. Мухаррирнинг муаллиф асарига аралашув чегараси кўп жиҳатдан шунга боғлиқдир. Қўлёзма устида ишлаш жараёнида унга фақат зарур услубий тузатишларни киритиш, матннинг ортиқчалиги аниқ бўлган қисмларини қисқартириш, унга керакли қўшимчалар, киритмаларни қўшиш керак.

Тузатишни, таъбир жоиз бўлса, заргарлик ишига қиёслаш мумкин. Зоро, бу иш ниҳоятда моҳирона – заргарона бажарилиши лозим. Бунинг учун юксак маҳорат, малака, масъулият, аниқлик ва озорсизлик талаб этилади.

Юкорида айтганларимиз барчаси умумий фикрлар бўлиб, аслида мухаррирнинг қўлёзмани нашрга тайёрлашдаги бевосита аралашуви, шунингдек аралашув шакли турлича. Бундай пайтда кўп нарса муайян вазиятга, шу жумладан асарнинг турига боғлиқ.

Хатоликларнинг баъзилари маъновий (семантик) тавсифда бўлади. Масалан:

*Бутун миллат ва унинг барча аъзоларининг нутқини бирдан маданий нутқ талабларига хослаб бўлмаслигининг асосий сабабларидан яна бирни адабий тилнинг ўзидағи ривожланиши қонуниятлари билан, адабий тил нормасидаги давр ўтиши билан пайдо бўлиб турадиган силжишлар билан алоқадордир* (Нутқ маданияти ва услубияти асослари, 122-6.)

Мазкур рисоладаги синтактик хатолик матннинг

**...адабий тилнинг ўзидағи ривожланиши қонуниятлари билан адабий тил нормасидаги давр ўтиши билан пайдо бўлиб турадиган силжишлар билан алоқадордир,** деган қисмида учрайди.

Биринчидан, билан кўмакчиси уч марта қўлланган, лекин бу такрорни кўллаш нотўғри. Айирувчи боғловчи вазифасини иккитаси ўтайди, биттаси кўмакчи вазифасини бажаради. Иккинчи ўриндаги билан ва биринчи, учинчи ўриндаги билан нотўғри қўлланиши туфайли мантиқан фикрий мутаносибсизлик келтириб чиқарган. Бу ўринда мухаррир аралашувини тақозо этувчи қисм **адабий тил нормасидаги давр ўтиши билан пайдо бўлиб турадиган силжишлар билан алоқадордир**,

**радиган силжишлар билан алоқадордир** хисобланади. Мазкур конструкцияда гап бўлакларининг ўрни алмасиб қолган, яъни **пайдо бўлиб турадиган силжишлар адабий тил нормаси** билан боғлиқ. Шунга кўра мухаррир конструкцияни қайта синтактик меъёр асосида тузиши керак бўлади, яъни: ... **давр ўтиши билан адабий тил нормасидаги пайдо бўлиб турадиган силжишлар билан алоқадордир.**

Шунда гап бўлаклари синтактик қоидага биноан бирикмага киришади. Демак, биз юкорида баён этган синтактик хатолик бартараф этилади, бу албатта мухаррирнинг тахририни талаб этади.

Энди мисол тариқасида олинган парчадаги бошқа хато ва камчиликларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб хисоблаймиз, чунки, агар шундай қилмасак, парчадан аён кўриниб турган лексик, услугубий ва тиниш белгилари бўйича хато, камчиликлар гўё йўқдек туюлади.

Мухаррирнинг ушбу парчани адабий тил, услугуб нуқтаи назаридан тахрири — касбий бурчи хисобланади.

Лексик хатолар **бирдан** эмас, **бирдай**, **норма** эмас, **меъёр**, **давр ўтиши билан** бирикмаси таркибидаги билан ортиқча. Тиниш белги, синтактик хато хусусида юкорида айтиб ўтдик.

Бизнинг фикримизча, тахрирдан сўнг матн қўйидаги кўринишга келади.

*Бутун миллат ва унинг барча аъзолари нутқини бирдай маданий нутқ талабларига мослаб бўлмаслигининг асосий сабаблари адабий тилнинг ривожланиши қонуниятлари, давр ўтган сари адабий тил меъёрларида юз берадиган ўзгаришлар билан алоқадордир.*

Мухаррир, айниқса, бадиий асар кўллэзмасига эҳтиёткорлик билан ёндошмоғи керак. Гарчи маъновий-семантик ва услугубий тузилиши бўйича мураккаблигига кўра оддий хатоликларга йўл қўйишлик эҳтимоли мавжуд бўлмаса-да, афсуски, ортиқча эҳтиёткорлик туфайли кўпинча бадиий асарларда улар оммавий нусхада чиқиб бўлганидан сўнг хатоликлар учраб туради.

Тахрир жараёнида нуксонларни бартараф этиш асарга фақат аниқлик, ишонарлилик каби жиҳатларни бахш эта-

ди, бунинг учун муаллиф мухаррирдан фақат миннатдор бўлиши лозим. Айтиш мумкинки, бундай ҳолатлар кўпам кузатилмайди, шунинг учун мухаррирларнинг бундай тузатишларни қилишлари коида тарзида эмас, балки истисно тариқасида дейиш мумкин. Лекин шундай бўлса-да, бу ҳол мухаррир учун хушёрликка даъватдир.

«Таҳрир қилинмаган асар адабиётлар нашри тарихида деярли учрамайди, десак муболага бўлмайди. Чунки ҳар қандай бадиий асар, у хоҳ шеърий бўлсин, хоҳ достон, хоҳ роман узоқ ўйлаш, оғир меҳнат натижасидир»<sup>1</sup>.

Демак, таҳрирга мухтожлик сезмайдиган асар, ҳатто, даҳо адибларда ҳам учрамаслиги аён экан.

Ҳазрат Навоий ҳам ўз асарларини кейинчалик муаллиф таҳриридан ўтказган. Навоий йигитлик чоғида ёзган:

*Мен улменки, то турк бедодидур,  
Бу тил бирла назм бунёдидир, —*

байти билан бошланувчи асарида:

*Худо еткурур онча суръат манга,  
Ки бўлмас битирига фурсат манга, —*

байтидаги биринчи мисра:

*Худо еткурур онча суръат манга* мисраси девонга кири-тиш вактида *Етар Тенгридин* онча қувват манга тарзида ўзгарган. Кейинги ўзгаришдан сўнг мисра анча силлиқ ва жарапнорлик касб этади.

Хуллас, ҳар қандай асар озми, кўпми даражада таҳрир-талаб бўлади. Таҳрир муаллиф томонидан амалга ошириладими, мухаррир томониданми, албатта, асарнинг янада сифатли бўлишига хизмат қилади.

Юқоридаги бадиий асарга тааллукли фикрлар маълум даражада ижтимоий-сиёсий ва илмий-оммабоп нашрлар учун ҳам тааллуклидир. Мухаррирлар муаллифлардан аниқ билим, чуқур ғояларни беришдан ташқари, буларни ёрқин, таъсирчан (эмоционал) шаклда баён этишларини талаб

<sup>1</sup> Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. — Т.: F. Фулом нашриёти, 1970. 152-6.

этишга ҳақлидирлар. Кўлёзмаларда учрайдиган бундай хато ва камчиликларни матнни мухаррир таҳлили жараёнида муаллифнинг ўзига тузаттириши энг мақбул иш ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш ва техникага оид, айниқса тадбиркорлик соҳасидаги замонавий илғор тажрибага бағишлиган китоблар алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. Чунки нашриётлар материални, таъбир жоиз бўлса, биринчи қўлдан олишдан манфаатдор. Мухаррир эса ишлаб чиқарувчи – адабий малакага эга бўлмаган шахс қўлёзмасига дуч келади. Кўлёзманинг баён усули, шакли ҳамиша ҳам талаб даражасида бўлавермайди. Шунга қўра матнни мухаррир томонидан адабий жиҳатдан ишлаш ва тузатиш қўлёзмани нашрга тайёрлашнинг энг самарали усули ҳисобланади. Илмий-ахборий нашрларда тузатишлар қилишда мухаррир фаолиятининг қўлами анча кенгdir.

Бунда мухаррирдан бошқа ҳеч ким илмий-ахборий амалиёт талаблари билан яхши таниш бўлмаганлиги учун қўлёзмага самарали шакл бера олмайди.

Хўш, мухаррирлик аралашувининг умуман чегараси йўқ, деб тан олиш керакми? Лекин, бундай ўйлаш тӯғри эмас, қўлёзмага мухаррирлик аралашувининг чегараси бор. Буни ҳар бир алоҳида холатда аниқ белгилаш лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, нашр жараёнини қўлёзмадан холи тарзда тасаввур этиб бўлмайди. Матнни қайта ишлаб, мухаррир доим ҳам муаллифнинг матнидан яхши бўлган талқинни яратади. Муаллиф қўлёзма устида узоқ, ҳатто йиллаб ишлайди. У материал тўплайди, мулоҳаза қиласи, саралайди ва муайян қарорга келади, умумлаштиради. Ўта малакали мухаррир учун ҳам қўлёзмани бошқатдан ёзиш ва бунда кимматли фикр ёки кузатишларнинг қайсиdir қисми тушиб қолмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Агар мухаррир шундай йўлни тутса, яъни қўлёзмани бошқатдан ёзиб чиқишига киришса, муаллиф матнидан узилиб қолади ва бунинг оқибати жиддий ноҳушликларни юзага келтиради. Истаса, истамаса асар бошқача мазмун ва шакл олади, мухаррир тобора муаллиф ўрнини эгаллай бошлайди.

Бундай ҳол юз бермаслиги учун мухаррир одоби (этиси) талабларига риоя этиш лозим.

Кўлёzmани нашрга муваффақиятли тайёрлаш, хусусан, матнга тузатишларни киритиш мухаррирлик таҳлили бўйича тавсияларга биноан мазкур ишда муаллифнинг фаол иштирокига кўра амалга оширилади. Муаллиф қандайдир муаммони ёритиш бўйича қўшимчалар қилиши, аниқлик киритиши, англашилмовчиликни тушунтириши ва бошка мухаррир ишида юз берган ноаниқликларни аниқлаштириши мумкин. Хуллас, кўлёzmага киритиладиган барча тузатишлар муаллиф билан келишиб олиниши керак.

Муаллиф — мухаррир тизими, бир қарашда кўрингандек оддий эмас. Ўзига яраша, табиий, зиддиятга эга.

Гарчи ҳар иккиси — ҳам мухаррир, ҳам муаллиф яхши асар чиқаришдан манфаатдор бўлсалар-да, айрим умумий ёки хусусий жиҳатларда келиша олмасликлари мумкин.

Энг тажрибали муаллиф ҳам материалга берилиб кетиши, етарлича илмий объективликдан четлаб кетиши мумкин. Муаллиф учун ўз асарининг ҳар бир майда-чуйдаси, унсури жуда қадрли ҳисобланади, шунга кўра у мухаррирнинг бирор унсур, қисмдан воз кечиши бўйича таклифи ни қийинчилик билан қабул қиласи ёхуд рад этади.

Мухаррир, табиийки, объектив бўлишга интилади, аслида ҳам шундай бўлиши лозим, у нашрдан чиқкан асар учун ўкувчилар, умуман, жамият олдида масъулдир. Ана шу сабабли у ўз талблари кўламини муаллиф имкон доирасига мувоғиқлаштиrolmasлиги мумкин. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мухаррир билан муаллиф муносабати муайян қўлёzmани адабий асар сифатида баҳолаш умумий мезонларини таклиф этишда шаклланади.

Баъзан муаллиф ва мухаррир томонидан мезонлар бирдек қабул қилинса-да, аммо мазкур мезонларни муайян асарга татбиқи талқинида келишмовчилик чиқиши мумкин: бири учун тўғри, иккинчиси учун нотўғри туюлади.

Адабий ишда, бошка холлардагидан кўра, яна муаллиф ва мухаррирдаги ўзига хослик (индивидуаллик) яққол намоён бўлади. Агар бири ортиқча қизиқкон (хиссиётта берилган) бўлса, иккинчиси етарлича вазмин, мулоҳазали бўлмаслиги мумкин, натижада ўртадаги муносабат мураккаблашади.

Юқорида айтилганлар, бизнингча, мухаррир ва муаллиф муносабатларининг бутун мураккаблигини тасаввур этиш учун етарлидир. Демак, мухаррирнинг муаллиф билан ҳамкорлик қилишидаги ўзига хос тартиб-қоидаларни, яъни мухаррир одоби (этикаси) меъёрларини белгилаш зарурати долзарблик касб этади. Албатта, бу қоидалар хуқуқий давлатдан фуқаролик жамиятига ўтиш тамойиллари, миллий мафкура ва миллий қадриятлар ва/ёки менталитет асосида яратилиди.

Мухаррир қўлёзма мустақил Ўзбекистон, унинг халки манфаатларига, асар миллий истиқлол, юксак миллий маънавият, давлат ва унинг ҳарбий, иқтисодий сирини матбуотда, нашрларда сақлаш тамойиллари, шунингдек, тил ва услугуб меъёрларига тўлиқ жавоб бера оладиган бўлишини талаб этишга ҳақлигина эмас, балки мажбур ҳамдир. Лекин, буни қандай амалга ошириш керак? Буйруқни сўзсиз бажариш – итоат этиш тарзидами? Муассасавий тартибга кўра шундай, лекин, иккинчи кўриниш ҳам мавжуд: асосли, дўстона тавсия кўринишида. Мухаррирлик ишининг моҳиятига иккинчи кўриниш кўпроқ мос келади. Мухаррир билан муаллиф ўртасидаги муносабат бошлиқ билан унга бўйсунувчи ўртасидаги муносабатга ўхшамаслиги лозим. Мухаррир хеч қачон муаллифга маъмурий тазийк ўтказмаслиги керак. Унинг энг ишончли воситаси ишонтириши. Агар бундан оқилона фойдаланса, яхши натижага эришиши шак-шубҳасиз.

Энди, акси ҳам бўлиши мумкин. Ишонтиришлар муаллифга таъсир этмайди, у қайсаарлик билан ўз фикрида туриб олади. Бунда мухаррир учун янги вазият юзага келади. Биринчисида, агар мухаррир ўз фикри тўғрилигига қатъий ишонса, баҳсни юкори босқичга чикаради, бўлим бошлифи, бош мухаррирни мунозарани ҳал этишга чақиради. Мабодо, ўз нуқтаи назарига ишончи уччалик мустахкам бўлмаса, даъволарини яна бир карра чукур ўйлаб кўриши, эҳтимол, уларни ўзгартириши мумкин.

Муаллиф мухаррирнинг фикрига кўшилмасдан ўз сўзида қатъий бўлса, бу икки нуқтаи назарга кўра баҳоланиши мумкин: биринчиси, мухаррир ўз мақсадини етказа олмаган, иккинчиси, мухаррирнинг фикри камчиликлардан

холи — нүксонсиз эмас. Ҳар икки ҳолда ҳам қайта кўриб чиқиш ва чуқур мулоҳаза талаб этилади.

Мухаррирнинг событлилиги ҳам ойдинликни талаб этувчи масала ҳисобланади. Мухаррирнинг событлиги, асосан, миллий мағкуруни изчиллик билан хаётга татбиқ этишда, юрт манфаатларига содиқлик, ҳуқуқий кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш тоғасига оғишмай амал қилишда намоён бўлади. Унинг ғоявий эътиқоди, миллий фурури, юксак масъулиятни ҳис этишлиги ишдаги ҳар бир жумлада акс этишлиги лозим.

Лекин, шу билан бирга событликни қайсарликдан фарқлай билиш керак. Событлик ҳар қандай икир-чикир нүксонларга ёпишиб олиш, инжиқликлар, ҳар эҳтимолга қарши муҳофаза ва бўлар-бўлмас шубҳалардан холи бўлиши зарур. Ортиқча эҳтиёткорлик, шубҳа билан қарашлик, булар мухаррир билан муаллиф ҳамкорлигига птур етказади, муаллифда ўз ҳамкори — мухаррирга нисбатан ишончсизлик уйғотади, охир-оқибат қўллёмзани нашрга тайёрлаш ишига жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Мухаррирнинг ўз танқидий фикрларини қай тарзда баён этишлиги, муомала йўсини, мухаррирлик — ноширилик одоби муаллиф — мухаррир ҳамкорлигига сезиларли аҳамият касб этади.

Мухаррирлик одоби танқид одоби билан анча умумий жихатларга эга.

«Адабий асалар хусусидаги фикрлар танқидчи зиммасига муайян маънавий масъулият юклайди, аччиққина тегадиган ҳалоллик, далилланганликни талаб этади. Ҳар қандай чандиб олиш, меъёрдан ошириб юбориш, асоссиз киёслаш, иқтибосни ўз билганича олиш, бир ёқлама (ўз ғояси, нұқтаи назари, савияси доирасида) ёндашиш, ёрлик осиш, қуруқ сўздан иборат даъво — адабий асан туб моҳиятига мутлақо муносиб эмас»<sup>1</sup>.

Лекин, олдида тўла яқунланган, ўқувчи ҳукмига ҳавола килинган асан турган танқидчидан фарқли ўлароқ, мухаррир китобнинг яратилиши жараёнида бевосита иштирок этади, бу жараёнга фаол таъсир кўрсатади.

<sup>1</sup> Краткая литературная энциклопедия. — Москва. 1987, 4-ж. 257-6.



Шунга кўра бу ишда ўта нозик дид, хушмуомалалик ва тийраклик талаб этилади. **Самимилик** кескинликдан, пичинг ва дашномдан холи бўлиши лозим. **Холислик** (тўғрилик) албатта зарур, бироқ, муаллиф шаъни камси-тилмаслиги, унинг, умуман, ижодий имкониятига шубҳа солмаслиги керак.

Муҳаррир муаллифга нисбатан хайриҳоҳлик, хурмат мухитини юзага келишида албатта иштирок этиши, табиий. Бусиз ноширлик одобини тасаввур этиш мушкул. Муаллифга самимият нашриётларнинг таҳририятдан бошқа бўлинмалари, ҳатто, ҳисобхона томонидан ҳам кўрсатилиши лозим.

Қўлёзма муаллифи қайсиdir сабаблар билан муҳаррирга ёқмаган тақдирда ҳам, у ўз туйғуларини мутлақо ошкор этмаслиги керак, бунга ҳақи ҳам йўқ. Муҳаррирлик одобига қўйиладиган яна бир талаб, у кайфиятга берилмаслиги шарт, ҳатто муаллифни кўрганда унда қандайдир асабийлик уйғонса ҳам.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, муҳаррирнинг муаллиф билан ҳамкорликда ишлаш жараённида ўзини тутишлиги одоб доирасида бўлиши учун фақат хушмуомалаликнинг ўзи кифоя қилмайди. Муаллиф билан мулокотга киришиш учун муҳаррир ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиши, муаллиф билан қўлёзмани мухокама қилишда ўз билим савияси кенг эканлиги билан, агар зарур бўлса, ўз тавсиялари нотўғри бўлса, улардан воз кеча биладиган ирода соҳиби бўлиши керак.

Муҳаррирнинг маҳорати, етуклигини белгиловчи сифатлар қўйидагилардир: маҳсус билим, малака ва қўниуммага эга бўлиш; умуммаданийлик; адабий дид; ноширлик тажрибаси; танқидий фикрлаш; қобилиятлилик; том маънодаги зиёлилик.

## МАТН БАЁНИ ТАҲРИР ОБЪЕКТИ

Асар композицияси бўйича мухаррирнинг бажарадиган иши адабий материал архитектоникаси билан чегараланмайди, яъни асарнинг яхлитлигини, унинг айрим қисмларини ва булар тадрижийлигини, улар ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш ҳамда турли композицион усулларни баҳолаш билан чекланмайди.

Мухаррирнинг таҳлили деганда, матн тузилишига чуқур кириб бориш, муаллиф баён қилишнинг қандай усулини танлаганлигини белгилаш ҳам тушунилади.

Баён усули маъновий тузилиш унсурларининг муайян кетма-кетлиги сифатида нутқнинг юзага келиши жараёнида шаклланади. Матн асар қисмларини, усуллари ни қайд этган ҳолда бу жараённи мустаҳкамлайди. Бунга асар қисмларининг уйғунлиги (боғланганлиги), мазмуний ва шаклий тўлақонлиги ҳамда яхлитлиги билан эришилади. Матн баёни усули ва турини танлаш муаллиф ўз олдига қўйган мақсад, шунингдек, нутқ предмети бўлиб хизмат қилувчи мавжуд воқеликнинг тавсифи билан боғлиқdir.

Матннинг баён услуги ва турлари таҳрир назарияси ва амалиётида қўйидагича таснифланади: **ҳикоя**, **тасвир** ва **мулоҳаза** (баъзи манбаларда мулоҳаза тушунирувчи усул деб ҳам аталади).

**Ҳикоя** қилишдан мақсад — муайян вақт мобайни (замон)да ҳодисалар харакатини баён этишдир. Бу ҳодисалар қандай тартиб (кетма-кетликлар)да содир бўлганлиги хақидаги ҳикоя (ривоя)дан иборат бўлади.

**Тасвир**дан мақсад — борлиқнинг манзарасини яратиш хисобланади. Бунда нарса ёки воқеанинг хоссалари, жихатлари, хусусиятлари бирма-бир айтиб ўтилади (саналади).

Энди, бундай хосса, жихат, хусусият нарса, воқеага муайян вактда хос бўлади. Ана шу белгиларнинг бир вактдалиги тасвирнинг ўзига хос жихати бўлиб хисобланади.

**Мулоҳаза**дан мақсад — тадқиқ, билим ва мавжудликни умумлаштириш, воқеалар сабабини аниқлаш, хулосаларни асослаш, айрим қоида-мезонлар чинлиги ёки ёлғонлигини исботлашдан иборат.

Қадимги дунё сўз усталари ҳикоя (ривоя) — ҳаракатни, тасвир — нарсани, мулоҳаза — нарсалар ва ҳаракатлар муносабатини баён этади, деб таълим берганлар.

Ҳикоя (ривоя) юзага келиши хотира билан, тасвир ташки хиссиёт билан, мулоҳаза эса акл ва хиссиёт билан боғлиқдир. Тўғри, баённинг бу уч усули ва шу билан боғлиқ уч тури мумтоз таълимот нуқтаи назаридан ҳам, бугунги кун назариясига кўра ҳам мақбулдир. Лекин жонли нутқни ва шунга мувофиқ матнни кузатар эканмиз, шунга ишонч хосил қиласизки, нутқнинг тузилиш шакллари фавқулодда турли-тумандир. Анъанавий уч таркиб (ҳикоя, тасвир, мулоҳаза) мухаррир бадиий асар устида ишлатганда етарлича асос бўлади. Лекин мухаррирларнинг катта қисми, ахборий материаллар, маълумотномалар, илмий адабиётлар, илмий-оммабоп асарлар, ўкув адабиётлар матнлари билан тўқнаш келадилар, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг улкан ва тармоқланган тизимида ишлайдилар. Улар амалиётига татбиқан юқоридаги учлик тизими аниқлик киритиш ва тўлдиришни талаб этади. Мазкур тизимда:

**Хабар** ўз ўрнини эгаллаши лозим, деб хисоблаймиз. Унинг тузилиши журналистлар аҳлига яхши маълум бўлган тарҳда — нима? қаерда? қачон? саволига жавоб тарзида қатъйлашиб қолган.

**Ахборий тасвир** нарса ва воқеанинг факат ташки белгиларини акс эттирибина қолмайди, балки ташки сезгилар ёрдамида идрок этиш мумкин бўлмаган хоссаларни ҳам ифодалайди.

Аввалдан маълум бўлган мулоҳазалардан янги мулоҳаза чиқариш **хукм** деб аталади. Ташвиқий ҳамда тарғибий мақолаларни мураккаблаштирмайдиган бу мулоҳаза — хукм хабарлар учун хос жихат саналади.

XX аср – илмий-техника асри, XXI аср – ахборот асри деб эътироф этилиши бежиз эмас. Ўтган аср илмий-техникавий инқилобнинг гувохи бўлган, ижтимоий муаммоларга нисбатан қизиқишининг ҳаддан зиёд ортиб кетганини, ахборот айрибошлишнинг ўта жадаллашганини, жамоатчиликнинг кўрилмаган даражада фаоллашуви – булар барчаси бизнинг замонамиз – асримизга хосdir. Бу, ўз навбатида, нуткимизнинг янги термин, онгимизни янги тушунчалар билан бойитди. Демак, ҳар бир мухаррир мазкур терминлар ва тушунчаларни матнга киритиши, аниқлиги ҳамда мақсадга мувофиқлигини баҳолай олиши лозим.

Мухаррир ўз фаолияти вактида турли қўллэзмалар (матнлар)ни таҳрир қилишига тўғри келади. Ана шунда унинг қўлига тушган матнлар ичида маҳсус кўриб чиқишини талаб этадиганлари ҳам учрайди. Бундай вактда улардаги баъзи тушунчаларни мазмун, моҳиятини очиб беришга эҳтиёж сезилади, шунда улар изоҳланади ва тушунтирилади.

Оммавий ахборот воситалари учун хос бўлган турли матнлар тизими тахминан қўйидаги кўринишга эга бўлади.

Матннинг тасвирий турлари – ҳикоя хабар; тасвир; ахборий тасвир.

Матннинг мантиқийланган турлари: **мулоҳаза, ҳукм; тушунтириш, изоҳлаш.**

Буларни шартли равишда икки гурухга ажратиш мумкин: 1) ҳикоя, *тасвир, мулоҳаза, тушунтириш*; 2) ҳабар, ахборий *тасвир, ҳукм, изоҳлаш*.

Биринчи гурух матнларнинг тузилиши ишонтирувчи, ташвиқ қилувчи, ҳиссий (эмодионал) таъсир кўрсатишга мўлжалланган материаллар учун хосdir. Матн тузишдаги композицион усул бадиий асар учун қабул қилинган усулга яқин. Бу усулда анъанавийлик сезилиб туради, шунга кўра унинг таҳлилига «ўқувчи таъбига кўра» ёндашилади.

Иккинчи гурухдагилар – матбуотнинг ахборий, расмий ҳужжатлар, илмий нашрлар сингари материаллари матни саналади. Улар учун бир таҳлитдалик (қолип) композициялар хос, қўшимча композициявий унсурлар бўлмайди. Воеа ҳам ҳикоянинг, ҳам хабарнинг предмети ҳисобланади, лекин хабарда на воеаларнинг замондаги ҳаракати, на уларнинг ривожи кузатилмайди. Тасвир ва ахборий тасвир

нарса ва воқеанинг белгиларини қайд этади, лекин анъанавий-композицион тузилиши усуллари эркин танланадиган тасвирдан фарқли ўлароқ ахборий-тавсифий материаллар матни белгиланган шакл бўйича тузилади.

Хукм матн тури сифатида мулоҳазадан фарқ қиласди, тасвирийлиги, тузилишидаги имкониятлари бўйича мулоҳазадан кўра бойроқ, мантиқий ифодага қатъий асосланади. Шунга кўра исбот талаб қилмайдиган категория саналади.

**Таъриф** тушунча мазмунини умумлашган шаклда очиб беради. Тушунча мазмунини тушунтириш эса нарса ва воқеа хақида очик-ойдин тасаввур беради (унинг шаклини танлаш эркин).

Шу ўринда айтиш мумкинки, юкорида келтирилган фикрлар барчаси баённинг монолог шаклига тааллуқли. Монолог эса биринчи шахс тилидан нутқни тузиш шакли сифатида журналистика асарлари учун хосdir. У публицистик нутқнинг асосий қисмини ташкил этади. Икки мулоҳазанинг алмашинуви (диалог) ва ундан ортиқ мулоҳазанинг алмашинуви (полилог) хос бўлган нутқ шакли оммавий ахборот матнларида асосий монологик матнга қўшимча хисобланади. Интервью ва сухбат бундан истисно. Монолог тарзидаги матнда диалог ва полилог таъсиричаникни ошириш воситаси вазифасини бажаради. Монолог ва диалог шаклидаги нутқнинг биргаликдаги ифодаси публицистика асари таҳрири учун долзарб масаладир.

Турли хил матнларнинг мантиқий ва синтактик тузилиши, қисмларнинг жойлашиши ҳам доимо мухаррирнинг дикқат марказида туриши лозим. **Ҳикоя** ва **тасвир** мантиқий тузилиши бир хил. Матнни ташкил этувчилар (ҳикоя тугунлари ва тасвир унсурлари) тенг аҳамиятга молик. Уларнинг бир-бирига алоқадорлиги иншо тарзида эканликлариадидир.

Ҳикоянинг синтактик конструкцияси учун ўтган замон феъл шакли хосdir. Айни мана шу феъл шакли «ҳаракатни қўзғалтирувчи»лик маъно ифодасини анча аниқ намоён этади ва у етишадиган чегарани белгилаб беради. Ҳаракат тугалланиб, ўрнини бошқа ҳаракаттага бўшатиб беради. Феъллар ўтимли турларининг мувофиқлашув тарзи ана шундай бўлиб, ҳикояда воқеалар тадрижийлигини аён қиласди. Ўтган замон ўтимли феълларининг бу вазифаси В.В. Вино-

градов томонидан қўйидагича таърифланади. Айтиш мумкинки, «...у сюжетни турли йўналишларда ёки тўғри йўналишда жилдириб, ечимга, якуний маррага етказади»<sup>1</sup>.

Тасвир учун феълларнинг ўтимсиз шакли хосдир. Улар ўтган ва ҳозирги замонда бўлади, фактлар статистикасини қайд этади ҳамда «тўхтаб қолган вақт» самарасига эришиш имконини беради. Грамматика фанида ҳозирги замон феълининг функцияларидан бири «ҳозирги тасвир» деб аталиши тасодиф эмас. У харакатни атайди, лекин ўзи харакатдан маҳрум. Фақат ҳозирги замон феъллари шакли алмашган-дагина ҳозирги замон феъли харакат ифодалаш хоссасига эга бўлади. Тасвирий матнларда кесимнинг бошқа шакллари қўлланади — бу вазифани турли феъл шакллари бажариши мумкин. Булар маъно жиҳатидан ҳозирги тасвирий вақтга яқин туради ва фақат харакатни атайди. На тадрижийликни, на улар давомийлигини белгилайди. Баъзан тасвирида феъл шаклларини умуман учратмаймиз. Бирок, тасвирий матн фақат атов гаплардан иборат бўлишлиги камдан-кам учрайди. Кўйида икки матнни қиёслаймиз:

### **Лондондан Тошкентга**

«Биринчи синов учишини амалга оширган самолёт Лондондан келиб қўнди», — Тошкент халқаро аэропортида кеча шундай эълон янгради.

Энди бу аэропорт аэробуслар доимий қўнадиган макон бўлиб колди. Аэропорт хаётида янги муҳим давр бошланди. Кейинги йилдан жаҳоннинг барча нукталарига шу аэропортдан турли русумдаги аэробуслар учади.

### **Марҳабо, аэробус!**

Кечаки Тошкент аэропортига бир вақтнинг ўзида 350 ўйловчини юклари билан таший оладиган аэробус қўнди. Фюзеляжининг диаметри метро лаҳимининг қўндаланг кесимидан узунлик қиласи. Интерьери шинам ва қулайлиги билан кишини лол қиласи. Салонларида қулай ўриндиклар, ўтиш оралиқлар кенг, якка тартибда шамоллатиладиган мосламалар мавжуд.

<sup>1</sup> Виноградов В.В. Современный русский язык. — Москва, 1980. 563-6.

Биринчи матн — ҳикоя. Баённи бўлишли феъл шакларининг занжири шакллантиради: **келиб қўнди, эълон янгради, макон бўлиб қолди, давр бошланди, учади.** Иккинчи матн — тасвир. Унинг мақсади ҳаво кемасини тасвирилаш — у қандайлигини айтиш. Аэробуснинг устун жихатларини санаш билан муаллиф унинг афзаликларини кўрсатишида бўлишсиз феъл шакларидан фойдаланади: **тاشий олади, узуунлик қиласи, лол қиласи.**

Айни шу воеани учинчи бир шаклда хам баён этиш мумкин:

### **Тошкент аэробусни қабул қиласи**

*Патсимон булутли баҳор осмонида ҳаво кемасининг шамоили пайдо бўлади. У аэропорт устида бир айлануб, сўнг паствлашади. Гилдираклари бетон қопламага тегар-тегмас юргургилаб маълум масофани ўтгач, аэропокзал биноси томон бурилади.*

*Учувчилар бўлмасидан фақат экипаж аъзолари чиқиб келади. Аэропорт ходимлари уларни алвон гуллар билан кутуб олади. Кема командири биринчи тоифали учувчи Тўлқин Зокиров синов униши бажарилганини маълум қиласи.*

*Кечадан бошлаб кенг фюзеляжли аэробус доимийга макон топди. Фойдаланиш синовидан сўнг у Ўзбекистон ҳаво йўллари йўналишларига чиқади.*

Мазкур учинчи матн — мисолни аралаш тур матн дейиш мумкин. Ҳозирги замон газеталарида «соф» кўринишдаги тасвир ва ҳикоя камдан-кам учрайди.

Нутқда хаётдаги мавжуд муносабатларни макон ва замонда турли-туман шаклда, чамбарчас боғлиқ тарзда акс эттирган ҳолда ҳикоя ва тасвир уйғунлашиб кетади.

Ҳикоя, бир қарашда, гўё баён қилишнинг энг содда усули бўлиб кўринади. Афтидан, қадим-қадимдан давом этиб келаётган халқ ижоди — ходисалар хусусидаги ҳикоя (ривоя) эканлиги тасодиф эмас. Халқ достонлари, эртаклар, чўпчаклар — булар барчаси ҳикоя тарзида. Инсон боласи ўзининг ilk нутқи (боғланган нутқ)ни ҳикоя тарзида тузади.

Тасвириңнинг нисбатан мураккаблигига сабаб нима? Тасвирий матнни ўқир эканмиз, матн бўйлаб тадрижий харататланиб, бир унсурдан иккинчи унсурга ўтамиз. Ана шу тасвир обьекти бўйлаб бир унсурдан иккинчисига ўтиш натижасида биз яхлит тасаввурга эга бўлишимиз лозим, у муайян бир бутунлик сифатида гавдаланади. Тасвириңнинг ўзига хос тузилиши (конструкция)га эга эканлиги ҳам мана шунда.

Ҳикоя матнини тузар эканмиз, унинг ҳар бир бўғинини алоҳида-алоҳида тасаввур этамиз, улар орасидаги боғлиқлик тавсифини аниқлаб, шу бўғинлар алмашинувини таъкид этамиз, холос.

Тасвирий матн тузишда эса биз нарса, воқеанинг аҳамиятли жиҳатларини излаймиз, бу жиҳатлар улардаги асосий бўлгандарни намоён этади. Ўқувчи тасаввурида яхлит манзарани гавдалантириш учун унинг сезгисига қўшимча таъсирларни юзага келтирамиз. Табиийки, матн устида ишлаш жараёнида буларни ҳисобга олиш, шубҳасиз, муҳим аҳамиятга моликдир.

Ахборий материалларнинг мантиқий ва синтактик тузилиши ўқувчи учун воқеа ва асос (факт) мазмунни ва янгилигини аниқлаштиришга йўналтирилган бўлади. Бу ўқувчига яна матндан аниқ ва ҳаётий билим олишига қўмаклашади. Матннинг мантиқий ва синтактик қурилиши бўйича амалиётда шаклланган қолип (стереотип) тузилишлар ҳам қўл келади. Шакл ва конструктив усулларнинг одатийлашгандари материални турли асослар билан тўлдиришга эътиборни қаратиш учун қўмаклашади.

**Хабар** нутқий композицион шакл сифатида фактларни қайд этади ёки уни албатта амалга ошадиган тарзда тақдим этади. Хабарда ҳикоя ва тасвирдаги сингари макон ва замонга алоқадорлик, мулоҳаза сингари мазмуннинг ривожланиш динамикаси акс этмайди. Унинг мантиқий тузилиши умумий ва хусусийнинг нисбатини акс эттиради. Хабарнинг энг қисқа кўриниши биргина ёйик жумла, лекин унда қўп маълумот жамланади. Шунга кўра хабарнинг синтактик тузилиши одатда мураккаблашган бўлади. Агар хабар матни таркибида бир неча жумла бўлса, улар алоҳида-алоҳида, хат бошидан бошланади. Лекин биринчи ибора

ҳамиша етакчи, хабарнинг мазмуний маркази хисобланади, қолганлари унга тобе саналади, аммо тенг ҳуқуқли хисобланади. Улар ўртасидаги боғлиқликка таянч сўзлар воситасида, кўпинча уларни такрорлаб эришилади.

**Ахборий тасвир** илмий, маълумотнома, ўқув адабиётларида ўз обьектига хос белгиларни ифодалайди. Исталган маълумотнома ёки дарсликка эътибор берилса, бунинг якъол гувоҳи бўлинади. Бирор темир йўл тасвиrlанадиган бўлса, аввало, унинг узунлиги, ўтган жойлар, кўприклар, кўтармалар, иқтисодий аҳамияти ва б.лар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Ахоли истиқомат қиласидиган манзил, масалан, шаҳар тасвиrlанаётган бўлса, албатта, унинг географик жойлашуви, тарихи, ахолисининг миқдори, меъморий обидалари ва ҳ.к. лар тилга олинади. Қайд этилган унсурларнинг тадрижийлиги ва мантиқан асосланганлиги аниқ белгиланган ва уни бузиш мумкин эмас. Бундай композицион боғланиш тархи ўқувчига матнданаги маълумотларни ўзлаштиришни, шунингдек, маълумотларни турдош манбалардагилари билан қиёслашни осонлаштиради, эслаб қолиш учун кулайлик туғдиради. Ахборий тасвиrдан мақсад адабий ҳам журналистик асарларда ўқувчи учун янги билим, фойдали маълумот етказишдан иборат.

**Мулоҳаза** ўз мақсади ва тузилишига кўра энг мураккаб баён. Журналист ҳамиша ҳам воқеалар ҳикояси ёки улар тасвири билан чекланиб қола олмайди. Муайян дақиқаларда у кўрган ёки хис этганларига муносабат билдириш, кўп ҳолларда воқеага бўлган қизиқишдангина гувоҳлик беради, ҳатто бу қизиқиши ўқувчига етказиб, у ўзининг вазифасини тўлиқ бажарган — ходисаларро боғлиқликни аниқлаган, уларни умумлаштирган, хулоса чиқарган бўлмайди.

Мулоҳаза мантиқий ва синтактик ўзига хослиги муаллиф ижод лабораториясига хос одатий бўлмаган фикрлаш тарзига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Лахзаларнинг мантиқан қатъий кетма-кетлиги ва улар орасидаги мантиқий боғлиқликнинг (бу боғлиқлик тобелик тавсифига эга) мантиқий аниқлиги шунга боғлиқ бўлади.

Мулоҳазаларнинг мантиқий тизими «лаҳзалар занжиридир, улар барчаси биргина нарса ёки муаммога тааллуқли бўлиб, улар бирин-кетин шундай жойлашган бўладики,



токи кейингиси олдингисидан келиб чиқади ёки ортидан боради, натижада қўйилган саволга жавоб олинади<sup>1</sup>.

Мантикий, мазмуний боғлиқликнинг ўзига хос жиҳатлари мулоҳазанинг синтактик тузилишида ҳам намоён бўлади.

Агар тасвир ва ҳикоя учун кесим шаклини танлашда синтактик параллеллик хос бўлса (бу жумлалар қурилишида кўринади), «мулоҳазали нутқ» асосий бирлиги – насрий сатр занжир ҳалқалари сингари боғланади<sup>2</sup>. Демак, мулоҳазанинг синтактик қурилиши ҳаракат, ривожланишни, фикрлар занжирини акс эттиради. Мухаррир матн тахлили ва тахририда буни доимо ёдда тутиб, мулоҳаза материал тахририга қўл уриши мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, ҳикоя ва тасвир сингари мулоҳазанинг ҳам «соғ» кўринишидагиси матбуотда камдан-кам учрайди.

Публицистикада у ўкувчи учун анча қийин бўлган мантикий конструкцияларни идрок этишни енгиллаштирувчи матннинг бошқа турларидан парчаларни ўз ичига олган ҳолда мураккаблашган кўринишда бўлади.

Тилшунослярнинг фикрича, тахририят номидан ёзилган газета мақолаларида мулоҳаза тарзидағи баён усулига кўра от туркумига оид сўзлар нисбатан кўп учрайди. Буни бундай мақолаларнинг вазифаси тушунча мазмунини очиб бериш, воқеалар моҳиятини тушунтириш, зинҳор ҳодисалар ҳикояси ва тасвири эмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

Мулоҳаза билан баённинг тасвирий усуслари, яъни ҳикоя ва тасвирдан фарқини хис этиш учун ўз тузилишига кўра анъанавий бўлган адабий асарлар матнига мурожаат этамиз.

*«Осмон тиниқ, қалин қор билан қопланган далалар устида юлдузларнинг олтин гўзалари ёрқин чақнайди. Ҳар вақтдагидан кўркамроқ, тиниқроқ кўринган тўлин ой самонинг бир нуқтасида қотган каби... унинг нурларида қишининг поёнсиз оқ кўрпаси майда олтин учқунлатиб, ҳамма ёқни чуқур жимжитлик билан ўраб ётади. Ялангоч дарахтлар майда юлдузчалар*

<sup>1</sup> Асмус В.Ф. Логика. – Москва, 1987. 147-6.

<sup>2</sup> Қарант: Солганик Г. Синтаксическая стилистика (сложное синтактическое целое). – Москва, 2-нашр, 1991. 7–8-6.

билин ёнган қора ажиб чиройли күлкалар ташлайды. Ойдинли қиши кечаси шундай гүзал, шундай улугворки, ҳатто хизматкорларнинг хароб кулбаси ҳам деворларига кимнингдир томонидан ёпилиб, йигиштирилмай қолган таппилар ҳам аллақандай бежирим манзара ясади» («Кутлуг қон», 114-бет).

«Қуёш ботган, лекин унинг олов дарёси турли ранглар билан товланиб, чексиз бир парда каби уфқларда мавжланар эди. Богчаларни бир-биридан айирган деворлар кўринмас, ишкомлар, мевазорлар, экин далалари туташ яшил манзара ясади. Ҳар ёқдан кўтарилган тутунлар, юпқа кўк булут каби ҳавода секин-аста эрийди...» («Кутлуг қон», 316-бет).

«... саройнинг тўрида бошқаларга қараганда кўркамроқ бир ҳужра, анави ҳужраларга кийиз тўйшалган ҳолда бу ҳужрада қип-қизил гилам, уларда бўз кўрпалар кўрилган бўлса, бунда ипак ва адрас кўрпалар, наригиларда қорачироқ сасиганда, бу ҳужрада шам ёнадир. Ўзга ҳужраларда енгил табиатли **серчақчақ** кишилар бўлганида, бу ҳужранинг эгаси ҳам бошқача яратилишида: оғир табиатли, улуғ гавдали, кўркам ва оқ юзли, келишган, қора кўзли, мутаносиб қора қошли ва эндиғина мурти сабза урган бир йигит!.. Қандайдир бир хаёл ичидаги ўтирган бу йигит Тошкентнинг машхур аёнларидан бўлган Юсуфбек ҳожининг ўгли — Отабек» («Ўткан кунлар», 4-бет).

Матбуот ахборий материаллари мураккаб тафаккур мuloҳазаларини етказиш учун мўлжалланмаган. Улар натижани қайд этади — борлик ҳақида янги тушунча беради. **Мантиқий хулоса** (умозаключение) бундай нашрларда тўла шаклда деярли учрамайди, уларни илмий хабарларда кўриш мумкин.

Мулоҳазадан фарқли ўлароқ **таъриф** ва **тушунтириш** нарсалар ёки нарсалар синфининг эътиборли белгилари ҳақидаги лаҳзаларни қайд этади. Айрим тадқиқотчилар, таъриф жуда оддий (тузилиши нуктаи назаридан), анча

барқарор ва мантиқан қатъийлашган нутқ<sup>1</sup>. Тушунтиришга таърифнинг бир тури сифатида қаралади, у мулоқотга эришиш учун мураккаблаштирилган тузилма хисобланади.

Хар кандай таъриф икки қисмдан иборат бўлади, у ўз ичига аниқланувчи ва аниқловчини олади:

**Услубият** (аниқланувчи) – тилшуносликнинг бўлими, бунда адабий тил (аниқловчи) доирасида тил бирликларининг қўлланиши тадқиқ этилади.

**Виждон** (аниқланувчи) – бошқа кишилар, жамият, инсоният олдидаги ўз хатти-ҳаракати учун ахлоқий масъулиятни шахснинг эмоционал ҳис этиши ва субъектив идроклаши (аниқловчи).

**Демократия** (аниқланувчи) – бошқарув шакли, сиёсий тизим, бунда олий ҳокимият ҳалқقا тегишили бўлади (аниқловчи).

Кўринадики, мантиқий таъриф нарса ёки воеа белгиларини бир-бир санашга асосланади ва шунга кўра унинг тасвир билан ўхшашлиги кўринади. Лекин таърифдан мақсад тасвирдагидан жиддий фарқланади. Мантиқий таърифда санаб ўтиш учун танланган белгиларни умумийлик ҳақидаги тасаввур такозо этади, бунда хусусий тақрорлан-мас белгилар назарда тутилмайди.

Умумий белгилар бевосита кузатув натижасида топилган ва ифодаланган бўлмайди, балки тадқиқот ва умумлаштириш натижасида юзага чиқади. Гарчи белгиларнинг саналган таърифлари ўртасидаги синтактик алока ўз турига кўра баён хисобланса-да, бу шунчаки эркин санаш эмас, балки қатъий мантиқий шаклни қаноатлантирувчи санашдир. Таъриф ўз қатъий шаклига кўра ахборий ва маълумотнома матнинг зарурий унсури хисобланади. Журналистика асарларига таъриф, одатда, тушунтириш шаклида киради.

Таҳrir назариясида яқин-яқингача тушунча таърифи ва тушунтирувига мулоҳазанинг икки тури сифатида қаралган. Бироқ, мақсаднинг аниқлиги, тузилмавий ва маъновий яхлитлик, шаклнинг ўзига хослиги таъриф ва тушунтиришга баённинг икки мустақил усули сифатида қарашга асос

<sup>1</sup> Қаранг: Одинцов В.В. Стилистика текста. — Москва. 1980. 381-6.

бўлади. Бу муҳаррирнинг матн шакли хусусида ишлаши учун муҳим жиҳатдир. Бундан ташқари, журналист тушунириш усулини мунтазам кузатиб бориш кераклигини унутмаслиги зарур.

«Ижтимоий химоя: атамалар изоҳли луғати» (З.Т. Тохиров ва б.)дан мисол келтирамиз.

*Суггестия – инсонда майян ҳолатни ёки бирор хатти-ҳаракатни амалга оширишга разбатни юзага келтириш мақсадида унга вербал ва новербал эмоционал таъсир ўтказишнинг турли усули.*

Муаллифлар мазкур матнни умуман тушунарли деб хисоблаган бўлишлари мумкин. Лекин мазкур парчадаги айрим терминларнинг қўлланиш доираси чекланган: **суггэстия, вербал, эмоционал**. Булардан эмоционал сўзи адабий тилда анчадан буён мавжуд, у деярли барча учун тушунарли. Лекин *суггэстия* ва *вербал* сўzlари анча нотаниш, шунинг учун уларнинг қўлланиш соҳаси ҳам жуда чекланган: психология, тилшунослик соҳаларига оид. Шунга кўра тахрирда уларга тушунириш бериш максадида адабий тилдаги муқобилини ёки маъно ифодасини берувчи сўз ёхуд сўз бирикмасини «нотаниш» термин кетидан қавс ичидан бериш лозим.

## АДАБИЙ ТАҲРИР ВА МАНТИҚ ҚОНУНИ

Мантиқийлик, яъни тӯғри фикрлаш соғлом онг эгаси бўлмиш ҳар бир инсон учун хосдир. Бу қонуниятни бузмай фикрлаш учун, албатта, мантиқ курсида ўқиган бўлиш шарт эмас. Лекин мутахассис — адабий ходим, журналист, айниқса, муҳаррир учун умумэътироф этилган тарзда мантиқийликка эришганлик, оддий қилиб айтганда, ҳали етарли эмас. Унинг учун мантиқ илмини пухта билиш муҳим аҳамиятга молик. Мантиқ унинг фаолиятида нихоятда чукур ва такомиллашган, шу билан бирга пухта эгалланган восита бўлиб хизмат қиласи.

Ҳар қандай матнни, у хоҳ адабий асар матни бўладими, хоҳ оммавий ахборот воситалари матни бўладими, уни малакали мутахассис сифатида баҳолай олиш учун ҳар бир журналист қобилиятини маромига етказиши талаб этилади.

Ҳар ким ҳам нарса, воеа ва ҳодисаларнинг ўзига хос жиҳатларини илғаб олавермайди, уларни бошқа жиҳатлар орасидан ажратиб, алоҳидалаб кўрсата олмайди. Бундан ташқари, уларни тоифалаш, амалий тажрибадан мавҳумлаштирган холда мураккаб фикрлашни бажариш ҳам барча учун бирдек осон кечмайди. Лекин шунга қарамай буни ўрганиш заруратдир. Муҳаррир матндаги мантиқий боғлиқликнинг муҳим эканлигини аниқ идрок эта олиши, мантиқий таҳлил усувлари ва йўсинларини яхши эгаллаган бўлиши керак. Мантиқий меъёrlар тузилганлигини пайқаш унинг учун одатий холга айланган бўлиши лозим. Бироқ, шуни айтиш жоизки, расмий мантиқ қонун ва қоидаларига шунчаки риоя этишлик ҳали ҳаммаси эмас. Адабий матн — мураккаб ижодий маҳсул. Ундаги мантиқий боғлиқлик гносеологик тавсифга эга чукур ва жиддий сабабларга асосланади. Фикр мантиқи ва фактлар



хамда ходисалар мантики мухаррир тасаввурида чамбарчас боғлиқ ҳолда мавжуд бўлади, яхлит бир бутунликни ташкил этади.

Бундан ташқари баён мантики расмий мантиқдан тубдан фарқ қилади. Зеро, бунда фикр баёни қай йўсингандалигига аҳамият берилади.

Мантиқ илмини билиш ҳамиша қалам ахлининг мажбурияти ҳисобланган. Бунга қадимда хам алоҳида эътибор қаратилган. Алишер Навоий Хондамирга тарихга оид асар ёзишда тегишли кўрсатмалар берар экан, унга: «Асарни шундай ёзиш керакки, токи уни ўқиган киши бир жойда ўқиганини аниқлаштириш учун бошқа жойдан жавоб изламасин», деб таъкидлайди. Агар матн мантиқий изчилликка эга бўлса, ўқувчи фикр оқимидағи боғлиқлик туфайли нима дейилмоқчи эканлигини фикрий зўриқишиларсиз идрок эта боради. Бу эса, ўз навбатида, матн тузишнинг асосий мезонларидан бўлиб ҳисобланади.

Агар ижодчи баён мантиқидан хабарсиз бўлса, унинг фикрлари изчилликка эга бўлмайди, натижада ўқувчи чин билан хатони аниқ фарқлай олмай қолади.

Тилшунослар ҳам бугунги кунда синтактик боғланишлар (мантиқий синтаксис)ни таҳлил қилишда мантиқ илми очиб берган қонуниятларга таянмоқдалар.

Кейинги пайтда мантиқ ва синтаксис мезонларининг бирбирига яқинлашуви туфайли матнни таҳлилий баҳолашда, «мантиқий-услубий хатолар» тушунчаси пайдо бўлди.

Плеонастик конструкциялар, сўзларни аниқ қўллаш, термин яратиш ва уларни қўллаш билан боғлиқ муаммолар услубиятнинггина эмас, балки адабий таҳrir фанининг ҳам мухим масалаларидан ҳисобланади. Матн таҳлилиниң қай даражада пухталиги, сўзсиз, мазкур масалалар нечоғли ҳал этилганлиги билан ўлчанади.

Бугунга келиб мазкур назарий фан матншунослар, умуман, матн билан ишловчилар (айниқса, тилшуносликда семик таҳлил билан шуғулланувчилар) эътиборини ўзига жалб этган.

Таҳrir илмида таҳrirнинг мантиқий асосларига бағишинган ишлар ўтган асрнинг олтмишинчи йилларидан пайдо бўла бошлади. Аввало, бунда фақат матндағи воқеа,

ходиса ва асар қаҳрамони динамизмигагина эътибор берилади, шунингдек, мантиқий фикрлаш қонунияти ва мантиқан исботланганлик қоидаларидан фойдаланилганлиги ўрганилади. Ҳозирда ҳам назарий, ҳам амалий фан сифатида тан олинган таҳрир жараёнида «мантиқий маданият» ибораси чукур ўрнашиб қолди. Мазкур иборанинг маъно ифодасига эътибор берадиган бўлсак, шу нарса аён бўладики, таҳрир билан шуғулланувчи ҳар бир ижодчи – муҳаррир мантиқ қоидалари назариясини билиши, ушбу фанга оид терминлар билан таниш бўлиши, онгли идрок этиш, ўзида аник мақсадга йўналтирилган тўғри фикрлай олиш кўнирма ҳамда малакасини ҳосил қилган бўлиши, матнга таҳрир соҳасининг мутахассиси тарзида қарашдек хислатга эга бўлиши, нихоят, матнни мантиқий таҳлил қила олиши, мантиқий изчилликка асосланган баён усулларини пухта билиши талаб этилади.

Эндиликда, ҳар қандай асарнинг у хоҳ адабий асар бўлсин, хоҳ публицистик асар бўлсин композицияси, баёни, тили ва услуби, жанрий хусусиятлари, сарлавҳалари, жумла қурилиши – булар барчаси тилшунослик, адабиёт-шунослик нуқтаи назаридан ташкари, мантиқ нуқтаи назаридан ҳам таҳлил этилишига катта эътибор қаратилиши мухим амалий қимматга эга бўлмоқда.

Журналистика таълими соҳасида матннинг мантиқий таҳлилига бағишлиган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, муҳаррirlар турли адабий асарларни таҳрир қилишда дуч келинаётган қийинчиликларни ҳал этиш учун жавоб излаб, мантиқ илмига мурожаат қилмоқдалар. Тадқиқотчи мутахассислар эса муҳаррirlарнинг таҳриридан чиққан (эълон килинган) асарлар матни устида тадқиқотлар олиб боришда, муҳаррир ишини таҳлил этишда мантиқийлик нуқтаи назарига асосланмоқдалар.

Адабиёт айрим турларини таҳрир қилишдаги мантиқий мезонлар ҳар доим ҳам бирдек эмас. Масалан, адабий ижоднинг бадиий ўзига ҳослиги қайсиdir даражада мантиқка қарама-карши қўйилиш ҳоллари ҳам йўқ эмас. Айниқса, бу борада муҳаррир ва муаллифнинг қарашлари ҳамиша ҳам бир-бирига мос келавермайди. Муҳаррир бадиий ижод наунасини баҳолаганда, кўпинча, фикрлар уйғунлиги нуқтаи

назаридан қараңға мажбур бўлади. Чунки, у (матн) мантиқ талабларига мувофиқми ёки йўқми эканлигига ишонч ҳосил килиш шуни тақозо этади. Журналистика асари учун эса мантиқий қурилиш аниқлиги биринчи даражали ахамиятга моликдир.

Матнни мантиқий таҳлил қилиш ҳам нашр жараёнидаги бошка босқичларда бўлгани каби ўзига хос йўсинларига эга.

Мантиқий таҳлил адабий асар устида ишлашнинг барча босқичларида зарурдир. Муаллиф асар ёзиш вақтида, мухаррир қўлёзмани таҳрир қилиш жараёнида, тақризчи эса тақриз ёзиш вақтида, албатта, матнга мантиқийлик нуқтаи назаридан қарashi лозим. Мантиқийлик асосида, яъни мантиқ қоидаларига риоя этган ҳолда, тузилган матн, одатда, осон тушунилади. У ўз шаклига кўра ҳам яққол аён бўлади. Мабодо, матнда мантиқий боғлиқлик, изчиллик бузилган бўлса, унинг шакли ҳам аниқ бўлмайди, у хусусда муайян фикр билдириш қийин бўлади. Шакл ва мазмун мутаносиблиги ҳақида айтмаса ҳам бўлади.

Бундай вазиятда, оддийгина қилиб, фикрлар фализ, асар шакли ноаниқ дейиш кифоя қилмайди. Мухаррирдан аниқ ва асосли баҳо кутилади.

Хар қандай таҳлил сингари матннинг мантиқий таҳлилида ҳам, у қисмларга ажратиласди ва қисмлараро боғлиқлик таҳлил этилади. Бундан ташқари, матн мазмуний бирликлариаро боғлиқлик ҳамда матн таркибиға кирмаган унсурлар боғлиқлиги ҳам, албатта, таҳлил этилади. Мазкур таҳлил икки босқичга эга. Биринчиси, фикрлар мантиқи (фикрлараро боғлиқлик баҳоланади), иккинчиси, номлар боғлиқлиги (муайян фикр ичидаги тушунчалараро боғлиқлик).

Матннинг асосий мазмуний бўғинларини белгилаш учун, матн билан биринчи танишувда, қисмлар бир-бири билан қандай боғланганлигига, яъни улар боғловчилар, боғловчи вазифасидаги сўзлар ёки тиниш белгилари билан боғланганлиги ёки ажратилганлигига асосий эътиборни қаратиш фойдадан холи бўлмайди. Боғловчилар (зеро, шунга кўра, демак, айтиш мумкинки, аммо, бирок ва б.) ни, шунингдек, тиниш белгиларини тўғри қўлламасликнинг ўзиёқ фикрлаш мантиқсизлигини билдиради.



«Халқ сўзи» газетаси (2009 йил, 29 сентябрь)нинг биринчи бетида берилган «Шинам, кўркам ва обод...» сарлавҳали материалда шундай жумла бор:

«Президентимизнинг «Деворбоп материаллар ишлаб чиқарishiни кўпайтиришини рагбатлантириши ва сифатини яхшилаш борасидаги қўёшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори изчил амалга оширилиши, айтиш мумкинки, бу борадаги имкониятларни янада кенгайтирди».

Мазкур жумлани шартли тарзда икки мазмуний қисмга ажратиш мумкин:

**биринчиси, ... қарорнинг изчил амалга оширилиши, иккинчиси ... имкониятлар янада кенгайди.** Ҳар икки мазмуний қисм боғловчи вазифасидаги «айтиш мумкинки», сўз бирикмаси ёрдамида бир-бири билан боғланган. Аммо у мантиқан тўғри эмас, аслида мазкур киритма конструкциядан холи жумла тузилиши мақсадга мувофиқ эди. Яъни, **«... қарори амалга оширилиши, бу борадаги имкониятларни янада кенгайтирди».** Бундай шаклга келтирилганда икки мазмунний қисмдан англашилган маъно аниқлик, ишонарлилик ва далилланганлик ифодасига эга бўлади. Айтиш мумкинки, киритма конструкция (айтиш мумкин) икки мазмуний бирликни бир-бирига боғласа-да, лекин аниқлик, ишонарлилик ва далилланганликка путур етказади. У мантиқан тўлиқ ишонч билан айтиш мумкин бўлмаган ҳолатларда кўлланади. Бу ўринда яна бир нарсани таъкидлаш жоизки, боғловчиларнинг турини яхши фарқламаслик ҳам мантиқий фализликка сабаб бўлади. Масалан, бириктирувчи боғловчилар, зидлов боғловчилар, айирувчи боғловчилардан тўғри фойдаланмаслик, битта жумла таркибида бир хил боғловчидан такрор фойдаланиш ва хоказо.

Энди қуйидаги мисолга эътибор берайлик.

...Айни пайтда касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларини битириб чиқаётган ёшларимиз эгаллаётган энг замонавий билим ва кўнинмаларни амалда жорий этиши учун уларни кичик бизнес ва тадбиркор-

лик соҳасига кенг жалб қилиш масаласига принципial аҳамият берилиши ва бу вазифа дастурда ўзининг муносиб ўрнини топиши даркор («Инсон ва қонун», 2009 йил 15 декабрь. 1-бет).

Битта жумла таркибида тўрт ўринда *ва* боғловчиси қўлланган. Биринчи, тўртинчи ўриндаги *ва* боғловчиси ўрнида **вергуль**, иккинчи *ва* боғловчиси ўрнида ҳамда боғловчиси қўлланса мантиққа ҳеч қандай путур етмайди. Бундай қайтариққа йўл қўйиш фикрничувалаштириб юборади, ўқувчини зериктиради.

Мулоҳаза юритганда, имкон даражасида уни соддалаштириш, қисқа жумлаларда баён қилишга эришиш малакасини эгаллаш муҳаррир учун айниқса муҳимдир. Шунда ҳар бир мазманий бирлик ўзига хос мантиқий нуктага айланади, улар орасидаги боғлиқликни аниқлаш осонлашади, бутун қисм ихчам *ва* лўнда холга келади.

Муҳаррир матннинг бошидан то охиригача, унинг айрим қисми ичидаги, гарчи бу қисмлар бир-биридан анча нарида жойлашган бўлса-да, мазманий бўғинлараро мувофиқлик, уйғунликни қиёслаш малакасига эга бўлиши, тушиб қолган мазманий бўғинни тиклай олиши зарур. Фикрни баён қилишда матннинг индивидуал талқин этиш эҳтимоли йўқ эмас. Шунга қўра, муаллифнинг ўз нуктаи назари, ўз фикрлаш тарзини ўзлаштириш осон бўлмайди. Четта чиқилган ўринларни мазкур жараёнда тўғрилаш анчагина осон кечади.

Кўйида, анча мураккаб бўлган матнга эътиборни қаратамиз.

Муаллиф матни:

*«Бобурнома». Буюк давлат арбоби, шавкатли саркарда, бобурийлар сулоласининг асосчиси, носир ва истеъоддили шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қомусий кўламли, тарихий-илмий ва бадиий-воқеий асари. Амир Темур ва темурий ҳукмронларга багишланган «Зафарнома», «Хумоюннома», «Акбарнома» кабиларга тақлидан ҳамда моҳиятига кўра, муаллифнинг бошидан кечирмишларини, тарихий аниқлик билан ийлма-*



йил ва тартибли қайð этилишидан шартли «Бобурнома» номи билан жаҳонда шуҳрат тутган.

Бизнинг эътиборимизни, фикр нима ҳақда эканлиги ўзига тортиши лозим, сўнг фикр қандай баён этилишига эътибор қаратилади.

Муаллиф **«Бобурнома»** ҳақида маълумот бермоқчи. Фикрни соддалаштирган тарзда матнни мазмуний қисмларга ажратсак, қуйидагиларга эга бўламиз.

- муаллиф: «Бобурнома» ҳақида маълумот бермоқчи;
- муаллиф: «Бобурнома» муаллифи ким эканлигини кўрсатмоқчи;
- асар бошқа қандай асарларга тақлидан ёзилганини таъкидлайди;
- асар қайси ном билан шуҳрат қозонгани айтилади.

Энди биринчи фикрни мантиқан мулоҳаза этайлик. «Бобурнома» нима? Матндаги биринчи жумла шуни аниқлашга багишланган. Унда асосий фикрдан четта чиқилгани яққол сезилиб туради. «Бобурнома» нима эканлигини айтишдан олдин унинг муаллифига таъриф берилади, вахоланки, бу мантиқан нотўғри, агар фикр Бобур кимлиги хусусида бўлганида эди, унда эътиrozга ҳожат қолмасди. Демак, биринчи жумла «Бобурнома», яъни асар ҳақидаги фикрни ифода этиши керак. Иккинчи жумла, асарнинг тури, ёзилиш шакли, мазмун-мундарижаси, баён услуби ҳақида маълумот бериши лозим. Ана шунда бу ҳар икки жумлани мантиқан тўғри дейиш мумкин бўлади. Юқоридагилардан маълум бўладики, фикр тўғри шакллантирилмаган, матн тузатишга муҳтоҷ.

Албатта, аввало, материал қайси тур нашр учун мўлжалланганлигига эътибор берилади. Лекин, бундан қатъи назар, жумлалар узун, фикр анча чалкаш баён этилган, шунга кўра эълон қилишдан аввал у таҳирдан ўтказилиши керак бўлади.

Биз қўйида энциклопедик нашр учун мос таҳrir талқинини таклиф этамиз:

**«Бобурнома»** — адабий-тарихий, илмий асар. **Бобурнинг** бу қомусий асари туркй адабий анъана («Темур тузуклари», «Зафарнома» ва б.) асосида, шу билан биргэ үзигэ хос тарзда ёзилган. Унда муаллифнинг үз бошидан кечирмишлари, кўрган ва эшитганлари йилма-йил тадрижий суратда баён этилган.

Бунда биринчи жумла, қомусий нашр талабига кўра асарнинг қисқа таърифидан иборат бўлади. Бобурноманинг муаллифи ҳакидаги маълумот тушириб қолдирилади. У ҳақдаги маълумот Бобур ҳакидаги мақоладан олинади, шунга кўра *Бобур* номи курсив билан берилади (бунда — *нинг* қаратқич келишик қўшимчаси курсивга олинмайди). Мантиқан муаллифнинг шахси хусусидаги маълумотлар Бобурга бағищланган мақоладан олинишини англатади. Кейинги жумлада эса муаллифнинг анча ёйик, бир оз чалкаш фикри йифиқ, аниқ ва лўнда жумлада берилади.

Тўртинчи мулоҳазани аниқлаштиришда «Хумоюннома», «Акбарнома» (асар номлари) тушириб қолдирилган, аникрофи, қисқартирилган. Чунки, улар муаллиф матнига мантиқийлик нуқтаи назаридан ўринсиз киритилган. Сабаби, «Бобурнома» бу асардан аввал ёзилган. Шунга кўра уни «Хумоюннома», «Акбарнома»га тақлидан ёзилган дейиш мантиқизлиқ саналади. Аслида, аниқлик киритиш мақсадида айтиш мумкинки, кейинги иккала асар «Бобурнома»га ўхшатиб ёзилган.

Яна бир мисолга эътиборни қаратамиз:

*Хусусан, бу борадаги Бухоро вилоятида амалга оширилган ишлар ва камчиликлар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилиб, уларни бартараф этишига қаратилган кўрсатма ва тавсиялар берилди* («Инсон ва қонун», 2009 йил 15 декабрь).

Мазкур парчада бир фикр ичидаги икки тушунча коришиб кетганлиги яққол сезилиб турибди. *Ишлар ва камчиликлар...* уларни бартараф этишига кўрсатма ва тавсиялар берилди. Демак, ишлар ва камчиликлар бартараф этилиши керак.



*Ишлар, камчиликлар* қай бирини бартараф этиш лозим?!

Мантикий фикрлаш ҳам бошқа хар қандай хатти-харакат ёхуд жараёнда бўлгани каби ўз қонуниятларига эга. Агар шундай қонуниятлар бўлмаганида эди, инсонлар бир-бирларининг фикрларини англашлари амримаҳол бўлур эди.

Мумтоз мантиқ илмида тўғри фикрлашнинг тўртта асосий қонуни илгари сурилган ва муайян шаклга келтирилган. Мазкур қонунларга амал қиласак, фикрда аниқлик, зиддиятсизлик, тадрижийлик ва ўзига хосликка эришамиз.

«Бу қонунлар инсон тафаккури хусусиятларини – фикрнинг аниқлиги ва ўзаро боғлиқлиги, ишончли ва зиддиятлардан холи бўлиши зарурлигини акс эттиради»<sup>1</sup>. Фикрни баён этишда унинг талқини, яъни маъновий тузилиши, айтиш мумкинки, чексиз-чегарасиз. Тўғри фикрлаш қонунлари эса муайян қатъийликда фикрнинг аник-равshan чиқишини белгилаб беради. Матнда ўз ифодасини топаётган маълумот (хабар)нинг мантикий соғломлиги, унинг ишонарлилиги, аниқлиги ва қарама-қарши (зиддиятли) эмаслиги билан белгиланади. Адабий ва/ёки журналистик асарда баён этилаётган фикрнинг таъсирилилек самарасига далилларнинг, исботланганликнинг ишонарлилигига кўра эришиш мумкин.

Агар фикрни ифодаловчи жумла тузилишида мантикийликдан четга чиқилган, яъни мантикий фикрлаш қонунларига амал қилинмаган бўлса, бундай ҳолатда мухаррирнинг аралашуви сўzsиз заруратга айланади. Мухаррир эса мантикий фикрлашнинг асосий қонунлари нимани назарда тутишлигини билишдан ташқари, у мантикий хатоларни юзага келиш омилларини ҳам тасаввур эта билиши, уларнинг матнга қандай қилиб кириб қолишлигини, мантикий хатонинг нуткий алоқанинг самаралилигига таъсирини пайқай олиши, шунингдек, асар шу қисмини адабий материал нуктаи назаридан кенг мушоҳада этиши лозим.

Агар мухаррир шундай кўникма ва малакага эга бўлмаса, матндаги мантикий хатолик тўғриланиши эмас, аксинча, янги шаклда юзага келиши табиийдир.

<sup>1</sup> Тошалиев И. Адабий таҳрирнинг мантикий асослари. – Т.: Университет. 1999. 29-б.

Күйидаги мисол бунга ёрқин далил бўлади.

«Термин», «терминология» деганда кўтинча маҳсус лексикага оид барча сўзлар тушунилади, терминлар, профессионализмлар, профессионал арготизмлар ўртасидаги фарқ ажратилмайди. Терминларни ўрганишда, аввало, терминни оддий сўздан (термин бирор тушунча ёки предметга қўйилган, эмоционал маънога эга бўлмаган маҳсус сўз), касб-ҳунар сўз (профессионализм)лардан ва профессионал арготизмлардан фарқлай олиш зарур

Терминларнинг ўзи ҳам ишлаб чиқариш, саноат, илмий-ижтимоий соҳаларга бўлинади. Терминларни қўллаш чегаралари бўлганилиги учун ҳам терминологик лугатларда **сўзлар 5 мингдан 20 мингтагачадан бўлади**.

Ўкув адабиёти («Маҳсус лексика», 2008 йил), аниқроғи ўқув қўлланмадан олинган парчада мантиқ бузилганини пайқаш қийин эмас. Парчада ифодаланган фикрни аниқлаш учун уни соддалаштириб, мантиқий қисмларга ажратамиз:

- «Термин», «терминология» деганда маҳсус лексикага оид барча сўзлар тушунилади;
- терминлар, профессионализмлар, профессионал арготизмлар ўртасидаги фарқ ажратилмайди;
- терминни оддий сўздан.., касб-ҳунар сўзларидан ва профессионал арготизмлардан фарқлай олиш зарур;
- терминлар ишлаб чиқариш, саноат, илмий-ижтимоий соҳаларга бўлинади;
- терминларни қўллаш чегарали.., терминологик лугатларда **сўзлар 5 мингдан 20 мингтагачадан бўлади**.

Биринчи мантиқий бутунликка эга қисмда терминология сўзи нотўғри қўлланган, чунки терминология деганда сўзлар тушунилмайди. Бунда соҳа — терминшунослик тушунилади.

Иккинчи мантиқий бутунликка эга қисм билан учинчи қисмда зиддият мавжуд: «...профессионал арготизмлар ўртасидаги фарқ ажратилмайди» билан «профессионал арготизмлардан фарқлай олиш зарур» мантиқан бир-бирига зид.

Тўртинчи мантикий бутунликка эга қисмда «терминлар соҳаларга бўлинади» дейилган, бу мантиқан хато. Терминлар ... соҳаларга оид ёки тегишли бўлади. Соҳаларга бўлинмайди!

Бешинчи мантикий бутунликка эга қисмдаги фикр мантиқсизлиги «... сўзлар 5 мингдан 20 мингтагачадан бўлади». Мазкур конструкцияда «сўзлар» ўрнида «улар», «20 мингтагачадан» эмас, балки «20 мингтагача» бўлиши мантиқан тўғри бўлади. Хуллас, юкоридаги тахлилдан кўринадики, фикрлар чалкаш, матн муаллиф(лар)и мантиқ илми қоидаларига эътиборсизлик қилганлар.

Тўғри фикрлашнинг асосий қонунларини **«мантиқ арифметикаси»** деб аташ асоссиз эмас. Зеро, ҳар қандай асарнинг, таъбир жоиз бўлса, ипидан-игнасигача ана шу қонуниятга бўйсундирилган бўлиши шарт. Бу қонунлар бир ёклама, муайян чегара тарзида эмас, улар умумхусусиятни, бу қонунларга фақат сўз — матнларгина эмас, балки адабий асарнинг тарқибий унсурлари, сўз — матн мазманий тузилишида иштирок этувчи барча воситалар, сарлавҳа мажмуасининг барча унсурлари, руқнлар, тасвир материаллар, чизмалар, жадваллар, изоҳлар хам бўйсунади. Шундайликка эришилсагина асар, том маънодаги, мантиқ жиҳатдан мукаммал асар ҳисобланади.

Мантикий фикрлашнинг биринчи қонуни айният қонунидир<sup>1</sup>. Маълумки, бу қонунга кўра муайян хulosада келтирилаётган ҳар бир фикр такрор баён этилаётганда айни бир хил ва барқарор мазмунга эга бўлиши лозим.

Фикрлашнинг тўғри бўлиши учун муайян мулоҳаза мобайнидаги лаҳза-ўй бир хиллигига амал қилиш зарур.

Мулоҳазамиз ниманинг хусусида бўлаётган бўлса, у шу мулоҳаза мобайнинда ихтиёrsиз суръатда ўзгармаслиги лозим, хусусан, тушунча алмаштирилмаслиги ва қоришиб кетмаслиги керак. Бу фикрлаш аниклигининг омили ҳисобланади. Мабодо, мантикий фикрлашнинг мазкур биринчи қонуни бузиладиган бўлса, унда мулоҳаза юритилиши мо-

<sup>1</sup> Тошалиев И. Адабий таҳрирнинг мантикий асослари. — Т.: Университет, 1999. 29-б. Накорякова К.М. Литературное редактирование.— Москва: изд. ИКАР, 2002, 61-б.

байнида тушунчалар алмашиниб қолиши юз беради, терминлар аниқсизлигига сабаб бўлади, мулоҳаза тумтарок, чўзилиб кетган, чалкаш ва мужмал бўлиб қолади.

Агар матн тузишда мантикийликнинг биринчи қонунига амал қилинмаган бўлса, мухаррирнинг матн хусусида бирон-бир даражада аралашувига ҳожат қолмайди. Чунки ундан муаллифнинг фикри ва услубини деярли сақлаб қолишини талаб этиш мантиқсиздир. Ваҳоланки, матнни қайта ишлаш ёки тузатиш жараёнида муаллиф фикри ва услубининг муқобилини излаш мантикийликнинг айни мана шу биринчи — айният қонунига асосланади.

Айният қонунининг атайлаб бузилиши ёки тушунчани била туриб тескари ифодалаш ҳолати нисбатан сийрак учрайди, лекин мухаррир — журналист мунозарачи — муаллифлар ахён-ахёнда фойдаланиши мумкин бўлган, қалтис усуллардан хабардор бўлишилиги фойдадан холи эмас.

Шундай усуллардан бири матндаги битта иборани юлиб олиб, мунозара қўзғаб қўйиш ва муаммони, асосий фикрни четлаб ўтиш, матн яхлитлигига путур етказишидир.

Биз юқорида таъкидлаганимиздек, бундай ҳолат ахён-ахёнда матбуот соҳасида, радиоэшиттириш ва телевидение кўрсатувларида учраб туради ва деярли барчаси қандайдир гаразли мақсад билан боғлиқ бўлади. Бунда муаллиф муҳолифи бўлган томонни ноқулай вазиятга солиб қўйишга интилади ёки фикрни ўз фойдасига ўзгартиришга уринади.

Лекин журналистика асарларида, шунингдек, адабий асарларда айният қонунидан четга чиқишилик кўп ҳолларда атайнин қилинган бўлмайди, матнда мавзудан ихтиёrsиз узоклашиш, фикр уйғунлиги эътибордан четда қолганлиги, хуллас, баёнда қунтнинг етишмаслиги сабаб бўлади.

— эгачи-сингил Зайнаб ва Хушрӯйбibi образларининг талқини гоят ибратлидир. Бири муте, итоаткор, нуқул ўзгалар изни билан иш кўради, иккинчиси эса дадил, мустақил, ўз бахти ва тақдирни учун фаол кураш олиб боради. Ёзувчи бу икки шахс характерига хос тугма хусусиятларни шарҳлаш билангина чекланмайди, бундай хислатларнинг ўша кимсалар, қолаверса ўзгалар тақдирига кўрсатган таъсири, фо-

жейі оқибатларини ҳам ифода этади. Ўзини бошқалар ихтиёрига топшириб қўйған Зайнаб шу ожизлиги туфайли ўз бахтига зомин бўлибгина қолмай, яна ўша ожизлиги туфайли ўзгалар қутқуси орқасида беихтиёр жиноятга қўл уради. — Кумушга заҳар беради. Мустақиллик, дадиллик — яхши хислат, бироқ унга худбинлик аралашса балоий азимга айланиши мумкин. Хушрўйбиби ўз бахти учун курашади, шахсий манфатлари йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди, бирорларнинг кўз ёшлари ҳисобига, ўзгаларнинг бахтиқаролиги эвазига ўз бахтини тиклайди. Романдаги Ўзбекойим образи ҳам нухоятда табиий ва гўзал сиймолардан биридир. Думбул табиат бу аёл ўғли Отабек, қолаверса, келинлари — Кумуш, Зайнаб тақдирларининг чигаллашиб кетиши охирни фожеага юз тутишида бош сабабчи экани аён. Бироқ ҳар қанча гуноҳкор бўлмасин, ўта андишали адаб уни кескин қоралашга тили бормайди. (ЎзМЭ, 1-жилд, 23–24-6.)

Мазкур парчадан муаллифларнинг ҳам, мухаррирнинг ҳам, таҳририятнинг ҳам қунти етишмаганлиги яққол сезилилади.

Айтиш мумкинки, таҳрир мантиқининг барча талабларига риоя қилинмаган.

1) Айният — бир хилдалик қонуни бузилган: *Зайнаб ва Хушрўйбиби образларининг талқини гоят ибратлидир.* Ибратлими? Демак, ижобий. Аммо кейинги жумлада фикр тамоман ўзгаради. *Бири (Зайнаб) муте, итоаткор, нуқул ўзгалар изни билан иш кўради, ...* Хўш, Зайнаб характеристи ибратлими?!

*Иккинчиси эса дадил, мустақил, ўз бахти ва тақдирни учун фаол кураш олиб боради.*

Хушрўйбибига берилган бу таъриф юкоридаги **ибратли** сўзининг маъно ифодасини тасдиқлайди. Зоро, дадиллик, мустақиллик, ўз бахти ва тақдирни учун фаол курашиш инсон учун ижобий фазилат саналади ва бу ибрат олса арзийдиган хол.

Аммо сал қуйироқда, айни шу абзацнинг ўзида шундай мулоҳазани ўқийсиз: ...*бундай хислатларнинг ўша ким-*

салар, қолаверса, ўзгалар тақдирига кўрсатган таъсири, фожеавий оқибатларини ҳам [Қодирий] ифода этади.

Зайнаб ва Хушрўйиби кимсалар бўлса, ўзгалар тақдирига салбий таъсир кўрсатиб, фожейй оқибатларга олиб келса, улардан ибрат олиш мумкинми?

2) Қисмларо мантикий боғлиқлик, узвийлик бузилган. Қисмдан қисмга ўтища тадрижийлик йўқолган. Қисмларнинг, таъбир жоиз бўлса, бири боғдан, иккинчиси тоғдан.

Биринчи, иккинчи жумлада эгачи-сингил — Зайнаб ва Хушрўйиби ҳакида сўз боради. Учинчи жумлада муаллиф ифодаси берилади. Тўртинчи жумлада яна Зайнабга қайтилади. Бешинчи жумлада иккинчи жумладаги фикр (*дадил, мустақил, ўз баҳти ва тақдири учун фаол кураш олиб боради*) ривожлантирилади ва бу хислатлар салбийга айланади. Бешинчи жумладангина ўқувчи иккинчи жумладаги хислатлар қандайлигини билиб олади. Фикрлашда дистантликка йўл қўйилади.

Олтинчи жумла яна Хушрўйиби ҳакида. Еттинчи, саккизинчи жумлалар Ўзбекойим хусусида.

Еттинчи жумлада Ўзбекойим образи ҳам ниҳоятда табиий ва гўзал сиймолардан бири эканлиги айтилади. Бу мантикий қисмдан Ўзбекойим тўла ижобий образ эканлиги ҳақидаги фикр англашилади. Саккизинчи жумладаги «думбул табиат бу аёл» конструкцияси юкоридаги еттинчи жумладаги «табиий ва гўзал» конструкциясининг маъно ифодасига мутлақо зиддир.

3) Шу ўринда мантикий фикрлашнинг **зиддиятсизлик** конуни бузилган. Чунки икки фикр бир-бирига зид келади. Аслида, уларнинг биригина ҳақ ҳисобланади, яъни иккисидан бири.

4) Бу мантикий фикрлашнинг учинчиси истисно қонунiga мос эмас. Бу қонунга кўра бир нарса, ходиса ҳақидаги икки қарама-карши фикрнинг бири тўғри, иккинчиси нотўғри. Учинчиси истисно қилинади.

5) Матнда (ажратиб олинган парчада) мантикий фикрлашнинг тўртинчи қонунига ҳам амал қилинмаган.

Ўзбек ойим табиий ва гўзал дейилади, аммо асосланмайди.

Ўзбекойим думбул табиат дейилади, аммо асосланмайди. Демак, етарли асос қонуни бузилади.

Энди ана шундай мантиқий хатоларга йўл қўйилишининг сабабларига тўхталамиз.

Биринчидан, сўз (лексема)лар нотўри қўлланган: *ибрат, дадил, мустақил, ўз баҳти, тақдир, табиий, гўзал, сиймо, думбул*.

Иккинчидан, мутлақо хат боши (абзац) инкор этилган. Биз келтирган парчадаги учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи жумлалар хат бошидан бошланиши лозим эди. Еттинчи ва саккизинчи жумла битта абзацини ташкил этади. Чунки уларда бир-бири билан узвий боғлиқлиқдаги эмас, балки умумий мавзуга алоқадор эканлиги баён этилмоқда. Бу фикрлар мустақил фикрлар ҳисобланади. Биз бу ўринда матн парчасининг тили ва услубини таҳлил этмадик. Бу ҳақда китобнинг бошқа бобида муфассал сўз юритамиз.

Агар бир хилдалик (айният) қонунининг талаблари га эътиборсизлик қилиб, улар ҳисобга олинмаган бўлса, матндан бирон-бир маълумотни илғаб олиш қийин кечади, муаллифнинг фикрини билиш мушкуллашади.

Мантиқнинг айният қонунига қатъий амал килишлик – баённинг савол-жавоб шаклини тузишда, таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, матн қурилишининг энг зарур шартларидандир. Мантиқ нуқтаи назаридан биз саволни тўғри туза биламизми, ҳар доим ҳам унга жавобни мантиқан тўғри бера оламизми? Бу хусусда чукур мулоҳаза қилиш фақат интервью олувчи журналистнинггина масъулияти эмас, балки барча қалам аҳлиниңг ўйлаб кўриши талаб этиладиган жиҳатдир.

Бугунги кунда, ахборот олиш, саралаш, қайта ишлаш ва етказиш жараёни жадаллашган шароитда, оммавий ахборот воситаларида интервью жанрига тез-тез мурожаат этмоқдалар. Аудиторияга (ўқувчига) яқинроқ бўлишга интилиб, унинг дикқат-эътиборини кучайтириш мақсадида журналистлар кўп ҳолларда нутқнинг диалог (ёки сухбат) шаклидан фойдаланмоқдалар. Албатта, интервью ўз хусусиятига кўра бошқа публицистик жанрлардан фарқланади. Маълумот (айниқса, радио ва телевидениеда) манбадан аудиторияга тўғридан-тўғри етиб боради. Бунда тезлик ва ту-

шунарлилик омилларининг бири иккинчиси мантиқийлиги, изчиллиги, аниқ ва лўндалигини таъминлаш муаммоси пайдо бўлади. Табиийки, тезлик бўлганда мантиқийликка пуртур етиши эҳтимоли юқори бўлади. Журналист буни доимо ёдида саклаши лозим. Зеро, савол беришдан мақсад муайян маълумот олишдир. Саволнинг анъанавий шакли иккисидан иборат бўлади. Биринчиси, сўрокни билдирувчи қўшимча қўшилган ёки сўроқ оҳангига айтилган сўз, иккинчиси саволнинг асосий қисми. Одатда, иккинчиси кутилаётган жавобнинг таркибига ҳам киради. Демак, саволнинг тўғри берилиши, жавобнинг ҳам тўғри бўлишилигининг гарови саналади. Бунга эса мантиқнинг айният қонунига амал қилинмасдан эришиш амримаҳолдир. Савол аниқ, тушунарли, аёнлашган, яъни муайян нарса, воқеа, ҳодиса хусусида тайин бир тарзда бўлиши керак.

*«Таълим соҳасида нима дея оласиз?», «Ўқитиш ишиларини қандай олиб бориш самаралироқ бўлади?», «Нима қилса, тадбиркорлик ҳаётимизга тезроқ жорий бўлади?»* сингари саволларга аниқ-тиник жавоб бериш мушкул. Чунки бундай шаклдаги саволлар жавоб турлича бўлишига олиб келади. Саволнинг асосий қисмини тузиш катта эътиборни талаб қиласди. Саволга мантиқан тўғри жавоб бериш дегани айният қонунига аниқ риоя қилиш демакдир.

Ҳар бир асарнинг муаллифи (журналист) ўз амалий фолияти мобайннида саволни белгилаш учун талаб этиладиган қандайдир шартлар хусусида мулоҳаза қилиб қўрмаса, камчиликка йўл қўйганлигига ҳамиша икror бўлишига тўғри келганлигини эсламай иложи йўқ. Лекин саволни белгилаш учун талаб этиладиган шартлар жавобни тўлиқ аниқлаш учун етарли бўлади, дегани эмас. Савол беришда албатта жавоб берувчининг саволни жон қулоғи билан эшитиши, унга тўлиқ жавоб бериш иштиёқи баландлиги, шу билан бирга адресатни фикрлашга мажбур этишлиги назарда тутилиши лозим. Бунинг учун, аввало, корреспондент савол-жавоб мавзуи бўйича катта тажрибага эга, юқори малакали мутахассисни танлаши керак.

Мантиқан қаралганда савол, одатда, жавоб олиш учун берилади, айни шундай бўлиши шарт, акс холда у нима жавоб қилишга шама бўлиб қолади.

Кўйидагича савол берган журналист қандай жавоб эшитиши кутган экан: «Мана сиз, домла, журналистика факультетида узоқ йиллардан бери ишлаб келмоқдасиз, катта тажриба тўплагансиз. Табиийки, бу вақт мобайнида сизда талабаларга нисбатан муайян муносабат тарзи юзага келган, шундайми?» Мазкур саволнинг ўзида унинг жавоби ҳам тайёрланган. Сухбатдош мулойимлик билан савол берувчининг айтганларига кўшилиши колади, холос, ёхуд мантиқнинг айният қонунини бузган холда жавоб қайтаришга мажбур бўлади. Кузатишлардан маълум бўладики, савол берувчи ўзи учун мақбул жавобни ололмай қолишдан хавотир бўлганда, сухбатдош ўзи тузган режадан четга чиқиб кетмаслиги учун шундай савол беради.

Атамалар мантиқий бирлик сифатида, нутқ ҳодисаси эканлигига кўра муайян объект, нарса, жараённи атайди, номлайди, мана шуни тақозо этувчи қонуният талаби билан маъно аниқлиги ва ҳажман қисқаликка эга бўлади. Агар мазкур талабларга тўлиқ риоя этилмаган бўлса, матнда сўзлардан ўринли фойдаланилганлигини мухаррир томонидан тўлақонли баҳолашнинг иложи бўлмайди.

*«Кечанинг совуғи, изгирин кучайди. Бадан совуқдан муз кесилди. Чарми тошдай эски этик ичидаги оёқлари жонсизланди. Лекин у бир зум қўйнисдан тентирайверди. Бир бурда, сариқ совуқ ой хира нур тумани сепади. Сув шувиллаб қандайдир сирли, вахимали кўриниш билан оқади. Унинг қорамтири ойнасида, қиргокдаги юпқа муз парчаларида ойнинг олтин нури йилтирайди. Сув ёқалаб ўсан ялонгоч дарахтларнинг бутоқи, новдадарлида совуқ шамол шивиллайди. Йўлчи санқиб анҳор ёқасида тўхтади»* («Кутлуғ қон»).

Бадиий асаддан олинган бу мисолда муаллиф ой ва унинг нури ҳакида маълумот беради: У бир ўринда (юкорида): *Бир бурда, сариқ совуқ ой хира нур тумани сепишини таъкидласа, бошқа ўринда (куйироқда) ... муз парчаларида ойнинг олтин нури йилтирайди, деб ёзади.* Айни бир нарса хусусидаги икки хил фикрлаш матннинг мантиқий режасига путур етказган. Чунки *хира* сўзи би-

лан олтин нур бирикмасининг маъно ифодаси бир-бирига зид келиб қолган. Мантиқнинг айният қонунига мувофиқ юқорида *хира* сўзи қўлланганда қўйида ҳам бир хилдаликни саклаш лозим эди.

Қўлланилаётган сўзни аниқ танлаш фикрни тўғри ифодалашнинг гаровидир. Мабодо, муаллиф ёки мухаррир таъсирчанликни ошириш мақсадида онгли равишда айният қонунининг талабларига зид бормоқчи бўлса, бунда у жумла тузишда ниҳоятда ҳушёр бўлиши, ўзи йўл қўяётган четга чиқишликни ўқувчи табиий ҳол деб кабул қилишига эришиши лозим. Бундай усулдан фойдаланишда маъноси яқин сўзлар – синонимлар қўл келади. Матнда, кўпинча бир-бирига алоқадор сўзлардан синонимлар тарзида фойдаланилади. Масалан, феъллар – *эшитмоқ, тингламоқ*; от – *ўқитувчи, домла, устоз; сифат – яхши, дуруст* ва хоказо. Муайян матн ичida бундай «чекиниш» мантиққа хилоф саналмайди, демак, айният қонуни бузилган ҳисобланмайди. Бирок, мухаррир муайян матн ичida атамаларни «эркин» қўллашлик чегарасини аниқ тасаввур этиши лозим.

Журналистика асарининг мантиқийлик белгисига эгалиги масаласининг мухим жиҳати – мавхум маънога ва ҳажмга эга атамалардан фойдаланишнинг олдини олишdir. Жонли, таъсирчан фикр ҳамиша ўзига хос ва шу билан бирга ўзига мос шаклга эга бўлиши керак. У аниқ, равshan, ҳеч қандай иккиланишга йўл қўймайдиган, икки хил талқинга эга бўлмаган, кўп сўзли ва узундан-узоқ бўлмаслиги лозим.

Кўйидаги матнга эътибор берайлик.

*Биз Ўзбекистоннинг ҳар томонлама равнақ топишидан, мамлакатда демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, фуқароларнинг турмуш даражаси ва мамлакатнинг ҳалқаро обрў-эътибори ўсишидан, тинч ва барқарор ҳаёт сақланиб туришидан, айниқса, ана шундай ижобий ўзгаришлардан энг кўп манфаатдор бўлган ўрта қатlam вакиллари номидан сиёсий майдонга чиққанимизни, бир дақиқа бўлса-да, унутмайлик («XXI аср», 2009 йил 8 октябрь).*



Матнда гап нима хақда эканлигини дабдурустдан илғаб олиш қийин. У узундан-узоқ ва айрим-айрим қисмлар (уюшиқ бўлаклар) мантиқан бир-биридан ажралган, изчиллик йўқолган. Матнда айтилмоқчи бўлган асосий фикрни аниқлаш учун уни айрим мантиқий бирликларга ажратамиз. Аввало, гапнинг эга ва кесимини топамиз: *Биз* эга, *унутмайлик* кесим. Энди эга билан кесим орасида жойлаштирилган бўлакларни аниқлаймиз:

- 1) Ўзбекистоннинг хар томонлама равнақ топишидан;
- 2) мамлакатда демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларини чуқурлаштиришдан;
- 3) фуқароларнинг турмуш даражаси ўсишидан;
- 4) мамлакатни халқаро обрў-эътибори ўсишидан;
- 5) тинч ва барқарор ҳаёт сақланиб туришидан;
- 6) ижобий ўзгаришлардан энг кўп манфаатдор бўлган;
- 7) ўрта қатлам вакиллари номидан;
- 8) майдонга чиққанлик;
- 9) бир дақиқа бўлса-да.

Кесимга савол берилса, фикр анча ойдинлашади. Нимани (*унутмайлик*)? Жавоб — сиёсий майдонга чиққанлигимизни. Лекин майдонга нима учун чиқилди? Биз... ўрта қатлам вакиллари номидан сиёсий майдонга чиққанимизни, бир дақиқа бўлса-да унутмайлик. Демак, асосий фикр биз ажратган мантиқий қисмларнинг 7–8–9-бандларида аён бўлади. Лекин шундан кейин ҳам ҳақли савол туғилади. Ўрта қатлам бор экан, унда куйи қатлам, юкори қатламлар ҳам борми, буларни кимлар ташкил этади? Мантиқан бундай муаммоли фикрга йўл қўймаслик учун атама, ном тўғри танланиши лозим. Биз ажратган 9 та мантиқий қисмдан учтасигина асосий фикрни аёнлаштиради, қолган олти банддаги фикрлар факат ўрта қатлам нимадан манфаатдор эканлигини англатади.

Шу ўринда яна бир савол туғилади. 1–6-бандлардаги мақсадлар амалга ошишидан фақат ўрта қатламларгина манфаатдорми, яна энг кўп?

Табиийки, бундай мулоҳазалар ноаниқлиги туфайли мухаррирнинг аралашуви амримаҳол.

Афсуски, бундай мураккаб шаклли фикрлаш, ҳавоий, баландпарвоз, умумий ва назарда тутилганга яқинроқ ифо-

дани берувчи маъноли сўзларни қўллаш газета тилида жиддий қусур ҳисобланади. Бу ҳақда ҳам назариётчи, ҳам амалиётчи тилшунос, журналист мутахассислар ўз фикрларини билдирганлар. Улар қўп сўзлилик, қолип (штамп) лар матбуот матнларига сохта аҳамиятлилик ва нуфуз бахш этишини, амалда эса фикрнинг аниқ ва равшан бўлишиллигига тўсқинлик қилишини аллақачон айтиб ўтганлар. Йиллар ўтиб бу нутқий ҳодисалар ижтимоий-сиёсий мақом ола бошлади. Айни бир сўз (тадбир, муаммо, таъминлаш) билан ҳаётдаги ниҳоятда турли-туман фактларни ифодалай бошладилар.

Ёшлиар маънавиятини ошириш учун чора-тадбирлар белгилаб чиқилди. Ислохотларни амалга ошириш учун қатор муаммоларни ҳал этишга тўғри келади. Аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш долзарб масала ҳисобланади ва ҳ.к. Аниқ маъно ифодаси мавҳумлашган маъно ифодаси билан алмаштирилади (масала, муаммо; мухим, долзарб). Устуворлик маъно бўёғи (оттенкаси)га эга сўз ўрнида универсал маъно бўёғига эга (катта, сезиларли) сўзлар қўллана бошлади. Алоқадорлик ва ўзаро муносабат маъно ифодаси ўз аниклигини йўқотади (тегишли, айрим). Қолип (штамп)лар нимаси билан мақбул эмас? Гап шундаки, қолип сўз, бирикма ёки иборага ўрганиб қолинса, мантиқий фикрлашдан тўхтаймиз. Қолип ибора мисоли парда сифатида нарса, воеа, ҳодиса асл табиатини кўзимиздан тўсиб қўяди, унга бўлган муносабатимизнинг фарксизланишига олиб келади. Тайин нарса, воеа ва ҳодиса ўрнига уларнинг қотиб қолган тасаввурини беради. Бергандা ҳам анча ноаниқ ва турғунлашган тасаввурини. Лингвистик тенгламани қабул қиласа эканмиз, уни жонли, тил унсури деб биламиз, фикрнинг шунчаки номини унинг мазмун, мундарижаси сифатида қабул қиласа эканмиз. Шундай қилиб, қолипларни онгли тарзда кундалик ҳаётимизга сингдириб юборсак, улар шунчали ижодийлик, таъсирчанликни бўға бошлади, юзакичиликка олиб келади. Собиқ тузум давридаги онгни сиёсийлаштириш тадрижий суратда газета сахифаларидан тирик (ジョンリ, таъсирчан) тилни бадарға бўлишиллиги айни шу қолип (штамп)лар туфайли юз берганди.

1950-йиллар охирида К.И. Чуковский қолиплар билан түйинган тил ҳақида ўз фикрини баён этиб, қолипларни ўзига хос жаргонлар, деб таърифлаган эди. Унинг фикрича, кишилар нарса ва воқеаларга тупурганликни никоблаш мақсадида махсус жаргонлар яратилган, жаргонлар туб мохияти билан файриахлоқийдир. Уни ҳақиқатни кўздан яширишга мослашган тутун парда дейиш мумкин.

Хозирги замон журналисти жонли ва аниқ сиёсий нутк (тил)га эга бўлиши лозим. Янги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ғоялар тамсил — тил остидаги тилча билан сўзлашни, сийқаси чиқкан сўз-клешиларни рад этади. Чунки бундай сиёсий икки ёқлама ҳақиқатлар ўз хизматини ўтаб, умрини яшаб бўлган.

Тўғри, бу муаммо лингвистика доирасига кирмайди, лекин мантиқнинг қатъий қонунлари муҳаррирни «силлик», «ҳамишабоп», бир қарашда ташвиш ортиримайдиган ифодаларга алданиб қолишига йўл қўймаслиги лозим.

Мантиқий фикрлашнинг иккинчи қонуни нуткий зиддиятсизлик қонунидир. Айни бир вактда ва айни бир муносабатда бир нарса, воқеа, ҳодиса ҳақида айтилган қарама-карши фикрнинг ҳар иккиси бирдек тўғри бўлиши мумкин эмас.

Бу қонун Арасту (Аристотель) замонидан маълум бўлган: бир-бирига зид ҳукм бирдек чин бўлиши мумкин эмас. Зиддикка йўл қўйилишига фикрлашнинг тумтароқлиги, узуқ-юлуқлиги, етарлича билимга эга эмаслик, нихоят нутқ эгасининг нияти ва субъектив жиҳати сабаб бўлиши мумкин.

Нуткий зиддиятсизлик қонуни билим ва амалиётнинг барча соҳаларида намоён бўла олади. Мазкур қонунни бузишлик, одатда, матний мулоқотнинг барча кўринишида — ўқувчилар аудиторияда кескин муносабатни — норозиликни уйғотади. Бундай ҳол устидан, кўпинча, мазах қилиб куладилар, турли мутойибалар тўқиидилар.

«Термин», «терминология» деганда кўпинча махсус лексикага оид сўзлар тушунилади, терминлар, профессионализмлар, профессионал арготизимлар ўртасидаги фарқ ажратилмайди. Терминларни ўрганишда, аввало, терминни оддий сўздан (термин бирор тушунча ёки предметга қўйилган, эмоционал маънога эга бўлмаган махсус сўз), касб-ҳунар

сўз (профессионализм)лардан ва профессионал арготизмлардан фарқлай олиш зарур («Махсус лексика», 8–9-бет).

Юқоридаги парчанинг биринчи жумласидаги *фарқ ажратилмайди* билан иккинчи жумла охиридаги *фарқлай олишга* эътибор берилса, кифоя. Ортиқча изоҳ-мантиқий таҳлилга ҳожат йўқ. Мантиқий фикрлашнинг иккинчи қонунига хилофлик яққол сезилади.

Матнни ўқувчи икки айни бир нарса, воқеа, ҳодиса ҳақидаги фикрлар, фикр билан матндан ташқаридаги мавжуд холат ҳақидаги ўз тасаввури ўртасидаги зиддиятни ортиқча қийинчиликсиз пайқайди. Битта жумладаги ёки кетма-кет келган жумлалардаги ёндош зид фикрни пайқаш қийин эмас.

Бир жумла ичидаги ёки туташ жумлалар доирасидаги зидлик контакт зидлик деб аталади ва биз бунга юқорида мисол келтириб ўтдик.

Аммо бир-биридан анча нари-беридағи матнларда учрай-диган фикрлар зидлиги, кўпинча, муҳаррир эътиоридан четда қолади.

*Дарҳақиқат, сўнгги йилларда матбуотда Чўлтон ҳаёти ва ижоди тўјгрисида илмий мақолалар кўплаб чоп этилди, қатор китоб ва рисолалар нашр қилинди. Айниқса, олимларимиздан О. Шарафиддинов, А. Алиев, Ш. Турдиев, Н. Каримовларнинг Чўлтон тўјгрисидаги мақолалари атоқли адаб ижодини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлди. Уларнинг сафига XX аср 90-йилларининг ярмига келиб қатор ёш тадқиқотчилар қўшилди. Булар – З. Эшонова, Д. Куронов, Н. Йўлдошев, С. Йўлдошибекова ва бошқалар. Улар Чўлтон ижоди бўйича номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар. Шу жараёнда илмий-оммабон мақолалар ҳамда илмий публицистик нашрлар ҳам чоп этилди («Мустакил Ўзбекистон журналистикаси тарихи» 58–59-бетлар).*

Мазкур матн парчасининг биринчи жумласи... «китоб ва рисолалар нашр қилинди» тарзида тугайди. Охирги жумла эса... «мақолалар ҳамда илмий публицистик нашрлар ҳам чоп этилди» тарзида яқун топган. Ҳар иккى қисмдаги нашр сўзига эътибор берилса, биринчисида «чоп» маъно ифодаси, иккинчисида «асар» маъно ифодаси аён



бўлади. Мухаррирнинг бир-биридан узокроқ жойлашган айни бир сўзнинг зид келиб қолишини пайқаши анча қийин. Дистант зидликни пайқаш мухаррирдан анча юқори малака ва кўнишка талаб этади.

*Бу маънода, айниқса, ислом оламининг забардаст алломалари – И мом Бухорийнинг 1225 йиллиги, Бурҳониддин Марғононийнинг 910, И мом абу Мансур Мотурудийнинг 1130 йиллиги, Абу Исо ат-Термизийнинг 1200 йиллиги, Маҳмуд Замаҳшарийнинг 920 йиллиги, Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллигининг нишонланиши, улар асарларининг юз минглаб нусхаларда чоп этилиши юртимизда дину диёнат қайта юксалаётганининг ёрқин далилидир («Мустақил Ўзбекистон журналистикаси тарихи», 151–152-бетлар).*

Унинг сарчашиаси Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» китоби эканлиги, кейинроқ Абу Мансур Мотуридийнинг пухта ақоид йўналишининг қудрати мўътазила, ботиния ва карматия қарашларига барҳам бергани асл манбалар асосида ёритилган («Мустақил Ўзбекистон журналистикаси тарихи», 174-бет).

Айни бир китобда, бир-биридан 22 бет билан ажралган мазкур икки парчада бир исм икки хил берилган: *Moturiy* – *Moturidiy*.

Мантиқий фикрлашнинг иккинчи қонуни бузилган бу матн парчалари бир-биридан анча нарида бўлганлиги туфайли уни мухаррир ҳам, мусаҳҳих ҳам, муаллиф ҳам кўздан қочирган.

Мухаррирнинг кўз илғамас зиддиятларни аниқлаши учун шунчаки фикрларни чоғиштириш кифоя қилмайди. Бунинг учун қўшимча идрок этиш жараёни талаб этилади.

Бундай кўз илғамас зиддиятларни аниқлаш учун мухаррир матнни такрор-такрор ўқиши, хатонинг мантиқий асосини аниқлаши лозим. Баъзи ҳолларда мухаррир бундай «арзимасдек» туюлган зиддиятли фикрларга муаллиф (лар) мақомига ишониб, эътибор бермай ўтиши ҳам кузатилади.

Лекин муаллиф ким бўлишидан қатъи назар, ҳар қандай хато, гарчи у арзимасдек туюлса-да, тузатилиши шарт. Акс ҳолда, асарнинг қиймати ва аҳамиятига путур этиши аниқ.



Агар матн адабий асарга тааллукли бўлса, нашриётнинг, матбуот материалы бўлса, газета, журнал таҳририятнинг нуфузи тушишига сабаб бўлади.

Мунавварқори Абдурашидхонов қисқа нутқ сўзлаб, йигилишини очди. У ўз нутқида мусулмонлар чоризм ярим аср қўлликда яшаганини, озодлик катта талофтлар эвазига қўлга киритилганлигини алоҳида таъкидлайди («Мўътабар зиё маскани», 24-бет).

*Шу пайтда аскарий мусиқа марши чалинади. Сўнгра мусулмон ҳуррият шаҳидлари учун Самиқори афанди тарафидан Каломи Шарифдан, уларнинг хотираасига фатво, ояtlар ўқилади* («Мўътабар зиё маскани», 25-бет).

Юкоридаги биринчи парчадаги «...мусулмонлар чоризм ярим аср қўлликда яшаганини» конструкцияси, иккинчи парчадаги «фатво» сўзи мухаррирдан чуқур мушохада талаб қиласди. Бундай матнлар мунтазам мантикий назоратга муҳтоҷ. Ярим аср – 50 йил дегани. Юкоридаги жумла китобда 1918 йил 12 май шанба куни айтилган нутқдан келтирилади, гўё нутқ эгаси шуни таъкидлаган.

Мазкур ўринда мухаррир чоризм томонидан Туркистон тўлиқ босиб олинган санадан қайд этилган санани айириб, оддий хисоблаш билан аниқлик киритиши керак эди.

Иккинчи парчадаги зидликни аниқлаш учун Каломи Шарифда фатво бор-йўқлигини аниқлаш кифоя қиласди.

Ана шундай холатларда мухаррир зиддиятли фикрларни аниқлаш учун матнни диққат билан таҳлилдан ўтказиши лозим. Зиддиятсизлик қонунини билиш мухаррирга бошқалар матнини баҳолаш учунгина зарур эмас. Мазкур қонун ҳар бир муаллифдан ўз мулоҳазалари зиддиятли бўлмаслигини хам талаб этади. Шуни унутмаслик лозимки, таҳлил мантикий зиддиятга асло йўл қўймайди.

Мухаррир матнни диққат билан таҳлил этиши жараённида мазмунан бир-бирига зид фикрларни аниқлай олади, зиддиятнинг моҳиятини очиб, уни тузатишга муваффақ бўлади. Мухаррирлик таҳрирининг ўринли эканига муаллифни ишонтиради. Зоро, ҳар бир мантикий зидликни тўғрилаш муаллиф ва мухаррир ҳамкорлигига амалга оширилиши айни муддаодир.



Мухаррир муаллифга мулоҳаза зидлигига йўл қўймасликни тавсия қиласр экан, аввало, унинг ўзи бу қонунга қатъий риоя қилиши хамда матн таҳлили билан шугулланганда буни хамиша ёдида тутиши шарт.

Мантикий фикрлашнинг учинчи қонуни *учинчиси истисно қонунидир*. Айни бир хил муносабатда айни бир вақтнинг ўзида икки бир-бирига зид фикрнинг биттаси, албатта чин бўлади. Учинчисининг бўлиши мумкин эмас. Юонон файласуфи Аристотель мазкур қонунни қуидагича таърифлайди: «Икки бир-бирига зид фикр ўрталифида бирон-бир нарса бўлиши мумкин эмас».

Мантикий фикрлашнинг мазкур учинчи қонуни фикрнинг боғлиқлигини ва зиддиятсизлигини таъминлайди. Чин мулоҳазани танлаш учун асос бўлади.

Карама-қарши фикрларни аниқ белгилаш, улар ифодасининг равшанлиги, матн курилишининг аниқлиги мазкур қонунга амал қилинганлигини очик-ойдин кўрсатади. Ушбу қонун баённинг мантикий аниқлигини таъминлайди, фикрнинг тадрижий тарзда ривожлантириш имконини беради.

Мантикий фикрлаш учинчи қонунини қўллашнинг, унга амал қилишнинг бош шарти бўлиб, қиёсланаётган мулоҳаза чиндан хам қарама-қарши бўлиши, яъни улар ўртаси, оралиғидаги, учинчи тушунча истисно бўлиши керак. Айни бир нарса хусусидаги икки фикр бир-бирини истисно қилиши лозим.

Куийдаги матнга эътибор берайлик.

*Мамлакатимиз ҳаётининг турли соҳаларига оид меъёрий қонунлар Бosh Қомусимиз асосида яратилди ва ҳаётга татбиқ этилди. Энг асосийси, конституциявий меъёрлар асосида қабул қилинган ва жорий этилган қонунлар инсон ва жамият манфаатларига йўналтирилган бўлиб, унинг муҳим таркибий қисмини ташкил этади.*

Мазкур парчада *меъёрий қонунлар* тушунчаси мунозарали:

Меъёрий қонун: демак, қандайдир меъёрни белгиловчи қонун;

Меъёrsиз қонун: хамон меъёрий қонун бўлса, демак, меъёrsиз қонун ҳам бўлади;

Конуннинг ўзи меъёр. Уни яна меъёрий дейиш мантиқсиз.

Иккинчи жумла: ...*конституциявий меъёрлар асосида қабул қилинган ва жорий этилган қонунлар...*

Агар юкоридаги жумлада *меъёрий қонунлар* тушунчаси берилган экан, иккинчи жумлада ҳам «...*конституциявий меъёрлар асосида қабул қилинган... меъёрий қонунлар...*» бўлиши керак («Инсон ва қонун», 2009 йил 15 декабрь).

Мантикий фикрлашнинг тўртинчи қонуни – *етарли асос қонунидир*. Ҳар қандай чин фикр бошқа, чинлиги исботланган фикр билан асосланган бўлиши керак. Мазкур қонунга риоя этиш билан мулоҳазанинг асосланганлигига эришилди. Билдирилган мулоҳазанинг мантики фикр умумий методологик талабга кўра асосланган, деб ҳисоблайди ва бунинг бажарилишини таъминловчи бир қатор қонунларни назарда тутади (икки ёқлама инкор, тавтология ва бошқалар).

*Экспрессив-услубий бўёқ ҳақидаги фикрлар тилшуносликда жуда кўп бўлғанлиги билан бирга, улар бир-биридан ниҳоятда фарқли.* Бир туркум тилшунослар «экспрессив-услубий бўёқлар лексик бирликлар – сўзларнинг ўзи орқали ифодаланади, яъни экспрессив-услубий бўёқли лексика», деб тушунсалар, иккинчи бир гуруҳи, «у лексик бирликнинг маълум семесаси орқали ифода топади», деб тушунадилар... Биз эса иккинчи гуруҳ тилшунослар томонида туришни, яъни «экспрессив-услубий бўёқ маълум маъно орқали ифода топади», деган фикрни қувватлашини маъқул кўрдик. Таниқли тилшунос И.В. Арнольд ўзининг ҳозирги инглиз тили лексикологиясига багишланган дарслигига «лексик маъно маълум тил тизимида тушунчанинг аёнлашиши билан эмоционал ва услубий бўёқнинг кузатилиши экани»ни айтиб ўтган эди. Тилшунос Ш. Раҳматуллаев ҳам «экспрессив-услубий бўёқ маълум лексик маъно орқали аёнлашади», дейди («Прагматик сема», 5-бет).

Мазкур парчада мантикий фикрлашнинг икки (иккинчи ва учинчи) қонунига риоя этилганлиги яққол кўринади. Аввало, зиддиятсизлик қонуни. Матнда илмий асар муаллифи (З.Т. Тоҳиров) муайян бир фикрни илгари суради, яъни «экспрессив-услубий бўёқ сўз маъносига оид» дейди. Лекин бундай фикрни илгари суришдан олдин бу хусусда

икки хил қараш — мuloҳаза борлигини айтади. Биринчи мuloҳаза — экспрессив-услубий бўёқ сўзга оид, иккинчи мuloҳаза — маънога оид. Демак, бу бир нарсанинг зидлиги хусусидаги икки фикр бири иккинчисига зид. Улардан бири чин, иккинчиси ёлғон.

Муаллиф улардан бирини — экспрессив-услубий бўёқ маънога оид, дейилган мuloҳазани танлайди ва уни чин деган фикрни илгари суради. Мана шу ўринда мантиқий фикрлашнинг учинчи қонуни ишга тушади. Унга кўра учинчisi истисно. Мазкур фикр (даъво) чин эканлигини очиб бериш учун етарли асос келтириш талаб этилади. Соҳа олимларидан И.В. Арнольд ва Ш. Раҳматуллаевларнинг исботланган фикрлари муаллиф ўз фикрини тасдиқлашига етарли асос бўлади, бу энди мантиқий фикрлаш тўртинчи қонунининг талаби, у хақда кейинроқ сўз боради.

Муқобилини келтириш — баён қилишнинг анча қизғин тарзига хос усул. Фикр аниқ шаклни талаб этади, усул эса аниқ ифодани. Мунозара, сухбат матнлари, долзарб интервьюларда бу хол, айниқса, аниқ намоён бўлади.

*Савол: Махмуд ака, сиз яқин-яқингача «Сурхон» гуруҳининг яккахон қўшиқчиси сифатида фаолият кўрсатган эдингиз. Энди эса ижодингизни «Сурхон»сиз давом эттирияпсиз?*

*Жавоб: — Бунинг оддийгина сабаби бор. Гуруҳимдаги ишгитлар ўзларини қўшиқчилек орқали синаб кўришига майл билдиридилар. Мен бунга қаршилик қилмадим.*

*Яқинда концерт дастурлари ҳам тақдим этилди.*

*Уларни биринчи мувваффақиятлари билан қутлашга бордим. Интилганга толе ёр дейишади. Эл учун, юрт учун яхши қўшиқлар ижод қилишларига умид боғлайман, холос. Ишонаман, улар бунинг ўддасидан чиқшишади («Фарзона», 2010 йил 25 февраль, 7-бет).*

Мазкур интервьюдаги мухбир саволи ва респондент жавобига эътибор берилса, шу нарса аён бўладики, мантиқан улар айри-айри. Савол... «Сурхон» Махмуд акасиз фаолият олиб бораётгани ҳақида.

Агар интервью тўғридан-тўғри эфир ёки экранга узатилганда эди, унда журналист аралашуви мумкин бўлмасди. Матбуот интервьюсида буни тўғрилашнинг имкони мавжуд, аммо бундан фойдаланилмаган.

Мантикий фикрлашнинг учинчи қонуни матнни малакали мутахассис сифатида баҳолашда муҳаррир учун муҳим ахамиятга эга бўлган восита ҳисобланади. Матннинг бир талқинини рад этиб, иккинчи талқинини қабул қилиш, иккисидан бирини танлаш вактида муҳаррир мазкур қонунга таянади.

Мантикий фикрлашнинг тўртинчи қонуни – *етарли асос қонуни* ҳар қандай чин фикр, юкорида эслатиб ўтганимиздек, чин эканлиги исботланган бошқа фикрлар билан асосланган бўлишини талаб этади. Мазкур қонунга риоя этиш билан фикрнинг асосланганлигига эришилади. Бу эса тўғри фикрлашнинг зарурий шарти ҳисобланади. Мулоҳаза мантики фикрнинг асосланганлигини умумий методологик талаб, деб ҳисоблайди ва бир қатор қонунларни назарда тутади. Мазкур қонунлар етарли асос қонунининг бажарилишини таъминлайди (булар – икки ёқлама инкор, тавтология, симплексиялар, конъюнкциялар ва бошқалар).

Ҳар қандай мулоҳазада фикрларимиз ўзгариб, ички уйғунликка эга, бир-бири билан боғлиқ бўлиши лозим. Бундан ташқари, бири иккинчисининг тадрижий давоми ҳамда бири иккинчисини асослаши керак. Мулоҳазаларнинг чинлиги асосларининг етарлича эканлигини ўрганиш маҳсус фанларнинг ўрганиш обьектидир. Мантикий асосланганлик ҳар бир журналистика асарининг зарурий сифат кўрсаткичидир.

Фақат билимнинг саёзлиги ва эътиборсизлик билан мулоҳаза юритишигина баённинг исботланмаганлигига сабаб бўлмайди, балки фикрлашда котиб қолганлик (бир колипга тушиб қолганлик) ҳам баён асосланмаган бўлишига олиб келади. Масалан, журналист одат бўлиб қолган, гўё ишончлидек туюлган «илгари-ҳозир» тарзидағи баёнга ёпишиб олади.

Одатий идроклаш қўпинча ижодкор – ёзувчига ҳодисанинг моҳиятига кириб боришга, юз берадиган ҳодисалар сабабини очиб беришга халақит қиласди. Тўла-тўқис ёритил-

ғанлик ҳиссиёти мухаррир ва/ёки журналист учун ҳамиша хавотирилдири.

Лекин фактларни зўрлаб, тифизлаб қандайдир тарзда жойлаштириш, у ҳар қанча «ишончли» туюлмасин, янада хавфлироқдир. Материални мажбурлашнинг нохуш оқибати ўзини кўрсатишни чўзиб ўтирамайди, бу муқаррардир.

Биз мантикли фикрлаш қонунлари тасодифан бузилганлиги ҳолатига камдан-кам дуч келамиз. Асосан бундай камчиликлар тартибли фикрлай олмаслик туфайли содир бўлади.

Ҳар бир мантиқий нуқсон мухаррир учун огоҳликка ундовчи омил бўлиб хизмат қилмоғи лозим, токи у матнда фикрнинг тобора ойдинлашиб боришини назорат қилиш учун ўз диққатини мунтазам кучайтира борсин. Ана шундагина журналистнинг исталган жанрдаги асарини рисоладагидек, деб баҳолаш адолатли бўлади.

Демак, ҳар бир соҳада бўлгани сингари таҳрир соҳасини, мухаррирлик фаолиятини мантиқсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Меъёрида амалга оширилган ҳар бир ҳаракат, ифода этилган фикр, ҳатто биргина сўзни қўллаш ҳам мантиқсиз бўлмайди.

Аммо адабий таҳрир ишида турмушда орттирилган, умумга хос мантиқийлик камлик қиласи.

Умуман, мутахассис журналист, хусусан мутахассис мухаррир нарсанинг мухим жиҳатларини аниқлай олиш, уларни тоифалаш, мураккаб тафаккур амалларини бажара олиш малакасига эга бўлиши лозим.

## АСАР КОМПОЗИЦИЯСИ ТАҲЛИЛИ ВА ТАҲРИРИ

Асар қўлёзмасини таҳрир килиш нимадан бошланади? Саволга айни бир хилда жавоб бериш мушкул. Чунки жавоб турлича ва ҳар бири ўзича ҳақ бўлиши мумкин. Масалан, асарга илова қилинган ички ва ташқи такриз билан танишиб чиқишдан; материал мазмуни ва максади билан танишиб чиқишдан; кимларга мўлжалланганлиги (ўқувчилари доираси)ни аниқлашдан; ниҳоят муҳаррирнинг ўзига хос усул билан. Айрим муҳаррирлар ишни, аввало, қўлёzmани сидирға ўқиб, кузатилган имловий, услугубий ҳатоларни бир йўла тузатиб кетишдан бошлайди ёки уларни таъкид этиб, муаллифга дарҳол тузатишни таклиф қиласди.

Кўп йиллик тажриба эса бунинг жуда ҳам тўғри эмаслигини, муҳаррир ўз ишининг устаси эмаслигини кўрсатади. Чунки унинг бу борадаги машаққатли меҳнати беҳуда кетади.

Қўлёзма билан чуқурроқ танишиш натижасида унинг тузилиши (конструкцияси)да жиддий четга чиқишлар, аниқсизликлар намоён бўлиши мумкин. Мазкур камчиликлар тузатилгандан сўнг, тил ва услугуга оид тузатишларни қайтадан бажаришга тўғри келади.

Асар услугбининг ўзига хос жихатлари ўз-ўзидан юзага чиқмайди, шунга кўра унинг адабий шаклини баҳолашда муҳаррир унга тузилиши, услугуга яхлит бир бутунликда қарashi лозим. Зеро, матннинг яхлитлиги асарнинг асосий жихатларидан биридир, шу туфайли муаллиф асарининг тузилиши (композицияси) устида муҳаррирнинг ишлаши кўп жихатдан шунга боғлиқ бўлади. Демак, қўлёzmани таҳрир килишни унинг тузилишини баҳолашдан бошлаш лозим.

Фарб адабиётида асар тузилиши композиция деб аталади. Агар матн тузилиши (унинг «архитектоникаси») такомилига етмаган бўлса, уни албатта ўзгартериш керак.

Адабий асар тузилишини такомилига етказиш қўллэzmани таҳxир қилишнинг муҳим ва одатда, биринчи босқичидir. Мазкур босқичда муҳаррир қўллэzmани дикқат билан ўрганади.

Матн устида ишлашда ўқишининг турли усулидан фойдаланиш мумкин. Биринчидан, асар билан **танишув ўқиши**. Бундай ўқишида муҳаррир асар мазмунини тез илғаб олиши, яъни мавзу ва ғоясини аниқлаши лозим. Бундан ташқари муаллиф услубини, унинг маҳоратини ва мавзуни қай дарражада билишини белгилаш талаб этилади. Шу билан бирга **сиdirғa** ўқишдан ҳам фойдаланиш мумкин, мабодо, муҳаррир бундай ўқиши усулини ўзлаштириб олган бўлса. Бундай усулни ўзлаштириш осон қўчмайди, бунинг учун маҳсус ишлаб чиқилган тизим асосида машқ қилиш талаб этилади. Аввало, одатий, болаликдан ўрганиб қолинган суст ўқиши ақидасидан воз кечиш лозим. Яна шуни таъкидлаш жоизки, сидирға ўқишлик малакаси муҳаррирда хар қандай ишланган тизимга асосланса ҳам бирданига хосил бўлмайди. Бунинг учун йиллар мобайнida эришиладиган тажриба ҳам талаб этилади.

Сидирға ўқиши малакаси қўллэzма билан илк танишувдаёқ унинг мазмун моҳиятини айрим сўз, термин ва бирикма, иборалар орқали эмас, балки сатрлар, абзацлардан идрок этиш имконини беради.

Натижада муҳаррир матнни тўла-тўқис, яхлит тарзда баҳолаши мумкин бўлади. Бу ҳол матнни таҳxир қилишга киришиш олдидан жуда муҳимдир.

Муҳаррир ишидаги босқич қўллэzmани дикқат билан **чукур** ўқишдан иборатдир. Бунда ҳар бир сўз, ҳар бир жумла, барча тиниш белгилари, абзацдан иборат матн кисми, баённинг тадрижийлиги, образлар тизими, қисмлар, боблар, параграфлар мантиқий мутаносиблиги, тасвирий – таъсирчан воситалардан фойдаланилганлик ва бошқалар мулоҳаза қилинади.

Табиийки, ҳар қандай асар муайян режа асосида юзага келади. Хатто, асар баёни ҳам олдиндан белгиланган



бўлади. Муҳаррир асарнинг мазмуни — мазмуний режаси баёни режасига қанчалик мос эканлигини аниқлаши лозим.

Матнни ўқиш жараёнида муҳаррир учраган кўзхато (имловий, тиниш белги)ларни тузатиб боради. Услубий ёки матний мулоҳазаларини, қайдларини улар матннинг қайси қисмига тааллуқли бўлса, ҳар бирини алоҳида-алоҳида ёзиб кўяди. Сахифалардаги қайдларда сўзларни қўллашдаги хатоликлар, турли нутқий ғализликлар ва услубий хатолар аник кўрсатилади.

Мабодо, муайян матн-парча мантиқан бошқа қисм, боб ёки параграфга тааллуқли бўлса, шу матн қайси жойга (бетга) кўчирилиши қайд этилади. Шунингдек, кўйилиши керак бўлган ўринга қайси жойдан олиб келиниши ёзиб кўйилади.

Мазкур ишлар бажарилгач, муҳаррир ўз кузатишлари натижасини тақриз (муҳаррир хулосаси, нашриёт, таҳририят тақризи)да умумлаштиради.

Ўзининг хулосаларини муҳаррир қўллэзма — қисмлар бўйича баён этади. Муаллиф нутқ маданиятини умумий баҳосини чиқаришда айрим нутқий-меъёрий камчиликларни жамлайди.

Қўллэзма сифатига кўра рад этилиши ёки нашр учун маъқулланиши мумкин. Агар қўллэзма чоп этиш учун қабул қилинса, муҳаррирнинг матн устида қунт билан ишлашига тўғри келади, якуний босқичда **сайқаллов** ўқишини амалга оширади. Бундай ўқиш матнни бошдан охиригача ўқишдан ёки айрим қисмни танлаб ўқишдан иборат бўлади. Бундай ўқиш, одатда, муайян мақсадни кўзлаб амалга оширилади. Қўллэзмани шундай ўқиш чоғида фамилиялар, исм ва отасининг исмлари, иқтибосларнинг аниқлиги, ракамлардан иборат маълумотлар, географик, топонимик номлар, изоҳлар, ҳаволалар, библиографик кўрсаткичлар, ДАСТга мувофиқлик ва ҳоказоларни текшириб чиқиш зарур.

Адабий асар тузилишини такомиллаштириш, зарурий ва одатда, қўллэзма устида ишлашнинг биринчи босқичи саналади. Фақат асар меъёрида «қурилган»ига ишонч хосил қилгачгина кейинги босқич ишларини амалга оширишга киришиш мумкин.

Адабий асарнинг композициясини асар тузилишининг умумий қонуниятларига кўра белгилаш мумкин.

Адабий асарнинг тузилишини белгилаб берувчи қонуниятлар қадим-қадимдан маълум. Цицерон ўз фикрини ёзма баён этишга уриниш, агар фикр ифодасини жойлаштиришини, аниқ-равшан баён этишни уддасидан чика олинмаса, ўқувчини таъсирчан жумлалар билан эргаштира олмаса, ўз вақти ва битикларини суиистеъмол қилувчи инсонгагина хос иш бўлади, деб у, биринчи ўринга ўз фикрини жойлаштира билишликни қўяди.

Алишер Навоий ўз шогирдларига (хусусан, Хондамирга): «Асар ёзганда шундай ёзиш керакки, токи уни ўқиган кимса муайян фикрни тугал англаш учун ўқиган жойидан бошқа ўринлардан қидирмасин, ёхуд кейин ўқиганини аниқлаштириш учун орқага, оддин ўқиган жойига қайтмасин», деб таъкидлайди.

Тўлақонли тузилишга, яхлит шаклга эгалик барча адабий асарлар учун, уларнинг тури ва жанридан қатъи назар, умумий талаб ҳисобланади. Бу талаб тўлиғича журналистика асарлари учун ҳам тааллуклидир.

Хозирги замон филологияси «композиция» терминининг икки хил таърифини беради. Биринчиси адабиётшуносликка, иккинчиси лингвистикага оид. Адабиётшунослик композицияни ижод жараёнининг босқичи сифатида, кенг маънода тушунади. Лингвистика эса уни нутқий асарни ташкил этувчи, лингвистик бирлик, нисбатан барқарор композициявий-нутқий шарҳ сифатида жанрни белгиловчи, деб тушунади.

«Нутқ услубияти асосий жанрлар тузилишининг тизими хақидаги таълимотни ёки ижтимоий нутқ тузилмавий турларини ўз ичига олиши керак»<sup>1</sup>, — деб ёзади акад. В.В. Виноградов.

Композиция терминининг ҳар икки изоҳи — адабиётшуносликдаги ва тилшуносликдаги мухаррирнинг назарий вазифасини англашда самаралидир ва унинг матн устида амалий ишларни бажариши учун имконият яратади, таъбир жоиз бўлса, йўлка очиб беради.

Муаллиф ижодий маҳоратининг мухим қирраларидан бири матн композицияси ҳисобланади. Шунинг учун

<sup>1</sup> Виноградов В.В. Стилистика. Теория политической речи. — Москва: Поэтика, 1963. — 33-б.



муҳаррир биринчи галда асар тузилишини баҳолаши лозим, шундан сўнг қўлёзмани адабий жиҳатдан ишлашга киришиши мумкин. Етарли тажрибага эга бўлмаган муҳаррир ва/ёки адабий ходимгина қўлёзма устидаги ишни нутқий хатоларни тузатиш, баён услубини ўзгартиришдан бошлиди. Ваҳоланки, аксар холларда муҳаррирнинг меҳнати зое кетиши эҳтимолдан узоқ эмас. У сўзни ўзгартиради, жумлаларни қайта тузади, аммо қўлёзмага чуқурроқ кириб борган сари матн қисмлари жойини ўзгартириш, айрим парчаларни қисқартириш, баъзи ўринларга қўшимчалар киритиш зарурати юзага келади.

Адабий асарлар орасида ўзига хос жиҳатга эга бўлган бадиий асарнинг тузилишини фарқлаш керак бўлади. Унинг асосини **сюжет** ташкил этади. Бадиий асар сирасига кирмайдиган адабиётлар композициясини хам фарқлаш лозим, унинг асосини режа ташкил этади. Бадиий асарда поэтик образ орқали фикр юритилса, кейингиларда мантиқий тузилиши етакчилик қиласи. Ахборий нашрлар композициясининг мақсади — маълумот етказиш, аниқ фактлар бериш. Бунинг учун амалиётда қўлланилган, синовдан ўтган қолип (стереотип)лардан фойдаланилади. **Композиция** терминининг маъно ифодаси **сюжет** терминининг маъно ифодасидан кенгроқ.

Композициясини чуқур ўрганишгина муаллиф фикрининг барча мураккабликлари, ўзига хосликларини баҳолашга ва сюжетдан ташқари киритмалар — лирик чекинишлар, турили композициявий доиралар хамда муаллифнинг бошқа усулларини аниқлашга қўмаклашади.

Аниқ тузилишга эгалик публицистика асарлари учун зарурий талаб ҳисобланади. Публицистнинг маҳоратини белгилаш деганда пухта ўйланган композиция, баённинг тизимини туза билиш зарурий талаб бўлиб қолади.

Адабий асар тузилишининг таҳлили таҳrir жараёнининг бошланғич босқичи ҳисобланади ва асар тузилиши хусусида тўлиқ маълумотга эга бўлиш имконини беради.

Хар қандай асарнинг тузилиши, табиийки, муайян қисмларнинг мавжуд бўлишилиги ва улар маълум тартибда жойлаштирилиши керак. Адабиётшуносликда «композиция» термини билан бир қаторда, «архитектоника» терми-

нидан ҳам фойдаланилади. Европа меморлигига оид бу термин воситасида ижодкорнинг иши меморнинг ишига ўхшатилади. Адабий асарда ҳам, худди меморий иншоот сингари барча унсур (қисм)лар шундай жойлаштирилган бўлиши керакки, токи улардан биронтаси ҳам ортиқча ёхуд ўринсиз жойлашган бўлмасин.

Муаллиф материалидаги қисмлар чегараси (ҳажми) аниқ белгиланган, тузилиши қатъий қилиб қўйилган бўлиши лозим.

Матнни қисмларга ажратиш бу шунчаки бўлиш эмас. Айтайлик, бутун матнни ҳажман мутаносиб қисмларга ажратиб қўйиш эмас. Бундай тақсимлаш таҳrir амалиётида учраб турадиган ҳол, у кўпинча фақат салбий оқибатга олиб келади. Адабий асар матнини шартли тарзда teng қисмларга бўлиш ноширлик фаолиятида турли тамойилларни кўзлаб амалга оширилади: мазмуний, мантиқий, китобхон руҳиятини ҳисобга олиш, асарни безаш ва хоказо. Бу тамойилларнинг бари муҳаррир учун эътиборлидир. Лекин асарни қисмларга ажратишида бош мезон мантиқидир. Агар матн мантиққа хилоф тарзда қисмларга ажратилган бўлса, у хар қанча жозибали бўлмасин, оқибатда нохуш таассурутга олиб келади.

Адабий асарнинг туридан қатъи назар, агар у бадиий бўлмаса, етказиладиган маълумот ҳар бир қисмда аниқ, тугал ва ишонарли ҳамда далилланган бўлиши шарт. Юқоридаги талаблардан ҳеч бири (муайян қисмга тааллуқли бўлгани учун) бошқа жойда (қисмда) бўлмаслиги лозим. Қисмларнинг аниқ жойлаштирилганлиги материалнинг ахборийлигини оширишга, унинг илмий-билиш қийматини кўтаришга, ҳиссий таъсирини кучайтиришга хизмат қиласи. Қисмларнинг зўрма-зўраки, сунъий боғлиқликдан холи қиласи, биридан иккинчисига ўтишда мураккаблик, чалкашлик бўлишининг олдини олади.

Қисмларнинг аниқ жойлаштирилиши публицистика асарлари учун ҳам зарурий талабдир. Чукур ўйланган композиция, баённинг тадрижийлигини таъминлаш қобилияти публицист санъатини кўрсатувчи асосий шартлардан хисобланади.

Маълумки, оммавий ахборот материаллари ҳажман катта бўлмайди. У қўз ўнгимизда яқкол намоён бўлади, матн тўлалигича эътиборда туради.

«Конструкциянинг ҳажмини конструкция қонуни белгилаши лозим, — деб ёзади кичик адабий жанрларни тадқиқ этган Ю. Тинянов. — Катта шаклни ҳисобга олиш, кичик ҳажмникидан мутлақо фарқ қиласди. Ҳар бир унсур (қисм), ҳар бир бадиий қўллаш конструкциянинг катталигига боғлиқ ҳолда, турли вазифани бажаради, турли таъсири кучига эга бўлади, ҳар бирига турлича масъулият юкланди»<sup>1</sup>.

Кичик жанрлардаги асарлар матни устида ишлаш кўп саҳифали асарлар қўлёзмаси устида ишлашдан кўра осон эмас, гарчи шундай туюлса-да.

Оммавий ахборот материалларининг адабий шакли ўзига хос жихатлари билан мухаррир зиммасига бир катор масъулиятларни юклайди. Масалан, асар композицияси устида ишлаш бўйича, шунингдек, матн тузилиши (қурилиши) хусусида анча қатъий талаблар қўяди.

Аввало шуни айтиш жоизки, ҳар бир нарсани пишик-пухта қуриш (яратиш) лозим. Ҳудди шунингдек, адабий асар матнини ҳам. Уни ўқиган ўқувчи каерда бошланиб, каерда тугашини аниқ кўра билсин. Ҳар бир абзац ўз жойида бўлсин. Бошқа жойга ўтказилиши ёки аввалги абзацининг охирига уланиб кетиши, гўё унинг таркибий давоми бўлиши каби мантикий кусурлардан холи бўлмоғи керак. Бу, айниқса, газета ёки журнал саҳифасидан ўрин оладиган очеркларга қўйиладиган бош талаб ҳисобланади.

Муаллиф материали қисмларининг чегараси аниқ белгиланган, тузилиши меъёрига етказилган бўлиши лозим. Матнни қисмларга ажратиш шунчаки тақсимлаш эмас.

Матн қисмларининг аниқ чегаравийлиги, ўринли жойлаштирилгани материал ахборийлигини оширади, маълумотлар қимматини кўтаради, ҳиссий таъсирини кучайтиради. Журналистика материалида айрим камчиликлар ҳам бўлади, буларга, албатта, мухаррир алоҳида эътибор қаратиши талаб этилади: мавзудан четга чиққанлик; матн қисмларини

<sup>1</sup> Тинянов Ю. О литературном факте. ЛЕФ. 1994. № 12. — 102-6.



жойлаштирилиши тамойилларининг тўғри танланмаганлиги; баён тадрижийлигининг асосиз бузилганлиги; қисмлараро ҳажмий мутаносибликка (ҳажман тенгликка) риоя этилмаганлиги; асар тузилиши усулларидан муваффақиятсиз фойдаланилганлик; қисмлараро узвий боғлиқликка путур етганлиги; матн тузилишидаги аниқсизлик (асар номи, сарлавхасини ўринли танланмаганлиги, кириш, асосий қисм ва хулоса, якунининг ноаниқлиги).

Публицистик асар матнини таҳлил қиласр экан, муҳаррир уни таркибий қисмларга ажратади. Булар куйидагича: кириш, асосий қисм ва хулоса.

Эълон қилинаётган асарнинг бутун мазмуний жиҳатини ўзида мужассам этадиган асосий қисмнинг тузилиши муҳим аҳамият касб этади.

Муҳаррир материал баёни аниқ ва тушунарли бўлишини таъминлашга ҳаракат қиласр, керакли маълумотлар тушиб қолмаслигига интилади.

Матннинг тузилиши хусусиятини эътиборга олиш керак бўлади, яъни **тавсиф**, **ҳикоя қилиш** тарзини тузишда асосий жиҳатларни фарқлаш лозим.

Боғловчи омилларни аниқлаш, уларнинг асар композициясидаги ўрнини белгилаш, баён тадрижийлигини, бир ходисанинг иккинчиси билан алоқадорлигини илғаб олиш муҳим аҳамият касб этади.

Асар тузилиши қай даражада жанрий талабга жавоб беришлигини, эълон қилинаётган материал мақсадга мувоғиқлигини баҳолаш керак бўлади.

Мабодо асар тузилишини ўзгартириш зарурати пайдо бўлса, албатта, бу матн тавсифи билан боғлиқ бўлади ва бундай ўзгартириш қилишда мазмунга путур етказмаслик муҳим аҳамият касб этишиди.

Ҳар бир муҳаррир (адабий ходим) шуни ёддан чиқармаслиги керакки, асар тузилишини ўзгартиришга киришиш катта масъулият талаб этади.

Бу ишни муаллиф билан келишган ҳолда амалга ошириш, ҳар бир ўзгартиришни у билан муҳокама қилиш шарт. Агар айрим қисмларни тўлдириш ёки қисқартириш лозим бўлган тақдирда, буни муаллифга таклиф этиш керак.



Публицистикада ҳам адабий асарлар нашридаги сингари турли композицияйи тузилмалар материални беришда образли ва мантикий тузилишдан фойдаланилади. Бадиий-публицистик асарларда, табиийки, образли ифода устунлик қиласи. Бироқ, матнда бадиий унсурлар қанча кам бўлса, унинг тузилиши журналистикада қабул қилинган мезонларга шунчалик яқинлашади.

Соф мантикий ёндашувдаги матнларда, даврий нашрларда, муаллифнинг муносабати анча бетарафдир. Бундай нашрлардан турли хил мақолалар жой олади (улар жанрининг турли-туманлиги, фактик материал тавсифи, муваммовийлик, амалий ёки назарийлик ва ҳисоблаш билан боғлиқ).

Мухаррирнинг бундай бадиий бўлмаган материал композицияси устида ишлаши ўзига хос жихатларга эга. Буларнинг тузилиши материал баёнидаги қатъий кетма-кетликка асосланганлик, унинг турли қисмлари ўзаро мутаносиблигига ва мантикий жойлашувга эгалиги билан ажралиб туради.

Мухаррир эълон қилинадиган материални қисмларга ажратади ва унинг композициясини белгилайди. Бунда у куйидаги талабни эътиборда тутади:

**1. Кирин қисми** ўқувчини материал билан таништиради, тасаввур ҳосил қиласи. Унда нашр мавзуи ҳақида сўз боради, кўриб чиқилаётган жихатлар қайд этилади. Кирин қисмida муаллиф мавзунинг долзарблиги, материалнинг янгилиги, илмий-амалий қиммати, мавзунинг ўрганилганлик даражасини асослаб бериши зарур.

**2. Асосий қисмда** муаллиф тадқиқотининг мавзуи очиб берилиши, нарса ёки ҳодиса ҳақидаги янги маълумотлар тўлиғича ўқувчига етказилиши керак. Мухаррир мақола асосий қисми композициясидаги турли унсурлар қисмларнинг бир-бири билан мантикий боғланганлигига алоҳида эътибор қаратиши лозим.

**3. Хуласа қисми** бу – якун бўлиб, ундан хуласавий фикрлар ўрин олади, шунингдек, баъзи таклиф, тавсиялар берилади, келгусида қилинадиган ишларни амалга ошириш ўйлари белгиланади.

Асар тузилишига мұхаррир берадиган баҳонинг асосий мезони — яхлитлик, тизимлилік, ҳажман мутаносиблик ва баённинг маромийлиги, силлиқлиги, тадрижийлиги ва боғлиқлиги. Юкоридагилар барчаси бир бутунликда, уйғунликда асар композицияси — архитектоникасини ташкил этади.

Албатта, мұхаррир асар тузилиши устидаги барча ишларни муаллиф билан ҳамкорликда амалга ошириши лозим. Мұхаррир муаллифга баъзи ўзгартиришларни амалга оширишни, масалан, баённинг тадрижийлигини таъминлаш, айрим қисмларнинг мутаносиблигига эришиш, айрим парчалар ўрнини алмаштириш ва х.к. ларни таклиф этганида ҳам барибир юкорида қайд этилган асар композициясининг қисмлари сақланиши шарт.

## ХАҚИҚАТ УШОГИ

Матндаги асос материаллар таҳлили адабий таҳрир жараёнининг муҳим қисми ҳисобланади. Матнга асос ҳисобланувчи омиллар — журналистиканинг тадқиқот объектларидан бири саналади. Журналист учун бу асос ҳамиша муайян йўриқларнинг чин ёки ёлғонлигини тасдиқлаш учун хизмат қиливчи ҳодисалар хакидаги мулоҳаза билан бирдек бўлган. Ундан ҳодисалар ўртасидаги алоқадорлик ва муносабатларни, нарсалар ўртасидаги муносабатлар ҳамда улар хоссаларини аниқлашда фойдаланилади.

Адабий таҳрирда асослар адабий асар матнига қандай сингдирилганлиги, у тил воситалари ёрдамида қандай ифода этилганига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Таҳрир амалиётида кабул қилинган **асос материал** деб тан олинган тушунча матн учун таянч ҳисобланган барча унсурларни камраб олади<sup>1</sup>. Матнга тузатишларни киритиш жараённида уларнинг ўзгартирилиши ёки тушиб қолиши мумкин эмас. Асос материаллардан матний конструкциялар тузишда фойдаланилади. Улар фақат ҳодисаларнигина ифода этмайди, балки таъбир жоиз бўлса, «хақиқат ушоғи» ҳисобланади, ашёвий унсурлар, хоссалар, сифатлар, холатлар, шахслар номи, муносабатлар, микдорларни ҳам ифода этади.

Журналистлар асос материалларни айни информация (билдириш, хабар, маълумот) ёки мантиқий исботлаш жараённида далил ва умумий таъкидлаш учун асос, нихоят, муайян кузатувни тўлдирувчи тасвир сифатида беришлари мумкин. Баён усули хар доим асос материалнинг нимага мўлжалланганлиги билан боғлиқ бўлади.

<sup>1</sup> Каранг: Одинцов В.В. Стилистика текста. Москва. 1980. — 53-6.

Хар қандай матндағи ноаниқлик, у қай даражада бўлмасин мақбул саналмайди. Шунинг учун маълумотни тўғри бериш, асос материални баҳолаш ҳамда уни аниқ ишлаб чиқиш мухим ахамият касб этади. Ноширлик фаолиятидаги кўп йиллик тажриба шуни кўрсатадики, бу борадаги мухаррирнинг ёрдами муаллиф учун ўта мухимдир. Газета амалиёти ҳам бунга ёрқин далил бўлади. Адабий асарлар ичида асос материалларга энг бой асар, бу — энциклопедик асарлардир. Айтиш мумкинки, энциклопедик асарда матн деярли асос материаллардан ташкил топади. Қўйидаги матнга эътибор берайлик.

**БИЛГА ХОҚОН БИТИКТОШИ** — мармар битиктош, **туркий** ёзув ёдгорлиги. **Билга хоқон** шарафига қўйилган (735 й.). Улан-Батордан 400 км жан.даги Қорабалгасун ш.нинг харобаларидан таҳм. 40 км. шим.да жойлашган. Бўйи 3 м 45 см, эни 1 м 74 см, қалинлиги 72 см. Б.х.б. 80 сантрдан иборат. 41 сантри тошнинг юз томонига, 15 сантрдан 30 сантрикки ён томонига, 7 сантр орқа томонига, 2 сантр тошнинг тарашланган 2 қиррасига ёзилган. Мазкур битиктошни **Култегин** битиктоши билан бирга 1889 йил рус олими **Н.М. Ядринцев** Мўгулистаннинг **Кошо Сайдам** водийсида **Кўкшин Ўрхун дарёси** бўйидан топган. Ёдгорлик матни **немис, француз, инглиз, рус** тилларига таржима қилинган, **турк ва ўзбек** тилларида тавсиф этилган.

Қора ҳарфларда берилган нутқ унсурлари асос материал хисобланади. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 1-жилдида берилган юкоридаги маколада учраган асос материаллар бошқа асарлар — дарслик, илмий мақола, кўлланма ва бошқаларда ҳам учраши мумкин.

Агар улар барчасида бериладиган (ҳакиқат ушофи хисобланган) асос материалларда баъзи бир фарқлар учраса, мухаррир буни, аввало, муаллифдан аниқлик киритишини талаб этиши керак. Агар муаллиф ҳам иккиланса, унда энг сўнгги чиқкан манбага асосланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Кўпинча, ноширлик ишида, бошқа тур адабиёт-

ларда келтирилган асос материалларнинг ишонарлилигини текширишда энциклопедияларга мурожаат этилади.

Ноширлик – таҳририят амалиётида «асос материаллар» деганда қатъий барқарорлашган, амалда мавжуд бўлган, юқорида қайд этганимиз, исмлар, саналар, микдорий, ўлчам кўрсаткичларидан ташқари изоҳ ҳам асос материаллардан хисобланади, бундан ташқари, ҳеч бир ўзгаришсиз, бирор матндан айнан кўчириб олинган парчалар ҳам асос материал саналади.

Илмий билимда асос материаллар жуда катта аҳамиятга эгадир. Таъбир жоиз бўлса, асос материаллар илм-фан учун сув ва ҳаводек зарур. Ҳар бир муаллиф қайси соҳа вакили бўлишидан катъи назар, бирон-бир асар ёзишдан олдин аниқ материалларни ўрганади, тўплайди, ҳар бир асосни мулоҳаза қилиб кўради, «мағзини чақиш»га харакат қилади. Албатта яратиладиган асар учун асос бўладиган материалларни йиғиш, саралаш шунчаки, тўплаш учун эмас, балки ижодий тавсифда, муаяйн мақсаддага қаратилган бўлиши лозим. Юқорида айтилганларнинг барчаси шуни кўрсатадики, асос материалнинг муҳаррирлик таҳлили ўта муҳим экан. Жараённинг аҳамиятлилигидан муҳаррир баҷариши лозим бўлган аниқ вазифалар келиб чиқади. Вазифанинг биринчиси асос материалнинг сифатини белгилашдир. Бунда асос материаллар муайян нарса, воқеа ва ҳодиса учун хосми, бош ва аҳамиятли ёки иккинчи даражали бўлганни ифодалайдими, муаллиф тасодифий мисолларга кўра хulosалар чикармаяптими, асосий бўлганни эътибордан четда қолдирмаганми, мана шуларни аниқлаш биринчи галдаги вазифа хисобланади. Келтирилган асосларнинг ишонарлилигини аниқлаш галдаги – иккинчи вазифа хисобланади.

Асос материаллардан қандай фойдаланганликни белгилаш ҳам муҳим хисобланади. Айрим муаллифлар асос материалларни баён қилиш ўрнига, унга бўлган ўз муносабатларини изхор этиб қўя қоладилар. Асос материаллар ичида кенг фойдаланиладигани рақамли маълумотлардир. Адабий асар бўладими, журналистика асари бўладими, бундан қатъи назар, бу тур маълумотлардан ўринли фойдаланиш кўллэзма мазмунини бойитади. У ҳатто бадиий асарда ҳам

жоиз саналади. Бирок асос материални мухаррир таҳлили рақамларни ҳар жиҳатдан пухта текшириш ва баҳолашни талаф этади.

Рақамлар энциклопедиялар, ишлаб чиқариш, техникага оид, маълумотнома асарлар учун асосий материал хисобланади.

Оммабоп брошюраларда эса рақамлар, гарчи зарур бўлса-да, лекин қўшимча материал вазифасини бажаради.

Мухаррир учун ягона қоида шуки, у муаллифнинг рақамларга ҳаддан ташқари ўрин беришилигига йўл қўй-маслиги лозим. Рақамларга «бой» асарни ўкиш ўқувчи учун осон бўлмайди.

Асос материалларни мухаррир таҳлилининг иккинчи вазифаси – қўлёзмада келтирилган маълумотлар тўғри ва аниқ эканлигини белгилашдан иборат.

Асос материалларнинг ишонарлилиги – чин эканлиги асар қимматини белгиловчи мухим мезондир. Агар назарий жиҳатдан ҳаммаси тушунарлидек бўлса-да, лекин амалда ҳамиша ҳам аниқликка эришиш осон кечмайди.

Қўлёзмада учрайдиган хато ва камчиликларнинг кўп-гинаси муаллифга боғлиқ бўлади. Албатта, муаллиф – дунёқараши, билим савияси, мутахассислиги, қобилияти қай даражада юксак бўлмасин, барibir хато ва камчиликлардан буткул холи асар яратиши орзу доирасида. Бундай хато ва камчиликларнинг бўлишига турли омиллар сабаб бўлади. Бадиий асарларда ҳам (қўлёзмасида), гарчи у ижодий бўлса-да, мухаррир аралашиби лозим бўлган ўринлар мавжуд бўлади, булар ижодчи ва ижод, тадқиқотчи ва тадқиқ билан боғлиқ камчиликлар саналади.

Энди камчиликларнинг бошқа – матнни териш, корректура ўкиш ва босиш жараёнида учрайдиганлари ҳам бор бўлиб, улар мухаррирдан алоҳида эътибор ва қунт талаф этади.

Масалан, бир ҳарф ўрнига бошқаси терилади (*призидент*, *ликин*), ёнма-ён икки ҳарф ўрни алмашиб қолади (*турпоқ* – *тупроқ*), сўз таркибидаги бирор ҳарф тушиб қолади (*қўлланмадир* – *қўлланмади*) ва х.к.

ХХ асрнинг сўнгти ўн йили жаҳон сиёсий харитасини жадал ўзгартириб юборди, дунёни икки қисмга аж-

ралиб кетишига сабаб бўлган шўролар тузуми барбод бўлиб, улкан империя парчаланиб кетди. Қатор халқлар ўз мустақиллигини қўлга киритди, янги давлатлар вужудга келди. Натижада, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий фанларга оид мавзулар, асос материаллар тубдан ўзгарди. Энциклопедик асарлар, маълумотномалар, лугатлар барча-барчаси янгилашни такозо этади. Яқин ўтмишда (1991 йилгача) чиқкан нашрлардаги маълумотлар бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги табиий ҳолдир. Булар барчаси муҳаррир таҳлилида албатта хисобга олиниши зарур.

Маълумки, иқтиbos (цитата) ва изоҳлар ҳам асос материалнинг ўзига хос бир тури хисобланади. Кўплаб асарларда бу тур асос материални учратиш мумкин. Бирор китоб ёки мақоладан иқтиbos олиш билан бир муаллиф бошқа муаллифнинг асарига ёки бирор расмий ҳужжатга мурожаат этиб, ўз олдига муайян мақсадни қўяди: ўз фикрини тасдиқлаш учун нуфузли фикрга асосланишга интилади; бирор муаллиф фикрига қарши ўз фикрини илгари суради, яъни қарши томон нуқтаи назари нотўғрилигини исботлайди.

Асос материал таҳлилида муҳаррир қўйидаги вазифаларни бажариши лозим. Биринчидан, мавзуни ёритишида иқтиbos зарурми, йўқми, кўчирмалар микдорини қисқартириш имкони борми, қайсиларини колдириш жоиз ва хоказо.

Бошқаларнинг асарларидан кўплаб кўчирмалар олиш ҳамиша ҳам мақсадга мувоғик бўлавермайди, илмий таомилга тўғри келавермайди. Келтириладиган иқтиbosлар мутлақо мавзуга (асарга) мос бўлиши лозим.

Юқоридаги муаммолар ҳал этилганидан сўнг иккинчи вазифага ўтилади.

Муҳаррир иқтиbos манбага тўғри келишлигини текшириши шарт. Муаллиф қўчирганда хатога йўл қўйган бўлиши мумкин.

Муҳаррир таҳлилида матн тавсифига эътибор қаратиши лозим. Шунга кўра иқтиbosларни икки тоифага ажратиш керак. Биринчиси, қандайдир фикрни тасдиқловчи — тасвирий, таҳлил этилаётган материалнинг қисми ҳисобланувчи — таҳлилий.

Қисқартириш зарур бўлганда тавсифий иқтибосларни мазмунга зарар етказмаган ҳолда матндан чиқариш мумкин. Тахлилий иқтибосни ҳам шундай олиб ташласа бўлади, дейиш тўғри эмас. Муайян асарларни — бадиий, илмий, публицистик — муҳокама килишда тахлилий иқтибослар кераккина эмас, балки зарур ҳамдир.

Иқтибосларнинг манбаи билан солишириб текшириш яна шунинг учун зарурки, баъзи сиёsatдонлар, ёзувчилар, тадқиқотчилар, публицистлар онгли равишда бузиб иқтибос келтирадилар. Муҳаррир тахлили жараёнида, албатта, буларнинг олдини олиши, иқтибосни аслига тўғри бўлишини таъминлаши керак.

Матн тагида бериладиган изоҳлар ҳам дикқат билан тахлил этилиши керак. Айрим изоҳларда асарнинг номи, муаллифининг исми фамилияси тўғри берилади, лекин асарнинг нашр йили ёки иқтибос олинган асар бети хато бўлиши мумкин.

Хуллас, мазкур жараёнда муҳаррирнинг эътибори фақат иқтибосларнинг ўзигагина қаратиласлиги керак, балки уни қуршаган матн ҳам дикқат марказида бўлиши лозим, бундан ташқари, иқтибос келтириш усулини ҳам назардан қочирмаслик муҳим. Демак, асос материалларни, шунингдек, иқтибос, изоҳларни тахлил қилиш қўллэзма мазмуни муҳокамасининг муҳим таркибий қисми бўлиб, у мавзуни шакллантиришнинг муҳим жиҳатларини баҳолаш имконини беради.

## **САРЛАВҲА МАТННИ ИДРОКЛАШ АСОСИ**

Асар руқнлари-сарлавҳалари, қисмлар ва бандларнинг мазмун-моҳияти хилма-хилдир.

Асарни руқнлаш қўйидаги мақсадларда амалга оширилади:

— асарни ўқиши ташкиллаштирилади ва йўналтирилади. Руқн — сўз нима ҳақда боришлигини кўрсатиб, ўқувчини кейин келадиган матнни идрок этишликка тайёрлайди, яъни муайян мавзуни ўзлаштиришга йўналтиради. Матнни қисмларга ажратиб, ўқувчини ўқишдан тўхтатади, унга тин олиб, янги матнни ўқишига ўтишдан олдин, ўқиганларини мулоҳаза қилиб кўриш имконини беради;

— руқнлар асарни янада чуқурроқ тушунишга кўмаклашади. Улар биргаликда асар тархи (тузилиши) ни кўрсатади. Шакли, ҳажми ва шрифт чизмаси, жойлашган ўрнига кўра асар қисмларининг ва бандларининг алокадорлиги ҳамда боғлиқлигини яққол намоён этади;

— ўқувчи асар руқнлари туфайли ўзига керак материални китобдан осон топа олади.

Асар руқнлари қайсиdir даражада бўлмасин (бевоситами ёки билвоситами), бир-бири билан боғлиқdir. Бири иккинчисини ўзига боғлиқ қилиб олган бўлса, ўзи учинчига боғлиқ бўлади. Булар барчаси биргаликда муайян даражада тартибланган тизимни ташкил этади. Мана шу тизим руқнлаш, деб номланади.

Руқнлар асар тузилиши (композицияси)га кўра белгиланади. Асарнинг ҳар бир қисми, боби, боблар ичидаги бандлар руқнлашда ўз ифодасини топади. Шунга кўра руқнлаш мухаррирлик таҳлили, асар композициясининг таҳлили билан чамбарчас боғлиқ.

Руклашни таҳлил қилиш ва баҳолашни, яхшиси ишчи (қоралама) сарлавҳалардан бошлиш маъқул. Бунда асосий сарлавҳалар, яъни бир хил қимматга эгалари устун холида (тик чизик) бўйлаб ёзилади.

Иккинчи, учинчи даражалилари эса асосий гурух устунидан бир оз ўнгроқдан тик чизик бўйлаб, тартиби билан ёзиб чиқилади.

Буни амалда шундай қилиш мумкин. Бир варақ қофозга бир нечта ёнма-ён (2 см оралиқда) тик чизик чизилади ва асардаги барча сарлавҳалар ўз устунига ёзиб чиқилади.

Тик чизиқлар чапдан ўнгга томон рим сонлари билан ракамланади.

Биринчи ракамли устунга юқоридан пастга томон биринчи даражали сарлавҳалар ёзилади. Иккинчи устунга биринчи устундагилар таркибига кирувчилар, булар таркибига кирувчилар эса учинчи устунга ёзилади.

Устунларни рақамлашнинг қулай томони шундаки, хар бир бетдаги қоралама сарлавҳалар қайси даражадаги эканлиги яққол кўринади.

Муҳаррир руклашни, шунингдек, асар композициясини таҳлил қилувчи қоралама сарлавҳаларни **таҳририй** дейиш мумкин. Бундай қилиш муҳаррирнинг қайдлари бўйича муаллиф томонидан ёхуд муҳаррирнинг ўзи томонидан асар тузилиши ва рукнланишини такомиллаштириш учун зарурдир.

Тузатилган, аниқлаштирилган қоралама сарлавҳаларни муҳаррир қўллэзма билан бирга дизайнер ва/ёки техник муҳаррирга сарлавҳаларни жойлаштириш (ўрнини белгилаш) учун топширади. Бу талқиндаги сарлавҳалар амалга оширувчи ёки безалувчи деб аталади.

Таҳририй, бу – бошлангич, қоралама сарлавҳа, амалга оширилувчи (безалувчи) – якуний ҳисобланади.

Муҳаррирнинг сарлавҳаларни таҳлил этиши ва таҳрир қилиши алоҳида эътиборга молик. Сарлавҳаларнинг адабий шакли унинг икки ёқлама тавсифи билан белгиланади.

Бир томондан, сарлавҳа мустақил, иккинчи томондан, у асар тузилишидаги унсур ҳисобланади.

Сарлавҳалар билан асосий матн ўртасида хар доим мантиқий муносабат мавжуд бўлади. Умумий тарзда мазкур

муносабатни мантиқий субъект билан предикат ўртасидаги муносабат тарзида тасаввур этиш мүмкін.

Сарлавҳаларнинг **мазмундор хабар етказиши** лозимлигі, уларга кўйиладиган асосий талаблардан бири хисобланади.

Сарлавҳаларнинг таъсирчан бўлишлиги учун ўкувчи руҳиятини яхши билиш талаб этилади. Адабий асарлардан, айниқса, бадиий асар, илмий-оммабоп асар сарлавҳалари эътиборни ўзига тортадиган бўлиши, асарнинг бадиий, оммабоплигини янада оширади.

Матбуот матнларининг сарлавҳалари ҳам ярқ этиб кўзга ташланадиган, йўналтирувчи, даъват қилувчи, таъбир жоиз бўлса, жарангдор, шу билан бирга ишонтирувчи бўлишлиги билан эътиборни тортадиган бўлиши лозим. Мұҳаррир таҳлил жараёнида сарлавҳа турли талқинларини бир-бирига киёслаш натижасида, таҳrir пайтида буни эътиборда тутиш керак. Лекин, шуни унутмаслик лозимки, сарлавҳанинг таъсирчанлигига эришишга бўлган уриниш унинг ахборийлигига путур етказмаслиги шарт.

Газеталардан биридаги материал «Мулокот» рукни остида берилган. Рукнни тушунтирувчи ибора «Яхшилик қилишга улгурайлик» ҳам бор. Шундан сўнг сарлавҳа — «Сахна — маданият кўзгуси» кўйилган. Сухбатнинг бошлови — лидда шундай дейилади:

*Санъат осмони турли юлдузларга бой. Айниқса бугунги кунда бундай юлдузлар беҳисоб... Айримлар гарчи юлдузликни даъво қилмаса-да, лекин уларнинг қўшиқлари мухлислар дилига йўл топади. Шундай хонандалардан бири Умидा Мирҳамидовадир. Севимли санъаткорларимиз ҳақида сўз юритишганда, уни хокисор, камтарин, аммо ўз қадрини биладиган инсон дейишади. Мухбиримиз хонанда билан санъат мавзуида сухбатлашди.*

Сухбат савол-жавоб тарзида ўтади. Сухбат сарлавҳасидан аён бўладики, у сарлавҳанинг маданият кўзгуси эканлигига бағишлиланган ва ўкувчи маданият кўзгуси ҳақида маълумотга эга бўлиши мумкинлигини ҳис этади. Бироқ сухбатни



бошдан-охир ўқиб чиққач, гап асосан хонанда ҳақида әкан-лигини тушуниб етади. Саволларга эътибор берайлик:

- Умида опа, сизда ижодий жараён қандай кечади?
- Зўр қўшиқни дунёга келиши ва тингловчига етказиш учун зўр қўшиқчиларни тарбиялаш керакми ёхуд шу даражадаги тингловчиларни... Бошқача қилиб айтганда, куйловчи тингловчига мослашадими ёки аксинча..?
- Устоз ва шогирдлик анъаналари бугунги кунда қай даражада давом этяпти, деб ўйлайсиз?
- Санънанинг санъаткорга қўйган талаблари ҳақида нима дейсиз?
- Сизни ўйлантираётган муаммо?

Ўқувчи бешта саволдан биттасида сахна хусусидаги хабарни учратади, лекин бу хабар ҳам сахна маданият кўзгуси хусусида бўлмай, санъаткорга санънанинг қўядиган талаби ҳақицадир.

Фикримиз тушунарли бўлишилиги учун сухбатнинг тўртинчи саволига жавобни тўлиқ келтирамиз.

- Сахна мүқаддас жой. Бу жойдан не-не буюк санъаткорлар ўтмаган. Унга не-не устозлар қадами тегмаган. Уни қадрлаш, эъзозлаш керак. Устозларнинг бари сахнани табаррук билишган. Ҳатто бугунги кунда ҳам машҳур, таниқли санъаткорларимиз сахнани табаррук билиб, унга кўтарилганларини кўрганман.
- Бугунги кунда айрим қўшиқчиларимиз сахнани тўйга, тўйни сахнага чалкаштириб юборишади. Одам ким бўлмасин, ўзини ҳурмат қиласагина, ўзига нимани раво кўришини билади. Аслида сахна маданият кўзгуси. Бундай масъулиятни ҳис этиш шарт.

Бешта саволга жавоб материаллардан факат тўртинчисидаги «Аслида сахна маданият кўзгуси» жумласи матндан чиқарилса, бутун бошли сухбат матнидан сахнанинг маданият кўзгуси әканлиги ҳақида хеч бир маълумот (хабар) учрамайди («Моҳият», 2010 йил 15 январь).

Сарлавҳа эълон қилинган асарга эътиборни тортишлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат эканлиги шак-шубҳасиз. Бироқ мухаррир бунга эришиш усулини баҳоловчи сифатида масъулияти юксаклигини унутмаслиги керак.

Сарлавҳалар материал тузилишини ҳам кўрсатиши мумкин. Бу уни ўқиганда тузилишини ҳам эътиборга олишни англатади. Лекин, кўпинча сарлавҳа қўйишда бу ҳол унтиб қўйилади ва ундан фойдаланилади.

Газета сарлавҳалари маъно жихатдан материалнинг бош қисми ёки охирги қисми билан боғлиқ бўлиши мумкин, шунингдек, матнда қайтарилиб, таъкид этилган ҳоллар ҳам учрайди. Масалан, «Ақлу заковат маҳсули» сарлавҳали, таҳририятга келган хатлар асосидаги материалнинг сўнгги жумласида сарлавҳа такрорланади.

Бу ҳам аждодларимиз **ақлу заковатининг маҳсули**, десак янглишмаймиз. Бундай такрор риторик (услубий) усул бўлиб, матннинг пухта тузилиш (конструкция)га эга эканлигини кўрсатади. Бундан ташқари сарлавҳага шундай ибора чиқариладики, у мазмун учун негиз (таянч) саналади.

Сарлавҳаларнинг ахборийлигига уларнинг объективлиги ва қатъийлиги туфайли эришилади. Агар ўқувчи адабий асар ёки газетани ўқиш малакасига эга бўлса, унга ахборий материалларнинг сарлавҳаларига қўз юргутириб чиқиш кифоя, улар мундарижасини илғаб олади.

Ўқувчи маълумот (хабар)ни олишлигини осонлаштириш учун хозирги Farb матбуоти тажрибасига назар ташласак, амалиётга кўп погонали сарлавҳалар татбиқ этилмоқда. АҚШ газеталарида, масалан, сарлавҳалар мажмуининг аниқ тархи яратилган<sup>1</sup>.

Нашр мавзуини ифодаловчи анъанавий сарлавҳа руқни номига қўтарилиган ёки хабар қайдномалар тўпламини аташ вазифасини бажаришга хизмат қилади. Унинг ўрнини эса **хедлайн** (сарлавҳа сатр) ва **лид** (янгиликнинг лўнда баёни) эгаллаган.

<sup>1</sup> Қаранг: Воскобойников Я.С., Юрьев И.К. Журналист и информация. Профессиональный опыт западной прессы. — Москва; ИКАР, 1993. 204-6.



Яққол унсур, ҳодисанинг кутилмагандалигига диккатни тортиш хедлайнинг вазифаси ҳисобланади. Бундан ташкари у **түйқұсдан айтилғанлик**, файриодатий шаклга әгалиги билан хам ажралиб туради. Лид эса биринчи иборасидаёқ янгиликнинг моҳиятини етказади, асосийга урғу беради. Лидга қўйиладиган асосий талаб – аниқлик ва аёнлик. АҚШ матбуотида хедлайн ва лидлар, одатда, етказилаётган хабар (маълумот)нинг 70 фоизгачасини ташкил этади, нашрнинг қолган фоизини тафсилотлар, қўшимчалар ташкил этади, булар қуйига томон йўналишда жойлашади. Бизнинг амалиётимизда доим хам сарлавҳа мажмуи қисмлари орасидаги фарқга эътибор қилинмайди ёки фарқ нимадалиги ҳакида тушунча кўринмайди ва одатда, уни бир неча иборадан иборат сарлавҳа сифатида қабул қилинади.

Тахлилий ва бадиий-публицистик материаллар учун сарлавҳа ва матн ўртасидаги мутаносиблик (мазмуний уйғун боғлиқлик) хос. Ўқувчи учун муайян қўшимча маъно оттенкасига эга бўлган сўз ва сўз бирикмаси сарлавҳа таъсирчанлигини таъминлади. «Оппоқ орзулар остонасида...», «Равон ўйллар – юрт кўрки», «Бола ўйинчоқ билан тиллашади» каби сарлавҳаларни ўқигач, ўқувчи гап нима ҳақда эканлигини ҳали билмасдан туриб, фактларни баҳолашга тайёрланади. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш керакки, эмоционал бўёқдор сарлавҳаларга ружу қилиш журналист учун хавфли. Чунки сарлавҳа маъносига, эмоционал бўёғига кўра зарур мантикий мужассамлик яратмаса, матннинг мазмуний ва образли тузилмасига айланмаса, уни муваффакиятли чиқкан, деб бўлмайди. Муаллиф ҳар канча маҳоратга эга бўлмасин, агар сарлавҳанинг ўзига хослиги ортидан қувиб, ўз нашрининг мақсади ва мазмунини унутса, уни муваффакиятсизлик кутади.

Сарлавҳалар журналистика асарларини ташкил этувчи бошқа унсурлардан кўра кўпроқ услубдаги стереотип (бир қолипдалик), фикрлашдаги стереотип (бир хил андозада фикрлаш) таъсирига учрайди.

Сўроқ шаклидаги кенг тарқалган сарлавҳалар ҳар доим хам муваффакиятли чиқавермайди. Бугунги кунда сўроқ сарлавҳалар ҳеч кимда иккиланишни туғдирмайди. Устига-

устак, ўқувчи диққатини тортишга интилиб, газеталарда, айниқса, жайдари (сарик) матбуотда кўпинча шунга ружу қиладилар, вахоланки ҳар қандай колип (андозавийлик) яхши эмаслигини унудиб қўядилар.

Сарлавҳаларнинг тил ва услуб жихатидан имкониятлари амалда чекланмаган. Мухаррир учун тилшуносликдаги тадқиқотлар натижаси билан танишиш фойдадан холи бўлмайди. Мазкур тадқиқотларда сарлавҳаларга мустақил нутқ бирлиги сифатида каралади, сарлавҳаларнинг тўлик таснифи келтирилади, уларнинг асосий матн билан боғлиқлиги кўрсатилиди. Шунингдек, газета сарлавҳаларига бўлган умумий талаблар – аник-равшанлик, тушунарлилик, қисқа, лўнда ва таъсирчанлик белгилаб қўйилган<sup>1</sup>.

Газеталардаги сарлавҳалар қисқа ва лўнда бўлишига интилиш табиий ҳамда анъанага айланган. Лекин бундай шаклда ҳам биз муаллиф ўз мақсадини амалга ошириши учун турли имкониятларнинг борлигини сезамиз, ҳар бир муайян давр учун хос бўлган йўналиш таъсирини ҳам пайқаймиз. Яқин ўтмишдаги – XX аср сўнгги чораги бошларидағи андозага айланган, жарангдор ва мазмунан пуч сарлавҳалар, муайян муваффакиятларга эришилганини таъкидловчи сарлавҳалар, энг умумий вазифалар ва йўналишларни ифода этувчи тумтароқ сарлавҳалар бизнинг авлод ёдидан кўтарилганича йўқ. Бугунги кунда газеталарнинг сарлавҳалари янгиланиш, ижтимоий муносабатларни тубдан қайта қуриш, умуман ижтимоий ҳаётдаги қизғин бораётган жараёнлар маромини ёритиши, муаммоларни ҳал этишдаги мунозарани, мухокамаларни таъкидлашга интилмоқда. Сарлавҳаларни янгидан-янги ижодий шакллари фаол изланмоқда. Газеталарда икки қисмли сарлавҳалар кўпроқ учрамоқда, бунда синтактика конструкцияларни бириктирувчи маъновий имкониятлардан ноанъанавий фойдаланилмоқда: «Уруш фойдасига ёлғон далиллар ёки Голландиянинг сиёсий мадади», «Машриқ замин – хикмат бўстони. Конуни Боситий. Суюқ овқатни фализ овқатга қўшиб бўлмайди», «ART WEEK STYLE. UZ–2009.

<sup>1</sup> Лазарева Е.А. Заголовок в газете. – Свердловск. 1999. 94-6.



Дунёга эшик очган санъат ҳафталиги». Мазкур шаклда-  
ги сарлавҳалар, албатта, билим доираси кенг ўқувчиларга  
мўлжалланган, чунки бундай ўқувчидан тилшунослик  
бўйича юкори иқтидорни талаб этувчи сарлавҳалар ўзида  
кўпроқ маълумотни мужассамлаштирган бўлади. Бундан  
ташқари, бундай сарлавҳаларда қарама-карши фикрлар  
тўқнашади, сўз «ўйини» учрайди, сўзлашувга хос ибо-  
ралар кўлланади, баъзан, грамматика меъёрларига риоя  
қилинмаганлик кўринади.

Муаллифлар танлаган сарлавҳаларнинг барчаси ҳам  
мухаррир нуқтаи назаридан муваффакиятли, деб тан оли-  
навермайди. Масалан, «Мазали, ширин ва сифатли «Файз  
Декор Бизнес» кўшма корхонаси маҳсулотлари кўпчиликка  
манзур бўлмоқда», «Фирибагарликнинг интихоси... ёхуд  
ўқишига киришдаги оғир йўқотишлар», «Одам савдосига  
карши курашиш: муаммо ва ечимлар».

Газета сахифаларида сарлавҳалар мустақилликка эга  
бўлади: ҳарфлар йирик-йирик терилади, шрифти ажрати-  
лади, сахифалаш воситалари асосида алоҳида таъкидлана-  
ди. Тажрибали муҳаррир булар барчасини назарда тутади,  
лекин шунга қарамай, кўпинча ёндош, остма-уст турган  
сарлавҳа билан руҳи номи ўртасида тасодифий боғлиқлик  
мавжуд бўлади. «Ифтихор» – руҳи номи. Хуфиёна иш –  
кони зарар («Худуд», 2009 йил 16 июль. 11-б.). Бу  
шубҳасиз, муҳаррирнинг эътиборсизлиги оқибати.

Бундан ташқари, битта сахифада «Ифтихор» рукни  
остида учта – «Хуфиёна иш – кони зарар», «Энг муҳим  
вазифамиз», «Амалий ёрдам» сарлавҳалари остида матери-  
аллар бериш ҳам танқидга лойиқ, деб ҳисоблаймиз.

Сарлавҳа танлаш, излаш материал ёзилаётган бутун  
жараён мобайнода давом этади. Айрим ҳолларда у газе-  
та сахифаланиб бўлгандан сўнг қўйилади. Бундай вақтда  
муҳаррир, айниқса, хушёр бўлиши керак. Кўйидаги тал-  
қинларни такқослайлик: «Эгасини топган картмон», «Карт-  
мон эгасини топди», «Ҳамён эгасини топди» учта талқиндан  
қай бири маъқул. Биринчиси газетада кетган («Худуд», 2009  
йил 16 июль, 10-б.). Бунда картмон, ҳамён сўзларидан

қай бири маъқул? Сўзларнинг жойлашиш тартиби-чи?  
Мухаррир мана шуларга ҳам эътибор бериши лозим.

Сарлавҳа реклама эмас, балки асарнинг ўзи саналади. Бошданоқ, сарлавҳада муаллифнинг фикрини беришлик ҳам унчали мақбул эмас. Сахифадан сахифага мавзу билан бирга ривожланиб бориши керак. Сарлавҳадаги оддий сўзлар охир-оқибатда тўқ маъноли бўла боради, мазмундорлик кашф этади ва агар шундай бўлса, оддийлик, энг жарангдор, дабдабали сарлавҳадан кўра кучлироқ ҳамда аҳамиятлироқ бўлади.

## МАТНГА ЁРДАМЧИ УНСУРЛАР ТАҲРИРИ

Асосий матнни тўлдирувчи материаллар китоб аппарати деб аталади. У ўқувчига китобда берилган маълумотларни осон ва тушунарли тасаввур этиш имконини беради. Кўйидагилар китоб аппаратини ташкил этади: сўзбоши, сўнгсўз; асар аннотацияси; эслатма, шарҳлар; китоб ичидаги китобга илова этилган библиография; кўрсаткичлар; илова; сарлавҳалар (мундарижа); нашр маълумотлари.

Адабий асарнинг тавсифига кўра аппарати ҳам ўзгаришга учрайди. Оммабоп, кенг оммага мўлжалланган нашрларда аппарат унсурлари кам бўлади, академик нашрларда эса ёнг кўп миқдорда учрайди. Шу ўринда, айтиш жоизки, носирлик амалиётида ва маҳсус адабиётларда китоб аппарати атамаси ўрнида илмий-маълумотнома-аппарат, маълумотнома-илова-аппарат, маълумотнома-аппарат каби иборалар учрайди. Ҳозирги вақтда булар каторида илмий аппарат ибораси ҳам қўллана бошлади. Хуллас, қандай аталмасин, асар турига кўра қандай ўзгаришларга учрамасин, китобларнинг ҳар бирида қандай кўринишда бўлмасин, албатта мавжуд бўлади. Энг оддий аппарат факат нашр маълумотларидангина иборат бўлади.

Китоб аппарати барча асарлар (нашрлар) учун зарур хисобланади. У ўқувчига дастлабки тушунтиришларни беради (сўзбоши), матн баёни давомида уни тушунтира боради (эслатмалар, шарҳлар), ўқувчини манбалар ва муаммолар тадқики ичига олиб киради. Булардан ташкари, китоб аппарати асарнинг таҳлилий мундарижасини очиб беради (кўрсаткичлар) ва нашрнинг ахборийлик қўламини янада оширади. Китоб аппарати ноширлик маданиятининг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Илмий адабиётларда

китоб аппаратининг унсурларидан бўлмиш библиография ва кўрсаткичлар алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Зоро, са-марали тайёрланган ва сифатли таҳрирдан ўтган аппарат олимлар, мухандислар, шифокору ва билимнинг бошқа ҳар кайси соҳаси мутахассисининг меҳнат самарасини оширишга хизмат килади. Китоб аппарати хусусида сўз боргандা икки жиҳатни фарқлаш лозим бўлади. Бири, уни тайёрлаш, иккинчиси — таҳрир қилиш.

Таҳрир хусусида тўхталганда, табиийки, таҳрирга оид масалалар билан бирга, бу албатта, курс учун асосийси, китоб аппаратининг у ёки бу унсурини қандай тайёрлаш усулига ҳам йўл-йўлакай тўхталишга тўғри келади.

**Сўзбоши** билан **аннотация** ҳар бири матнга ўзига хос **кириш** хисобланади. Бундан ташқари, асосий материал баёнининг бошлови бўлади. Сўнгсўз гарчи китоб охирида жойлашса-да, кўп жиҳатдан сўзбоши билан умумий жиҳатларга эга бўлади. Тартибга кўра аввал сўзбошига тўхталамиз. У китобга турли номларда — «Муаллифдан», «Мухаррирдан», «Таҳририятдан», «Нашриётдан», «Таржимондан» тарзида жойлаштирилиши мумкин. Булардан ташқари яна бошқа тарзда — «Сўзбоши ўрнида», «Китоб ва унинг муаллифи ҳақида» ва ҳоказо аталиши ҳам учрайди. Юқоридаги аталишлардан кўринадики, сўзбоши фақат муаллиф томонидангина эмас, балки бошқа шахслар томонидан ҳам ёзилар экан. Лекин матн муаллифи бўлмаган бошқа шахслар китобнинг яратилишига қайдидир даражада алоқадор бўлади ва китобнинг мазмуни ва шаклига таъсир ўтказади. Масалан, «Нашриётдан» деб номланган сўзбоши асарни нашрдан чикариш зарурати билан боғлиқ бўлиб, муаллиф ёки ҳаёт эмас ёхуд ўзи ёзив беришининг иложи бўлмайди. Шундай ҳолатда нашриёт ўз номидан сўзбоши беришга мажбур бўлади. «Мухаррирдан» қайдномаси кўпинча материалларнинг сараланиши ва жойлаштирганлиги ҳақида тушунча беради. Таржимон эса ўқувчини таржиманинг мақсади, тамойиллари ва б. билан таништиради. Ҳар қандай ҳолатда ҳам сўзбоши ҳамиша шундай масалалар муайян доирасини ёритиши керак бўлади. Сўзбошининг асосий вазифасини умумий тарзда қуидагича тасаввур этиш мумкин: ишнинг асосий вазифа-

си; унинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда асосий қисм (боб) лари материалининг жойлаштирилиши, баён этилиш тавсифи; фойдаланилган манбалар ҳақидаги маълумот; кимларга мўлжалланганлиги ва х.к. Агар асар (китоб) муаллифлар жамоаси томонидан яратилган бўлса, сўзбоши ўқувчига асарнинг қайси қисми ким томонидан ёзилганлиги ҳақида маълумот беради.

Сўзбоши, мабодо, мухаррир томонидан ёзилмаган бўлса, албатта, таҳрирдан чиқарилади, лекин бу иш фақат кўлёзма устида ишлаш жараёнининг сўнггида бажарилади. Бунда, асосан, икки вазифа бажарилиши кўзда тутилади: сўзбошининг асосий материал ва китоб аппаратининг бошқа унсурлари билан боғлиқлигини тушунтириш; агар унга мустақил матн сифатида қаралса, айрим ҳисобга олинмай колган (сўзбошида учрайдиган) камчиликларни тузатиш.

Биринчи вазифани бажаришда кўлёзма мазмуни билан сўзбоши тезислари киёсланади, ифода шакли аниқланади. Булар асар моҳияти ва унинг ўзига хос жиҳатларини акс эттириши лозим. Яна бир мухим томони борки, у ҳам бўлса, сўзбоши кириш билан (агар у бўлса) қандай нисбатда эканлигидир.

Ноширлик фаолияти амалиётидан маълумки, кўпинча кириш (кўлёзманинг таркибий қисми) билан сўзбоши (китоб аппарати унсури)нинг деярли фарқи бўлмайди.

Шунга кўра «Кириш» деб номланган матнда оддий сўзбошини, унга хос бўлган барча жиҳатлар – китобни тайёрлашда кўмаклашганларга миннатдорчилик, ўз фикр-мулоҳазаларини нашриётга юборишлари тўғрисидаги ўқувчиларга мурожаатни учратиш мумкин.

Баъзан «Сўзбоши» деб номланган матнда «Кириш» маълумотлар ва аксинча, «Кириш»да «Сўзбоши» маълумотлари қоришиб кетади. Таҳрир жараёнида чукур мулоҳазавий таҳлил амалиёти бажарилиши ва «Сўзбоши» билан «Кириш» бир-биридан ажратилиши керак. Шунда ҳар иккиси ўз ўрнини топган бўлади.

Шуниси мухимки, сўзбоши таркибидаги китоб аппаратининг бошқа унсурларида учрайдиган маълумотларни аниқлаш учун қиёслаш, бир-бирини такрорлайдиган маълумотларни бартараф этиш лозим.

Китобнинг олд варагидаги аннотацияга алоҳида эътибор бериш лозим бўлади. Уни тузишда сўзбоши ёки сўнгсўздан фойдаланилади, шунга кўра сўзбоши билан аннотациянинг бир-бирига ўхшаш (кўпинча сўзма-сўз) қайтарилиши тез-тез учрайди. Сўзбоши, мисоли калит, китобни очувчи хисобланади. У ўкувчини китоб билан таниширади, шунинг учун у қизиктирувчи бўлиши, ўкувчини китобдан хафсаласини совутувчи бўлмаслиги керак.

**Кириш мақола** ўзига хос сўзбоши хисобланади ва у айрим асарлар ёки асарлар тўплами (ёзувчилар, олимлар, жамоат арбоблари ва б.га тегишли) учун албатта бўлиши талаб этиладиган аппарат унсури саналади. Асар тавсифига кўра кириш мақолалар турлича бўлади. Мумтоз адабиёт вакилларининг тўпламларида нашр, матний та-мойиллар ҳақидаги маълумотларга эга, шунингдек, ёзувчи (шоир) ҳақида, унинг ижоди ғоявий, бадиий қимматини кўрсатувчи, биографиясига оид материалларни ўз ичига олган мақолаларни бериш қабул қилинган.

Юқорида қайд этилган икки мақоланинг биринчисида, одатда, нашр кимларга мўлжалланганлиги, материаллар қанчалик тўлиқ тўпланганлиги, асосий матнлар манбани танлаш тамоили, нашрда материалларни жойлаштириш тартиби (агар кўп жилдли бўлса, жилдларо жойлаштирилиши) қандайлиги ва бошқалар кўрсатилади.

Хорижий муаллифлар асарлари нашрида, улар дунё-қарashi, ижоди, менталитети, мафкураси акс этади. Бу-лар хар доим ҳам бошқа ҳалкларга тўғри келавермайди. Кириш мақола ўкувчидаги тўғри тасаввур ҳосил қилишга кўмаклашиши керак бўлади.

Агар асар йирик олимга тегишли бўлса, кириш-очерк нашрда кўриб ўтилган масалалар доирасини белгилайди, муаллифнинг йирик тадқиқотлари, асарнинг ҳам назарий, ҳам амалий қиммати ҳақида маълумотлар беради.

Юқорида баён этилганлардан маълум бўладики, кириш мақола юқори малакали мутахассис томонидан тайёрланадиган асл нусха асар хисобланади. У муҳим илмий, услубий, ғоявий ва сиёсий аҳамияттага эга бўлади. Мазкур тур материалларни таҳхир қилишнинг моҳияти ҳам шунда.

Сўнгсўз ўз мазмун, вазифаси бўйича кириш мақолага ўхшаб кетади. Лекин у ўқувчига таниш бўлган китоб мазмунини янада чуқурроқ англаш учун ёрдам беради. Бундай аппарат бугунги кунда жаҳон ноширлик амалиётида кўпроқ таржима асарларда учрайди, айниқса, бадий асарлар таржималарида. Сўнгсўзниң мақбул томони шундаки, у ўқувчи китобни мустақил ўкиб чиққач, ўзи тушунишга харакат қилаётганида қўл келади. Чунки, сўнгсўз одатда тегишли йирик мутахассис (лар) томонидан ёзилади. Айтиш мумкинки, сўнгсўз ҳам сўзбоши сингари вазифани бажарса-да, лекин унда сўзбошидагига нисбатан унча зарур бўлмаган маълумотлар берилади.

Аннотация, одатда, китобнинг бош вараки (титул) нинг кейинги бетида жойлаштирилади. Унда асар ҳақида қисқагина маълумот берилади. Ўқувчи учун у китоб ҳақидаги биринчи маълумот, шунингдек, унда асарнинг муаллифи, кўтарилиган муаммолар, кимларга мўлжалланганлиги ҳақида маълумот берилади. Китоб савдоси билан шуғулланувчилар учун реклама материали, тарғиб қилишда асосланиладиган манба. Кутубхона ходимлари ва ахборот хизмати учун аннотация — илмий-ахборий хизмат қўрсатишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Аннотацияни тайёрлаш ва таҳрир қилишда муҳаррир нашрнинг хусусиятини ҳисобга олиши лозим. Бадий асар ёки илмий нашрларда аннотацияда, албатта, муаллиф ҳақида қисқагина маълумот бериш ўринлидир. Илмий-оммабоп адабиётларда эса эътиборга кўпроқ лойик бўлган қисмларни қайд этиш фойдадан холи бўлмайди. Такрор нашрдан чиқаётган адабиётларнинг аннотациясида кейинги нашрнинг олдингисидан фарқли томонларини қўрсатиш лозим бўлади.

Китоб аннотациясига ўхшаб кетадиган аппарат унсурларидан **резюме** ва **синопсиси** айтиб ўтиш жоиздир. Резюме французча сўз бўлиб, **қисқача баён** дегани. Унда мақола, маъруза мазмунини ташкил этувчи асосий қоидалар, қисқача хуносалар баён этилади.

Хозирги талабга кўра, Ўзбекистонда нашр этилаётган илмий асарлар, илмий журналлар (тўпламлар)да резюме ўзбек ҳамда чет (инглиз) тилида берилмоқда.

**Синопсис** юнонча сўз бўлиб, **шарх** маъно ифодасини беради. Унда мақоланинг мазмуни ва хуносалар қисқа холда берилади, янгиликлар қайд этилади. Ўз мазмунига кўра у аннотация билан реферат оралиғида туради. Резюме ва синопсислар одатда, асар, мақола охирига жойлаштирилади.

Китоб аппаратларининг мухим унсурларидан **шарҳлар** ва **эслатмалар** хам нашрлар учун зарур хисобланади. Чунки, уларда ўқувчи учун анча мухим маълумотлар берилади. Китоб аппаратининг анча мураккаб унсурлари хисобланади. Том маънода олиб қараладиган бўлса, ҳар иккаласи бир-бирига ўхшайди, лекин ноширликда уларнинг айрим жиҳатлари фарқланади. Асарлар тўпламида ёки айрим илмий асарлар, мемуарлар, ҳужжатли нашрларда турли хил тушунтиришлар берилади, булар асарни тўғри тушуниш учун зарурдир. **Эслатмаларда** китобдаги айрим ўринларга тушунтиришлар берилади ёки аниқлаштирилади. Агар шарҳлар китоб охирида берилса, эслатма тушунтириш, аниқлаштириш лозим бўлган тушунча ёки сўз жойлашган саҳифадаги изоҳда берилади.

Бадиий адабиёт нашрларида, ҳозирги кунда, шарҳнинг тўрт тури учрайди. Булар — матншунослик, тарихий-адабий, аниқлаштирувчи ва изоҳли луғат тарзидаги шарҳлар.

**Матншунослик** шарҳларида матнни нашрга тайёрлаш тўғрисидаги маълумотлар берилади. Унинг вазифаси — умумий тарзда нашрни тайёрлаш жараёнидаги матншунослик ишлари, унинг усуллари, тамойиллари, қабул қилинган қарорларни ҳужжатлаштиришдан иборат. Академик ва илмий нашрларда асар матни тарихи ҳакида китобхонга тугал маълумот берилиши талаб этилади, шунга кўра у хаддан зиёд мураккаб бўлиб, алоҳида қисмни ташкил этади. Оммавий нашрларда матншунослик шарҳлари, одатда, анча қисқа, асарни саралаш ҳакида керак маълумотларнигина ўз ичига олади, шунингдек, биринчи нашр манзили ва вақти кўрсатилади.

**Тарихий-адабий** шарҳлар асар мазмунини, гоясини очиб беради, қисқа ва лўнда тарзда аниқ, иложи борича тўлиқ равишда асарнинг яратилиш тарихи ҳамда ижодий-биографияси хусусида маълумот беради. У, одатда, икки қисмдан иборат бўлади: биринчисида асарнинг яратилиш тарихи

ҳақида сўз борса, иккинчи қисмида муаллифнинг хозирги ўқувчи учун тушунилиши қийин бўлган мулоҳаза ва фикрлари ойдинлаштирилади, очиб берилади. Бундай шарҳлар илмий-оммабоп асарлардагина эмас, балки илмий нашрларда ҳам бўлади.

**Аниқлаштирувчи** шарҳ тарихий номлар, фактлар (асос материаллар), ходисаларга (асарда келтирилган) тушунтиришлар беради, қўшимча аниқликлар киритади, асар мундарижасининг барча унсурларини тушунарли қиласди. Бу шарҳ ҳамиша матнга асосланади, уни изоҳлайди.

Илмий-оммабоп, оммабоп асарларда лугат, шарҳлар мухим аҳамият касб этади. Сўз ва сўз бирикмаларининг изоҳини бериш унинг вазифаси ҳисобланади. Уни тузища ўқувчилар учун унчалик таниш, тушунарли бўлмаган сўз ва сўз бирикмалари танланади, булар — архаик сўзлар, ҳали тилга тўлиқ ўзлашиб улгурмаган янги сўзлар (неологизмлар) ёки чет сўзлар, шеваларга хос сўзлардир.

Шарҳлар, эслатмалар устида ишлаш жараёнида мухаррир китоб ўқувчиларнинг савиясини — билим доирасини аниқлаб олиши лозим. Шунда нималар тушунтиришини талаб қиласди, нималар бунга мухтоҷ эмаслиги аён бўлади. Шундай ҳам бўладики, муаллиф айрим нарсалар шарҳига ҳаддан зиёд киришиб кетади, айрим нарсаларни эса шарҳлашни ёки унутади, ёки эътиборга олмайди. Хар икки ҳолатда ҳам мухаррир бу камчиликларни бартараф этиши керак бўлади.

Эслатмаларни таҳрир қилишда факат таъриф ва тушунтиришларгагина эмас, балки у таалукли бўлган матнга ҳам эътиборни қаратиш керак. Агар китобнинг турли қисмлари бошқа-бошқа мутахассислар томонидан шархланса, мухаррир уларнинг эслатмаларини таққослаши лозим бўлади, шунда турлича талқин, зиддиятларнинг олди олинган бўлади.

Табиийки, шарҳлар ва эслатмаларда кўплаб асос материаллар учрайди, улар турли тавсифда бўлади. Шунга кўра уларни нашрга тайёрлашда асос материалларни текшириш мухим аҳамият касб этади. Мухаррир турли талқинларга йўл қўймаслик учун, аввало, қайси манбага асосланишини

белгилаб олади ва бутун иш давомида ягона, танланган тамойилга амал қилади.

Шарҳлар ва эслатмаларнинг таҳририда уларни мантиқан яхлитлик, мазмунан уйғунликка әришиш мақсадида китоб аппаратининг бошқа унсурлари билан қиёслаш назарда тутилади. Бу тарихий-адабий тушунтиришлар барчасига умумий йўналиш беради, шунингдек, қайтариқ ва зиддијатларнинг олдини олади. Хусусан, кириш мақола билан тарихий-адабий шарҳдаги маълумотлар ҳажмини аниқ белгилаб олиш, айниқса, зарурдир.

Изоҳли луғатлар (луғат шарҳлар) (кўп жиҳатдан эслатмалар), юқорида қайд этилганидек, сўзлар ва ибораларни изоҳлаши – тушунтириши талаб этилади, айниқса, бадиий асарларда. Ҳозирги адабий тил луғатида бўлмаган, шеваллар, лаҳжаларга хос сўз ва иборалар бадиий ижодда тез-тез учраб туради. Албатта, уларни адабий тилга шунчаки таржимаси кифоя қилмайди, балки изоҳини, агар чет сўз бўлса, этимологик изоҳини ҳам бериш лозим. Масалан, муҳбир. Изоҳли луғатда у шундай изоҳланади: **Муҳбир** [а] 1. Газета, журнал, радио ва бошқа информация органдарига мақола, хабар ва ш.к. ёзиб турадиган киши. **Газета муҳбiri. Maxsus muҳbir.** 2. Бирор кимса ёки ташкилот билан хабарлашиб, хат ёзишиб турувчи кимса. **Ёзувчининг муҳbiri.**

Лекин бу маълумот етарли бўлмаслиги мумкин. Ўқувчини муҳбир сўзининг қайси тилдан ўзбек адабий тилига ўтганигина эмас (юқорида берилган [а] ҳарфи арабча дегани), балки унинг арабчадаги маъно ифодаси ҳам қизиқтириши мумкин. Шунинг учун сўзниг этиологик изоҳини бериш маълумотни бойитади, асар қимматини оширади, ўқувчи билим доирасини кенгайтиради. Шунинг учун **муҳbir** сўзи ясама сўз эканлиги, ўзаги хабар бўлиб, араб тилидаги **-му** олд қўшимча ёрдамида янги сўз – шахс оти ясалган. Хабар ўзбек тилидаги **дарак** сўзи маъно ифодасини беради. Агар шунга асослансанк **муҳbir** ўзбек тилида **даракчи** маъносидаги шахс оти ифодасини беради. Демак, биз муҳбирни даракчи деб аташимиз мумкин. Агар шундай

бўлса, унда ўзбек адабий тили ўз имкониятлари асосида янги бир терминга эга бўлган бўлур эди.

Шарҳлар, эслатмаларни таҳрир қилишда мазкур аппаратлар учун қўлланган ҳаволалар тизимини аниқлаштириш мақсадга мувофиқдир. Матн ортидаги тушунтиришлар илмий нашрлар учун мақбул саналади. Чунки шарҳ буларда хажман бошқаларга нисбатан катта бўлади. Ўқув адабиётларида, тайёргарлиги юкори бўлмаган ўқувчиларга мўлжалланган асарларда сатр ости изоҳлари қулайдир. Бундай адабиётларда китоб охирида қўшимча материаллар, тарихий-адабий тушунтиришлар ва ҳ.к. берилади. Сатр ости изоҳларда чет тилдаги ифодалар ва бошқа маълумотлар келтирилади. Булардан ташқари, ҳаволаларнинг рақамланиши (тартиб рақами)ни ҳам текшириш муҳим. Баъзи адабиётларда асардаги барча изоҳлар сидирға рақамланади — китобнинг бошидан охиригача тартибланади, баъзи асарларда муайян қисмда сидирға берилади, бошқа қисмда яна бирдан бошланади, яна бошқа бир тур асарларда изоҳлар ҳар бир сахифада мустакил бўлади, яъни бирдан бошланиб, нечта бўлса, шунга мос рақам билан тугайди, янги сахифадаги изоҳлар яна бирдан бошланади.

**Кўрсаткичлар** ҳам китоб аппаратининг муҳим унсури саналади. Айрим манбаларда улар **ёрдамчи қўрсаткичлар** деб ҳам аталади. Улар ўзига хос йўл кўрсатувчи бўлиб, асардаги материалларни ташкиллаштиришда аниқланмаган маълумотларни топишга имкон беради. Кўрсаткич маълумот учун, бир нечта манбани қиёслаш учун, ўқув-такрорлаш, бирор ифодани аниқлаш учун зарурдир. Кўрсаткичлар китоб таҳлилий мазмунини ўзида ифода этган ҳолда нашрнинг илмий ва ахборий қимматини оширади. Кўрсаткичлар, айниқса, қомусий (энциклопедик) асарларда фақат мақолаларнинг сарлавҳаси бўйича эмас, балки мақола ичida қайд этилган, эслатилган ҳар қандай терминни ҳам излаб топиш имконини беради. Шундай қилиб, кўрсаткичлар универсал маълумотнома сифатида, энциклопедик асар имкониятларини асосий матннаги мақоладан кўра кўрсаткич рукнлар канча кўп бўлса, шунча марта оширади.

Материалларнинг гурухланиш усулига кўра, кўрсаткичларни қўйидаги асосий турларга ажратиш мумкин: **алифбо тартибидаги, тизимли ва аралаш**. Алифбо тартибидаги кўрсаткичларда рукнлар ва ост рукнлар алифбога асосан белгиланади. Тизимли кўрсаткичда мантикий тавсифланади. Тизимли кўрсаткич кам учрайди, оммабоп, тавсиянома сингари нашрларга хос. Бундай асарлар кенг оммага мўлжалланган бўлиб, энг оммалашгани йилнома кўрсаткичлардир, булар тарихга оид ишларга мосдир. Аралаш (бирлашган) кўрсаткичлар бир неча тур кўрсаткичлар кўшилувидан иборат. Булар ҳажми унча катта, мазмунан мураккаб бўлмаган китобларда учрайди.

Кўрсаткичлар рукн тузилиши бўйича **оддий, ёйиқ** (таҳлилий) ва **аннотацияланган кўрсаткичларга** ажралади.

**Оддий кўрсаткичда** исмдан, номдан сўнг китоб бетлари кўрсатилади. Масалан: Ойбек. Кутлув қон, 21-б. Абдулла Қодирий. Мехробдан чаён, 42-б. ва х.к.

Мазкур оддий кўрсаткичнинг яна бир жиҳати айрим исмлар ва фанларга ҳаволаларнинг кўплиги ҳисобланади. Бундай кўрсаткичлар бир нечта ост кўрсаткичларга эга бўлади. **Улар ёйиқ ёки таҳлилий (аналитик)** деб атала-ди, рукнни аниқлаштиришга, матнга қилинган ҳаволаларни табакалаштиради ва шундай қилиб, китоб аппаратининг мазкур унсуридан фойдаланишини осонлаштиради. Масалан:

- Фалсафа, 1, 47–53; 2, 120–131; 3, 240–250 ва х.к.
- Шарқ фалсафаси — 49, 90, 121, 134 ва х.к.
- Фарб фалсафаси — 60, 82, 119, 128 ва х.к.
- Хинд фалсафаси — 101, 114, 141 ва х.к.
- Юнон фалсафаси — 152, 169, 180 ва х.к.

Юқоридагилардан кўринадики, асосий сарлавҳа (рукн) кўшимча тушунтиришлар (ост рукн)га эга. Ўкувчи фалсафага қизиқса, ўнлаб ҳаволаларни кўриб чиқиши шарт эмас, тегишли қисмларга мурожаат этиши кифоя.

**Аннотацияланган кўрсаткичлар** исмлар ва нарса, воқеа, ходисаларга тушунтириш беради. Масалан:

*Соҳибқирон Амир Темур (1336–1405) – Мовароуннахр ва Хурсонда буюк темурийлар ҳукмронлигига асос солган, машҳур саркарда, маданият, илм-фан ҳомийси, кўплаб меъморий обидалар бунёд эттирган, шеъриятни, ижодчиларни қадрлаган. Унинг «Темур тузуклари», «Зафар йўли» асари Шарқда ҳам, Фарбда ҳам шухрат қозонган. 97, 13–154, 168, 174 ва ҳ.к.*

Кўрсаткичларни тузиш ноширилик ишида, одатда, нашриётларда таҳририятга юклатилиди ва улар билан маҳсус тайёргарликка эга ҳамда муайян малакага эга бўлганлар шуғулланади. Баъзан бу вазифани муаллиф бажаради. Таҳрир қилиш мухаррир зиммасига юклатилиди. Лекин кўрсаткичларни таҳрир қилиш учун мухаррир китоб аппаратининг бу унсурига қўйиладиган талабларни, кўрсаткич тузиш қоидаларини яхши билиши талаб этилади.

Кўрсаткич тузиш масъулиятли иш бўлиб, уни тузища аниқ тартибга риоя этиш лозим. Аввало, унга саҳифаланган вараклар бўйича, корректурага барча тегишли тузатишлар киритилгандан сўнг киришилади. Аслида бу иш олдинроқ бошланади: сўзлик тузилади, исмлар ва атамалар танланади, аннотация тайёрланади. Лекин, асосий иш барибир саҳифалаш амалга оширилгандан сўнг бошланади. Чунки рукнлар, хаволалар кайси бетдалиги аниқ бўлмай туриб, кўрсаткични тузиб бўлмайди. Кўрсаткичларни тайёрлашда қуидаги усулдан фойдаланиш мумкин: саҳифалардаги исм ва терминлар териб олинади, яххиси уларни алохида алохида варакчаларга ёзиб олган маъкул. Кейинги бажариладиган иш – уларни алифбога солиш бўлади.

Ислар кўрсаткичига матнда учрайдиган барча фамилия, исм, тахаллуслар киритилади. Лекин, бунда ҳам ҳар бир ҳолатда муаллиф қайси исмни аниқ келтиради, у билан боғлиқ маълумотларни – отасининг исми, тахаллуси, туғилган ва вафот этган йил, ой, кунни, қўшалоқ фамилия (Фарбда), тахаллуслар (Шарқда), чет элликларнинг исми, фамилияси ва ҳ.к. ни аниқлаш лозим бўлади.

Кўрсаткичларни таҳрир қилиш бир қатор вазифаларни бажаришни кўзда тутади: кўрсаткичининг тури ва хилини

баҳолаш; сўз танлаш тамойилига амал қилинганикни текшириш; ост кўрсаткичлардаги сўзларнинг гурухланишини аниқлаш; ҳавола қилинган бетлар тўғри кўрсатилганини текшириш; ҳар бир ном остида жойлашган бетлар кетма-кетлигини текшириш.

Кўрсаткични баҳолаш деганда нима назарда тутилади? Мұхаррир уни бошлашда бош тамойилга асосланади. У хам бўлса, ҳар бир илмий асар, олий ёки ўрта маҳсус таълим муассасаси учун дарслик, ёзувчининг ҳар бир танланган асари, олимнинг, давлат, жамоат арбобининг асари, умуман ҳар бир китоб, агар унинг ҳажми 15 муаллиф табоқдан юкори бўлса (бадиий асар, болалар китоблари бундан мустасно), у ёки бу кўрсаткичга эга бўлиши керак. Лекин асарнинг турига кўра кўрсаткич хам турлича, ўзи тааллуқли бўлган асарга моси берилади. Масалан, ижтимоий, гуманитар асарларда исмлар ва нарсалар кўрсаткичи бўлиши мақсадга мувофиқ; табиий-илмий асарларда кўп жихатли нарсалар кўрсаткичи берилиши лозим; асарлар тўпламида асарлар кўрсаткичи; дарсликларда бир хил – ягона кўрсаткичлар берилиши керак.

Кўрсаткичларнинг ҳажми қанча бўлиши, ҳозирги замон китобшунослигида асар таҳлилий мазмунини бера оладиган, лекин кўп жой эгалламаслиги, ўртача ҳажмдаги кўрсаткич нашр ҳажмининг 2–3% ни ташкил этиши, айрим ҳоллардагина 5%га бориши мумкинлиги қайд этилган. Энди, кўрсаткичда нималар берилади? Асар тўлиқ бағишлиланган исмлар, нарсалар кўрсаткичга киритилмайди. Шунингдек, кўрсаткич тасодифий исмлар, номлар (китобда учраган) билан ҳам тўлдириб юборилмайди. Ҳар бир исм, ном ортида аниқ маълумот берувчи матн парчаси бўлиши керак.

Руқнлар жойлашувидаги алифбо тартибини аниқлаш мұхаррирнинг вазифаси ҳисобланади. Алифбо тартибидаги кўрсаткичлар турлича бўлади: ҳарфма-ҳарф ёки сўз кетидан сўз тарзида.

Кўрсаткич ҳавола қилинган сахифа аниқ белгиланган тақдирда тўлақонли ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир ҳаволанинг матндаги муайян жойга мос келишилигини текшириш мұхаррирдан чидам талаб этади, бу иш ниҳоятда

дикқат-эътибор билан бажарилиши лозим. Бу иш билан шуғулланган вактда мухаррир шунчаки, ҳавола исм ёки нарсага мослигини эмас, балки контекстга амалда мувофик эканлигини ҳам текширади.

Ноширлик амалиётида баъзан ҳавола текширилганда руки ҳам аниқлаштирилади, айрим холларда эса уни олиб ташлайди. Мухаррир кўрсаткич ёрдамида китоб матнига тузатиш киритган холлар ҳам бўлган.

Хуллас, кўрсаткичларни таҳхир қилиш жараёни мухарридан юксак масъулият талаб этади. Кўрсаткичларни тўғрилаш, қисқартириш, қўшишдан ташқари, улар хажмини ихчамлаштириш ҳам керак бўлади. Бунга турдош изоҳлар (ҳаволалар)ни бирлаштириб, изоҳлар тизимидан (қаранг, яна қаранг, ўша жойда, ўша асар) фойдаланиб эришиш мумкин.

Чоп этилган асарнинг нашр билдиригичлари деганда нашрни тавсифловчи, унинг безатилиши, библиография ва ҳ.к. га бағишлиланган кўрсаткичлар мажмуи тушунилади. Китоб аппаратининг бошқа, айрим холларда умуман берилмайдиган унсурларидан фарқли ўларок нашр билдиригичлари ҳеч бир истисносиз ҳар бир нашрда бўлиши лозим. Нашрнинг тури, мақсади, кимларга мўлжалланганлигига боғлиқ холда Давлат стандартида белгиланган тартиб ва тавсифда бўлади.

Барча китобларда қўйидаги нашр билдиригичлар бўлади: нашрда қатнашган барча шахслар ҳақидаги маълумот (муаллиф, тузувчи, таржимон, мухаррир, мусаххих, рассом ва б.); нашр сарлавҳаси (номи); сарлавҳа остидаги номлар; жилд тартиб рақами; туркум рақами; даврий, давомий нашр рақами; чиқарилиш (чоп этилганлик) маълумотлари; сарлавҳа усти маълумотлари; кутубхона шифри; нашр маълумоти; муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси белгиси; таснифлаш рақами (индекси); нашриёт аннотацияси; реферат ва б.

Китоб ва брошуруларда нашр билдиригичлар асосан бош (титул) варақда ёки унинг орка томонида жойлаштирилади, баъзан муқовада ҳам берилади.

Бу бобда китоб аппарати асосий унсурлари ҳамда журналистика йўналиши талабалари, илмий тадқиқодчилар

учун умумий тушунчага эга бўлишларига мувофиқ келади-  
ган даражада мълумотлар жамланди. Уларнинг хар бири,  
алоҳида ва биргаликда мухим вазифани бажаради, нашр  
сифатини оширади.

Китоб аппаратининг унсурлари турли шахслар томонидан  
тайёрланади, шунга кўра мухаррир, ҳеч бир муболагасиз  
айтиш мумкинки, бу ишда етакчи вазифасини ўтайди. У  
китоб шаклини, унсурларини тайёрлашда фаол қатнашади.  
Китоб аппаратини тузиш бўйича мухаррир фаолиятининг  
хусусиятлари, айтиш жоизки, тузувчи фаолияти билан кўп  
жиҳатдан ўхшаб кетади.

## АДАБИЙ ТУР ВА ТАҲРИР

Адабий асарлар қўлёзмаларини таҳрир қилишга киришидан олдин уларнинг қайси соҳага оидлиги, яъни турини аниқлаш лозим.

Адабиёт турлари деганда ижтимоий аҳамиятга молик, баён усули, ижтимоий вазифаси ўқувчилар аудиторияси билан боғлиқ матний асарлар мажмуи тушунилади. Моҳияти, ижтимоий вазифаси, ўқувчилар аудиториясини белгилаш адабиёт айрим турларини таҳрир қилишнинг, айтиш мумкинки, назарий асоси ҳисобланади. Китобшунослиқда ҳар бир тур учун тегишли терминлар мавжуд (мас. болалар адабиёти), бундан ташқари, мақсадга кўра ҳам гурухланади (масалан, маълумотнома, ўқув адабиёти). Лекин бу бошқа белгилар йўқ дегани эмас.

Адабиёт турлари дейиш бу чеклаш, чегаралаш дегани эмас, балки мослашувчан, харакатдаги, ривожланишдаги жараён. Бу тушунча тадрижий суратда, ижтимоий талафга кўра, жамият амалиёти ривожи билан боғлиқ холда такомиллашади. Ҳар бир тарихий давр, умуман, адабиётлар тузилишигагина эмас, балки унинг айрим турлари тавсифига ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Милоддан аввалги VII–VI асрларда юзага келган «Авесто» диний-маърифий адабиёт, қадимги туркий тош битиклар тарихий-биографик ҳисобланса, Юсуф Хос |Хожиб, Аҳмад Юғнакийларнинг асарлари маънавий-маърифий, Беруний, Ибн Сино ва бошқа милодий IX–XI асрлардаги буюк аждодларимизнинг асарлари илмий, Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр, Сулаймон Бокирғоний асарлари икки минг йиллик оралиғидаги диний-маърифий асарлар ҳисобланади. Кейинчалик қомусий асарлар ҳам юзага келади (масалан,

«Бобурнома»). Булардан ташқари яна панд-насихат тарзидаги (дидактик), таълимий адабиётлар пайдо бўла бошлийди ва булар барчаси кишилик жамияти ривожи хамда талаблари билан боғлиқдир.

Инсоният тарихида саноатланиш бошланиши билан адабиётларнинг янги — ишлаб чиқариш-техника, маълумотнома, илмий-оммабоп ва б. турлари юзага келади. Жаҳон миқёсида бундай адабиётларнинг юзага келиши ва такомиллашуви бутун XIX аср мобайнида давом этади. Юқорида айтиб ўтилган тур адабиётларни анъянавий дейиш мумкин. Чунки улар қатъий ва узоқ давом этган жамият эҳтиёжи туфайли юзага келган.

Адабий асарлар турларга уларнинг моҳияти (предмети)-га кўра ажратилади.

Асарнинг моҳияти унда нима ҳақида гап бориши, унда нима ҳақида баён қилиниши тушунилади. Аммо амалиётда бир анъянавий адабий тушунча ҳам бор, у **мавзу** дегани. Улар ўртасидаги фарқ шундаки, мавзу деганда биргина асарда нима дейилиши тушунилса, моҳият деганда бирор турга мансуб адабиётлар барчасида баён этиладиган фикрлар тушунилади.

Хусусан, илмий-оммабоп адабиёт ҳам ўз моҳиятига эгадир. Мазкур адабиётда фан мавжуд хаётдаги бирор ҳодисанинг мазмунини тизимлашган билим сифатида баён этади. Фандан асосан дунёқараашларни, ижтимоий-сиёсий ёхуд кенг ҳалқ ҳўжалиги аҳамиятига молик бўлганларини олади. Бу китоб ўқувчиларда ижодий фикрларни билимга эҳтиёж уйғотади. Илмий-оммабоп адабиётларда илмий қонуниятлар баён этилади, лекин улар бевосита ишлаб чиқариш қоидаси бўлиб хизмат қилмайди. Билим назарияда тақдим этилганидек, мана шу ҳаммабоп кўринишда ҳеч качон амалиётда қўлланилмайди<sup>1</sup>.

Ўқув адабиётларининг ҳам ўзига хос моҳияти бор. Унда муайян билим соҳаси қандай бўлса шундай баён этилмайди (тилшунослик, кимё, физика ва б.), балки ўқув фани маҳсус тузилади: билим, қўнікма, малака тарзида. Булар дарсликдан ўзлаштирилади. Муайян вактда, муайян таълим

<sup>1</sup> Голованов В.Н. Законы в системе знаний. — Москва: Наука, 1970. 215-б.

тизимидағи таълим ва тарбияга бўлган ижтимоий талабга қатъий амал қилган холда аниқ мақсад бўйича танланади, шу билан бирга ундан фойдаланувчи ўқувчи, талabalар рухияти, ёши ҳисобга олинади.

Энди оммавий адабиёт ва оммавий ўқувчи хусусида тўхталиб ўтамиз.

Оммавий адабиёт китобшуносликда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган адабиёт тарзида таърифланади ва у топ соҳадагилар фойдаланиши учун чиқарилмайди. Уни оммавий нашр билан бирдек деб бўлмайди, чунки бундай нашрлар кўплаб нусхада чиқарилган бўлади, ҳаммабоп ёки тегишлича шарҳланади.

Тахтир назариясида оммавий ўқувчига шундай таъриф берилади: саводли, лекин асарда ёритилган билим соҳаси бўйича маҳсус тайёргарликка эга бўлмаганлар.

Оммавий ишлаб чиқариш-техникавий адабиётлар ўқувчилари ҳам алоҳида гурӯхни ташкил этади. Булар олий таълим ёки ўрта маҳсус касб-хунар таълими бўйича маҳсус тайёргарликка эга эмаслар. Бундай адабиётлар улар учун ишлаб чиқариш малакасини ошириш, саноат ёки қишлоқ хўжалигидағи илғор тажрибани ўзлаштиришлари учун зарурдир.

Бакалавриатура таълимотида талabalар адабиётларнинг айримлари (ижтимоий жиҳатдан аҳамияти нисбатан юқори бўлғанлари)нинг тахрири хусусида умумий тушунчага эга бўладилар. Ҳар бири билан алоҳида-алоҳида ва атрофлича магистратура таълимида маълумот оладилар.

**Оммавий-сиёсий адабиётлар** тахрири ҳам бошқа тур асарлар сингари тил ва услугуб билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар қандай оммавий-сиёсий адабиёт ўзига хосликка эга бўлиш билан бирга умумий жиҳатлари ҳам бор. Уларда умумий ёки муайян мақсадлар кўзланган бўлади.

Ҳар қандай асарда юқори кадрланадиган сифатлар бўлиб, услугубий саводлилик, соддалик, аниқлик, тушунарлилик, қисқалик, таъсирчанлик, мантиқан пухталик, баёндаги ўзига хослик хисобланади.

Бундай сифат кўрсаткичлар оммавий-сиёсий адабиётларга ҳам тўлиғича тааллуклидир.

Оммавий-сиёсий адабиётларда рамзлар ва белгилар деярли бўлмайди, булар, асосан, расмийлаштирилган мулоҳазалар учун хос ва қўпроқ илмий адабиётларда учрайди. Адабий ёзма нутқ меъёrlарига амал қилиш мажбурий, айрим холлардагина, агар муаллиф муайян ижодий мақсадни кўзлаган бўлса, шундагина йўл қўйилиши мумкин.

Адабиёт ҳар қандай турининг услуби ва тилини таҳлил этиш анча чукур ва маҳсус мақсадга эга. Бунга сабаб, мулоқотнинг турли соҳаларида тил турли вазифани баҳаради. Шунга асосланиб, айтиш мумкинки, **вазифавий услубларга** тил ҳодисаси сифатида қараш мумкин.

Оммавий-сиёсий адабиётлар публицистик услубга мойиллик билдиради. Бу услубнинг ўзига хослиги ташвиқоттарғибот табиатидан келиб чиқади, ўз ўқувчилариға ниманидир хабарини етказмайди, балки ташвиқот вазифасини ўтайди: ишонтиради, тушунтиради, исботлайди, эътиқодлаштиради. Ўқувчининг фикрини, баҳосини, харакатини муайян тарзда йўналтиради. Муаллиф бирор масала хусусида фикр билдирганда, ўз шахсий нуқтаи назаридан эмас, балки ўз миллати, жамияти, давлатининг вакили сифатида, уларнинг манфаати нуқтаи назаридан сўз юритади.

Оммавий-сиёсий адабиётлар, шу жумладан, матбуот ташвиқотида, албатта, нарса, ҳодисага баҳо берилади, чунки уни ўқувчи атрофида содир бўлаётган ҳодисаларни, ўзини куршаган нарсаларни баҳолай олиши керак бўлади. Тил воситалари уларни ифодалаш учун зарур, одатда улар услубий жиҳатдан бетараф, ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Баён, асосан, учинчи шахс тилидан қилинади. Нутқда мафкура ва сиёсатга оид терминлар кўплаб учрайди. Масалан, мустақиллик, демократия, эркин, илфор, адолатли, хуқуқий, тенг хуқуқлилик, мухолифат, фуқаролик, ошкоралик, бузгунчи ва х.к.

Бундай адабиётда, асосан, хаётий фактлар ёритилади, уларга қайсиdir даражада эмоционал, ахлоқий-сиёсий баҳо берилади. Шунга кўра хаётий фактларни тасвирлаш зарурати муаллиф нутқини сўзлашув услубига яқинлаштиради. Китобий, оммабоп бўлмаган жумлаларни камайтиради,

нутқа аниқлик, тушунарлилик, тасвирийлик, таъсирчанлик, индивидуаллик ва ўзига хос рухият бахш этади.

Оммавий-сиёсий адабиётларда кўп учрайдиган терминларни тушунтириш ва уларни матнга киритиш муаллифдан чуқур билим ва малака талаб этади. Ҳамма муаллифлар ҳам шундай билим ва малакага эга бўлавермайди. Мұхаррирнинг вазифаси, бундай ҳолларда, анча мураккаблашади. Мафкуравий тушунчалар ижтимоий ходисаларни идроклашга ёрдам берса-да, лекин уларни барча ҳам бирдек англай олмайди. Булар барчаси мұхаррир олдига терминларни изоҳлашнинг усусларини аниқ мақсадга кўра таҳлил этиш масаласини қўяди.

Масалан, **миллий мустақиллик** бирикмаси гарчи муайян миллат мустақиллиги маъно ифодасини берса-да, лекин уни қўллашдан мақсад юрт эгаси бўлган миллатларнинггина мустақиллигини ифода этмай, балки миллий мустақиллигини қўлга киритган миллат юртида истиқомат қилаётган бошқа кичик миллатлар, элатлар вакилларининг ҳам озод, эркин ва хур эканликларини англатади.

Оммавий-сиёсий адабиётларда ҳам илмий адабиётлардаги сингари ўқувчи илмий фикрдаги энг асосий нарсани, энг нозикликни илғаб олиши учун муаллиф маънавий, мантиқий жиҳатни тўғри белгилай олиши мухим аҳамият касб этади. Мантиқий таъкидга эришиш учун турли усуллардан фойдаланиш мумкин: сўзларни ёки сўз бирикмаларини такрор қўллаш; бутун жумлаларни такрорлаш; маҳсус сўзлар (*мутлақ, холос, фақат, ваҳоланки, баҳтга қарши, айни, хулласи калом, афсуски, минг афсуски, наҳотки, ҳайҳот, таъбир жоиз бўлса ва х.к.*). Савол, маълумки таъсирчан, мазмундор, шунингдек, анча кенг тарқалган услубий восита ҳисобланади. Зоро, у мантиқий боғлиқликни таъкид этишда мухим аҳамиятга эга.

Оммавий-сиёсий адабиётни тил ва услугга кўра таҳлил ҳамда таҳхир этишда мұхаррир унга ҳар томонлама чуқур назар ташлаши ва қуйидаги талабларни хисобга олиши керак.

Биринчидан, асарнинг жамият учун кераклигини. Бунда мұхаррир асарнинг тури, жанри, мавзуси, мақсади ва

ўқувчига етиб борадиган вақтдаги тарихий вазиятнинг ўзига хос жиҳатларини хисобга олиши зарур.

Иккинчидан, асар саводли ёзилган бўлишини. Бунда матн тил ва услугга кўра шу тур асарларга қўйиладиган барча талаблар даражасида бўлиши лозим.

Учинчидан, асарда тил воситасида айтилмоқчи бўлганларнинг барчаси аниқ бўлиши керак.

Тўртинчидан, сўз қўллаш, баён иложи борича муаллифнинг ўз услубида бўлгани мақбулдир. Чунки, бир қолипдаги асарлар ўқувчи учун зерикарли бўлиб қолади.

Хуллас, ўзига хос ифодали нутқ, аввало, муаллиф маҳоратига, шахсий сўз қўллашдаги ўзига хосликка боғлик бўлиб, унинг оммавий-сиёсий асарлар, публицистикадаги энг таъсирчан усулларидан бири хисобланади.

**Илмий-оммабоп адабиётлар** яратиш ҳам жамият ривожида муҳим аҳамиятга эгадир. Бизнинг мақсадимиз ҳамон ҳуқукий давлатдан фуқаролик жамиятига ўтиш экан ва бу жамият ҳар бир аъзосининг савияси, онги юксак даражада бўлиши билан боғлик экан, мазкур тур адабиёт тобора аҳамият касб эта боради. Илмий билимларни кенг ёйища илмий-оммабоп адабиётларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, унинг мақсадини белгилаш, мухаррирнинг вазифаси нимадан иборатлигини кўрсатиш учун мазкур адабиётнинг моҳиятини чукур тушуниш керак бўлади. Бунинг учун фан, унинг жамиятимиз хаётидаги, Ўзбекистоннинг буюк келажагини қуришдаги ўринини чукур тушуниш лозим. Бундан ташқари уни оммалаштириш усуллари, воситалари, булатнинг жанр билан боғлик эканликларини, ўқувчиларнинг доирасини аниқ тасаввур этиш лозим. Илмий-оммабоп адабиётлар замон талабларига кўра, шунингдек, ўқувчилар эҳтиёжларини хисобга олган ҳолда турли фан соҳаларига оид бўлиши мумкин. Масалан, табиат бойликлари, бозор иқтисодиёти, қишлоқ хўжалиги; фан асослари; билимнинг барча соҳасидаги замонавий фан ва техника ютуқлари; фан ва техника тарихи; экология, коинот; келажак фани, техникиаси ва бошқалар.

Яқин-яқинларгача илмий-оммабоп адабиётлар тизимили маълумотга эга бўлмаган ўқувчилар кенг оммасига мўлжалланган эди. Илмий-оммабоп асарларнинг муаллиф-

лари илмий материални баён этишда физика, химия, математика, астрономия, геология, биология, кибернетикага оид содда тушунчаларни имкон қадар күпроқ беришга харакат қыладилар ва оммабоп тарзда шархлайдилар. Бугунга келиб, вазият тубдан ўзгарди, энди кишилар илмни факат талабалар курсисидан ёки докторантурадан эмас, балки мустакил тарзда адабиётлардан, Интернетдан ола бошлидилар. Илмий-оммабоп адабиётларга факат ўкувчилар кенг оммасигина эмас, балки турли соҳаларнинг олимлари хам эҳтиёж сезмоқдалар. Албатта тилшуносликдан физик ёки математикларга мўлжалланган илмий-оммабоп асар оддий, тайёргарлиги кам бўлган ўкувчиларга мўлжалланганидан бошқачароқ ёзилган бўлиши керак. Фан ва техниканинг ривожи бугунга келиб шу қадар жадаллашиб кетдики, у билан тенгма-тенг одимлаш учун маълумотларни кўп ва тез олиш зарурати пайдо бўлди. Илгарилари йиллаб вақт мобайнида эришилган натижаларга бугунга келиб ойлар, ҳатто хафталарда эришилмоқда.

Бугун бу тур адабиётларнинг ўкувчилар доираси кенгайган. Бундан ташқари, уларнинг хилма-хиллиги ортган. Шунга кўра илмий-оммабоп адабиётларни таҳрирдан чиқарувчи муҳаррир ҳар бирининг ўзига хос жиҳатларини хисобга олиши, уни ўқийдиганларнинг тайёргарлик даражасини аниқ тасаввур этиши керак.

Асарнинг оммабоплигига баённинг аниқлиги ва тадрижийлигига кўра эришилади. Бундан ташқари мураккаб ҳодисалар оддийлари, номаълум бўлмаганлар маълум бўлганлар билан солиштирилади. Гарчи бу кейингилар жуда хам оддий бўлмаса-да, лекин анча одатий, таниш бўлади. Маълумки, илмий-оммабоп асарларда кўплаб рақамлар – миқдор, ҳажм, масофа ва бошқаларни белгиловчи учрайди. Муҳаррирнинг вазифаси ўкувчилар рақамлар тўрида ўралашиб қолмасликлари учун муаллифга уларни оддий, тушунарли тарзда бўлишига кўмаклашишдан иборат, тики улар ишонарли ва аниқ мисолларни келтирсингилар. Баённинг оммабоплигини белгиловчи яна бир муҳим жиҳат тадрижийлик хисобланади. Даилий (фактик) материал фан ҳақидаги китобда эътибор билан танланган ва асосий ғояга бўйсундирилган бўлиши лозим. Умуман, илмий-оммабоп

асар қатъий режа асосида ёзиши шарт. Муаллиф асосий мавзудан четга чиқмаслиги, иккинчи даражали унсурлар билан баённи мураккаблаштирмаслиги керак. Яхиси асарни унча катта бўлмаган бобларга бўлиш, агар катта боб бўлса, уни фаслларга ажратиб, сарлавҳалар қўйиш ва бу билан баён чегарасини аниклаштириш мақсадга мувофиқдир.

Хуллас, илмий-оммабоп асарга муҳаррир томонидан қўйидаги қатъий талаблар қўйилиши керак:

- ўқувчилар тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда материални баён килиш;
- байдунинг аниқ ва тадрижийлигини таъминлаш;
- фактик материалларни дикқат билан танлаш;
- қатъий тузилиш (композиция)га эга бўлиш.

Булардан ташқари, асар тили ва услубига ҳам қўйиладиган тегишли талаблар мавжуд. Чунки илм ҳақидаги асар бу – илмий асар эмас. Илмий асарни илм ҳақидаги илмий-оммабоп асарга айлантириш учун инсон нутқи эга бўлган барча жиҳат ва воситаларни ишга солишга тўғри келади. Адабий тил, услубларнинг барча имкониятларидан тўлиқ ҳамда ўринли фойдалана олишгина шундай асарни яратишга эриштириши мумкин. Қисқаси, илм ҳақида ёзиш – санъат. Оммабоплик бу – ҳаммабоплик эмас.

Фан-техника жадал ривож топаётган, ахборот майдонининг глобаллашуви содир бўлаётган бугунги кунда илм ҳақидаги ва бошқа тур адабиётлар тилида янги-янги терминлар, бирикмалар кўпайиб бормоқда. Мустақиллик йиллари – икки ўн йилликнинг ўзидаёқ маҳсус сўзлар кенг ёйила бошлади. Янги ижтимоий-иктисодий муносабатларга ўтиш туфайли илмнинг ҳар бир соҳасида янги терминлар кўлланила бошлади.

Масалан, *маркетинг*, *лизинг*, *инвестиция*, *қўйша корхона*, *трансферт*, *траст банк* (иктисодда); *сенат*, *спикер* (давлат қурилиши), *прагматика*, *сема*, *семема*, *агенс*, *предикат* (тилшуносликда). Илмий-оммабоп асарда тилнинг соддалигига тор соҳага оид ифодалар ва мураккаб ҳисобкитобларни киритмай, шунингдек, ўқувчига таниш бўлмаган терминларни, янги сўзларни изоҳлаб кетиш, узундан-узоқ, ва мураккаб синтактик конструкциялардан воз кечиб эри-

шилади. Шу билан бирга илмий-оммабоп адабиёт тили илмий асар тилидаги сингари аниқликка эга бўлиши, бадиий асар тили сингари ёрқин ва асар мўлжалланган ўқувчилар учун тушунарли бўлиши керак.

Илмий-оммабоп асар тили ва услуби бўйича муҳаррир бажариши лозим бўлган фаолиятнинг ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Оммабоп баённинг ўзига хос томони бўлиб, унда тилнинг услугуб воситалари жуда турли-туманлиги хисобланади. Илмий маълумотни хабарга айлантириш, соҳа мутахассиси бўлмаган ўқувчи тушунадиган қилишга икки йўл билан эришиш мумкин: илмий лексемани умумадабий сўз билан алмаштириш; сўз маъносини тушунтириш. Бунинг учун ранг-баранг сўзлар қўлланилади, шу жумладан, экспрессив эмоционал-услубий бўёққа эга маъноли сўзлардан фойдаланилади. Илмий услугдан фарқли ўлароқ бунда бир-бирига зид услублар, объективлик, мантиқ ва ҳис-ҳаяжон (эмоционаллик), баландпарвозлик ва сўзлашув қоришиб кетади, лекин меъёри билан бўлиши керак.

Терминларни танлаш, матнга киритиш ва тушунтириш илмий-оммабоп адабиётда биринчи даражали аҳамиятга эга. Бу жуда ҳам осон иш эмас, чунки фаннинг кўпгина тармоқларида хали терминология тартибга келтирилмаган.

Илмий-оммабоп асарда терминларга дуч келган муҳаррир нимага амал қилиши керак?

- 1) иложи борича ўқувчиларга маълум бўлган терминлардан фойдаланиш лозим;
- 2) фақат қўлламасликнинг бошқа иложи қолмаган терминларни қолдириш керак;
- 3) қолдиришга мажбур бўлинган терминлар маъносини очиб бериш зарур.

Агар бу оддий талабларга амал қилинmasa, илмий-оммабоп асар тушунарлилик бўйича кўп нарса йўқотади.

Семасиологияга оид илмий асарда муаллиф ёзади:

«Метафоранинг ўзи компаратив конструкцияси эталонида қолган компонентларнинг нутқ имкониятига кўра имплицит ифода топишадир».

Жумла таркибидаги **компоратив, конструкция, эталон, компонент, имплицит** терминлар, табиийки, соҳа мутахас-сислари — тилшунослар учун маълум. Хўш, илмий-оммабоп матнга буларни қандай киритиш керак?

1. Муаллиф терминга таъриф бериб, ўқувчи учун маълум мисоллар келтириши мумкин, бу материални тушуниш-ўзлаштиришни осонлаштиради.

2. Янги (таниш бўлмаган) термин билан таништириб, муаллиф унинг маъно ифодасини бошқа сўзлар билан очиб бериши мумкин.

3. Махсус лексема маъноси гўё йўл-йўлакай қавсда ёки бир-икки сўз билан очиб кетилади.

4. Кенг маълум бўлмаган терминлар қавс ичida берилади.

5. Илмий термин маъносини очиб берар экан, муаллиф баъзан унинг умум томонидан қабул қилинган номларини келтиради.

Буларни қўйида мисолларда кўрамиз:

1. **Метафора**, бу — икки бир-бирига ўхшаш нарса, ходиса бирининг номини иккинчисига кўчиши, масалан, қўшининг қаноти, самолётнинг қаноти. Бошқа терминларга ҳам шундай тушунтириш берилади.

2. .... *компоратив конструкция*, бу — ўхшатиш конструкцияси дегани. Конструкция сўзи кенг тарқалган, шунга кўра унинг ўзини колдириш мумкин. Агар ўқувчиларнинг кўпчилигига бу ҳам тушунарсиз бўлса, унда унинг маъно ифодасини очиб бериш керак бўлади. Масалан, гап, жумла ёки гап бўлакларининг тузилмаси.

3. .... *имплицит* — кўнгилдагидек ёки назарда тутилганидек.

4. .... назарда тутилганидек (имплицит) ифода топишидир.

5. *Метафора* (истиора, ўхшатиш).

Хуллас, юкоридагиларга амал қилинса, илмий матн қуидагича илмий-оммабоп кўринишга келади:

«Истиоранинг ўзи ўхшатиш конструкциясидаги ўхшатилувчида қолган унсурларнинг нутқ имкониятига кўра назарда тутилганидек ифода топишидир».

Илмий матнни бундан ҳам соддалаштириш мумкин, лекин бундай оддийлаштиришда умуман илмийлик йўқолади ва у тушунарсизга айланади.

Илмий-оммабоп асар тили ва услуби устида ишлар экан, муҳаррир, аввало, уни андозалик (штамп)лардан ҳоли қилиши зарур, чунки улар матнни нурсизлантиради, зерикарли қиласи. Тил қашшоқлиги мазкур тур асарларнинг кўпларини савия жиҳатдан анча «саёз» бўлишига олиб келган.

Қандай камчиликлар кўпроқ кузатилади? Қўйидагилар, бизнингча, тез-тез учраб турадиган камчиликлар сирасига киради.

Аввало, зарурати бўлмаса ҳам фойдаланилган, маърузвавий-идоравий нутққа хос қурилма (конструкция). **Биз кўрдикки, энди... Биз кўриб ўтдикки, ... Юқорида қайд этганимиздек, ... Биз биламизки, ...** ва бошқалар.

Кўнгина асарларда услугга зеб беришда андоза (стандарт) бўлиб қолган нутқ унсурлари учраб туради. Масалан, агар гап газ ҳақида бўлса — зангори олов, нефть ҳақида бўлса — қора олтин, пахта ҳақида бўлса — оқ олтин ва ҳоказо.

Кўпинча матнлар шундай бошланади: **Бугунга келиб, ҳаммага маълумки, ... Бизнинг замонда барчага аёнки, ... Олдинроқ ҳам айтилганидек.**

Маърифат ҳақида сўз борганда: **Софлом ақл мантиқига кўра** «маърифат» деганда, асрлар оша келаётган умумий анъана тушунилади.

Муҳаррир муаллифга ана шундай андозавий ифодалардан қутулишга ёрдам бермаса, ўз вазифасини бажармаган хисобланади. Баъзи қўлёзмаларда ҳаммабоп сўзлар, масалан, **яъни, шундаки, аввалимбор, нафақат** учрайди. Бундай сўзлар кенг кўламда, қўлланиши мавхум ҳолларда ҳам учрайверади. Муҳаррир буларга алоҳида эътиборини қаратиши, агар ўринли бўлса қолдириши лозим. Агар муаллиф буларни шунчаки сўзамоллик мақсадида қўллаган бўлса, қисқартириш зарур.

Илмий-оммабоп асарда синтактик конструкциялар жуда хилма-хил. Булар тўлиқсиз содда гап, боғловчили ва

боғловчисиз қўшма гаплар. Эргашган қўшма гаплар, ара-лаш эргаш гапли қўшма гаплар илмий нутқдагидан қўра камроқ. Интонация ҳам турли-туман. Хабардан ташқари, кўпинча савол ифода топади, фикрлаш уйғотади. Хуллас, илмий-оммабоп асар муаллиф учун шахсий, ўзига хос услуб учун кенг имкониятлар беради. Мухаррир олдига эса таҳрир жараёнида булар барчасини хисобга олиш ҳамда зукко бўлиш талабини қўяди.

## **БАДИЙ ТАХРИР МАСЬУЛИЯТИ**

Бадий асарлар адабий асарлар нашрининг анчагина кисмини ташкил этади. Бу бадий асарнинг жамият хаётида тутган ўрни ва унинг ахамияти билан боғлиқ. Лекин хозирда нашр этилаётган бадий асарларнинг ҳаммаси ҳам чукур ғоявий, тасвирий, ўқувчиларнинг онги ва ҳиссиётига таъсир эта оладиган, улар маънавиятини бойитишга, ахлоқини юксалтиришга қодир, деб бўлмайди.

Бадий асар устида ишлаш — таҳрирнинг алоҳида соҳаси ҳисобланади. Матнга ёндашиш, уни баҳолаш мезони, таҳлил усули асарнинг моҳияти билан боғлиқ. Бадий асар — санъат тури ҳисобланади. Агар ҳайкалтарош тош, мармар, бронза, ганчдан, рассом бўёқлардан, бастакор товуш (оҳанг)лар уйғунлигидан фойдаланиб нарса ва ҳодисаларни ифода этса, образ яратса, ёзувчи, шоир, драматург сўз ёрдамида яратади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳиссий билиш илмий билишдан фарқланади. Масалан, ёзувчи образлар билан бир қаторда маънавий-мантикий воситалардан ҳам фойдаланади. Ўз навбатида илмий асарларда, техникага оид қўлланмаларда, дарсликларда ҳам образ-воситалар маълум ўринни эгаллайди.

Фарқ шундаки, илмий асарларда образлар кўргазмалилик учун, назарий қоидаларни тасвирийлаштириш учун хизмат килади, иккинчи даражали, ёрдамчи унсур ҳисобланади. Бадий ижодда эса образ бадий фикрнинг моҳиятини ташкил этади, ёзувчи учун мавжуд борлиқдаги ҳодисаларни идроклашнинг асосий ва зарур усули ҳисобланади.

Шунинг учун муҳаррир матн устида ишлаётганда бадий образнинг асосий, туб хоссасига таяниши лозим. Зеро, ана



шу хусусият уни инсон фаолиятининг барча соҳалариға — ақли, ҳиссиёти, иродаси, тасаввурлар оламига кучли таъсир этишни таъминлайди.

Бадиий образнинг айни мана шу асосий хусусиятлари мухаррирнинг асар устида ишлашининг ўзига хос жиҳатини — баҳолаш мезони, усули, таҳлил йўсинини белгилайди.

Кўлёzmани баҳолаш — муҳим фоявий масала. Турли жанрдаги асарларни таҳrir қилишда бадиийликнинг умумий мезонлари нималардан иборат эканлигини қўйида кўриб ўтамиш.

Аввало, **мазмун** ва **шакл** бирлиги хар қандай асарнинг — туридан қатъи назар — мазмуни ва баён шакли чамбарчас боғлиқдир. Бадиийликнинг асосий шарти мазмун ва шакл бирлиги эканини алоҳида таъкидлаш ортиқчалик қилмайди.

Бадиийликнинг яна бир муҳим шарти **муаллифнинг ўзига хос ижод йўли** хисобланади.

Илмий қонуниятлар турли тадқиқотчилар томонидан бир-биридан мутлақо хабарсиз очиб берилиши мумкин, лекин бадиий образ такрорланмасдир.

Муаллифларнинг ўз ижод йўли, услуби, бадиий асарни таҳrir қилишда мухаррир олдига қатор муаммоларни қўяди.

Айрим муаллифлар «файриодатий ифодалаш»ни ўзларининг асосий ва ягона мақсади қилиб қўяди. Бунда ўзига хослик ўзичаликка, ўз усули ўз шўрига айланади. Шунга кўра ижодий ўзига хосликка муносабатда мухаррирдан эҳтиёт бўлишликни талаб этади. Энди «муаллифнинг ўзига хос ижод йўсини» тушунчасини тасвирий-таъсирчан воситалар, ёзувлаги услугубий йўсинга татбик этиб бўлмайди.

Бу тушунча адабнинг борлиқни идрок этишлигини, мавжуд ҳодисаларни қўриш, эшитиш, ўзлаштира билишдаги такрорланмас шахсий уқувни ўз ичига олади. Таҳrir пайтида муаллифдаги айни мана шу ижодий ўзига хослик, йўсин, услугуни ўзгартирмаслик керак.

*Хис-ҳаяжонга тўлалик (эмоционаллик), матннинг таассуротларга бойлиги ҳам асарни баҳолаш мезонлари хисобланади.*

Образ яратиш мантикий мулоҳаза қонуни бўйича бир фактни бошқасига қиёслаш эмас, нарса хақидаги бевосита



тасаввур ҳаёттүй тажриба билан бойитилади. Шунинг учун бадий матнни факат мантиқий аниқлик, бевосита жамланган информация (хабар)лар микдори нуқтаи назаридан баҳолаш бир томонлама ва қўпинча нотўғри бўлади.

Кўйида Ойбекнинг «Навоий» романидан олинганд парчаларга эътибор берайлик.

1. Арслонқул отдан сакради. Қўлтигидан қозогизни чиқариб, Султонмуродга тутқазди: «Қалъа бегига». Султонмуроднинг елкаси орқали Зайниддин ҳам қозогзага кўз олайтироди.

Сўнг учовлон олдин-кетин қалъа бошлигига чопишиди.

2. Ҳамма бошлар расм устига ётирилди.

3. – Оҳ, ширингина жой, – деди Биноий уйга ва шафтолосизорга севги билан қараб, – ташаккур!

4. Бу – рассом Беҳзод эди. Истеъододи учун умум томонидан фавқулодда баланд тақдирланган, умумий севгига сазовор бўлган донгдор санъаткор энди соқолмўйлабли, етилган эр эди.

Мисолларга мантиқ нуқтаи назаридан эътибор бериладиган бўлса, муҳаррир учун анча иш бор.

Биринчи мисолда адаб олайтиromoқ феълини қўллаган, унинг «кўз қарashi» маъно ифодаси бор. Аммо кўз қарashi турли хил – турли ниятда бўлади. Юкоридаги ўринда битик бир гуноҳсизнинг тақдирни ҳал этиш – ижобий халоскор бўлиш воситаси эди. Олайтиromoқ эса шум ниятли, фаразли белгига эга бўлгани учун мантиқан ўринсиз қўлланган бўлиб чиқади. Шу нуқтаи назардан муҳаррир уни бошқа мантиқан муносиби билан алмаштириши мумкин бўлса-да, адаб услубини ўзгартирган. Нега? Буни адаб сифатида фикр юритибгина англаш мумкин. Чунки, бу индивидуал сўз қўллаш. Муҳаррир уни ҳаммабоп қилиш учун ташламоқ, югуртиromoқ, кўз қирини ташлади... ни кўймоқчи бўлади ва бошқа кўпгина сўз ва сўз бирималари воситасида матнга ўзгартириш киритиши мумкин эди. Лекин буларнинг биронтаси ҳам муаллифнинг эмас, балки барчаникидек бўлар эди, индивидуаллик йўқоларди. Ойбек Ойбек эмас, ҳамма қатори бўлиб қолар эди.

Иккинчи мисолдаги ётирилди, учинчи ва тўртинчидаги севги сўзи ҳам шундай — индивидуал, қўллаш натижаси — Ойбекона! Бунда муҳаррир мантиқ талабига эмас, ёзувчи услубига бўйсунади.

Агар муҳаррир олайтирмоқни қарамоқ, ётирилдини эгилди; биринчи севгини таҳсинга, эътирофга, ҳурматга иккинчи севгини завқ, ҳайрат... каби сўзлар билан алмаштирганда, асарнинг тили, Ойбекнинг услуби ўзига хослик, ўқувчи қалбига ўзгача таъсирдан маҳрум бўларди.

«Агар асар ўқувчи қалбини ҳаяжонлантира олмас экан, унда, гап нима ҳақда бўлмасин, ўта муҳим, ўта фойдали нарсалар гапирилмасин, қандай мавзуга қўл урилмасин, қандай муаммолар кўтарилилмасин, бу — ҳақиқий санъат эмас. Санъатнинг у қонуни билан ҳам худди бутун олам тортишиш қонуни билан ҳисоблашмасликнинг иложи бўлмаганидек, ҳисоблашмай бўлмайди»<sup>1</sup>.

Лекин шундай ҳам бўлиши мумкин, муаллиф тасвирлаётган воқеа-ходисаларни ўқувчи ҳис-туйғуларини жунбишга келтириши учун зўр беради, яъни образли унсурларни кўпайтиради. Булар ўқувчидаги ёзувчининг ўзи учун ҳам керак бўлмаган ҳис-ҳаяжон ва тасаввурларни пайдо қилиши мумкин. Муаллифга бунинг хато эканлигини кўрсатиш муҳаррирнинг вазифаси ҳисобланади. Бутун асар миқёсида образларнинг яхлит тасаввур этилиши бадиий асарни баҳолашда яна бир муҳим мезондир. Инсон (ёзувчининг ҳам, ўқувчининг ҳам) онгидаги образ айрим унсурлар йигиндиси эмас, балки яхлит бадиий манзара тарзида намоён бўлади. Албатта, муҳаррир буни эътиборда тутиши лозим.

Юқорида айтиб ўтилган баҳолаш мезонлари муҳаррир учун асарнинг жанрий ҳусусиятларига боғлиқ ҳолда, шунингдек, у мазқур асарда қандай «образлар бирлиги»ни кўриб чиқаётганига кўра асқотса, матнни таҳлил этишда у анча кичик, ҳусусий мезонларга ҳам амал қиласи. Масалан, бирор сюжет, портрет ёки унсурни. Бунда унинг баҳолаши таҳрир илмида белгиланган қонуниятлардан фойдаланишга асосланади. Лекин асар қисмларини бундай таҳлилига ҳам ижодий ёндашиш талаб этилади.

<sup>1</sup> Айтматов Ч. О творчестве // Литературная газета. 1971, 7 июля. 8-6.



Бадий асарнинг образлилик хусусияти фақат баҳолаш мезони билангина эмас, балки муҳаррир таҳрири йўсини билан ҳам боғлиқдир. Таҳрири йўсини эса таҳрир усуллари, таҳрирнинг бориши, таҳрир айрим босқичларининг тадрижий (кетма-кет)лиги, матнни қисмларга ажратиш йўлларидан иборат бўлади.

Муҳаррир томонидан бадий асар матнининг таҳлили уч асосга таянади:

1. Муаллиф бадий ижодиёти жараёни нуктаи назаридан келиб чиқиши.

2. Ўқувчининг эстетик қабул қилиш жараёни нуктаи назаридан ёндашиш.

3. Объектив мавжуд тизим нуктаи назаридан келиб чиқиши.

Таҳлил усулларининг бир-бирига мувофиқлиги, тенглиги объектив-мантикий ва субъектив эмоционал жиҳатларнинг ўзаро мутаносиблигини кўзда тутади.

Образларнинг объектив ва мантикийлиги айтиб ўтилди. Лекин образнинг ҳиссий тавсифи, унинг субъектив баҳоланиши, тасаввурнийлик ва кўп кирралилиги, уни ўқувчи гёё ўз бошидан кечиргандек бўлиши, булар барчаси эмоция (хис-ҳаяжон)га боғлиқдир. Шунга кўра эмоционал жиҳатлар таҳрирда алоҳида ўринни эгаллади.

Агар муҳаррир бадий асар муаллифига ёрдам бермоқчи бўлса, ўқувчининг субъектив эмоционал тасаввур этишлигини эътиборга олган ҳолда асарда қатъий талаб этиладиган ҳис-ҳаяжон уйғота олишлик, таъсирчанлик, таассуротларга бойлик каби жиҳатларга эга бўлиши учун интилиш керак. Шу билан бирга, образни тўлақонли тасаввур этишлик фақат ҳис-ҳаяжон ва таассуротнигина эмас, балки ўқувчининг фикрлаши, мулохаза юритишини ҳам талаб этади.

Юқорида айтилганлардан шундай хulosса чиқариш мумкин: муҳаррирнинг бадий асар қўллэзмаси устида ишлаш усули ўзида, бадий матнни назмий идроклаш ва уни илмий тадқиқ этишликни мужассамлаштириши керак.

Кўллэзма устида ишлаш олдидан у билан танишиш учун бир ўқиб чиқиши керак. Бу танишув ўқуви ҳисобланади. Бунда асар ҳақидаги дастлабки таассуротга эга бўлинади

ва у кейинги ишлар учун замин бўлади. Табиийки, асар билан чуқурроқ таниша борган сари биринчи таассурот камлик қилиши тобора аёнлашади.

Тахлил жараёнида мавзуни, воқеалар баёни, айрим тил ва услугуга оид унсурларни, ҳатто, айрим сана, рақамларни тавсифлаш мумкин (масалан, муҳаррир муаллифга қайтариқ, бир хилдаги конструкциялар, бир ўзакли сўзлар кўп қўлланганлиги ва бошқаларни кўрсатиши мумкин). Лекин муҳаррирнинг асосий вазифаси муайян ижод на мунасидаги образли тузилиш ўзига хослигини илгашгина эмас, уни муаллиф ижодиёти услугуга мослигини кўрсатиш ва қўллэzmани умуман ёки қисмлар бўйича такомиллаштиришни муаллифга етказишдан ҳам иборатдир. Чунки муаллиф борки, у ҳар қанча улкан ижодчи бўлмасин, бари бир ўз қўллэzmаси устида қайта ишлайди — уни ўзгартиради, қисқартиради ёки таҳрир қиласди.

Улуғ шоир, мутафаккир Алишер Навоий ҳам ўз асарларини маълум вақт ўтиши билан қисман ўзгартирганини навоийшунос олим А. Ҳайитметов шундай ёзади:

... Навоийнинг ... Сайд Ҳасан Ардашерга ёзган машхур шеърий мактубидан парча келтирилади:

*Мен улким, то турк бедодидур,  
Бу тил бирла то назм бунёдидир.*

*Фалак кўрмади мен киби нодире,  
Низомий киби назм аро қодире.*

*Не назми дер эрсам мени дард нок,  
Ки ҳар лафзи бўлгай анинг дурри пок.*

*Худо еткуурур онча суръат манга,  
Ки бўлмас битирига фурсат манга...*

Бу ўринда Навоий ўзининг шоирлик қуввати нақадар кучли бўлгани хақида хикоя қилмоқда. Бу шеърий парчанинг аксари қисми «Хазойин ул-маоний»нинг биринчи девони «Фаройиб ус-сифар»даги маснавийда мавжуд бўлиб, бизга маълум қўллэzмалардаги нусхаларга солиштириб кўрганимизда, булар орасида қисман фарқ борлиги кўзга ташланади. Навоий девонларида бу парчанинг тўртинчи

байтидаги «*худо еткуур*» ибораси «*етар тангридин*» ибораси билан, «*суръат*» сўзи «*қувват*» сўзи билан, тўққизинч байт (Ани дерға бўлса қачон рагбатим, эрур анга ҳақ лутфидин фурсатим)даги «*фурсатим*» сўзи ҳам «*кувватим*» сўзи билан алмаштирилган... Чиндан ҳам:

*Худо еткуур* онча *суръат манг*... дегандан кўра:

*Етар тангридан* онча *қувват менга* дейиши ҳам мантикан, ҳам ҳис-ҳаяжони, кўтаринки руҳи билан фарқланади. Борди-ю, биз бу ўзгаришларни Навоий шеърига Султон Ҳусайн томонидан киритилган ўзгартиш ёки таҳрир деб қабул қилсан-чи? Шундай бўлиши ҳам мумкин. Навоий «Хазойин ул-маоний»нинг «Дебоча»сида бу девонни тушибда Султон Ҳусайн мухаррирлик вазифасини бажаргани ҳақида гапиради»<sup>1</sup>.

Матнни таҳлил қилишнинг тайёр андазаси йўқ. Ҳар сафар асарнинг такрорланмас индивидуал яхлитлиги учун янги, алоҳида йўл изланади. Ҳақиқий бадиий асарнинг мундарижаси ҳамиша мураккаб бўлади. Кўпинча у гўё типик образдек пайдо бўлади. Унинг асосида ҳамиша аниқ нимадир ётади, гўё ўз кўзи билан кўрадигандек — инсон юз-кўзи, қишлоқ, шаҳар, юрган кўчаларингиз, қадрдон ховли-жой, хаттоки, ҳавас қилган буюмларингиз.

Бир фояга бўйсунгандик, бадиий фикрнинг чуқурлиги, чинлиги, тўла-тўқис юзага чиққанлик, булар асосий жиҳатлар бўлиб, мухаррирнинг матн устида ишлаши учун белгиловчи вазифасини ўтайди. Агар фикр қизикарли бўлса-ю, лекин у тўлиқ намоён этилмай қолса, мухаррир бундай вазиятда муаллифга ёрдам бериши керак.

Қаҳрамонлар образини яратишда ҳодисалар ўзаро ички боғланишга эгалиги, вазият, характерлар уйғунлиги мухим аҳамият касб этади. Бундан ташкари бадиий асар қаҳрамонлари муаллифга эргашиши эмас, балки муаллиф ўз қаҳрамонларига эргашиши асар қисматини белгиловчи омил ҳисобланади. Мұхаррир ўз асарини ёзиб тугатдим, деб енгил тортган, ижод лаззатининг суруридан чуқур тин олиб, бурчини ўтаганликдан қониқиши ҳосил қилган муаллифга ўз қайдлари, тузатишлари ва таклифларини тақдим

<sup>1</sup> Ҳайитметов А. Навоий дахоси. — Т.: F. Фулом нашриёти, 1970. 153—154-6.

этади ва уни янги довондан ошишга чорлайди. Муаллиф яна ижодга киришади, аста-секин ишга шўнгиф кетади.

Кўлёзмани ёзувчи ва мухаррирнинг саъй-харакатлари билан янада такомиллаштириш чиндан ҳам бадий асар таҳрири ҳисобланади.

Бадий асар таҳририда асарнинг тили билан боғлиқ кўпгина масалаларни хал этишга тўғри келади. Аввало, шуни аниқ билиш керакки, бадий асар тили ва адабий тил айни бирдек эмас. Уларнинг ижтимоий вазифаси, кўлланиш соҳаси, кўйиладиган талаб турлича.

Бадий асарда тил — асосий унсур, унинг шакли ва у билан биргаликда максадга эришишга хизмат қиласди. Бошқа тур асарлардан фарқли ўлароқ бадий асарда тил бадий образ яратишга хизмат қиласди. Борликни образли акс эттириш тамойили қанчалик тадрижий амалга оширилса, бадий образ яратишда восита сифатидаги аҳамияти шунчалии аён кўринади.

Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар»идаги Жаннатнинг сўзлаш тарзини эслайлик. (Содик)

— Бизнинг кампир берсанг қайтармасдан ича берадир!  
— Берса ича бераман, қух... ўзим хотин бўлсам ҳам  
Мутал полвонларнинг ўнини қочираман, қух...

Мазкур нутқ — Жаннатнинг нутқи, Жаннатнинг онгини, турмуш тарзини ифода этади, унинг образига хос бўлган хусусият саналади.

Бадий асарда сўз бадий образ хусусида ниманидир атайди, дарак беради ва ифода этади. Сўз бадий асарда адабий тил ёки умумхалқ тилида қатъйлашган ўз шакли ва маъносини сақлади, шу билан бирга янги маънога, экспрессив услубий-бўёқли маънога эга бўлади. Натижада образли ифода юзага чиқади.

«Бадий асарда сўз ўз ташки шаклига кўра миллӣ — тил тизимига хос сўз шаклига мувофиқ келиши билан бирга, унинг маъносига таянган ҳолда факат халқнинг билишга бўлган фаолияти, тажрибасини ифодаловчи умумхалқ тили-гагина эмас, балки бадий асарда ижодий яратиладиган ёки қайта яратиладиган мавжуд оламга қаратилган бўлади»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Виноградов В.В. Стилистика. Теория поэтической речи. — Москва: Поэтика, 1968. 125-6.



Күйидаги матнга эътибор берайлик:

— Кулишиңни бежо құлма, ҳез Абдикарим! Сен дүнёға келиб нимани күрдинг-ку, сенға кулиш түшиб қолди! Бу бөш дүнёға келиб нималарни күрмади-а? Бунақанги қочириқ ишларни әнді қилиб турибди, деб үйлайсанми?

Ех-ҳа-ҳа... Мутал аканг нималарни құлмади?  
Ха-ҳа-ҳа... Мусулмонсан, отангнинг арвойи, Ҳомид ака!

Абдулла Қодирий Муталининг бу валдираши нутқий хосланғанлық вазифасига күра юзага чиққан. Муталининг ча-паниларча нутқи унинг онги ва турмуш тарзини күрсатади, образига хос белги борлиги аён бўлади. Сўз — бадиий образ тизимида такдим этилган бу образ «тарихимизнинг энг кир, қора кунлари»ни ўқувчи кўз ўнгига гавдалантиради.

Бадиий ижодда, хусусан, назмда маъно ифодаси бетараф сўз ҳам образлилик имкониятига эга бўлади. Одатий, умумистеъмолдаги сўзнинг вазифаси кескин ўзгаради, файриодатий қўлланди. Уларнинг экспрессив — тасвирий-лик салмоғи чексиз ошади. Алишер Навоий ижодига мурожаат этсак буни яққол кўрамиз:

Ул киши сўз баҳрида гаввос эрур,  
Ким гүҳари маъни анга хос эрур.

Файз ҳаримида тажаллий анга,  
Ким ёрубон машҳали маъни анга.

Сўз майини ул қил ошом этиб,  
Ким дури маъни садафин жом этиб...

От туркумидаги, қўлланиш доираси чекланмаган, маъно ифодаси бетараф лексема — сўз қўшимча маъно ифодасига эга ва образли бўлади.

Бадиий асар тили умумхалқ тилидаги барча жилоларни намоён этади, тирик индивидуал нутқи намунасини яратади.

Оддий сўзлашувга, шеваларга, касб-хунар нутқига ўтин-кираб, улардан нусха кўчирмайди. Булар «адабий асар

матосига ип каби киритилади, албатта, тўлифича эмас, балки фақат оз микдорда ва улар шартли равишда нимагадир шама қиласиди<sup>1</sup>.

Адабий тил меъёрларидан бундай четга чиқишига, умумхалқ тили доирасида, шу билан бирга яратилаётган образ билан боғлик холда йўл қўйилади. Четга чиқишига сиза ҳисобланади — мақсад эмас. Сўз ва ибораларнинг меъёрдан четга чиқишини баҳолашга улар бажарадиган вазифасига, улар нимани бажаришга қаратилганига, шундай қўллашга олиб келган муҳитга, асарнинг яхлит услубига нисбатан ёндашиш керак. Меъёрдан четга чиқиши ҳар доим ҳам бир таҳлитда эмас: бир сафар касб-хунарга оид терминлар қўлланади; бошқа сафар кўпол сўзлар, иборалар.

Аксарият шалоқ (вулгар) сўзлар, хусусан, ҳақорат сўзлар ва сўкишлар бадиий асарда ҳам мутлақо ўринисиз. Аслида шалоқ сўзларни ёзувчилар умуман ишлатмасликлари керак. Асосий қоида шундай. Бироқ, бунда ҳам қатъий чегарага йўл қўйиб бўлмайди. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асаридағи Кумушнинг заҳарланганлиги сахнасини эсга олиш кифоя.

— Захарни ким берибди?

Нима дейишга ҳам ҳайрон табиб:

— Мен... мен... Ўзингиз ўйлаб кўрингчи...

Мен дарров дори юборай, дарров ичиринг, тузукми? — деди.

— Билдим, билдим! — деди бечора Отабек.

— Зайнаб, Зайнаб... Ифлос! Юборинг, юборинг, дарров юборинг!..

— Зайнабни чақир, Зайнабни!!

Ўзбек ойим табиб сўзидан хабардор эди:

— Зайнаб, Зайнаб!

Зайнаб югуриб уйга кирди. Туси мурдадек оқарган эди. Отабек Кумушни қўйиб, ердаги аталани олди:

— Ич муни, ич, ...!

<sup>1</sup> Щерба Л.В. Современный русский язык. — Москва: Русский язык в школе. 1989. 25-6.



Абдулла Қодирий ҳақорат сўзни бошқа, бунчалик кескин бўлмаганлари билан алмаштириб қўя қолса бўларди. Лекин у бундай килмайди. Факат эҳтиёткор мухарриргина шундай маслаҳат бериши мумкин. Отабекнинг дагал, даҳшатли сўзлари унинг мусибати, Зайнабга нисбатан газаби, нафрати чексиз-чегарасиз эканидан унга меъёр чегаралари ҳам дош беролмайди. Бундай саҳналар бадиий асарларда кўплаб учрайди, лекин «Ўткан кунлар»дагиси якка-ёлғиз, такрорланмас, фақат Қодирий ижодигагина хос. Мухаррир ҳар қанча меъерий қаттиққўл, кайсар бўлмасин, юкоридаги сўзларга қалам теккиза олмайди.

У матнни одоб доирасига киритиш учун нимаики қилмасин бари бир уни яхшилаган бўлмайди, аксинча, бузади. Чунки асарнинг яхлит услуби, руҳи, образдаги Отабекнинг яхшига меҳри, ёмонга қаҳрининг чегараси ҳадсизлиги бунга йўл қўймайди. Мухаррир ана шуларни ҳисобга ола билиши зарур.

Адабий меъёрдан четга чиқиш муаллиф нуткида камдан-кам учрайди, лекин учрайди, бунга сабаб, муаллифнинг адабий тил меъёрларидан хабарсизлиги эмас, балки унинг нуткига персонажларнинг нутки ўз таъсирини ўтказган бўлади ёки фоявий-услубий вазифа тақозо этади. Персонаж нуткида адабий тил меъёрларидан четга чиқиш муаллиф баёнидагидан кўра кўпроқ ва ранг-баранг бўлади. Унинг асосини жонли сўзлашув ташкил этади. Персонажларнинг нутки индивидуалликка ва характер белгиларига эга бўлади, бундан ташқари руҳий ҳолатни ифода этади, миллийлик, ижтимоий мансублик ҳамда касб-хунар эгаси эканликни англатувчи восита саналади.

Мухаррир шуни унумаслиги керакки, персонаж нутки шахс табиатини очиб беради, уларнинг бир-бирига, нарса, ходисаларга бўлган муносабатини кўрсатади, асарда воқеалар ривожини таъминлайди.

Мухаррирнинг холосаси, баҳоси (рецензияси) анча кенг ва чуқур, маслаҳатлари, тавсиялари анча асосли ҳамда ишонарли бўлиши мумкин, агар у асар тилини муаллифнинг бошқа асарлари ёхуд муаллифга замондош бошқа муаллиф-



ларнинг асарлари тилига қиёсан таҳлил қилса, шунингдек, кенг қамровли бадий асар тили миқёсида кўриб чиқса.

Энди турли жанрдаги бадий асарларнинг айримларини таҳрир қилишнинг ўзига хос томонларини кўриб чиқамиз.

Олий таълим тизимида «Адабиёт айрим турлари таҳрири» курси «Ноширлик илми ва таҳрир» ихтисослиги бўйича магистратурада ҳам ўтилади. Бакалавриатура йўналишида публицистика билан тили ва услубига кўра ёндош асарлар — оммавий-сиёсий, илмий-оммабоп асарлар юқорида кўриб ўтилди. Энди бадий публицистикада ҳам, бадий ижодда ҳам мавжуд асарлар, *ҳикоя, очерклар* таҳлили ва таҳририга тўхталамиз.

Насрий асарлар ўз навбатида турли жанрларда бўлади. Эпик тур асарлар, маълумки, мавжуд оламдаги нарса, воқеа-ходисаларни образли ифода этади. Роман билан қисса, қисса билан ҳикояни аниқ чегаралашнинг уддасидан чиқиши амримаҳол. Ҳикоя билан очеркни ҳам фарқлаш мушкул. Лекин шу билан бирга фарқ, сезиларли омиллар борлигини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Муаллиф танлаган жанрий шакл қайсиdir даражада асарнинг ўзига хос муҳим жиҳатини белгилайди: асар курилиши (композицияси), воқеалар ривожи, характерлар чизгиси, тасвир воситаларининг танланиши ва ҳ.к.

Мухаррир ҳар бир, алохида холатда, қўлёзма устида ишлаётганда (ҳикоя, очерк ёки бошқа тур бўладими) ҳар бир жанрнинг ўзига хослигини, вазифаси ва имкониятларини аниқ тасаввур этиши лозим.

Муаллифга «яхши ҳикоя яратиш»да ёрдам бериш учун мухаррир бадий насрнинг бу жанрини ипидан-игнасигача яхши билиши керак. Ҳикоя жанрининг ўзига хос белгиси деганда, қўпинча унинг ҳозиржавоблигини таъкидлайдилар. Албатта ҳаётнинг долзарб масалаларига тезликда муносабат билдирилиши мазкур жанрнинг муҳим жиҳати хисобланади.

Ҳикоя бу — мавзууни пайпаслаб кўриш эмас. Агар адабиётшунослар ҳикоянинг қиссадан, романдан фарқи шунчаки, «хаётдан бир шингил» деб хисобласалар ва уларни

умумлаштиришга, ўзлари учун у нега ёзилганини аниқлаб олишга ҳаракат қилмасалар хато қилган бўладилар.

Ҳикоя — одатда ягона сюжет чизигига эга бўлади. Муҳаррир уни таҳлил ва таҳрир қилиш учун режа тузиш, қаҳрамонлар биографиясини белгилаб олишига хожат йўк. Лекин, «ҳикоя ўзида қаҳрамон ҳаётидан фақат биргина эпизод (вокеа)ни ўз ичига олиши керак», деган шартни қўйиб бўлмайди. У бир нечта қиёслаш учун келтирилган эпизодлардан иборат бўлиши ҳам мумкин. Лекин унда кўплаб персонажларнинг иштирок этиши, сюжет кўп бўлиши жанр хусусиятига зиддир.

Муҳаррир муаллифга ҳикояни ортиқча тафсилотлар, ёндош мотивлар, маиший турмуш икир-чикирларидан, гарчи салмоқдор бўлса-да, лекин асосий баёнига мос бўлмаган эпизод ҳамда бошқа унсурлардан тозалашга мунтазам ва чуқур мулоҳаза билан ёрдам бериши керак.

Ҳикоянинг таркиби қисмларини ягона мақсадга бўй-сундиришга интилиб, барча ортиқча нарсалардан тозалаш ҳам мақбул эмас. Абдулла Қодирий улкан ёзувчи Садриддин Айний билан бир суҳбатида унинг «Одина» асари ҳақида ўз мулоҳазасини билдиради ва адигба: «Бу асарингизга «ўт бериш керак»<sup>1</sup>, деган экан. Бунда Абдулла Қодирий Одина қалбida ишқ-муҳаббат ҳам бўлишини назарда тутган. Шунда асар бош қаҳрамони Одина тўлақонли образга айланган бўлур эди.

Ҳикоя жанри нима эканини яхши билган муҳаррир муаллифга фақат ортиқчаликларни чиқаришнингина эмас, балки етишмаётган унсурларни киритишни ҳам маслаҳат бериши мақсадга мувофиқ.

Ҳикоя — кичик жанр, аммо бадиий ижодда катта аҳамиятга эга, буни муҳаррир зинхор унумаслиги керак.

**Очерк** оммабоп жанр саналади. Бундай асарга муҳаррир томонидан қўйиладиган талаблар ҳам унинг жанри, тили услубий жиҳатдан ўзига хослигига асосланади.

<sup>1</sup> Ҳабибулла Қодирий. Отам ҳақида. — Т.: F. Фулом нашриёти, 1983. 179-6.



Матнни таҳлил қилишда мухаррир уч асосий хусусиятга таянади: *оммабоплик*, *ҳужжатлилик* ва *бадийлик*. Очерк публицистикадан унинг вазифаси ва моҳият (предмет)ни олади. Шунга кўра мухаррирлик таҳлили ва таҳририда айни мана шу оммабоплик — бадий насрнинг бошқа жанрларидан фарқ қилувчи сифати билан ажralиб туради.

Очеркнинг тавсифи ва оммаболигини баҳолаш қўйидаги асосий жиҳатларни ўз ичига олади.

Аввало, унинг замонавийлиги. Бу мезон у долзарб ва муаллиф кўтараётган масала аҳамиятга молик, миллий мағкура, давлат сиёсати билан боғлиқ бўлишилигини белгилаб беради.

Аниқ қаратилган ва мақсадли йўналтирилганлиги очеркни оммабоп жанр эканлигини кўрсатади. Муаллиф буни эътиборга олган холда кенг ўқувчилар оммаси учун бирдек тушунарли, содда, тили ва услуби хаммабоп бўлиши учун омманинг ҳаётий тажрибаси ҳамда оқилона фикр юритишни ўзи учун қоида қилиб олади. Лекин бу муаллиф очеркни ҳаддан ташқари соддалаштириши, таъбир жоиз бўлса, одми онг даражасига мослаши керак, дегани эмас. Публицист ҳаётда идрок этганларини анча чукур ва объектив ифода этишга қодир бўлиши керак.

Очеркда бир эмас, бир неча муаммолар кўтарилиган бўлса, мухаррир уларни чукур таҳлил этиши, муаллифнинг уларни бир доира ичига жамлаши тўғри ёки бундай бирлаштириш юзаки, мулоҳаза натижаси саёз ёхуд тасодифий, сунъий эканлигини аниқлашига тўғри келади.

Қадимда оммавий таъсир этишнинг усули оғзаки нутқ бўлган. Войзлик (нотикълик) санъатидан бугунги кунда ҳам аудиторияга таъсир этишда кенг фойдаланилади. Очерк ижодчилари нотикълик санъатига хос таъсирчан усуллардан фойдаланишлари табиий, чунки у оммабоп чиқиши учун таъсирчанликка эга бўлиши ҳам керак.

Мухаррир матн таҳлилида, умуман, очеркнинг барча хусусиятларини назарда тутгани холда, хусусан, нотикълик

усулларидан — ўқувчига мурожаат, риторик сўрек, «ташқи мулоҳаза», хитоб, илмий мушоҳада, хуносалардан фойдаланганлигига ҳам алоҳида эътибор бериши керак.

Очеркда биринчи шахс тилидан, баён усулидан фойдаланилган бўлиши мумкин. Бу ҳикоя қилинаётганинг ишончлилигини, муаллиф фаоллигини, материал оммабоплигини кўрсатади. Агар асарда оммабоплик қизиқарли усуулларидан фойдаланилган бўлса-ю, лекин фактик материаллар билан боғлиқ бўлмаса, унда баён қуруқ бўлиб колади. Шунинг учун мухаррир қўлидаги асарда кўтарилиган муаммо ҳамда фактлар бир-бири билан боғланган ёки боғланмаганлигини аниқлаши керак. Агар муаллифнинг касбий маҳорати, тажрибаси етарли бўлмаса, «фикр ва далил» мутаносибсизлиги юзага келади. Мухаррирнинг матнга адабий ишлов бериши ўз самараси ва фойдасини беради. Бундан ташқари мухаррир муаллифга тўплаган маълумотлари, кузатишларида ижтимоий мухим фикр, нуктаи назарларни бирлаштирувчи энг асосийояни топишга кўмаклашиши мумкин.

Очерк фактик материаллари устида ишлаш анча мураккаб ва серкирра иш. Бунда биринчи бажариладиган вазифа муаллиф тўплаган маълумотларнинг ишонарлилигини аниқлаш — текшириш ва қайта текширишдир.

Тайин, хаётдан олинган материал жанрнинг ўқувчилар онгига таъсир этиш «сири» ҳисобланади. Шунга кўра у аниқ ифодаланишни талаб этади.

Публицист-очеркчи ўз асарида статистика, жамиятшунослиқ, география, тарих ва бошқа билим соҳаларига оид маълумотлардан фойдаланади. Гарчи булар иккинчи дарражали ҳисобланса-да, гёё йўл-йўлакай тилга олинса-да, маҳсус адабиётлардан фойдаланиб, уларни диққат билан текшириш лозим. Лекин очеркдаги барча маълумотларни энциклопедиялар, монографиялар, дарсликлар ёрдамида текшириш ҳамиша ҳам мумкин бўлавермайди, мухаррир дуч келадиган кўплаб фактларни муаллиф ўз кузатуви, эшитганлари — гувоҳларнинг сўзларидан олади. Масалан, муаллиф ўз очеркини шундай бошлайди: «Ушибу мактабга

*биринчи гишт қўйғанлар орасида биз сизга ҳикоя қўлмоқчи бўлган инсон ҳам бор эдилар».*

Ваҳоланки, мактабга биринчи фишт қўйилган вақтда муаллиф мактаб ёшига ҳам тўлмаган бўлади. Бир қарашда гўё майда-чуйда ҳисобланган бундай унсурлар ўқувчида бутун асарга шубха уйғотиши мумкин. Ёки шўролар тузуми даврида матбуотда кўплаб «сут булоғи, дала маликаси ижодчилари, пўлат от суворийлари» ҳақида кўплаб очерклар бериб борилар эди. Уларнинг қаҳрамонона меҳнати туфайли кўз кўриб, қулок эшитмаган натижалар қайд этилади. Масалан, Мунаввара Исҳоқова ҳар бир бош соғин сигирдан 5 тонна ва ундан ортиқ сут соғиб олади. Кейинчалик маълум бўлишича, аслида 20–25 бош сигирдан соғиб олинган сут 10 та сигир ҳисобидан кўрсатиб келинган. Любовь Ли бир гектардан олган жўхори массаси 2–3 гектарни бўлган. Турсуной Охунованинг бир ўзи паҳта териш машинасида терган паҳта 500 тоннадан ошиб кетади. Ваҳоланки, шунча паҳтани битта бригада у ёқда турсин, бутун колхоз бериши амримаҳол бўлган. Булар барчаси, албатта, муайян сиёsatни кўзлаб қилинган. Тўғри, очерк тасвир ишонарлилигини  $2 \times 2 = 4$  тарзида қабул қиласлик керак, аммо озми-кўпми эришилган натижалар ҳақиқат – объектив бўлиши лозим. Бошқаларга намуна ортидан қувиши, шов-шувга интилиш асарнинг ҳам, муаллифнинг ҳам, муҳаррирнинг ҳам обрўйини оширмайди. Ўқувчи муаллифни кечирар, лекин, албатта, муҳаррир қаёққа қараган, дейиши табиий.

Фактик материал ва оммавийлик масалалари очеркда бир-бири билан жипс боғлиқ. Фактлар муаллифнинг фикри, хulosаларини тасдиқлайди, очеркчининг мулоҳазаси эса, ўз навбатида, фактларни умумлаштиради, улар моҳиятини очиб беради.

Агар фактик материаллар асарда публицистик мулоҳаза далили сифатида берилган бўлса, уни муҳаррирлик нуқтаи назаридан баҳолашда таҳрир мантиқи қонунлари (етарли асос, зиддиятсизлик ва б.) мезон ҳисобланади. Шу билан бирга очеркда, бадиий адабиёт жанри сифатида руҳий, эмоционал таъсир қонуниятлари ҳам ўз аҳамиятига эга.

Фактларнинг кўп ва хилма-хил бўлиши, очеркидан уларнинг бутун тизимидан фойдаланишини талаб этмайди, чунки факат илмий асарлардагина уларнинг кўплиги назарий фикрлар исботи хисобланади. Мухаррирнинг вазифаси оз сонли бўлса-да, фактлар тўғри берилган бўлиши ва ҳодиса ижтимоий муаммолар хақида бир томонлама тасаввур бермаслигини таъминлашдир.

Мухаррирнинг фактик материални баҳолаши, фактни тасвиrlаш шакли тўғри танланганлиги билан боғлиқдир. У матнда «адабий мавжуд» бўлиши керак.

Очеркда фактик материал уч кўринишда бўлиши мумкин: баёнга бевосита киритилган *ҳужжат*; информацион *хабар*; бадий *тасвир*.

Очеркка фактик материални киритишнинг ҳар бир шакли алоҳида-алоҳида баҳолаш мезонлари кўлланишини талаб этади хамда таҳрир жараёнида муайян қийинчиликларни юзага келтиради. Хусусан, ҳужжатлилик шакли, аввало, матнни манба билан тўлиқ солиширишни, шунингдек, иқтибос олиш барча коидаларига катъий риоя қилишни тақозо қилади. Мухаррир озгина бўлса-да, хатога, ноаниқликка йўл қўймаслик учун бу борада муаллифга кўмаклашиши керак, у ҳужжатлар матнга турли шаклда, аниқ мақсад билан киритилишига эришмоғи лозим. Тўғри, очерк бадий-публицистик асар бўлгани учун қатъий ҳужжатлиликдан чекинишга йўл қўйилади, лекин ишончлилик мезони тўлиқ сақланиши шарт.

Мухаррир олдида яна бир, алоҳида ўзига хос вазифа бўлиб бадийлаштириш туради.

Материални бадий шаклда бериш ўқувчига борлиқни образли тасаввур этиш имконини беради. Чунки ҳеч қандай ҳужжат инсонга хос хислатларни — унинг жонли нутқини беролмайди, унинг орзулари, ўйлари, кечинмаларини айтмаса ҳам бўлади.

Очеркда тўқима мутлақо ўзгача мақсад ва маънога эгадир. Агар роман, повест, ҳикояда муаллиф мавжуд ҳодисалардан бадий тўқима сифатида фойдаланса, очерк муаллифи эса тўқимадан мавжуд фактнинг ички моҳиятини,



мазмунини ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятини очиб бериш учун фойдаланади. Мазкур жихат муҳаррирнинг ушбу ма-салага ёндашиши тамойилини белгилайди. Аввало, хаётдан олинган материални ўзгартириб, сохталаштириб юборишига йўл қўймаслик, қолаверса, бадиий тўқима ходиса, инсон табиатини янада чуқурроқ очиб беришга хизмат қилиши керак. Китобхон диққатини тортиш учунгина фойдаланмаслик лозим.

Бадиийлаштириш омилига яна аниқликни баҳолаш мезонини ҳам қўллаш мумкин. Бундай ҳолатда, айтиш мумкини, мураккаблик юзага келади, ишончлилик билан бир қаторда, бадиий аниқлик-ишонарлилик, ҳаққонийлик, воқе-ликни образли яратиш туради.

Гўзаллик, ўзига хослик, файриодатий образлиликка интилиш, уни материалнинг юзаки тасаввури билан боғлаш ёркин эсда қолар тасвирга эриштиради, лекин содир бўлаётганларни ноаниқ, шу билан бирга чалкаш фикрга олиб келади.

Матндаги портрет тасвири, тасвирланаётган инсоннинг хулк-автори, ўзини тутиши муҳаррирнинг диққат марказида туриши керак.

У муаллифдан ўз қаҳрамонини «кўра билиш»ни, уни ўқувчиларга кўрсата олишни талаб қилишга ҳақлидир. Матндаги бошқа унсурларни таҳрир қилишда худди шундай қатъий талаблар қўйилади. Хусусан, рақамлардан иборат материаллар устида ишлашда келтирилган маълумотлар билан уларни образли баён этишда мутаносибликка эришиш, «қуруқ кўрсаткич»ларга эмоционаллик (хис-хаяжонлилик) бахш этиш лозим.

Шуни назарда тутиш керакки, матн айрим компонент (таркибий қисм)ларининг нисбати ва аҳамиятлилиги, ҳар бир алоҳида очеркда муаллиф мулоҳазасига кўра уларнинг вазифаси ўзгаради. Бу муаллифларнинг индивидуал ижод тарзи, асар мавзуи билан боғлиқ бўлади. Умумий жиҳатдан олганда, жанр хилма-хиллиги билан боғлиқ омиллар бунга ўз таъсирини ўтказади. Масалан, йўл бўйи қўрган-кечиргандар очеркини таҳрир қилишда (табиат манзараси



(пейзаж) унинг янги таассуротлар бериш вазифаси биринчи ўринга чикади. Публицистик мақолага ёндашиб кетадиган очеркда эса илмий маълумотлар, матнни жойлаштириш мантикий йўсини асосий ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, том маънодаги очеркда борлиқни тадқик этиш ва тасвирлашнинг уч усули — *оммабоплик*, *ҳужжатлилик*, *бадшийлик* бир-биридан айри-айри мавжуд бўла олмайди. Юкоридаги уч унсур қўйма бўлиши, бир бутунликка эга бўлиши лозим.

Кўлёзмани таҳлил қилиш жараёнида, уни алоҳидалаганда мухаррир уларни ўқувчи яхлит — бир бутун тасаввур этишини доимо ёдида тутиши керак.

## АХБОРИЙ МАТНЛАР ТАҲРИРИ

Оммавий ахборот воситалари жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эгадир. Кучли ташвиқот ва тарғибот воситаси сифатида бугунги кунда – ахборот глобаллашуви шароитида газета, журнал, радио, телевидение, ахборот агентликлари, интернет ва бошқалардан дунё миқёсида кенг фойдаланилмоқда.

Оммавий ахборот воситаларининг мамлакат иқтисоди, фани, маданияти, бутун жамият ҳаёти ривожидаги ўрни, аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Шу муносабат билан XXI аср – ахборот асри деб аталиши сабабсиз эмас. Оммавий ахборот ва тарғибот воситалари ижтимоий онгни шакллантириш ва акс эттиришнинг муҳим қуроли ҳисобланади. Мамлакатда бир иқтисодий-ижтимоий муносабатлардан бошқасига ўтиш, жамиятимиз барча соҳаларида чуқур ислоҳотларни амалга ошириш, кучли ҳуқуқий давлатдан фуқаролик жамияти томон бориш инсон ҳуқуқлари тўлиқ кафолатланган демократик тузумни барпо этиш борасидаги давлат сиёсатини кенг тарғиб қилишда уларнинг хизмати бекиёсдир. Улар ҳокимият идораларининг кенг халк оммаси билан боғловчи вазифасини ўтайди. Адабий тил ривожига улкан ҳисса кўшади. Мазмуни, баёни билан публицистик услубни, унинг ранг-баранг лексик, фразеологик, грамматик ва услубий қирраларини яққол намоён этувчи соҳа ҳисобланади.

Омма билан адабий тил меъёрларига тўлиқ амал қилган холда мулоқотга киришувчи газета тили, радио ва теленутқ, шубҳасиз ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Булар орасида газета тили ва услуби марказий ўринни эгаллади. Шунга кўра жанрлар хусусиятидан қатъи назар, лексик, фразеологик, морфологик, синтактик воситалардан



фойдаланиш борасида матбуотда фаолият олиб борувчи журналистлар, хусусан, мухаррирлар алоҳида малака ва кўнимкмага эга бўлишлари керак.

**Газета тили**нинг асосий хусусиятлари матбуотнинг мақсади, моҳияти ва вазифаси билан чамбарчас боғлиқ.

Газетанинг тамойилларини фақат мазмуни, йўналиши, матбуот фаолиятининг тавсифи, унинг фактлар, жамият ҳаётидаги ходисалар, сиёсатни баҳолашгина эмас, балки публицистик шаклларнинг ўзига хос моҳияти, аввало газета – публицистиканинг тили ва услуби белгилайди.

Журналистикада шакл кўпроқ унинг мақсади, вазифаси, моҳиятига боғлиқдир, аввало унинг ижтимоий, сиёсий ёки партиявий мақомига публицистнинг сиёсий ўрни, унинг партиявий мансублиги фақат мазмундагина эмас, балки шаклни танлашда, услуб, сўз қўллаш, асар оҳангидаги аён кўринади.

Публицистик асар шакли, тили ва оҳангига доимо катта эътибор қаратилади, буни адабий ходимлар, айниқса, мухаррирлар унутмаслиги лозим. Даврий матбуот шакли, мазмун моҳиятидан қатъи назар, адабий тил меъёrlаридан четга чиқмаслиги мақсадга мувоғиқ бўлади.

Гарчи бугунга келиб ахборот глобаллашуви, жадаллиги шароитида, давр тақозосига кўра, матбуотда ихтисослашув юз бермоқда. Бу ихтисослашув газета тилига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Газета, журнал қайси соҳага ихтисослашган бўлса, унинг тилида шу соҳага мансуб атамалар, бирикмалар, конструкциялар сезиларли даражада учрайди. Шунга кўра газета тилига қуруқ расмийлик, сиёсий (партиявий)ликдан ташқари эмоционаллик ҳам хосдир. Эмоционаллик, табиийки матн таъсирчанлиги, ёдда қоларлилигини таъминлади. Асар хоҳ сиёсий, хоҳ расмий, хоҳ илмий бўлсин, барибир қайсиdir даражада эмоционалликка ҳам эга бўлиши лозим. Чунки, тилнинг эмоционаллиги, баҳолаш хусусияти публицистиканинг барча асосий жанрларига кириб боради. Бунга асосий сабаб – публицистнинг табиати, жамиятдаги аҳамияти ҳисобланади.

Публицистикада, оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, тарғиботда тил воситалари кишилар онгига таъсир ўтказиш ва ишонтиришга хизмат қилади. Бошқача айтганда,

тил воситаларидан фойдаланиш кўп жиҳатдан оммага самарали ва аниқ мақсадли таъсир этишдаги ижтимоий-баҳолаш сифати ва имкониятига боғлик.

Шундай қилиб, тил воситаларининг жамият, шу жамиятни ташкил этувчи миллат(лар) манфаатларига кўра ижтимоий баҳолаш хусусияти газета услубининг асосий жиҳати ҳисобланади. Мухаррир ҳамиша матн таҳлили ва таҳрири жараёнида уни бошқа функционал услублардан фарқловчи ушбу томонларини ёдда тутиши, зарур ҳолларда муаллифларни шунга йўналтириши керак.

Газета ифоданинг баҳолаш воситаларини мунтазам излайди. Баённинг баҳоловчилигига эришиш газета тилидаги асосий жиҳатдир. Мухаррир бошқа функционал услубларда баҳолаш муаммоси публицистикадагича аҳамият ва долзарблик касб этмаслигини назарда тутган ҳолда матн таҳрири жараёнида ранг-баранг лексик воситаларнинг кўлланилишига тўсқинлик қилмаслиги лозим, агар улар муаллиф томонидан ўрнида ва меъёри билан ишлатилган бўлса. Масалан, оддий сўзлашувга оид сўзлар, китобий, баландпарвоз (юқори услугба хос) сўзлар, архаизмлар, маҳсус сўзлар, кўчма маъноли сўзлар ва бошқалар.

Булардан ташқари, газета тилида турли сўз ясовчилар, эмоционал-экспрессив бўёқлар, грамматик воситалар, сўзлашув услубига хос конструкциялар, синтаксиснинг турли-туман эмоционал (риторик) воситалари ва бошқалар ҳам учрайди. Агар булар индивидуал (шахсий) бўлмай, ижтимоий тавсифга эга бўлса, мухаррир таҳрир пайтида буни ҳам эътиборга олиши керак.

Газета тилидаги сўзнинг ижтимоий қиммати нутқ эгасининг нуқтаи назари билан белгиланади. Чунки у фақат муаллифгагина тегишли бўлмай, таҳририятга ҳам тегишли, шунингдек, ижтимоий гурух, ташкилот, партияга, газета кимнинг фикри, кимнинг сиёсатини ифода этса ўшанга ҳам тааллуклидир. Газетадаги ҳар бир сўз жамоа (таҳририят, партия, уюшма ва х.к.)нинг обрўйи билан йўғрилган бўлади. Газетада сўзнинг кучи, кескинлигининг сабабларидан бири шунда эканлигини таҳрир вактида ҳисобга олиш лозим. Шуни унутмаслик керакки, фактлар, ходисалар, воқеаларни



ифода этувчи нутқ воситаларини танлаш газета тилининг ижтимоий, индивидуал эмаслигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Газетада, асосан, ижтимоий қимматга, оммабоплик хусусиятига ҳамда публицистик-эмоционал қучга эга нуткий воситаларни йўқотмаган нутқ воситаларидан фойдаланилади. Лекин муаллиф ҳам, мухаррир ҳам шуни ёдида саклаши керакки, газета факат ижтимоий қимматга эга нутқ воситаларидан фойдаланибина қолмай, балки шундайларни ўзи ҳам «ихтиро» қиласи. Адабий тилдаги синонимия ҳодисасида ҳам табақалашиш эътиборга сазовордир. Масалан, кутубхона, *нурли даргоҳ*, *нурхона*: университет, *дорилфунун*, зиё маскани; кашфиёт, *машаққат меваси* ва ҳ.к.

Кутубхона сўзининг синонимига айланган *нурли даргоҳ*, *нурхона* бирикмаси ва сўзи, *университетга* синоним бўлган зиё маскани, *кашфиёт* синонимига айланган бирикма — *машаққат меваси* айни газета ихтиrolари ҳисобланади.

Демак, газета нутки бу, аввало, таъсир этишга қаратилган нутқ, шунинг учун аудитория манфаатлари ва мақсадга мувофиқлик ҳисобга олинади. Газета матнларининг таҳрири билан шуфулланувчи журналист шуни яхши билиши керакки, газета тилининг ижтимоий баҳолаш таймойили, аввало, баҳоловчи тил воситаларини танлаш ва улардан жамият мақсадлари, интилишларига мувофиқ ҳам ижобий, ҳам салбий тушунча ва ҳодисаларни ифодалашга боғлиқдир. Агар газета жамиятда фаолият юритаётган партиянинг қарашларини ифода қиласидиган бўлса, тилининг ижтимоий-сиёсий баҳолаш мазмуни лўнда, кескин бўлиши керак.

Газета матнини таҳрир қилувчилар, айниқса, бунга эндиғина киришган, ҳали етарли тажриба ва малакага эга бўлмаган мұхаррirlар газета тилидаги экспрессивлик, тасвирийликни «қаттиққўллик» билан бартараф қилишга киришишдан олдин, шуни яхши билишлари лозимки, газета тилини бу борада жуда ҳам чеклаб қўйиш мумкин эмас. Булар ҳам баёнда фойдаланиладиган воситалар саналади.

Публицистика эмоционал, таъсирчан, тасвирий, лекин, бу хислатлар бадиий адабиётдаги сингари ўзгача, яъни образли эмас.

Публицистикани бадиий адабиёт билан алоқадорлигини күрсатувчи омил — сўз. Фарқлантирувчи эса тавсифдаги турлилк, сўздан фойдаланиш табиати, усулидир. Бадиий асарнинг бош мақсади борликни образли ифода этиш, публицистик нутқда эса фикр ва нуткнинг чуқурлиги, мазмундорлиги, ифоданинг қатъийлиги, эмоционаллиги асосий хисобланади. Борлиққа муносабат публицистика ва бадиий асарда тубдан фарқ киласди.

Мавжуд нарса, ходисага турлича ёндашиш публицистика ва бадиий асар тили функциясининг турлича бўлишини тақозо этади. Ёзувчи воқеликни ўзи яратган тасвиirlар орқали акс эттиради, тасвиirlаб беради, бундан ташқари ўзи яратган образлардан, уларга бўлган ўз меҳри ва қаҳридан фойдаланиб, муносабат билдиради. Публицист эса очикойдин тарғиб қиласди, ишонтиради, даъват этади.

Публицистик асар матни устида ишлаётганда муҳаррир, албатта, газета тили тасвирий-тъсирчанлик воситаларининг вазифаси баҳолаш эканлигини ёдда тутиши керак, зеро, булар фақат баҳолаш учун хизмат қилиши лозим.

Албатта, газета нутки учун ҳам экспрессивлик керак, аммо у фақат ижтимоий тавсифга эга бўлади, холос. Экспрессивлик, аввало, муайян мақсадли, танланган ва баҳоловчи тавсифга эга бўлиши лозим.

Газета нутқида метафора, метонимия, синекдоха, ирония, жонлантириш, ўхшатиш ва бошқалар газета услубиiga кўра ўзига хос вазифани бажаради. Агар газета материалларида кўчимлардан кўплаб фойдаланилса, устига устак улар мураккаб, ҳамма ҳам тушунавермайдиган бўлса, матн (газета нутқи) ўз коммуникативлиги (оммабоплиги)ни йўқотади. Бунда эстетик мезон бўлиб оддийлик, тушунарлилик хисобланади. Бадиий асарда эса мураккаблик, мохирона танланганлик, ўта нозик маънолик эстетик мезон саналади.

Яна шуни эсда тутиш керакки, ҳар бир услуг доирасида метафоралар услуг ва талабга кўра ўзгариб туради. Масалан, илмий услугда у денотатив маънода қўлланса, бадиий услугда коннотативдир. Илмий услугдаги денотативликдан фарқланиб, публицистикада кўчимдан образ яратиш учун ғәмас, балки баҳолаш самараси учун қўлланади

(кўтаринкилик, тантанаворлик, хис-ҳаяжонлилик, шунингдек, таъкид: ташбех, кесатик, пичинг, мазах ва б. учун).

Мафкуравий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа жихатдан муҳим тушунчаларни ифодалашда кўчимлардан самарали фойдаланилади: *гоявий гўр, сиёсий кўр; оқ олтин, қора олтин, ишлаб чиқариш нони, пўлат қанотлар, фазони ўзлаштирувчилар, илм ўчоги, пўлат томирлар*.

Публицистикада яна бир ўзига хос жихат бўлиб, у ҳам бўлса, амалда нутқни яратувчи муаллиф «мени»га тўғри келади. Шунинг учун муҳаррир битта услубий қатламга – муаллиф нутқига дуч келади. Лекин у публицистик нутқни камбағал қилиб кўймайди. Балки айни мана шунда унинг ўзига хослиги, таъсирчанлиги ва кучи намоён бўлади.

Газета тилининг ўзига хос жихатларидан яна бири унинг андозавийлигидир. Газета нутқининг бу хусусияти у пайдо бўлгандан бошлаб, то шу кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бунга сабаб, тил грамматика воситаларини танлаш қатъий белгиланганлиги (бунда грамматик тузилиш мутлақо қатъий ва бажарилиши шарт қилиб қўйилган бўлади), бундан ташқари, газета учун белгиланган ижтимоий-маданий шароитнинг ўзига хослиги максимал миқдордаги ўқувчилар аудиториясига, шунингдек, тил муҳитининг бетарафлиги, яъни услублар бўйича малакаси ниҳоятда турлича бўлган ўқувчиларга мўлжалланганлиги ҳисобланади.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, муҳаррирлар шуни унумасликлари керакки, газеталарда ахборот материалларининг одатий ва асосий тури (хабар, интервью, хроника, сезиларли даражада бош мақола) тайёр қолип (шаблон)лар асосида ёзилади, булар олдиндан мосланган тайёр қўйма сўз, жанрлар, тил, ибора нутқий қолиллар бўлиб, газета ишлаб чиқариш жараёнида муайян маромга келтирилган бўлади.

Аммо андозавийлик истисно тарзида қотиб қолган газета тилининг ўзига хос жихати, деб ўйлаш тўғри бўлмайди. Муҳаррирнинг таҳрир жараёнида бу ҳолга ижодий ёндашви талаб этилади. Аслида нутқий фаолиятнинг барча соҳаси андозаланган ҳисобланади. Лекин, шу билан бирга нутқининг андозавийлиги табиий мавжуд ва такомиллашувчи жараён. Бундан мақсад, лўнда мулокий-оқилона тайёр нутқ

формуласини алоқанинг турли соҳалари ва мақсадлари учун тайёрлашдан иборатдир. Аслида адабий тилнинг мослашувчанлиги ишланганлиги кўп жихатдан унинг андозаланганлик даражасига, турли вазият, мақсад ва бошқалар учун нуткӣ қолип (клише)лар андаза (формула)нинг кўп озлигига боғлиқдир. Юкорида қайд этилган нуткӣ шаклларнинг бўлмаслиги мулоқот жараёнини қийинлаштиради, тил эгаларини муайян мулоқот шароити учун янгидан-янги нуткӣ конструкциялар, формулалар яратишга мажбур қиласиди, бу, ўз навбатида, нуткӣ жанрлар ишланмаганигини англатади.

Лекин муҳаррирлар шу нарсани ҳам унумасликлари лозимки, хаддан ташкари андозавийликка ёпишиб олиш, муаллиф услубига хос файриантъанавий нуткӣ конструкциялардан, формулалардан қочиш газета тилини камбагаллаштириб, ўкувчи учун зерикарли қилиб қўйиши мумкин.

Шунинг учун муҳаррирларнинг ўзлари ҳам матн устида ижодий ишлашлари, тинмай изланишлари ва муаллифларга ҳам шундай талаб қўйишиларигина эмас, балки бу борада уларга ёрдам беришлари максадга мувофиқдир. Шунда адабий тил ривожига ўзига хос ҳисса қўшилган бўлади. Адабий тил ривожи эса, ўз навбатида, мулоқот ифодаларининг барқарор тизимини ишлаб чиқишига имкон беради.

Нуткнинг андозавийлиги тилда тайёр олинмалар барқарорлашувига олиб келади, ифодага мунтазамлилик, доим тайёрлик, мудомлик бағишлайди, номлар ва баҳоларнинг ижтимоий қарор топганлик тамойилини юзага келтиради.

Андозавийликка каршилик қилувчи ва у билан ўзаро боғлиқликда бўлувчи экспрессивлик бир колипдаликни бузади, нутк формулаларини ўзгартиради, янгилайди. Газета нутқининг экспрессивликдан мутлақо ҳоли бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун андозавийлик ва экспрессивликнинг биргаликда мавжуд бўлиш жараёни адабий тилни, унинг барча услубларини камраб олади. Газета тилида бу алоқадорлик — биргаликда амал килиш жараёни шарт омил бўлиб хисобланади. Ҳар икки ходиса газета тилининг ўзига хос табиати, моҳиятидан келиб чиқади, ваҳоланки, газета ижтимоий характерга эга ва оммавий алоқа воси-

таси — умумахамиятга молик матний мулоқот саналади. Шунинг учун матн устида ишлаш жараёнида мухаррир хар икки жиҳатта алоҳида эътибор берган холда, андозавийликка чуқурроқ ёндашмоғи лозим. Чунки журналистик фаолиятнинг зуд эканлиги, мавзуларнинг мавсумийлиги, қайтарилиши, вазиятларнинг тақорланиши шуни тақозо этади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, газеталардаги қолипга айланиб қолган конструкциялар, формулатар ижобий ёки салбий баҳоловчидир. Масалан: *масъулиятни зиммасига олди, муайян ишлар амалга оширилди, мухлислар ишончини оқламади... оқлади, кўтаринки руҳда, зўр қониқиши билан... га иш билан жавоб бермоқ, янги марралар белгиланди, истикбол режаси тузилди, жорий йилда... ... зўр кўтаринки руҳда ўтди, сайлов компанияси бошланди, ... тугади, мўл-ҳосил етишиширилди, ... йигиб олинди, жазодан қочиб-қутулиб бўлмайди, қилмиш-қидирмиш деб шуни айтадилар, ... га багишланган тантаналий йигилиш бўлиб ўтди, ... юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.*

Айрим расмий, хроник хабарлардаги қолипларни истисно тариқасида қабул қилиш мумкин: *хабарларга кўра айтишиларича, сўзларга қараганда, ... вазиятда, ... мухитда, ҳамжиҳатлик билан ва х.к. Очеркларда ҳам айрим қолип сўз, бирикмалар учрайди, мухаррирлар ҳам буларни истисно тариқасида қабул қилишлари лозим: қўли гул усталар, шининг кўзини билиб, нуроний чеҳралар, машаққатли ўйлни босиб ўтади, орзулар қанотида парвоз этиб, меҳр қўрини бериб, кўз қорачигидек асрамоқ, эл-юрт хизматида бўлмоқ ва х.к.*

Газета тилида умуман нутқ шакллари андозалаштирилди ва у баҳолаш тавсифида бўлади, худди шу маънода у илмий ва расмий-иш юритиш услуби (бетараф услуб)дан фарқланади.

Бадиий нутқда ҳам андозавийлик бор, лекин у публицистикадагидан фарқ киласди. Бадиий адабиёт тили индивидуал идроклашга асосланади ва индивидуал нутқ яратишдан келиб чиқади. Публицистика ҳам, бадиий асар ҳам оммавий аудиторияга (ёки алоҳида ижтимоий гурухга) йўналтирилган бўлади. Мухаррир газета тилини бадиий асар тилидан фарқ қилиши учун, аввало, ҳар иккисидаги

андозавийликни фарқлаши керак ва бу борада муаллифга кўмаклашуви зарур. Агар газета тилида нутқ шакллари андозаланса, бадиий асар тилида баён усули, йўсини, тарзи андозаланади.

Шундай қилиб, газета нутқини андозалаштириш ижтимоий-коммуникатив баҳолаш йўналишида бўлса, бадиий нутқни режалаштириш индивидуал-коммуникатив тавсифга эгадир. Газета материалларини таҳхир қилишда (хар ҳолда кўпгина жанрларда), андозалашда тарғиб, баҳолаш, ташвиқ назарда тутилади, кўп марта фойдаланиш мумкинлиги ҳисобга олинади ва (аксар холларда) эмоционал таъсир кўрсатишга мўлжалланади (*масалан, қора гуруҳлар, футбол ишқибозлари, тинчлик кучлари ва х.к.*).

Андозавийликни тилдаги салбий ходиса сифатида баҳолаш ҳам йўқ эмас, масалан, унга шундай сифат берилади: қуруқ, трафарет, бир колипдалик, ўзгармас ва х.к. Лекин андозавийлик тилнинг ранг-баранг ва бой бўлишига зидгина эмас, балки шунга хизмат ҳам қиласи, индивидуал маҳорат, ўзига хослик, нутқ санъаткорлигини ҳам юзага чиқаради. Зеро, муҳаррир учун ҳам, нутқ ижодчиси учун ҳам тайёр шакллар қанча кўп бўлса, тил шунча бойийди. Демак, муаллифлар ҳам, муҳаррирлар ҳам ҳамиша изланишда бўлиши, янгидан-янги андозаларни ижод қилиши ва газета матнларига киритиши керак. Эмоционал-экспрессивлигини йўқотган қолип нутқ шаклларидан фойдаланавер-маслик керак. Масалан, *тилга эътибор* – элга эътибор аллақачон қолип-андазага айланиб бўлган, ундан такрор-такрор фойдаланаверилганидан бугунга келиб эмоционал-экспрессивлигини йўқотган, таъсир кучи ҳам қолмаган, агар муаллиф ёки муҳаррир хақиқий ижодчи бўлса, маънога путур етказмаган ҳолда бошқа шаклларни топиши мумкин. Масалан, *тилга ҳурмат* – элга ҳурмат, *тил қадри* – эл қадри, *тили ардоқлининг ўзи ардоқли*. Шунда андоза чуқур эстетик маъно кашф этади.

Хуллас, андозавийлик ва экспрессивликлар бўлган умумнутқий йўналиш газета-публицистикада ўзига яраша ва алоҳида тавсифга эга. Унинг услуби, асосан, ижтимоий баҳолаш тамойилига кўра белгиланади. Бу хусусият

унинг тилида, нутқида, таркибида, тузилишида мунтазам ва қонуний ҳисобланади.

Оммавий коммуникациянинг бир тури сифатидаги **радио тили** ҳам баъзи ўзига хосликларга эгадир. Табиийки, оммавий коммуникациянинг ҳар бир тури — матбуот, радио, телевидение жамият тараққиёти ва муайян эҳтиёжи туфайли юзага келган. Улар ҳаётининг муайян соҳасига хизмат қилади. Сўнгги пайтларда коммуникациянинг бирор турида, хусусан, радиода қўлланаётган тил воситаларини танлаш ва улардан фойдаланиш кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортмоқда. Маълумки, радионутқ ҳақида, унинг тавсифи, муаммолари хусусида баъзи мулоҳазалар билдирилган. Хусусан, радиоэшиттиришлар тили содда, аниқ, тушунарли, образли, ифодали, ёрқин ва ҳ.к. бўлиши таъкидланган. Бундан ташқари, у қўргина радиожанрларда, асосан, монолог тарзида бўлиши кўрсатилади. Ҳақиқатан ҳам радиокорреспонденция, радиоочерк, радиофельетон, радиоэртак, шунингдек, турли эшиттиришлар — радиохикоя, радионома, радиотабрик ва бошқаларда асосий нутқ кўриниши, баён тарзи, кўп ҳолларда монолог бўлиб қолади. Демак, радиоэшиттиришлар матнини тайёрлаш (ёзиб олиш)да нуткнинг мана шу шаклига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Радиоэшиттириш амалиётида бугунги кунда илмий-оммабоп сухбат, корреспонденция, очерк, сиёсий шарҳ (ёрқин публицистик тарзда), агентликлар хабари, Президент Фармони, Вазирлар Махкамасининг қарори, қонунчилик хужжатлари, ҳукумат баёноти (булар расмий-иш юритиш услубида) учрайди. Шу билан бирга, биз қўргина эшиттиришларда бадиий услугуга ҳам дуч келамиз. Хусусий каналлар орқали узатилаётган эшиттиришларда, ҳатто сўзлашув услуби ҳам янграмоқда. Булар радиодраматургия, радиокомпозиция, радиоэртак, радиохикоя ва бошқа турли кўнгилочар радиошоу, радиоўйин ва ҳ.к.

Шубҳа йўқки, радио тили турли-туман. Баъзилар радионуткни сўзлашув нутқига яқин ҳисоблайди. Сўзлашув услуби бетараф воситалардан фойдаланиш билан бир қаторда, сўзлашувга хос сўзлар, иборалар, грамматик шакллар, синтактик конструкциялардан ҳам фойдаланишни кўзда тулади. Унга яна талаффуздаги қатор жихатлар хос. Шу

маънода сўзлашув нуткидан, соф ҳолда радиода ниҳоятда чекланган ҳолда — бадиий ва адабий-драматик эшилтиришларда, жонли, турмушга оид нуткни юзага келтиришда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, матнисиз хақиқий сўзлашув нутки ёзиб олинган бўлса, шундагина йўл қўйиш мумкин. Эфирда тарқалаётган сўз айрим кишилар, оиласвий ёки айрим гурухлар томонидан тингланса-да, гарчи ҳар бир тингловчига қаратилган бўлса-да, лекин уни миллионлаб инсонлар эшигади, таъбир жоиз бўлса, бутун мамлакат — ёш-қари, билими, дунёқараши турли даражада бўлганлар тинглайди, шунинг учун у барчага бирдек тушунарли бўлиши керак.

Албатта, эшилтиришни эфирга тайёрловчи журналист радиомонологнинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олмай иложи йўқ. Ўз тингловчиларини қизиктиришни мақсад қилиб қўйган журналист, ишонтириш учун тил воситаларидан фойдаланади. Гёё сухбат (сўзлашув) ҳар бир тингловчи билан алоҳида олиб борилаётгандек бўлади. Бундай таассурот нуткни диалоглаштиришнинг қўплаб воситалари ёрдамида юзага келтирилади. Шундай воситалар сира-сига радиотингловчиларга мурожаат, узук жумлалардан, боғловчи ва ажратувчи конструкциялардан фойдаланиш, киритма изоҳлар, кайдлар, тасдиқловчи ва инкор этувчи сўз-гаплар, инверсия, синонимлар, антонимлар гурухи, сўзловчининг нарса, ходисага муносабатини билдирувчи, баҳоловчи нутқ шакллари ва бошқалар киради.

Радионутқда оҳанг ранг-баранглиги ва бойлиги билан ажралиб туради. У радионутқда худди сўзлашув нуткидаги каби қўп ҳолларда сўзловчининг баҳолаши, ҳис-ҳаяжони (эмоцияси)ни ифода этишнинг ягона воситаси ҳисобланади, чунки баҳолашнинг лексик воситалари кўпинча кўринмайди.

Маълумки, сўзлашув услуби, асосан, оғзаки нутқ соҳасида қўлланади, лекин бу оғзаки ва сўзлашув тушунчаларини айни бир хил дейиш учун асос бўлмайди.

Оғзаки нуткнинг асосий қуроли — *тovush*. Бунда турли маромли унсурлардан кенг фойдаланилади. Оҳангнинг паст-баландлиги, товуш кучининг ошиши ва пасайиши, тез-

лашиш, секинлашиш, суръат, тўхташ (пауза), мантиқий урғу ва б. шулар жумласидандир.

Оғзаки нутқнинг ўзига хос жиҳатлари, маромларини билиш радио амалиётчилари, айниқса, оғзаки матн устида ишловчилар учун зарурдир. Яна бир нарсани чукур билиш керакки, ҳозирги замон оғзаки нутқининг яна бир хислати бу китобий ва сўзлашув услубларининг ажойиб тарзда қўшилишиб кетишидир.

Оғзаки нутқ оммавий мулоқот воситасига айлангани боис ўз таъсир доирасини анча кенгайтирган.

У факат кундалик турмушдаги мулоқот билан боғлиқ бўлмай, балки жамият ҳәётининг турли соҳаларига — илм-фан, расмий хабар, публицистика соҳаларига ҳам кириб боради, бу соҳаларга ҳамиша китобий услугуб хизмат қилган, киммоқда ва бундан кейин ҳам хизмат қиласди.

Радио орқали тараалаётган монолог (шарх, сухбат, маъруза, репортаж, мухбирнинг хикояси) тингловчининг дикқатини бевосита ўзига жалб этади. Монологнинг диалогдан фарқ қиласиган ўзига хос қонуниятлари бор. Диалогда икки шахс иштирок этади, улар қайсиdir даражада ижтимоий жиҳатдан бир-бири билан боғлиқлик тарафиға эга бўлади ва бир-бирини ўзаро мулоқотда тушунади. Монолог эса бир катор шахсларга қаратилади, улар таркиби, ёши, маълумоти, касби ва бошқаларга кўра турлича бўлади. Бу бевосита тушунарлиликка эришиш имконини йўққа чиқаради ва анъанавий нутқ шакли, адабий-меъёрган тилга мурожаат этишга мажбур қиласди.

Ҳозирги замон оғзаки нутқининг тузилишига кўра шакллари қўйидагичадир: мунозара, маъруза, маслаҳат (консультация), матбуот конференцияси, нутқ сўзлаш, бирор аудитория билан сухбат. Булар барчаси одатда сўзлашув ва китобий тил унсурларининг турли хилда аралашуви, алмашинуви ва бир-бирига сингиб кетишидан юзага келади.

Табиийки, радиоэшиттиришлар жанри жуда ўзига хос ва бир-биридан сезиларли фарқ қиласди. Масалан, «сўнгги хабарлар»да қисқа маълумот, фактларни қайд этиш; корреспонденциядан мақсад мавжуд факт ёки ходисадан хабардор қилишгина эмас, балки уларни таҳлил қилиш,

мулоҳазалаш; мухбирнинг ҳикоясида фактлар шунчаки қизикарлигина эмас, балки мухбир таассуротлари, баҳоси ҳам мавжуд бўлади; сұхбатнинг вазифаси муайян замонавий муаммоларни тушунтириш. Холосалар ва умумлаштиришлар кўлами ҳам турлича.

Радиоэшиттиришлар жанрларининг тил воситаларини танлаш ва мутаносиблаш тамойиллари, китобий ва сўзлашув унсурларидан фойдаланишнинг нисбати турлича: мантикий (интеллектуал) ва эмоционал; терминлашган ва умумистеъмолдаги; адабий – ишланган ва «тайёрланмаган», нутқий-прагматик; одатий анъанавий, умумтилга хос; номинатив ва образли.

Радио тили учун ҳам ҳис-ҳаяжонлилик (эмоционаллик) ва образлилик хос. Факат сўздангина фойдаланиши мумкин бўлган радиожурналистлар, радиоэшиттирувчилар жанрларнинг ҳар бири ўзига яраша қизиқарли, жонли ва таъсирчан бўлиши учун ифода воситалари устида мунтазам изланиш олиб боришлари керак. Хўш, эшиттиришлар қизиқарли, жонли ва таъсирчан бўлишида нималарга эътибор бериш лозим? Товуш тизими – шовқин, мусиқа ва товуш ёрдамида хосил килинган образлар ўз йўлига. Биз сўзларга эътибор берамиз. Радиоамалиётчилар фаолиятида образли тил воситалардан кенг фойдаланилади. Образ яратувчи воситалар факат борлиқ оламдаги кўз билан кўриладиган, эштиладиган, тасаввур этиладиган нарса, ҳодисаларни намоён этибигина қолмайди, балки тингловчини фаол жалб этади, дикқатини тортади. Шунинг учун радиодаги баён тарзи жонли, нафис ва тингловчига сўзлар ёрдамида яратилган образларни етказа оладиган бўлиши керак. Бу эса, ўз навбатида, радиоматнданги сўзлар дикқат билан танланган бўлишини талаб этади.

Матнда аниқ, таъсирчан, маънодор сўзлар кўп, сифатлаш, образлар, гипербола (муболага)лардан самарали фойдаланиш керак. Бу айтилганлар радио орқали узатилаётган ҳар бир асарга тааллуқли.

Агар эшиттириш илмий-оммабоп мавзуда, яъни сұхбат шаклида бўлса, образлар тизимининг аҳамияти жуда юқори хисобланади. Бунда нарса, ҳодиса тингловчи кўз ўнгига яққол намоён бўлади, у гўё бу нарсаларни эшитаётган эмас,

балки тасаввури орқали яққол кўраётган бўлади. Булар бар-часи радиожурналист учун қизиқарли эшиттириш — ёдда узок сақланадиган радиоасар яратиш имконини беради.

Ҳақиқатга яқин, жуда ўринли қўлланган сифатлашлар, киёслар, ўхшатишлиар, шубҳасиз, тингловчини оҳанрабодек ўзига тортади ва унинг бутун вужуди қулокка айланади.

Лўнда, маънодор образнинг ўрнини ўткир публицистик матнда бошқа нарса боса олмайди.

Сўзлардаги образ мавхум нарса, ходисани идрок этарли аниқ нарса, ходисага айлантиради, хусусийликни керак бўлган умумийга кўтаради, фикрни ўткирлаштиради ва тиниклаштиради.

Радиопублицистика асарларидағи образлар матнини тузувчи ҳаётни етарлича кузата олса, ҳаёт тажрибасига, маданиятга эга бўлса, унда сўз қўллашда нозиктаъб сезги мавжуд бўлса, меъёр ва маромни сезиш қобилияти ривожланган бўлса, кутилган натижани бериши мумкин.

Истиора (метафора) ёрдамида образ яратиш — катта санъат. Чунки сўз кўчма маъноси фақат кутилмаган файриодатий янгилиги билан эмас, балки аниқлиги, нарса-ходисанинг яширин томонларини тўлиқ ва яққол кўрсатиб бериш, тингловчига ўзи кўриб, билиб юрган нарса, ходисаларни янгидан кўргандек бўлишини таъминлаш билан ҳам ажralиб туради.

Журналистика, айниқса, радиожурналистика оғзаки сўз ёрдамида ўқувчи ва тингловчилар онгини фаоллаштирибигина қолмай, уларнинг қалб торларини ҳам чертиб ўтади, шунингдек, ақлийлик, эмоционаллик билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак.

Шуни эътироф этиш керакки, образлиликдан ҳоли бўлган нутқ ҳам кучли имкониятларга эга ҳисобланади. Унинг кучи фикрнинг пухта ўйланганлиги ва ишонарлилиги, мулоҳазадаги кучли мантиқ, тил воситаларидан санъаткорона моҳирлик билан фойдаланиш, айниқса, баёндаги тадрижийлик ва равонликдадир.

Ҳис-ҳаяжонга бой баёнга интилиш бир туркум радиоэшиттишларда — кўнгилочар ўйинлар, шоу, сухбат ва хоказоларга хос. Бундан ташқари айрим материаллар,

айникса раддия, ташвиқот мухолиф(лар)га қаратилғанларида эмоционал-экспрессив бўёкли маънога эга сўзлардан кенг фойдаланилади. Мазкур сўзлар маъноси экспрессив бўёқ-қа бой бўлиб (хазил-мутойиба, чандиб олиш, пичинг, кесатиқдан тортиб, мазах қилиш, таҳқирлаш, «лой» қилиш ва ҳоказоларга), муаллифнинг турли-туман баҳолашига хизмат қиласди: Музокаралар асосидаги келишув эмас — «тил биритириши», суд йиғилиши эмас — «суд томошаси», футбол ўйини эмас — «икки команданинг олишуви», парламентдаги баҳс-мунозара эмас — «парламентдаги можаро», кора гуруҳлар хатти-харакати эмас — «қора кучлар хуружи», ахборий чиқиш эмас — «ахборий хуруж» ва бошқалар шунинг натижаси ҳисобланади.

Газета жанрлари бошқа вазият, шароитга тушгач, ўзгаришларга учрамай иложи йўқ. Чунки уни бунга янгича вазият, мулоқотнинг янгича шартлари, ифода этишининг янгича воситалари мажбур этади. Шу боис радиода сухбат ҳам, шарҳ ҳам, очерк ва репортаж ҳам муайян ўзгаришларга учраган.

Агентликлар хабари, хукумат баёноти, Олий Мажлис қарорлари расмий хужжатлар саналади. Бундай ҳолатда радио хабар тарқатиш канали ҳисобланади. Хабар тарқатишнинг газета шаклини ўзгартириш учун радио ва тележурналистлар харакат қилмоқдалар. Мақсад — хабарларни анча жонли бўлишига эришиш. Улар бугунги кунда радиомухбир нарса, ҳодисани хабар қилиб қўя қолишни эмас, балки тингловчини уни эшлишига мажбурашни, мохиятни таъкидлаш, уларда қувонч, курсандчилик, ҳаяжон уйғотиш хақида қайфурмоқдалар. Бунга қандай эришиш керак? Бунинг учун радиожурналист, аввало, атроф оламни ўз кўзи билан кўра олиши, кузатишда ўз иқтидорига таяниши, уни ўз ақл-идроқи билан баҳолаши, умумлаштириши лозим. Ана шунда лиризм юзага чиқади ва радиожанрлар барчasi унга йўғрилиб, хос хусусиятга айланади. Нутқ таъсирчанлигига эришишда хосланган (индивидуал)лик мухим аҳамиятта эгадир. Буни биз факат сўзловчи нутқидан билишимиз мумкин. Тўғри, ҳар бир сўзловчи жамиятда қабул қилинган тил воситаларидан фойдаланади, чунки унинг ўзи



ҳам шу жамиятга мансубдир. Лекин у ифода воситаларини танлашда ўз мақсади ва дидидан келиб чикади. Мана шу икки омил, оқибат натижада нутқнинг алоҳида қиёфасини, бошқача айтганда, сўзловчининг овози, унинг услубини белгилайди.

Тингловчилар кун мобайнида кўплаб кишиларнинг нутқини эшитадилар, шунга кўра радионутқни хослантириш (индивидуаллаштириш) алоҳида аҳамият касб этади. Тасаввур килинг: сухбатнинг барча муаллифлари, радиошархловчилар, радиомухбирлар, радиоочерклар ва бошқа микрофон олдида сўзловчилар тингловчилар билан бир қолипда сўзлашсалар...

Изоҳнинг ҳожати йўқ! Сухбат агар ишончли, чин дилдан бўлса-ю, лекин қолипланган шаклда ўтса, уни бошқа қолиплардан фарки бўлмайди.

Мухбир хикояси, радиоочерк ва микрофон олдида сўзлаш жанрларида услугий хосланганлик катта аҳамиятга эга бўлади. Баённинг қуруқлиги, расмийлиги, радиоэшиттиришлар учун ётдир. Бундай услуг на мулоқотни таъминлайди, на таъсирчан бўлади.

Радио орқали чиқувчиларни икки тоифага ажратиш ва улар нутқига талаб кўйиш мантиқан тўғри бўлади. Биринчи тоифани радиомухбирлар, радиошархловчилар, радиорепортёrlар, радиоочеркчилар ва, албатта, дикторлар ташкил этади. Уларнинг нутқи барча жиҳатдан сўзларнинг танланганлиги, ўз ўрнидалиги, оҳангдорлиги, ургулганланлиги жиҳатидан намуна бўлиши лозим. Агар улар баъзи ҳолларда адабий тил меъёрларидан четга чиқсалар ҳам, лекин адабий тил меъёрларини пухта эгаллаганникларидан деб билиш керак.

Радио орқали чиқувчиларнинг иккинчи тоифаси, булар — микрофонга ташқаридан таклиф этилганлар. Бу тоифани ташкил этувчиларнинг ўзи турлича. Булар — зиёлилар: олимлар, ёзувчи-шоиrlар, санъатчилар, таълим мусассаларининг ўқитувчилари, илмий-оммабоп мавзудаги сухбат иштирокчилари, илм-фан, техника соҳасидаги мухим воқеа, ҳодисаларни, халқаро аҳволни шархловчилар. Булар



нүткига хам радиожурналистлар нүткига қўйиладиган талабдан кам бўлмаган талаб қўйиш мумкин.

Шундай қилиб, турли инсонлар турли-туман шаклдаги чиқишиларида ҳаётнинг турли қирралари, муаммолари, фактлари ва хоказолари ҳақида хабар берадилар, шунчаки хабар берибина қолмай, балки ўз нутқ ҳосиласига ўз қалбларининг қўрини хам сингдирадилар. Радиоходимлар вазифаси уларга буларни етказишда кўмаклашишдир.

Хуллас, радио тили – хозирги оғзаки адабий тилнинг функционал-услубий турларидан бири ҳисобланади. Унда оммавий коммуникациянинг мазкур тури доимий мавжудлик билан боғлиқ фонетик-талаффуз, лексик-фразеологик ва конструкциявий воситаларни танлашнинг муайян тамойиллари шакллангандир. Мазкур тил экстравангвистик омиллар ва тингловчиларга энг юкори даражада таъсир этиш мақсадлари билан боғлиқ воситалар мажмууга ҳам эгадир.

Хозирги замон журналистигининг устахонасида ўта замонавий, такомиллашган ҳамма нарсани қўрувчи, ҳамма нарсани эшитувчи микрофон, кинокамера, диктофон, телебъектив ва бошқалар мавжуд бўлса-да, журналист маҳоратининг асосини **сўз** – инсоннинг ўз фикрлари ва ҳиссиётларини ошкора ифодаловчи ноёб имконияти ташкил этади.

Ҳамон шундай экан, ҳар қандай энг яхши қўрсатувнинг асосий «мавзу»си инсондир. *Экранда сўзлаш* эса телевидениеда ишловчи публицистнинг асосий фаолият шакли ҳисобланади. Экран орқали сўзлаши омманинг жамият ҳаётидаги иштирок этиш шаклидир.

Телеэкран сиёсий, фуқаровий, инсоний нуқтаи назарларни очиб беради. Бунга жонли сўз, барчага қаратилган сўз, ҳақиқий, таъсирчан нутқ ёрдамида эришилади.

Публицистик матнни ҳар томонлама баҳолаш учун, унинг бутун қимматини – ахборий тўлақонлигини, мантиқан тадрижийлигини, баённинг равонлигини, фактлар ва фикрлар далилланганлигини ҳамда шулар барчаси билан боғлиқ сифатини – композициявий ва услубий ўзига ҳосликни аниқлаш лозим. Далиллар фактларни танлаш, худди уларни ифода этиш учун тил шаклини танлаш каби таъсир этиш самарадорлигини белгилайди.



Телевидениедаги нутқ жараёнини таҳлил этишда иккимухим жиҳатга асосланиш керак. Биринчи – экстравистик жиҳат. У хар бир тизим (товуш ва тасвир)нинг функционал тавсифи билан телевидениедан информация берришда турли тизимлар уйғунлиги билан боғлиқдир.

Телекүрсатувда эшиттирув ва кўрсатув унсурлари яхлит бир бутунликни ташкил этиши лозим. Тележурналист ишининг асосий қоидаларидан бири – экранда кўрсатилаётганни сўзларда такрорламаслик. Чунки хар қандай тавтология хабар яхлитлигига птур етказади.

Маънавий ва экспрессивлик жиҳатдан аниқ жойлаштирилган ёзув мазмундор, ранг-баранг нутқ-шарх учун маҳсус усул – таянч нукта хисобланади. Телеижодий нутқ соҳасида сўз ходисанинг тасвирдаги қайдидан кўра устунликка эгадир.

Оммавий алоқанинг воситаларидан бири сифатида телевидениени тадқиқ этишда қуйидаги учликка эътибор каратиш мақсадга мувофиқдир: **тасвир** – **товуш** – **нутқ**<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, телевидение нутқи нутқнинг оммавий-коммуникатив тури хисобланади, тузилиш тамойили уч ёқлама (тасвир – товуш – нутқ) боғлиқлигига кўра белгиланади.

Публицистик матн мазмундорлигини таҳлил қилишда мулоқотнинг йўналтирилганлиги, мулоқотнинг руҳий таъсири амалга оширилиши, идроклашнинг аниқ вазиятини ва дилдан эканлигига алоҳида эътибор бериш лозим. Табиийки, хар бир тележурналист унинг хабари тушунарли, фикри кувватланган бўлишини хоҳлади. Бунга эса муайян эшитувчи ва кўрувчини доимо ёдда тутишлик, унинг манфаатлари, эътиқоди, ақлий салоҳиятини унумтаслик билан эришиш мумкин. Яна шуни унумтаслик керакки, телевидениеда мустақил, фақат ўзигагина хос нутқий жанрлар ривожланмоқда. Бунга кейинги пайтларда юзага келган қатор телекүрсатувлар – «Мехр кўзда», «Тарона», «Оҳанрабо», «Юзма-юз», «Юлдузлар сайли», «Кишлоқдаги тенгдошим» ва бошқалар яққол мисол бўла олади. Бундан

<sup>1</sup> Товуш деганда жонли янграётган овоз, турли шовқинлар ва мусика жўрлиги назарда тутилади.

ташқари, телевидение аллақачонлар ривожланган жанрлар — нотиқлик нутки, газета публицистикаси ва ҳоказоларнинг коммуникативлиги ва экспрессив тузилишиларини ўзлаштириб олган.

Лекин теленуткнинг асосий конструктив тамойили кўз билан кўришлик ҳамроҳлигига айтиладиган сўзни жойлаштиришдан иборат.

Сўз ва тасвир иккисининг уйғунлиги борасида айтиш мумкинки, муносабат анча оғир кечмоқда. Телехабар тузилишида ҳам тасвир, ҳам сўз бирдек қадрли унсур хисобланади.

Экран контекстини умумий десак, у хусусий конструкциялардан, яъни кўринувчи вазият (кадрнинг мазмуни, монтаж, композиция, тасвир динамикаси), аудиовазият (музыка, шовқин, товуш) ва нутқий вазият — нутқ жараёнинг экстравангвистик шароитларидан ташкил топади.

Телевидениеда нутқ соҳаси учта турли вазиятнинг ўзаро алоқаси ва таъсири туфайли шаклланади. Кўрсатув турига кўра асосий ахборий, мазмуний моҳият уч унсурдан бирида акс этади. Шундай қилиб, лингвоконтекст ва экран контексти алмашади. Мисол келтирамиз. Айтайлик, АҚШда президентликка сайлов кетмоқда. Телеэкранда сайлов кунларида олинган кадрлар. Хорижий мамлакат телевидениесининг шарҳловчиси Оқ уй — президентлар қароргоҳи тўсиги олдида. Улкан устунлар тагида ҳавозалар — таъмирлаш ишлари бормоқда. Кадрдаги тасвирлар мазмуни ўз-ўзидан аён. Лекин, тасвирлар етказмоқчи бўлган информациялар кадр ортидаги шарҳ матнидан тўла аён бўлади, яъни матн тасвир мазмунини тугал очиб беради:

*Америкада шундай анъана бор:*

*Янги хўжайин келиши олдидан Оқ уй қайта оқланади ёки американлик бир ҳамкасбим истеҳзо билан айтганидек, янгидан оқлайдилар. Оқ уй бокира, оқ ва покиза бўлиши керак. Лекин бу уйда олиб бориладиган сиёсат ҳар доим ҳам оптоқ ва покиза эмас.*



Тасвирдан аён бўладики, Оқ уй таъмирланаяпти. Шарх матнидан эса янги президент сайланган, энди у иш бошлиш учун Оқ уйга келиши керак. Лекин анъанага кўра хар сафар янги президент учун Оқ уй керакми, керак эмасми, яна оқланиши шарт экан. Бундан ташқари Оқ уй оппок ва покиза қилингани билан ундан туриб олиб бориладиган сиёсат хамиша хам халолликка эга бўлавермас экан. Шарх матни қўшилмасдан аввал тасвир етказаётган хабар мазмундорми ёки қўшилгандан кейингиси? Изоҳга ҳожат йўқ.

Демак, кўрсатувнинг композицион қисмланишини нуткӣ ва тасвирий қаторлар ҳал қиласр экан. Тасвир билан уйғунлашиб кетган сўз ягона овоз-тасвир образини беради.

Тасвир билан қўшимча теленутқ учун тасвир қаторида намоён этилганларни такрорлашга ҳожат йўқ. Шунинг учун нутқ қатори мутлақо янги хабарни бериши, баъзан тасвирида намоён этилаётган хабарга зид хабарларни ҳам бериши мумкин.

Бундай ҳолатда **маъно зидлиги** юзага келади. Кўрсатувнинг мақсади, композицияси, ғоявий-бадиий ечими маънавий зидлик асосига қурилади. Айрим холларда тасвир ва нутқ қатори мазмунига кўра бир-бирига умуман зид бўлмайди ёки мазмуний зидлик деярли сезилмайди. Лекин шундай бўлса-да, ўша сезилар-сезилмас даражадаги зидликнинг аҳамияти катта бўлади, чунки бир ёки икки кадрда ёхуд биргина сўзда юзага келган зидлик кўрсатувни ғоявий-бадиий идрок этиш учун диктор матнидаги ўнлаб, юзлаб сўздан кўра самарали бўлиши мумкин.

Хабар маънодорлигига кўра нутқ қатори томошабинларга жуда мақбул бўлиши мумкин. Шунда **мазмуний уйғуник** юзага келади.

Томошабин экрандаги барча тасвирини кўради, диктор ёки шарҳловчи содир бўлаётганларни яна тушуниради. Нутқ қатори ва тасвирида мужассамланган мазмундор хабар айни бир бўлса-да, асосий маъновий масъулият сўз зиммасига тушади.

Тасвир қатори тобе вазифасида келади, кўп жихатдан экспрессив хабар етказувчи хисобланади.

Қуйидаги телекүрсатувга эътибор берайлик.

Киноплёнкада бойлар XX асрнинг 20-йиллари хақида сўз боргандা, уларнинг кўзлари, хузурхаловатни ифодалаб, сузилиб кетади.

«Ох! — дейдилар улар. — У «олтин давр!» Ҳаммаси ажойиб эди.

Киноплёнкада ишсизлик ва қашшоқлик:

Ҳаммаси ажойиб эди! Албатта, **булар** учун эмас. Уруш туфайли **булар** бойигани йўқ. Булар куроляроғ савдоси билан шуғулланмадилар, фронтга чириган сукно ва отилмас қурол етказиб бермадилар. Мўмай ҳарбий буюртма учун улар ғажишмадилар.

Киноплёнкада ишсизлар намойиши, уларни полиция тарқатиб юбормоқда:

**Улар** учун бутунлай ўзгача 1929 йилги улкан тинчлик фожиаси. Пичок бориб суяигига тақалган ишсизлар ва кишлоқ ахли, бундай яшаш энди мумкин эмаслигини, болаларига нон кераклигини айтиш учун Оқ уй олдида тўпланадилар, Оқ уйнинг хўжайини қўшинини ишга солади.

Тасвир каторининг мазмуни билан нутқ қатори мазмuni зидлигидан қатъи назар, кўрсатувнинг ғоявий-бадиий мазмунини анча чукурлаштиради. Нутқий қатор тасвирини «инкор» этади.

Мазмуний уйғунлик ҳам, мазмуний зидлик ҳам умумий телеконтекстда янги мазмун яратади. Бир вазиятда янги мазмун ривожи нутқий контекстдан тасвирий контекстга, бошқа вазиятда эса тасвирий контекстдан нутқий контекстга томон боради. Лекин ҳар иккала вазиятда ҳам сўзнинг аҳамияти оша боради, муҳим хабарни алоҳидалайди, зарур маъноли ва экспрессив таъкид яратади, кўрсатувнинг умумий композициясига таъсир этади, унинг ахборий муҳим қисмини ажратиб беради.

Кўпгина телекўрсатувларда экрандаги образлар билан табиатан боғланган сўз коммуникатив-бадиий вазифа (тъсири кўрсатиш)ни бажаради. Тематик тайёрловчилар, аввало, телеконтекстда метафора ҳодисасининг ўзига хос жиҳатлари нимада эканлигини яхши билишлари керак. Маълумки, метафорик ҳосила семемада, барибир сўзнинг бошланғич – генетик маъносининг қандайдир белгиси қолади. Метафорага хос бу хусусият телекўрсатувда айрича намоён бўлади.

Кадрда – немис футбол жамоаси майдонда.

Репортёр овози: *Бугун негадир Германия терма жамоасининг ўйини қовушмаяпти. Немис машинаси ҳар жиҳатдан рақибига ўйинни бой бермоқда. Агар ўйин шундай давом этса... командаси уйга қуруқ қўл билан қайтишлари турган гап.*

Бунда, аввало, машина сўзига эътибор берайлик. Шархловчи машина сўзини қўллашига сабаб, немис терма жамоаси тартиб-интизомли, ҳар бир ўйинчи ўз ўрни, бажарадиган ишини яхши билади. Улар гўё бутун бир машина (команда) нинг қисмлари. Барча қисмлари соз машина яхши ишлаши ҳаммага аён. Команданинг ҳар бир аъзоси уйғунликда бир машинанинг қисмлари сингари ишласа (харакат қилса), у албатта яхши натижага эришади. Команда ўхшатилмоқда, ўхшатишда ўхшатишнинг лексик воситасидан фойдаланиляпти, натижада коннотатив ифода юзага чиқяпти. Тасвир қатори билан нутқ қатори мазмуний жиҳатдан бирбирига зид. Лекин бу зидлик кўрсатувнинг қимматини пасайтирумайди, балки унинг экспрессив-эмоционаллигини оширади, кўрсатув таъсиричанлиги (сўз ёрдамида) таъминланади. Ўхшатишнинг бу туридан, яъни лексик туридан фойдаланиш теленуткда анча кенг тарқалган. Улар фактни мақсадга мувофиқ ишончли тасвирлайди, умумий фоявий мазмунни очишга хизмат қилади.

Ўхшатиш газета матнида андаза бўлиб қолса, экран контексти таъсирида, бальзан бошқача идрок этилади, ҳатто, умуман андозалиги ҳам йўқолади. Бу ҳам тасвир, ҳам то-

вуш қатори тил воситасига қўшимча маънавий хусусият бахш этади, натижада нутқ қатори образли тасаввурни юзага чиқаради. «АҚШ авиацияси Вьетнам ҳудудига ажал уругини сочмоқда». Бу ифодани биз газетадан ўқиганмиз, радио ёки телевидениедан кўриб тинглаганмиз. Газетадан ўқигандан ёки радиодан тинглаганда, мазкур ходисани қўз олдига келтириш ўқувчи ёки тингловчининг идрок этиш лаёқатига боғлиқ. Сочмоқ нутқий контекстда келиб, маъно ифодаси тасвир билан моддийлаштирилган, тасвир қатори билан ёнма-ён (параллел): экранда ажал юкини ташлаётган америка самолётлари; биз ёфиласётган катта-кичик бомбаларни кўрамиз, сўнг эса вайрон бўлган уйлар, мурдалар, таниб бўлмас ҳолга келган инсон қиёфалари, ўликлар ёнида қон йиғласётган аёллар ва болалар... Сочмоқ сўзи қўшимча маъно ва экспрессивлик касб этади.

Маълумки, янги лексик ўрамда сўзнинг янги маъноси юзага чиқади, телекўрсатув шароитида янгича мазмун касб этади, агар тележурналист (матн муаллифи, мухаррири) нутқ контексти билан бир қаторда экран контекстини ҳам ҳисобга олган ҳолда сўздан ўринли фойдаланса, андозаликдан қутилиш имконига эга бўлади. Телевидение шу жихати (имконияти) билан газетадан фарқ (устунлик) килади.

Амалиётчи журналистлар, тадқиқотчи тилшунослар якдиллик билан таъкидлашларича, нутқий қолип (андаза, стереотип)лар ёзувчилар учун ҳам, ўқувчилар (tinglovchilar) учун ҳам кулай, чунки тез ва тўғри ёзиш ҳар доим ҳам осон бўлавермайди. Шундай пайтда нутқий андозалар ўзини оклади.

Бизнингча, телематнларда андаза ва қолилардан фойдаланиш масаласини чукур кўриб чиқишдан маъно йўқ. Чунки, улардан фойдаланишда газета, радио ва телевидениеда ҳеч бир фарқ йўқ. Айтайлик, ахборот дастурида (газеталардагидек) бизларни «оқ олтин» хирмони, қишлоққа келган «зангори олов», жаҳон бозоридаги «қора олтин»



нархи, фермерлар «*табиат инжиқликлари*»ни енгиб ва х.к. билан таништирадилар. Албатта, андаза қолиплар билан нутқка куруқ баён ва жозибасизлик кириб кела-ди. Котиб қолган (стереотип) ифодалар ҳатто эңг мұхим ва қизиқарлы фикрни ҳам қашшоқ ва ишонарсиз қилиб қўйиши мумкин. Телевидениеда амалда ҳар қандай сўз об-разли ифодага эга бўлиши мумкин. Агар қуршовига олган сўзлар унга маъноли ва экспрессив хусусият баҳш этса-ю, яна ёнма-ён тасвирий қатор келса.

Телевидение муаллифга метафора, фразеологизмлардан фойдаланиш, ўз услубига эга бўлиш учун кенг имконият-лар яратади. Газетада факат матнда юзага келган фикрий таассурот телевидениеда тасвирлар орқали берилиши мум-кин.

Маълумки, иборалардан ижодий фойдаланиш осон, чун-ки фразеологик бирлик асосида кўчим — метафорик образ ётади.

Иборалар туфайли ўзига хос ижодий қўллаш кадрлар-нинг тасвирий имконияти туфайли амалга ошади. Айтай-лик, «... ўт билан ўйнашиши яхшиликка олиб келмайди» деган сўзлардан сўнг нутқда бир оз сукут сақланади, шу вақтда тасвир кетади ёки газ плитаси устида қолиб кет-ган қозон ичидағи ёғ ёнишни бошлаган, аммо уй бекаси бепарво телефонда дугонаси билан мириқиб сўзлашмоқда. Экранда кадр алмашади: аланг тобора кўтарилимоқда, де-раза пардаларига ўт туташган... ўт ўчирувчи машинанинг чинкириғи ва қора косов бўлиб қолган дераза ромлари. Шархловчи нутқи: «*Кўрдингизми машъум оқибат узок куттириб қўймади*».

Кўрсатувнинг экспрессивлиги иборанинг «*ўт билан ўйнашма*» метафорик ҳосила туфайли кучаяди.

Бунда иборанинг маъно ифодаси дастлаб тасвирда моддийлашган маъно билан, сўнгра шархловчининг таъ-кидловчи сўзлари билан тўқнашади. Сўнгги жумла томо-шабинларга мурожаат бўлиб, кўрсатувга жонлилик, та-

бийильик бабишлийди. Баҳоловчи сўзлардан фойдаланиш шарҳловчиларнинг ўзига хос хусусияти бўлиши лозим. Сўзлашув ёки одатий мулоқотга оидлик хусусиятига кўра бундай сўзлар маъноси китобий ёки ҳатто, бетараф контекстда ҳам ўзига хос эмоционал-экспрессив бўёғи билан ажралиб туради. Футбол шарҳида: ...буғун йигитларимиз.., иқтисодга оид шарҳда: ...бунинг натижасида мўмай даромадга эга бўлдилар, сиёсий шарҳда... шум ниятларига эриша олмадилар, маънавий-маърифий шарҳда... ўнлаб-юзлаб иқтидорли ўғил-қизларимиз юрт ишончини оқламоқдалар ва х.к.

Публицистик чиқишлиарнинг оғзаки шакли учун услубий бўёқли маънога эга сўзларни кўллаш хосдир. Бу нутқга ишончлилик, тушунарлилик ва самимилик бабишлийди. Лексик воситалар эмоционаллиги, экспрессивлигининг турли-туманлиги синонимия ходисаси билан боғлиқдир. Маълумки, маъно жиҳатдан бир-бирига яқин сўзлар, гарчи бири иккинчисининг ўрнида кўлланилса-да, лекин улар маъно бўёғига (бўёққа эгалик даражасига) кўра бир-биридан фарқланади. Масалан, одам, инсон, киши, кимса, нусха. Булар бир синонимик қаторни ташкил этса-да, маъно оттенкасида фарқ бор. Бу қаторни ташкил этувчилардан учтаси — одам, инсон, киши барча нутқ кўринишларида, шу жумладан, публицистикада (ҳам ёзма, ҳам оғзаки) ижобий маънода кўлланади. Кейинги иккитаси — кимса, нусха — факат салбий маънода.

Телевидение орқали чиқиши қилаётган киши тингловчиларга бирон-бир хабарни етказибгина қолмайди, балки уларда хабар қилинаётган фактлар хусусида таассурот ҳам қолдиради. Нимагадир ишонтиради, муносабат уйғотади ва ҳатто бирон-бир ҳаракатни амалга оширишга ундейди. Айтилганлардан максад, ўз навбатида ифода этиш воситасини белгилайди. Ифода этиш воситасини танлашни эса оғзаки нутқ шакли тақозо этади.

Сўзлашув лексикаси диалог тарзидағи кўрсатувлар учун табиий ва зарурий ҳол, у эркин ҳамда ортиқча тавозеларсиз

ўтади. Агар диалогда томонларнинг нутқи силлиқ, устига-устак расмийликка эга бўлса, телетингловчи мийифида ку-либ қўяди ва оммага бундай мурожаат сунъий, «қуруқ», яъни жонли эмаслиги билан ўз таъсир кучини йўқотади, қизиқишини сўндиради. Сиз жуда ўринли савол бердингиз. Саволингиз учун миннатдорман. «Айни мен кутган саволни бердингиз» каби жумлалар, табиийки, факат сухбатдошнинг эмас, балки телэшитувчиларнинг ҳам қулоғига ёқимсиз таъсир этади.

Телечиқишилар кўпгина жанрини айнан белгилаш қийин, лекин бир нарса аниқ: инсоннинг жонли нутқи бўлиши шарт, нутқ эгаси эса телетомошибинни ўз фикрларига эргаштира ва қизиқтира оладиган даражада кобилият эгаси бўлмоғи керак.

Албатта, бундай нутқ тизими унинг суръати, товуш оҳанги, юз ифодаси (мимика), хатти-ҳаракатларига кўра хосланган (индивидуал) бўлади. Буларнинг барчаси сўзловчининг ўзига хос хислатини намоён этади.

Телевидение орқали чиқувчилар (биз факат мутахас-сисларни — «сўзамол» ёзувчиларни, «сўзамол» журналистларни назарда тутяпмиз) ўз соҳасини билишдан ташқари, услублар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари, оғзаки нутқ конуниятларини чуқур англашлари керак. Бундан ташқари, улар тил бирикмаларини кўллашнинг ўзига хос жиҳатларини, уларнинг табиати ва хусусиятидан ҳам хабардор бўлишлари лозим.

Оғзаки нутқ икки шаклда намоён бўлади. Биринчиси **монолог**. Телевидениеда нутқ соҳаси асосини нутқнинг монолог тури ташкил этади. Монолог кўпчиликка қаратилган бўлади, улар орасида яқинлар ва узоқлар, умуман бегоналар бўлиши мумкин, бу бевосита тушунарли бўлади, дейиш имконини йўққа чиқаради, нутқнинг анъанавий шакли — адабий тилга ўтишга мажбур қиласи.

Монологнинг икки тури бор: бири — ишонтирувчи, иккинчиси — хабар берувчи. Ана шу турига кўра ифода воситаси, аввало, тил воситалари танланади.

Сўзловчи шунчаки хабар бериши, фактларни келтириши мумкин, уларни ҳеч бир баҳоламайди. Бу монолог хабар бўлади. Бошқа бири — нутқ эгаси хабарига қандай муносабатда бўладилар, уни қандай қабул қиласидилар ва ўзлари учун қандай хulosса чиқарадилар — бунга фарқсиз бўлмайди. Унинг монологи ишонтирувчи фаол таъсир этишга каратилган бўлиши мумкин ва бунга эришилади ҳам, агар зарур ифода воситаси, аввало, тил воситаси танланган бўйла.

Телевидение — оммавий мулоқотнинг муҳим воситаларидан бири, чунки у мунтазам равишда аудиторияга мурожаат этади, у кишиларнинг ақли, иродаси, маънавияти, хулкига таъсир этишга даъват этилган. Ҳар қандай телекўрсатув кўринмас томошабин ва тингловчига мўлжалланган бўлиши керак. Шунинг учун нутқий парчанинг муҳим жиҳати — мўлжалланганлик — телевидение нутқ соҳаси учун доимий хусусият ҳисобланади. Телевидениедаги чиқиш ижтимоий йўналтирилган мулоқот учун хос бўлган хусусиятларига кўра баҳоланади.

Телевидениедаги нутқ матнларини таҳрир қилишда шуни унутмаслик керакки, оммавий мулоқотнинг бир тури сифатида теленутқ адабий тилнинг асосий вазифасини бажариши, яъни умумқабул қилган ва умумтушунарли бўлиши лозим.

Телекўрсатувни икки турга ажратиш мумкин: биринчиси — тайёрланган (матнли), иккинчиси — тайёрланмаган (матнсиз). Иккинчи турда нутқ туйқусдан юзага келади, кўп жиҳатдан сўзлашув нутқига ўхшайди. Тайёрланган (матнли) кўрсатувда эса нутқ туйқусдан бўлмайди, у китобий нутқнинг оғзаки шаклидир. Шунинг учун у таҳрирдан чиқарилади, адабий тил меъёrlарига солинади.

Кўрсатувни олиб борувчи — шарҳловчи ёки репортёр, танқидчи ёки диктор ҳозирги адабий тил меъёrlарини яхши билиши керак, шу билан бирга сўзлашув, яъни одатдаги бевосита нутқий мулоқот воситаларидан ҳам оқилона, чегарадан чиқмай, меъёри бузмай фойдалана олиши ло-

зим. Масалан, айрим кишилар (ишчи, дәхқон, чорвадор, тадбиркор, хунарманд) учун нутқдаги камчилик, услубий хатоликлар кечирап бўлиши мумкин, лекин санъат арбоби, олим ёки мутахассис-репортёр учун кечириб бўлмас ҳол ҳисобланади.

Оммавий ахборот ва тарғиботнинг таъсирчан восита-ларидан бири ҳисобланмиш телевидение телетомошибин-ларнинг нутқ маданиятига катта таъсир ўтказади. Демак, телевидение жамият умумий нутқ маданиятини оширишга хизмат килади.

Нутқ (офзаки, ёзма) устида ишловчи мутахассислар шуни яхши билишлари керакки, публицистик чиқишининг муваффакияти фақат хабар етказищдагина бўлмай, ишонтира билишда ҳамдир; қолипларсиз, китобийликсиз жонли сўзлашув тилидан фойдалана олишдадир.

## УСЛУБ ВА АДАБИЙ ТАҲРИР

Тил ва услуб таҳлили, умуман айтганда, адабий таҳрир амалий услубият билан боғлиқ. Бундай таҳлил эга ва кесим тӯғри жойлаштирилиши, иккинчи даражали бўлакларнинг ўрни ва ҳоказоларнигина назарда тутмайди, балки, agar maxsus қўллаш тақозо этилмаса, бир хил сўзлардан ёки ўзакдош сўзлардан такрор фойдаланиш мақбул эмаслигини, тилдаги тасвирий-таъсирчан воситаларни, гарчи улар нутқнинг жозибадорлигини ошиrsa-да, кўплаб ишлатишлик салбий натижа беришини ва бермаслигини ўргатади. Мухаррир адабий таҳрир ва амалий услубият туфайли эга-кесим мослиги, қандай ҳолларда бир сўзни такрор қўллаш мумкин ёки ўринли эканлигини, жумла тузиш қоидалари ҳамда меъёрларини билиб олади. Аммо амалиётдаги тажрибадан маълумки, услубиятнинг барча қоидалари ва тавсияларини яхши билган ҳолда ҳам мухаррир таҳрир жараёнида кўпинча мос эмаслик ва бошқа тил ҳамда услугга оид хатоларни ўтказиб юборади.

Бундан ташқари матнни тузатишда, унинг ўзи айрим ҳолларда хатоликларга йўл қўяди. Демак, меъёр ва қоидалар хусусидаги билим амалда қўлланмаган бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, на амалий услубият, на адабий таҳрир мухаррирнинг тил ва услуб бўйича иши қандай ташкил этилса, юқорида қайд этилган хато ва камчиликларга йўл қўйилмайди, деган саволга тўлиқ жавобни бериши амримаҳол.

Шунга кўра асар тили ва услуби бўйича қўйиладиган асосий талабларни кўриб чиқамиз. Агар мухаррир таҳлил ва таҳрир жараёнида шуларга тўлиқ амал қилса, жиддий хато ва камчиликларга йўл қўймай, ўз вазифасини аниқ ҳамда яхши бажарган хисобланади.

Тил ва услугуб таҳлилига қўйиладиган асосий талаблардан бири – матн тили ва услубининг умумий ва ўзига хос жихатларини белгилашдан иборат. Бундай талабнинг қўйилиши, чуқурроқ фикр юритилса, сабабсиз эмас, у мустахкам асосга эга.

Муаллиф асарининг тили ва услубидаги ўзига хос томонларни асар мундарижаси ва унда фойдаланилган услубий йўсинлар йўналишини, унинг тилдан фойдаланиш ва жумла тузиш хусусиятларини, унга хос бўлган одатий хато, камчиликларни аниқлабгина муҳаррир асар услуби бўйича чуқур ўйлаган ҳамда мақсадга мувофиқ тарзда танқидий фикр юритиши мумкин.

Агар матнда ўзаги бир хил сўзнинг, яъни қуйидаги тарзда:

*Ёзбек нутқи маданияти ва услубиятини ўрганишнинг тилшуносликда ҳали ягона услуги йўқлиги учун...*

учраши шуни англатадики, муаллиф(лар) бир ўзакли сўзлар (услубияти, услуги) такрорланишини ёки сезмайди, ёки фарқига бормайди. Бундай ҳолда муҳаррир хушёрликни қўлдан бермаслиги лозим.

Асар тили ва услубининг ўзига хослигини белгилаб, муҳаррир матн тили ва услуги бўйича аниқ тасаввурга эга бўлади. Бу, агар лозим бўлса, муаллифга унинг асари хусусидаги танқидий мулоҳазаларни билдириши учун, қолаверса, матнда тузатишларни амалга ошириш учун замин тайёрлайди.

Ана шу йўл билан асарнинг тили ва услуги бўйича ўз вазифасини аниқлаб олгач, муҳаррир таҳрир ишини бошлишга киришади. Лекин бу ҳам ҳали ҳаммаси эмас. Муҳаррир муаллиф матни нимага саёзлигини, унинг нима учун бир қолипда бўлиб қолганлигини аниқлаши ҳам керак бўлади. Бундан ташқари асарнинг қимматли, арзигули жихатлари ва хоказоларни ҳам эътиборга олиши лозим.

Унча катта бўлмаса-да, муҳаррирлик тажрибаси бор бўлган мутахассис кўздан кочирган баъзи хато ва камчиликларга кейинчалик такрор ва такрор дуч келиши натижасида бундай хато мисоли унинг қўзига тушадиган

чүпдек бўлиб қолади, у бундай хатони ихтиёрсиз суратда хам пайқайди. Ана шундай малака ҳосил қилганлар таҳрир жараёнида бундай «кўз» хатоларни камдан-кам ўтказиб юборади. Қайта ўқиш пайтида муҳаррир ўтказиб юборган хатосини тутиб қолса, у бошқа бунга йўл қўймасликка харакат килади.

Бир қарашда, тўғридек туюлган, айни бир, шу билан бирга муваффакиятсиз қўлланган конструкцияни (масалан, *алоҳида аҳамият қасб этади* каби) муҳаррир кейинги ўринларда ўзгартириш, яъни бир хиллиқдан кутулиш, ранг-барангликка эришиш мақсадида матндан шундай конструкцияларни кўздан қочирмасликка харакат килади. Бундай қисмни, яъни такрорларни махсус излашга ҳожат колмайди, бундай қўллашга кўзи тушган заҳоти, ихтиёрсиз уни ўзгартиришга киришади. Унинг кўзи бундай конструкцияни мисоли бармоқ ўткир тифни ҳис этгандек илғайди.

Аммо муҳаррир кўпинча муаллиф учун одатий бўлган услугбий ноқисликни қўллёмзанинг охирларига етганда пайқайди. Бундай холатда у камчиликларни бартараф этиш учун қўллёмзани бошдан қайта ўқишига тўғри келади. Баъзан эса муҳаррир матннинг танқид қилинган бошқа жихатларини бартараф этишига киришиб кетади-да, баъзи бир «кўз» хатоларини сезмай қолади. Бундай хатолар тошлигандаги эса кеч бўлган бўлади.

Муаллифнинг одатий ҳисобланган хатоларини қўллёмзани баҳолаш мақсадида ўқилаётганда белгилаш мақбулдир. Шунда сидирға ўқиш жараёнида ҳеч нарса назардан четда колмайди. Лекин асар тили ва услубининг ўзига хослигини белгилаш мақсадида бошланган ишда энг асосийси бошқа томонда.

Аниқ мақсадни кўзламасдан, махсус таҳлил қилмасдан муаллиф услубининг ижобий ёки салбий жихатлари манбанин тўлақонли билиш, демак, асар янада такомиллашиб, камчиликлардан озод бўлиши учун муаллиф ва муҳаррир нималар қилиши кераклиги хам аниқ бўлмай қолади.

Муҳаррир асар (муаллиф) тили ва услубини аниқлашда, аввало, тиниш белгилари тўғри қўйилган ёки қўйилмаганлигига эътиборни қаратиши лозим. Барча тур адабиётларда тиниш белгиларини ўз ўрнида қўллаш қай

даражада муҳимлигини алоҳида таъкидлаш билан бирга, яна шуни айтиш лозимки, тиниш белгилари, айниқса, бадиий адабиётларда кўп қўлланади ва шу тур адабиётларда улар муаллиф услубини белгилашда муҳим аҳамиятга моликдир.

«Нима иш қилдим? Гуноҳми, савобми? Соқолим оқарганда қўлимни қонга ботирдим. Мана, ҳали ҳам бармоқларим чилт-чилл ёпишади! Йўқ, мен қизимдан сўрайман. Айт, жоним, Гулнорим, айт! Мен ёлгиз санинг қаршингда гуноҳкорман. Сан айт маъқул бўлдими? Бу қон оз десанг, яна тўқаман. Ҳаммасини қираман.

Албатта, бу қон бир томчи. Бундайлардан мингтасининг қони бир тола сочингга арзимайди. Биламан, қизим. Ҳаммасини қираман, даданг энди қўрқмайди. Улар энди хўжайн эмас манга, қизим, елкамга хўп минишди. Энди бас! Кўзим очилди, Гулнор. Лекин, бу кўз қургур жуда кеч очилди. Юрагимга заҳар юргурганда очилди. Юрагим сан эдинг, Гулнор. Кўзим илгари очилган бўлса эди, ман ўз юрагимни бўриларга едирапридим?! Тонг-ла маҳшарда қай юз билан санга боқаман? Қизим, кечир, бу адашган кўр дадангни кечир! Гуноҳимни заррача кечиришинг учун қўлимни қонга тиқдим. Оппогим, Гулнор, кечир... эвоҳ, эсиз умр, эсиз қизим.

Атоқли адид Ойбек қаламига мансуб бу монологни ўқир экан, энг бағри қаттиқ инсон ҳам Ёрматнинг зор қақшाहтган юрагидан қон янглиғ сиркираб чиқаётган сўзлардан, сўзга айланган аччиқ алам, мусибат, тақдирнинг шафқатсиз зарбасидан ларзага тушади, кўзида ёш ҳалқаланаётганини сезмай қолади. Хўш, муаллиф бунга қандай эришган? Таъсирчан сўзлар ва ибораларни қалаштирибми? Йўқ, тиниш белгиларидан ўринли фойдаланиб, уларни жой-жойида ишлатиб эришган.

Асар тили ва услубининг мукаммал бўлиши учун қўйиладиган биринчи талабни далиллаш мақсадида бошқа сўзга ҳожат бормикан!

Услубни баҳолаш, тузатишлар киритиш, айрим қайдларда мулоҳазалар билдиришда субъективлик (бир ёқламалик)ка йўл қўймаслик – иккинчи талаб ҳисобланади.

Субъектив ружуни матнга услубий ўзгартириш киритишнинг объектив заруратлиги билан алмаштираслик, ўқувчига эга бўлиш муҳарриликнинг энг қимматли жиҳатларидан бири саналади. Тилга нисбатан фарқсиз кишилар бўлмайди. Кўп ҳолларда, кузатилишича, айрим муаллифлар **авваламбор, бетакрор, нафақат, рўёбга чиқди** каби сўз ва сўз бирикмаларини ёқтиради ва ўз ёзишмаларида улардан зўр мамнуният билан фойдаланади. Муҳаррир эса буларни хуш кўрмайди ёки аксинча.

Агар муаллиф муҳаррир ёқтирган конструкциядан сал четлашса тамом, муҳаррирда муаллиф нуткини ўз қолипига солиши учун кучли иштиёқ туғён уради. Буни бажаргач: ана энди яхши бўлди, таъсирчанлика эришдим, ҳам содда, ҳам тушунарли, дея енгил тортади.

Кўпгина услубий тузатишларнинг субъективлиги, ўз маромига солишига интилишларни тушунса бўлади. Бу файришуурый истак ҳар бир таҳрир қилувчининг матн, аввало, ўзи учун тушунарли бўлиши руҳияти билан боғлик. Ким бўлмасин матнни ўқир экан, уни фикран эсда сақлаб қолиш учун ўзига яқинлаштиради.

Одатда, муайян нутқда ифода топган умумий мазмунни руҳий жиҳатдан тушунишга қисқартирилган ёки умумлашган тарздаги матн туфайли эришилади. Бунда баъзи мантикий-синтактик конструкцияларни айрим аудиторияга мўлжаллаб, кайта тузишга тўғри келади. Муҳаррир учун эса ҳар қандай мантикий-синтактик конструкцияни тушуниш муҳимдир. Агар мантикий-синтактик конструкциялардан бирини ўзгартириш лозим бўлса, бу конструкция муҳаррир учун тушунарсиз бўлгани туфайли (муҳаррир тушуна олмаганлиги учун эмас) ўзгартирилмайди, балки нашр максадига тўғри келмаслиги ёки ўқувчилар учун мувофиқ эмаслиги туфайли ўзгартирилади.

Кўпчилик муҳаррирлар муаллиф фикрлаш тарзининг ўз фикрлаш тарзларидан фарқ килса, буни муаллифнинг услубий хатоси сифатида баҳолайдилар. Хатони эса тузатиш



керак, натижада субъектив тузатиш — матнни қайта ишлаш бошланади. Мустаҳкам қарор топған, одатий, синовдан ўтган конструкция бошқача қўлланган, гайриодатий, кам учрайдиган конструкция ўрнини эгаллади, чунки у ёмон, муваффақиятсиз чиқкан туюлади.

Баъзи мисолларни келтирамиз:

*Анчагина гаплар бўлиб ўтди* — ёзади муаллиф. *Кўп гаплар...* тузатади мухаррир.

*Аста-секин* — гап бошлайди муаллиф. *Секин-аста* — тўғрилайди мухаррир.

*Инсонгарчилик бундай бўлмайди* — муаллифда.

*Одамгарчилик бундай бўлмайди* — мухаррир тузатиш киритади.

*Мустақил ҳаётга қадам ташлаётган* — деб жумла тузади муаллиф.

*Мустақил ҳаётга қадам қўяётган* — таҳрирдан чикаради мухаррир.

Мана шу тарзда ёқинқирамаган ва/ёки ёқмаган сўзлар, бирикмалар муаллиф матнидан ўз ўрнини одатий, таниш ва суюмли бўлиб қолганларга бўшатиб беради.

Мухаррир ва муаллифнинг фикрлаш йўсини, нутқ услуби турли бўлиши мумкин. Масалан, муаллиф саводли, ёркин ва аниқ ёзиши, лекин қисқа, лўнда бўлмаслиги, қандайдир узоқдан бошлайди, кўп сўзли бўлади, мухаррир эса, аксинча, қисқа, лўнда таъсиранликни ёқтиради. Муаллиф тасвирга зўр берса, маънолар бўёқдорлигига эътибор қаратса, мухаррир тасвирий — таъсиран воситаларсиз, анча қуруқ тилдаги баённи маъқул кўради. Нима қилиш керак, мутаносибсизликдан қандай кутилса бўлади? Бунинг ягона йўли — мухаррир иродасини жамлаши, яъни ўзини ўзи ентиб, муаллифни баён тарзи учун эмас, балки тил воситаларидан ўринсиз фойдалангани учун танқид килиши керак. Нима бўлганда ҳам қайта ёзиб чиқмаслиги, матн киёфасини ўзгартирмаслиги лозим.

Баъзан муаллиф услубини субъектив баҳолашга мухаррирнинг билими етишмаслиги ёки хаддан ташқари эҳтиёт бўлишга интилиши ҳам сабаб бўлади. Айрим мухаррирлар сўзларнинг кўп маъноли бўлишларини унугиб қўядиларми, ҳар ҳолда ўзига яхши маълум бўлмаган маънода қўлланган

сўзни муаллиф хатоси ҳисоблайдилар. Натижада қўлёзма матни четида танқидий фикр пайдо бўлади.

Кўйидаги муаллиф матнига эътибор берайлик:

... Қизлар, мактабдан озод бўлиб, кўчага отилган болалардек, чуввос билан турдилар, ипларини, дугларини халтачаларга шоша-пиша жойлаб, ҳовлига тушдилар. Бир гала шўх, шод, етилган қизлар, қайслари сақич чайнайди, қайси бирлари «чанг» чалади. Арслонқул уларни **қисилтирмаслик** учун орқага чекилди. («Навоий», 209-6.)

Мазкур парчада муаллиф ижод лабораториясига — индивидуал услубига хос қўлланган икки сўз бор: *етилган*, *қисилтирмоқ*. Мухаррир буларни ўзгартириши мумкин эди, лекин ўзгартирилмаган ва бизнингча, тўғри қилинган.

Қўлёзмани тузатиш ва қайдлар қилишдаги яна бир субъективлик — кўр-кўrona бошқалар фикрига қўшилиш. Масалан, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши муносабат билан айрим сўзлар истеъмолда пайдо бўлади. Бундай сўзлар адабий тил меъёрларига тўғри келмайдиган, архаик сўзлар бўлиб, адабий нутқга зўрма-зўраки тиқиширилади.

*Олийгоҳ, мұхандис, дорилфунун, тайёрагоҳ.* Булар матбуотда, радио ва теленутқда қўллана бошлагач, гўё мақбулдек туюлиб, турли соҳа ходимларини ҳам ёзма, ҳам оғзаки нутқида учрай бошлади. Мухаррирлар ҳам булар қай даражада илмий эканлигини суриштиrmай ўтказиб юборадилар ёки ўзлари ҳам қўллаб-куvvatлайдилар. Бугунга келиб, юкоридаги сўзлардан ҳануз *олийгоҳ* қулоққа чалиниб ва кўзга ташланиб келмоқда. Аслида, бу сўз ясама: *олий + гоҳ*. Лекин *гоҳ* қўшимчаси факат от туркумига хос сўзлардан жой номи ясади, яъни *жанггоҳ, лашкаргоҳ* ва х.к. Олий сифат туркумига оид, шу туфайли унга *гоҳ* қўшиб сўз ясаш илмий жиҳатдан тўғри эмас. Сўзлашув услубида *олийгоҳ* гўё мақбул туюлса-да, лекин адабий тил нуқтаи назаридан ўринсиз. *Олийгоҳ* — олий жой маъно ифодасини беради ва мантиқан жоиз эмас.

Тўғри, айрим муаллифлар тил бойлиги — сўзлардан ижодий фойдаланадилар. Ўз фикрлари таъсирчанлитини

ошириш мақсадида айрим кўп маъноли сўзларнинг камдан-кам учрайдиган маъноларига эътиборни қаратадилар ва индивидуал кўллайдилар. Мухаррир барча ҳолларда ҳар бир қўллашни зийраклик билан таҳлил қилиш, агар сўз тил қоидаларига зид қўлланмаган-у, хамма гап контекстга боғлиқ бўлса, унда «ёмон» сўз «яхши» сўз бўлмайди. Бунда факат сўзга объектив баҳо бериш, мазкур матнда у яхшими, ёмонми эканини аниқлаш лозим. Булардан ташқари, матннинг вазифаси ва ўзига хос жиҳатини ҳам назарда тутиш зарур.

Мухаррирнинг матн тили ва услубини таҳлил этишда яна бир мухим вазифаси қўллёмзада учраган чет сўзларга алоҳида эътибор беришдан иборатдир. Ўз тилда муқобили бўлган чет сўзларни, гарчи муаллиф уларни яхши кўрсада, қўллаш, аввало, ўз она тилига ҳурматсизлик саналади, қолаверса, муаллифнинг ё саводсизлиги ёхуд она тилига фарқсизлиги ҳисобланади. Натижада соғлом фикр, соғлом дид камситилган бўлади.

Мисол тарикасида қўйидагиларни келтиришимиз мумкин: *бардавом*, *баркамол*, *бетакрор*, *нафақат*; диний-маърифий мавзудаги нуткларда *самовий-арозий* жуфт сўзлар учрайди.

Сўзларни маъносига кўра таҳлилидан маълум бўладики, *бардавом*, *баркамол* — форсча ясама сўзлар. *Бар* олд, ясовчи қўшимча харакат оти ва от сўзга қўшилиб сифат ясайди (форс тилида). Агар ўзбек тилига калкаласак қўйидаги шаклга келади;

*-бар* — *ли*, *давом* — *давом*. Бизнинг тилда ҳар қандай қўшимчалар сўз кетидан қўйилади, шунга кўра *-ли* сўз охирига тушади, яъни *давомли*.

*Баркамол* ҳам шундай. Лекин бунда *давомли* сингари ҳолатни кўрмаймиз, чунки, *камолли* қандайдир файриодатий, сунъий туюлади. Бунда таҳлилга кўра шу нарса ойдинлашади:

*Бар* — форсча, олд ясовчи қўшимча, *камол* — арабча, от. Форс тиллилар ўzlари учун ўз тилларидағи олд ясовчи қўшимча ёрдамида арабча *камол* от туркумидаги сўздан сифат ясаган — *баркамол*. Бу улар учун меърий. Лекин

ўзбек тили учун бу ясама сифатни сунъий тиқишириш (гүё нутқ таъсирчан, гўзал бўладигандек) тўғри эмас.

Энди ҳар икки сўзни контекстда таҳлил этамиз.

*Бундай учрашувлар бардавом бўлишига тилакдошимиз.*

*Фарзандларимиз баркамол бўлиши учун барча шарт-шароитларни яратиш лозим.*

Киёсланг:

*Бундай учрашувлар давомли бўлишига тилакдошимиз.*

*Фарзандларимиз комил бўлиши учун барча шарт-шароитларни яратиш лозим.*

Агар мақсад бир хилликдан кутулиш, ҳар хилликка, таъсирчанликка эришиш бўлса, унда ўз тилимиздаги лексик ва синтактик синонимлардан фойдаланиш мумкин. Биринчи жумлада: *доим, ҳар доим, мунтазам, ҳамиша, кўпкўй* ва х.к.

Иккинчи жумлада: *комилликка эришишлари, камол тошишлари, комил инсон бўлишлари, камолотга етишишлари, комиллашувлари* ва х.к.

Демак, радио, теленутқда, матбуотда ёки қайсиdir арбобнинг нутқида бирор сўз ёки бирикмани учратиб қолсангиз ва у қулоғингизга, кўзингизга янги чалинса-да, кўр-кўронада қабул қиласермаслик, она тил — адабий тил меъёри нуқтаи назаридан чуқур мулоҳаза қилиш муҳаррир учун ҳам фарз, миллий тил олдида ҳам карзидир.

Субъектив муносабат яна муҳаррирнинг силлиқланган, табиий ўзига хосликдан маҳрум нутқ учун курашишида кўринади. Бундай муҳаррирлар бошқача қўллашлардан бирор чатоги чиқиб қолмасайди, деган хавотирда бўладилар.

Нуфузли нашр (журнал)лардан бирига муаллиф томонидан мамлакат етакчи партия, ҳукумат органларида, шунингдек, жайдари матбуот саҳифаларида тил ва услубга оид хатолар ўтиб кетаётганлигини аниқ мисоллар орқали таҳлил этиб берилган материални «Матбуот жами-

ят кўзгуси» сарлавҳаси остида эълон қилиш учун тақдим этади.

Тахририят мухаррири нуфузли газеталарда йўл қўйилган тил ва услугга кўра хатолар таҳлил этилган ўринларни кесиб ташлайди ва факат жайдари газеталарга тааллукли гапларни колдиради. Бу билан мақоланинг қиммати, дол зарблигига путур етгани камлик қилган кўринади, сарлавҳа ҳам ўзгартирилади: «Тилга эътибор — элга эътибор»?! Изохнинг ҳожати йўқ!

Тўғри, ким бўлмасин матнни услубий жиҳатдан танқид қилмасин, тўғриламасин, у асарни яхшилашга уринади. Лекин у бунда оқилона, объектив талабни субъектив иштиёқдан фарқлай билмаса, услугни яхшилаш ўрнига уни ўз дидига мослаштиради, ўзи суйган қўйга солади.

Ўз иштиёқи ва инжиқларидан устун келиш учун тил конунларини билиш ва матнни шу матн асосида танқид қилиш лозим, шу билан бирга контекстнинг ўзига хослиги ва вазифаси нимадан иборатлигига асосланиш керак. Матнни тил ва услуг жиҳатдан тўла таҳлил қилишда мухаррирга мана шулар жуда зарурдир.

Мухаррир кўллэzmанинг тил ва услугга кўра таҳлил ва таҳрир қилишида адабий тилдаги меъёрий услубият қоидалари ва тавсияларидан эҳтиётлик билан матн мақсади, вазифасини назарда тутган ҳолда, хушёрлик кўрсатиб, фойдаланиши лозим. Агар муаллифга баъзи эътиrozлари бўлса, шуларга асосланиши талаб этилади. Мухаррирлар олдига бундай талабни қўйишнинг икки сабаби бор: биринчидан, айрим мухаррирлар услубият қоидалари ва тавсияларидан ўринсиз, бир ёқлама фойдаланади, контекстнинг ўзига хослиги ва вазифасини мутлақо ҳис этмайди; иккинчидан, асар тили ўта нозик масала, қотиб қолган бир қолипдалик уни абгор қилиши мумкин, асло яхшиламайди. Агар қуйидаги матн тузатишга мухтож, десак тўғри бўладими:

*Ижтимоий-маданий тарих кечишида Шарқ билан Farb қанчалик фарқланмасин, уларга тегишили ва белгиловчи бўлган умумийлик ичida жаҳоний миқёсидаги чуқур интеллектуал — бадиий ҳодиса сифатида маърифатпарварлик ҳаракатчанлиги алоҳида ўрин тутмади*

ди. Айни вақтда Европа илміда уни (кенг маңнода мағрифатчылыкни), асосан, VII–VIII асрлар ҳодисаси деб қарааш ҳұкмрон бўлса, Шарқнинг цивилизацийий ривожланиши тадқиқотчилари бу йўналишнинг қадимдан мавжудлигини асослайдилар. Дунёнинг бу қисмидә сугорма деҳқончилликка таянган ҳаёт тарзи дарё цивилизациялари эҳтиёжига кўра ўтроқ ва кўчманчи халқларнинг доимо ўзаро алоқада бўлишини тақозо этган. Юз бериши куттилаётган ижтимоий жараёнларнинг даставвал маънавиятдаги ўзгаришлар ва уларнинг натижалари сифатида майдонга келиши муайян динлар билан боғлиқлиги замонавий фанда аниқланган (Мағрифатпарварлик – ижтимоий-маданий ҳодиса).

Юқоридаги матнга дикқат қилинса, айрим сўзларнинг кўлланиши ва жумлалар тузилишида муаллифга хос услубни кўриш мумкин. Лекин бу ўзига хос (индивидуал)ликни тил ва услугуга кўра меъёрий, деб бўлармикин? Биринчи жумлада *кечишида* сўзи кўлланган, ўзаги *кеч* бўйруқ феъли. Унга – иш қўшимчаси қўшиб, харакат оти – *кечиш* ясалган, бу сўз *тарих* сўзи билан бирикмага киришади. Қаратқич-қаралмиш муносабатига кўра (аниқловчи-аниқланмиш талаби бўйича) *кечиш* сўзига и эгалик қўшимчаси қўшилади, натижада, *тарих* *кечиши* бирикмаси ҳосил бўлади. Бу *тарих* *кечиши* сўзи қаратқич бирикма бўлгани учун тарих сўзи -нинг қўшимчасини олиши лозим эди, яъни *тарихнинг* *кечиши* бўлиши керак. Бирок қаратқич келишик қўшимчаси тушуриб қолдирилган, мантиқан унинг борлигини ҳис этиш мумкин. *Кечиши* сўзига ўрин-пайт келишигининг қўшимчаси -да қўшилиб, пайт маъно ифодаси юзага чиққан ва бу сўз гапда пайт ҳоли вазифасини бажаради. Умуман олганда, тилнинг луғат таркибида *тарих* сўзи билан *кечмоқ* феъли ўрнида унга синоним бўладиган лексемалар – *мобайнида*, *давомида* кўлланиши ёки муҳаррир томонидан алмаштирилиши мумкин эди. Аммо *кечишида* сўзи муаллифнинг танлови ва у муҳаррир томонидан алмаштирилмаган, яъни муаллиф услуги (сўз қўллаш тарзи) сақланган. Бунга қўшилиш мумкин. Лекин жумла тузиш

бўйича муаллифнинг услуби бир оз эътиrozли. Бунда синтаксис меъёларидан четга чиқилган, гап бўлакларининг жумла таркибида жойлашуви бузилган, уларнинг бир-бири билан бирикуви мантиқан тўғри ва изчил эмас.

Жумла таркибида мантиқан мустакил гап вазифасида келиши лозим бўлган конструкциялар, гап бўлаги вазифасини ўташга «мажбур» қилинган, эга ва кесим муносабати бузилган, эга сифатловчи, аниқловчига айланган.

Биринчи жумлада муаллиф аслида Шарқ билан Farb тарихига назар ташланадиган бўлса, ижтимоий-маданий соҳаларда бир-биридан фарқ қилишини таъкидламоқчи бўлади. Арадаш қўшма гап биринчи қисми *фарқланмасин* сўзи билан тугайди. Бу қисмда таркибли эга ва кесим мавжуд. *Шарқ билан Farb* – эга, *фарқланади* – кесим. Иккинчи қисмда *ҳаракатчилиги* – эга, *ўрин тутади* – (таркибли) кесим. Шунга кўра гапнинг иккинчи даражали бўлаклари меъёрий синтаксис талабларига мос бўлмаган тарзда жойлаширилган. Мухаррир худди мана шу хусусда матнни танқид этиши ва уни муаллифга билдириши лозим эди. Аммо бундай қилинмаган, натижада, матн услубий хатоси билан босилган ва асар ҳаёт юзини кўрган. Услубий хато туфайли Шарқ билан Farb бир-биридан ижтимоий-маданий жиҳатига кўра эмас, балки ижтимоий-маданий тарих кечиши билан фарқланиб қолган.

Иккинчи қисмда *маърифатпарварлик* эга вазифасида келиш ўrniga *ҳаракатчилиги* эгага айлантирилган, хақиқий эга эса тўлдирувчи бўлиб қолган.

Чунки асарнинг номи ҳам кўрсатиб турибдики, гап маърифатпарварлик хусусида, маърифатпарварлик харакатчилиги ҳақида эмас («Маърифатпарварлик – ижтимоий-маданий ходиса». – Т.: АБУ МАТБУОТ КОНСАЛТ, 2008)

Иккинчи жумлада ҳам юқоридагига ўхшаш холни кўрамиз.

Жумла бошида пайт ҳоли вазифасида келган бирикма – айни пайтда ортиқча.

Тўғридан-тўғри Европа илмida, деб бошлиш тўғри бўлади, чунки фикрнинг ҳукмронлиги айни пайтгагина тааллуқли эмас. Агар шундай бўлса, аввал қандайлитини айтиб ўтиш талаб этилади.

Ваҳоланки, бундай эмас. Учинчи жумладаги *цивилизацияйи ривожланиши тадқиқотчилари* конструкцияси ҳам синтактик жиҳатдан мақбул эмас. Цивилизация сўзи лотинча бўлиб, кишилик жамияти ривожидаги уч босқичдан бири, яъни *ижтимоий ривожланиш босқичи* маъно ифодасини билдиради.

Шунга кўра цивилизация ва ривожланиш сўzlари бирикмага нотўғри киритилган. Агар мухаррир тил ва услуб меъёри — синтактик меъёр бўйича таҳлил этганида, муаллифга ҳақли эътиroz билдириши ва ҳатто, конструкцияни *Шарқ цивилизациясининг тадқиқотчилари* тарзида муаллифга ўзгартиртириши ёки ўзи таҳrir қилиши мумкин эди.

Учинчи жумлада *тарзи* — эга, *тақозо* — этган — таркибли кесим. *Дарё цивилизациялари* бирикмасини муаллиф ёрдамида аниқлаштириш лозим эди. Бу қандай цивилизация? Кўлёзма ҳошиясига шундай савол ёзиб қўйиш ва унинг жавобини муаллифдан талаб қилиш мақсадга мувофик бўлади.

Тўртингчи жумлада ҳам эга — кесим ва иккинчи даражали бўлаклар мутаносиблиги бузилган. Кесимга боғланадиган бўлак, эгага боғланадиган бўлаклар ўз ўрнида эмас.

Жумлада гап нима ҳакида бораётганини аниқлаш мақсадида синтагматик таҳлил қиласиз.

*Юз бериши кутилаётган ижтимоий жараёнлар + нинг;*  
*(даставвал) маънавиятдаги ўзгаришлар ва уларнинг на-*  
*тижалари;*

*(сифатида) майдонга келиши;*  
*(муайян) динлар билан боғлиқлиги;*  
*замонавий фанда аниқланган.*

Демак, агар биз айтилмоқчи бўлган фикрни шартли равиашда *Ф* деб белгиласак, унда *Ф* замонавий *фанда аниқланган* бўлади. Муаллиф билан мухаррир услуб талаби асосида *Ф* ни ташкил этувчиларни жой-жойига ҳоким — тобе муносабат асосида қўйиб чиқишилари ҳамда морфологиясини тўғрилашлари, боғловчиларни қўйишилари, тиниш белгиларини аниқлашлари керак бўлади.

Жумлани тўғри тузиш учун қуйидаги саволга жавоб топиш керак.

## **Замонавий фанда [нима] аниқланган.**

Жавоб: Замонавий фанда [юз берши кутилаётган ижтимоий жараёнлар(нинг)] аниқланган.

Замонавий фанда [дастравал маънавиятдаги ўзгаришлар] аниқланган.

Замонавий фанда [ва уларнинг натижалари сифатида майдонга келиши] аниқланган.

Замонавий фанда [муайян динлар билан боғлиқлиги] аниқланган.

Катта қавс ичидаги конструкциялар гапнинг кесимига боғланяпти. Демак, жумла замонавий фанда биримаси билан бошланиши ва аниқланган (кесим) билан тугаши лозим. Бу грамматик меъёр талаби. Бироқ гапда эга ва кесимнинг анъанавий (меъёрий) жойлашмаган ҳолатлари хам бор, энди бу услуг билан боғлик. Масалан, бадиий нутқда. Биз мисол келтирган асар ўқув адабиётлар сирасига киради. Бундай асар тили илмий ёки илмий-оммабоп бўлиши керак (кимларга мўлжалланганига кўра). Шунга кўра муҳаррир муаллиф олдига шундай талаб қўйишга ҳақли. Бундан ташқари гап фақат эга-кесим ўз ўрнида эмаслигида эмас, аслида бу хам сабаб бўлган, жумлалар жуда фализ. Муаллиф(лар)нинг тил ва услуг бўйича саводи кониқарли эмас. Китобнинг аннотациясида асар кимларга мўлжалланганлиги кўрсатилган.

*«...Ўзбек халқи ижтимоий фикри тарихи, маънавий-маърифий фаолияти ва миллий гоя таргигботи билан қизиқувчиларга, биринчи навбатда, олий ўқув юртлари, шунингдек, ўрта маҳсус, касб-ҳунар тизими талабаларига мўлжалланган».*

Лекин биз мисол тариқасида таҳлил этган парча на тил, на услуг жиҳатдан аудиториясига мос эмас. Бундай жумлалардан нима дейилмоқчи эканлигини ўрта маҳсус таълим тизими ўқувчилари англаши амримахол. Муаллиф ва муҳаррир аудитория учун мос услугни танлаши керак эди. Бу услуг аудитория таркибига кўра илмий-оммабоп услугбидир.

Баъзан шундай ҳам бўладики, атоқли адаб қаламига мансуб асарларни таҳрир қилишда муҳаррирни муаллиф-

нинг салобати босадими, ҳар ҳолда айрим услубий хатолар ўтиб кетади. Масалан:

*Хўжа Афзал ҳеч нима дейишни билмай қолди* («Навоий», 263-б.)

*Бир неча кундан сўнг Навоийнинг Яқуббекка совгасаломларини олиб, меҳмонлар жўнаб кетди. Бир неча ҳафтагина Навоийнинг олдида тун-кун бирга бўлиб, ...* («Навоий», 264-б.).

Биринчи жумладаги услубий хатони икки талкинда бартараф килиш мумкин. Биринчи талкинга кўра ҳеч сўзи қисқартирилади: *Хўжа Афзал нима дейишни билмай қолди*. Иккинчи талкин — *Хўжа Афзал ҳеч нима деёлмай қолди*.

Муаллифнинг услубига кўра аслида ҳеч сўзи ўрнида бирон сўзи бўлиши керакка ўхшайди. Яъни: *Хўжа Афзал бирон нима деёлмай қолди*.

Мухаррир бундай тузатишни амалга оширганда хам муаллиф услубига путур етмасди, аксинча, у сайқалланган, таъсирчан, шу билан бирга нутқ эгасининг муайян вазиятдаги ҳолатига мос ифода намоён бўлади, адресатнинг лол қолганлик даражаси хаддан юқорилиги аён сезилади. Адид ёзади:

*Гоҳо шоирни, гўё уйқу босгандек, чарчоғлик эгаллаб олади. Ёки қаламни олиб илҳомнинг шафақдай соғ, рангоранг булутларига ўралади-да, тогларда оромбахш уйқудан тонг еллари билан уйгонган кишидек ўзини енгил сезади.*

Мазкур парчанинг ... тогларда оромбахш уйқудан тонг еллари билан уйгонган кишидек .... кисмiga эътибор берайлик. Бу кисмда сўз бирикмалари бир-бири билан муносабатга киришида мантиқий хатолик борлиги тилшунослик (синтаксис) нуқтаи назаридан мавжуд. Лекин, бу агар адид услубига хос жиҳат бўлса, унда мухаррир муаллиф услубини сақлаб колиши мақсадида тузатиш киритмаган бўлиши хам мумкин. Аммо услубият нуқтаи назаридан шулар тар-



кибидаги синтагмалар жойлашиши мантиқан түгри эмас. Агар матн илмий асарга оид бўлганда, унда муҳаррир бундай файриодатий (файриилмий) қўллашни түғрилаши, бундан ташқари, матбуот матнида учраса ҳам матбуот тили оммабоп бўлишилиги туфайли ўзгартириш талаб этилади. Қисм тузатишдан сўнг қўйидаги кўринишни олади.

*«... тогларда тонг еллари билан оромбахш уйқудан ўйгонган кишидек ўзини енгил сезди».*

Бу конструкцияда *уйгонмоқ* феъли уйқу (от туркумидаги сўз) билан ёнма-ён келади ва мантиқан түгри бўлади. Ёки муаллиф мазкур конструкцияни яна бир бошқача тузиши мумкин.

*«... ўралади-да, ўзини тогларда тонг еллари билан оромбахш уйқудан ўйгонган кишидек енгил сезади».*

Муҳаррир услугуб талабига кўра юқоридаги уч хил талқиндан асар тури, мазмун-мундарижаси учун мосини танлаб олиши ва бунга муаллиф(лар)ни ишонтира билиши лозим.

Хуллас, кимда ким матнни услугуга кўра танқид килар ёки тузатар экан, албатта, у матнни асосан яхшилашга интилади. Бироқ муҳаррир объектив талаблар билан субъектив иштиёқни фарқлай билмаса, унда матнни яхшилаш ўрнига ўз измига бўйсундирган бўлади, ўзи учун тушунарли ва мақбул бўлишига эришади. Бунга бир томондан, ўз одати, иккинчи томондан, муаллиф нуфузи таъсир этади.

Демак, муҳаррир хар қандай субъектив инжиқликлардан юқори туриши, тил қоидаларини яхши билиши, матнни фақат унга асосланибина танқид қилиши, контекстнинг ўзига хослиги ва вазифасига кўра баҳолаши керак.

Тил ва услугуб таҳлилида муҳаррир учун мана шулар зарур саналади.

Муҳаррилар учун қўйиладиган яна бир талаб — меъёрий услугубиятдан эҳтиётлик ва хушёрлик билан фойдаланишдан иборат. Бундай талабни қўйишликка икки сабаб бор.

Биринчиси, баъзи муҳаррилар услугубият қоидалари ва тавсияларидан қўпол тарзда, бир томонлама фойдаланади, контекстнинг ўзига хослиги ва вазифасини инобатга ол-



майди ёки тушунмайды. Иккинчى сабаби – асар тили, бу нихоятда нозик масала, бир тахлитдалик уни яхшилашга олиб келмайды, балки абгор қиласы.

Күйидаги иккى матнни қиёсланг:

Мухаррирнинг сарлавҳа ва матнни ўзгартириши ўринлимикин? Сарлавҳа: МАТБУОТ – ЖАМИЯТ КЎЗГУСИ

Матбуотни заҳматкаш қалам аҳлининг доимий фаолият майдони, ижод устахонаси дейиш мумкин. Унда тафаккурнинг, тилнинг фикрий ва хиссий, мантиқий ва мажозий, умумий ва хусусий сифатлари ажойиб бир тарзда намоён бўлади.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши миллий тил мавқеини тиклаш, унинг тил амалиётидаги – жамиятдаги ўринини белгилаш, қадр-қимматини муҳофаза қилиш йўлидаги улкан тарихий воқеа бўлди. Матбуотда туб, туркӣ – ўзбекча сўз ва ибораларни излаш, янгисини ясаш, ижод қилиш устувор жараёнга айланиб бормоқда. Бу жараён адабий тилнинг, шу жумладан матбуот тилининг ҳам, бир қолипдаги маромлар, ўзгармасдек бўлиб қолган луғат таркиби, баландпарвоз баён услуги андозаларидан кутулишига хизмат қилмоқда.

Миллий матбуот жамиятимизнинг кўзгуси. Чунки матбуотда факат энг сўнгги янгиликлар, воқеа-ходисалар акс этибина қолмасдан, балки жамиятнинг глобаллашуви жараёни ҳам акс этади. Инсонлар газета, журналларда чоп этилаётган хар бир факт, айтилаётган фикр – фоянинг тўғрилигига, таҳририят ходимлари юксак маънавиятли, дунёкараши кенг ва ҳалқ манфаати учун сидқидилдан хизмат қилишга интигурунчи олижаноб кишилар эканлигига ишонч ҳосил қилмоқдалар. Шу сабабли ҳалқимиз матбуотга алоҳида ҳурмат билан қараб, журналистларни жамиятимизнинг энг зиёли кишилари, деб билишади.

Юртимиз мустақилликка эришгач, матбуотимиз ҳам ижобий томонга ўзгарди, айниқса, марказий нашрлар мазмунғоя ва сифат жиҳатдан такомиллашди. Бирок, баъзи газета ва журналлар сифат жиҳатдан юкоридаги талабга жавоб бермаяпти. Улар адад ортидан қувиб, гўё ўқувчиларни

жалб қилиш учун турли шов-шувли мақолалар, олди-кочди воеа-ходисалар хусусида, миллий менталитетимизга мос келмайдиган, чукур мулоҳаза билан тайёрланмаган материаллар, хориж нашрларидан (айниқса, Интернетдан) хомхатала таржималар, турли бош оғриғи — бошқотирмалар билан саҳифаларини тўлдириб ташламоқда.

«Бемаза қовуннинг уруғи»дек кўпайиб кетган (улар асосан тижорат мақсадига бўйсундирилган) нашрлар фарбда «сариқ матбуот» деб аталади. Биз уларнинг тусини эмас, сифатини назарда тутиб, «жайдари» дейишни маъқул кўрдик. Ушбу газеталарнинг материалларини мутолаа қилганингизда савияси пастлигидан ташқари, тил ва услуб жиҳатдан ҳам нокис, ҳам мантиқан саёз эканлиги аён бўлади. Ҳозирда айрим шундай нашрлар борки, берилаётган материалларни ўқиб, ундаги мантиқсизликдан, имловий, услубий хатолардан қўнглингиз хира бўлади. Масалан, «Даракчи», «Оила шифокори», «XXI аср», «Дилбарим», «Бекажон», «Хордик» газеталарида имловий, тил ва услугба оид хатолар анчагина учрайди.

Бундан ташқари, синонимлардан фойдаланишда ҳам кўп хатоларга йўл қўйилмоқда. Синонимлар ўзаро маънодosh бўлса-да, лекин маънолари айнан эмас, уларни ишлатишнинг ўзига хос ўрни мавжуд. Масалан, энг кўп кўлланиладиган *керак*, *лозим*, *шарт* синонимларига эътибор берсак, уларнинг ҳар бири ўзига хос услубий бўёққа эга ва бири ўрнига иккинчисини ўринсиз ишлатиб бўлмайди.

Кўпгина ёзувчilar синоним билан таржимани фарқлай олмайдилар. Бир гапда ўзбекча муқобили берилса, бошқа гапда русча ёки бошқа тилдаги таржимаси берилади. «Халқ сўзи» газетасидан олинган қўйидаги мисолга эътибор берайлик.

*«Қўшиқ ёзувчи шоир, композитор ва бастакорлар давр талабига жавоб берадиган қўшиқларни кам яратишмоқда».*

Аслида композитор билан бастакор икки тилда бирбирининг муқобилидир. Ҳар икковини бир гапда ишлатиш мантиқан тўғри эмас. Ундан ташқари, қўшиқка бўлган давр талаби қандай?!

«Дилбарим» газетасининг 2009 йил 29 октябрь сонининг 3-бетида берилган «Болалиги ўғирланган қиз» мақоласининг матнида ғализ жумлалар учрайди. Масалан:

*«... ва ўзининг аҳволи яхши эканини билдириб қўймоқчи бўлаётганини ургулади».*

Бу жумладаги *ургулади* сўзи нотўғри қўлланган. Умуман, жумла ўзбек адабий тили меъёрларига мос келмайди. Ўша газетанинг юкоридаги сони 4-бетидаги «Аддиксия дедингизми?» сарлавҳали материалнинг биринчи жумласи сўзлашув услугуга хос.

*«Шифокорлар тилида «аддиксия» деган атама бўлиб...».*

Аслида «шифокорлар тили» эмас, балки «тиббиёт илмида» ёки «тиббиёт соҳасида» бўлиши лозим. Чунки матбуот матнлари сўзлашув услубида эмас, илмий-оммабоп услубда бўлиши керак. Бундан ташқари, кўпинча келишик қўшимчаларини тўғри қўллашга тил саводи етишмайди. 9-бетдаги *«Жексонни хотирлаган икки энг зўр гоя!»* сарлавҳали матнда *«Дунё мусиқа ихлосмандлари ни қизиқишини тўлақонли...»* жумласида *«ихлосмандлари»* сўзига қаратқич келишиги қўшимчаси *-нинг* қўшилиши лозим.

Бошқа газеталарнинг матнларида хам шу хил камчиликлар, албатта, кўзга ташланади. Биринчи мисолда сўз нотўғри қўлланган. Иккинчи мисолда услубий хатога йўл қўйилган. Учинчи мисол эса, грамматик хатога эга.

Жамият глобаллашуви шароитида миллий маънавиятни, мустақиллик мағкурасини, ижтимоий тафаккурни шакллантиришда ва қарор топтиришда, иқтисодий ҳаётни ислоҳ қилишда ва миллий ўзликни англашда матбуотнинг ўрни ва таъсири бекиёс. Шундай экан, матбуот матнларини оммабоп, тушунарли, таъсирчан, ишончли ва асосли факт, маълумотлар билан тил ва услугуга хос камчиликлариз ўқувчига етказиш таҳлил ва таҳrir жараёнини алоҳида масъулият, ўткир зехн, саводлилик ва маҳорат билан амалга оширишни талаб этади.

Миллий маънавиятни, ижтимоий тафаккурни шакллантириш ва қарор топтиришда, миллий ўзликни англашда матбуотнинг ўрни ва таъсири чексиз. Шундай экан, мат-

буот матнларини оммабон, тушунарли, таъсирчан, ишончли ва асосли факт, маълумотлар билан тил ва услугуга хос камчиликларсиз ўқувчига етказиш таҳлил ва таҳрир жараёнида алоҳида масъулият, ўткир зеҳн, саводлилик ва маҳорат билан амалга оширишни талаб этади.

Шундай қилиб, юкоридаги айтилганларга амал қилиш учун одатий мөъёрий-услубий хатоларни илғаш, бартараф этишга ёрдам берадиган мантикий ҳамда тил, услуг нуқтаи назаридан таҳлил усуулларини билиш, шунингдек, бу усуулларни малака даражасига етказиш учун амалиётда ривожлантириш лозим. Зеро, бундай малакага эга бўлинмаса матнни териш, босиш вақтида ўтиб кетган, тилга оид кўплаб, аксарият холларда тасодифий хатоларни, услугудаги нуқсонларни тутиб қолиш амримаҳол бўлади.

## МАТНДА ТУЗАТИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Асар матни (қўлёзма)ни тузатишга киришишдан олдин муҳаррир матн билан танишади ва синчиклаб таҳлил қиласиди. Матнни филологик нұқтаи назардан анъанавий таҳлил қилиш ва таҳрир амалиёти хусусида бир оз тўхталиб ўтамиз, зеро, матнни тузатиш бўйича буларсиз айтилмоқчи бўлган фикр тўлиқ бўлмайди.

«Тил ёрдамида мураккаб маълумотларни инсон томонидан қайта ишлаш жараёнини ўрганиб, психолог (руҳшунос) лар эришган натижалар таҳрир амалиётидаги мавжуд матн таҳлили усусларини тушунишга ёрдам беради»<sup>1</sup>.

Таҳрир усули асосий эътиборни матн талқин (вариант) ларини қиёслашга асосий эътиборни қаратади. Бунда, яъни қиёслаш жараёнида, табиийк и, тузатишлар киритилади, натижада матннинг икки талқини юзага келади: биринчиси, мувваффақиятсиз чиққани: иккинчиси — тузатилган. Ахборот технологиялари ривожланган ҳозирги кунда матнни қиёслаш усулида янги қадам ташланди. Бунга муҳаррирнинг меҳнати замонавий техника воситалари билан таъминланганлиги сабаб бўлди. Муҳаррир матн талқинларини қиёслаш учун, уларни бир вақтда дисплей экранига чақириш имконига эга бўлди. Бундай қиёслаш ҳам ишонарли, ҳам қулай. Чунки икки қиёсланувчи талқин муҳаррир кўз ўнгига яққол намоён бўлади.

Фарб таҳрир назариясида муҳаррирнинг таҳрир олди матн таҳлилида тажрибавий усул алоҳида ўрин тутади.

<sup>1</sup> Карапнг: Накорякова К.М. Лингвистика и редактирование. Из истории анализа текста // Книга: Исследования и материалы. — Москва. 1988. 55 — 68-6.

«Тилшунослик тажрибаси» деган термин фан тилига Л.В. Шчерба томонидан киритилган бўлиб, унинг мазмуни қўйидагича тушунтирилади.

Бирор сўз ёки бирор иборанинг маъноси ҳақида фикр билдиришда бир қатор турли ибораларни келтириш мумкин. Тилшунослик тажрибаси сўз бири иккинчисини алмаштириб ёки ўрнини ёхуд ифодасини ўзгартириб, эркин бирикмага киришишида маъноли фарқланишини кузатишдан иборатдир.

Мазкур усул натижасига кўра «салбий тил материали» деган тушунча пайдо бўлди. Муваффакиятсиз фикр ифодасига нисбатан «бундай дейилмайди» деган баҳо берилади. Салбий материал деганда тушуниш мумкин бўлмаган ёки тезда тушуниб бўлмайдиган, ёки тушуниш қийин бўлган материал назарда тутилади.

Бундай материал билан кўзда тутилган мақсадга эришиш мумкин бўлмайди. Демак, муҳаррир учун тилшунослик тажрибаси салбий тил материалини аниқлашда қўл келади.

**Услубий тажриба** усули А.М. Пешковский томонидан таклиф этилган.

Мазкур усулга кўра матнга услубий талқинлар сунъий равишда топилади. Агар тилшунослик тажрибаси тил меъёрларини излашга, тил материалини ташкиллаштириш конуниятларини аниқлашга йўналтирилган бўлса, услубий тажрибани ўтказиш адабий асар матнiga тизим сифатида карашнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади.

Ўзгартирилиши лозим бўлган унсурнинг аҳамиятини белгилаш ва баҳолаш тажрибанинг мақсади ҳисобланади.

«Хар қандай матн, агар у том маънода бадиий бўлса, биронта сўзни бошқаси билан, бир грамматик шаклни иккинчиси билан алмаштиришни, муайян қатордаги сўзларни бошқа қаторга ўтказиш ва х.к. ни истисно этади»<sup>1</sup>.

Услубий тажрибада асосий эътибор ижобий тил материалига қаратилади. Бунда сўзнинг ўрнини ўзгартириш, ёки уни олиб ташлаш, ёки бир қатор синонимлари билан алмаштириш назарда тутилади. Чунки, лингвистик таж-

<sup>1</sup> Пешковский А.М. Вопросы и методики родного языка, лингвистики и стилистики. — Москва. 1980. 133-6.

рибада грамматик синонимлар, яъни грамматик маъноси бир-бирига яқин сўзлар, иборалар ва сўз бирикмалари ўрганилади ва киёсланади. Шу йўл билан оддий назар ташлаб илғаб бўлмайдиган маънолар орасидаги нозик фарқ аниқланади.

Тилшунослик тажрибаси ва услубий тажриба таҳрир учун самарали усулдир. Улар мулоҳазалар талқинларини тузишда, салбий тил материалини аниқлашда, матнни таҳлил қилишда унинг вазифасини белгилашда ва мухаррир тузатишлари усули (методикаси)ни асослашда илмий тадқиқотларнинг натижаларига таяниш имконини беради.

Тажрибага асосланган матн таҳлили жараёни **аниқлантириши**дир. Л.В. Шчерба ва бошқа тадқиқотчи-тилшуносларнинг асарларида сўз ёки нутқ ўрами маъноларини излашга бўлган харакатни яққол кўриш мумкин.

Улар фикрига кўра, тимсолни ҳар қандай аниқлантириш ҳар доим ҳам мақбул эмас. Лекин, кўп ҳолларда уларнинг ўзи аниқлаштириш тарафдори бўлиб қоладилар.

Аниқлаштиришнинг ҳам чек-чегараси бор, чексиз эмас, доимо бир томонга йўналтирилган бўлади. Шунга кўра танқидчи ёки изоҳловчининг вазифаси ана шу йўналишни очиб бериш ва сўз устаси қўллаган таъсирchan воситани кўрсатишдан иборатdir.

Тажрибавий усул аҳамияти хусусидаги фикрлар турли филологик фанларда ўзига хос бўлиб, улар тадқиқининг мақсади билан боғлиқdir.

Адабиётшунослик тилшунослик ва услубиятдан фарқли ўлароқ, асосан, муайян бадиий асарнинг ўзига хос жихатларини аниқлаштиришга хизмат қиласи. Матнни таҳлил этишга адабиётшунослик нуқтаи назаридан ёндашиб Г.А. Гуковский ишларида учрайди. У матнни бадиий асарнинг «тирик тўқимаси» сифатида тасаввур этади.

Г.А. Гуковский таклиф этган ўқиш усули уч унсурни юзага чиқаради: «оддий, холисона — адабий асарни олдиндан тайёргарликсиз ва атайсиз ўқиш, унинг моҳиятини тушунтириш ҳамда изоҳлаш»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Гуковский Г.А. Изучение литературного произведения в школе. — Москва. 1986. 91-б.

Фарб тахрир амалиётида юкорида айтиб ўтилган тажрибий тилшунослик ва адабиётшунослик усуллари аллақачон ўз татбиқини топган.

Матн, маълумки, ўқувчиларнинг тоифаси, қизиқиш доираси, мақсади ва х.к.га кўра турлича ўқилади. Шулар орасида биз журналист (ношир)лар учун энг мухими, **матнни муҳаррирони ўқишидир**. Бугунга келиб матнни тахрир қилиш усулига кўра ўқишининг уч тури мавжуд: **танишиш** учун ўқиш, **чуқурлаштирилган** ўқиш ва **сиидирға** ўқиш.

**Танишиш учун биринчи ўқиши** асосий эътибор асарнинг мазмунига қаратилади. Бундай ўқишида муҳаррир асарнинг ғояси, мавзуси, муаллифнинг баён усулини аниқлайди, яъни матнга яхлит обьект тарзида қараб, баҳо беради.

**Танишиш ўқуви** – тез ўқиш ҳам дейилади. Бундай тез ўқиш малакасини эгаллашга мунтазам суръатда машқ қилиш туфайли эришиш мумкин. Агар муҳаррир бунга эришса, унинг ўқиш суръати одатий ўқиш суръатидан учтўрт баробар ошиши мумкин. Тез ўқиш бўйича бир оз вақт қилинган машқ туфайли муҳаррир бир дақиқада 300–400, ҳатто бундан ортиқроқ сўз ўқишига муваффақ бўлади. Албатта бунда ҳарфма-ҳарф ёки бўғинлаб ўқилмайди. Сатрларга кўз югуртириб сўзлар, сўз бирикмалар, сатрлар, ҳатто, абзацлар матннинг бир унсури сифатида ўқилади. Тўғри, бундай ўқишига, яъни тез ўқиш малакасига эришиш кўпам осон кечмайди. Бунинг учун, аввало, ҳижжалаб ўқиш одатидан қутилиш талаб этилади. Журналистика факультетининг бакалавриат ва магистрантлари – бўлғуси ноширлар тез ўқиш машқини маҳсус ишлаб чиқилган тизим асосида ўқитувчининг назорати остида бажаришлари мақсадга мувофиқдир. Албатта, бундай машғулотга раҳбарлик қилувчи ўқитувчининг ўзи, аввало, муҳаррирлик кўникма ва малакасини юкори даражада эгаллаган бўлиши лозим.

**Чуқурлаштирилган иккинчи ўқиши**да муҳаррирнинг эътибори ҳар бир сўзнинг, матндаги ҳар бир белгининг мағзини чақишига қаратилади. Ўқилаётганинг мазмунини тушуниш унинг ташқи шаклини аниқ идроклашдан бошланиб, маъносини назорат этиш усулини қўллаш билан яқунланади. Тафаккур жараёнининг тадрижийлиги матнни ўқиш ҳаракатига кўра белгиланади. Ўқишида ҳаракат жумла, иборадан

яхлит матнга ўтиш жараёнидан иборат бўлади. Ўқишидаги бундай харакатда дикқатни жамлаш ишни ўқиш билан бир вақтда, муҳаррирлик мулоҳазаларини ҳам қайд этиб боришга имкон беради. Матнни чуқурлаштирилган ўқишида унинг қисмларига алоҳида эътибор бериш ва ҳар бир қисмни ўқиш билан бир қаторда, бир йўла мулоҳазаларни ҳам шакллантириб бориш фойдадан холи бўлмайди.

**Сидирға ўқиши** муҳаррир матн бўйича ишларининг якунловчи босқичида киришади. Бу ўқиш аслида матнни сўнгти назардан ўтказиш – назорат ўқиши ҳисобланади. Мазкур ўқишида матн тўлиғича – бошдан то охиригача ёки муайян қисм танлаб, сидирға ўқилади ва у муайян мақсадни кўзлаб амалга оширилади. Масалан, исмлар, фамилиялар, географик номлар бир хил ёзилганлигини текшириш, рақамлардаги маълумотлар, саналар тўғрилигига ишонч хосил қилиш учун сидирға ўқиш усулидан фойдаланилади.

Энциклопедик нашрларда, айниқса, бундай ўқишининг аҳамияти катта. Энциклопедик матнлар ҳар қандай бошқа адабиётларнинг матнларидан ўзининг қисқа ва лўндалиги билан ажralиб туради. Унда рақамли маълумотлар – саналар, масофалар, ҳажмлар, қувватлар, тенгламалар, қисқартмалар, исмлар, географик номлар, бир мақоладан бошқасига ҳаволалар, тиниш белгилар, терминлар ва б. кўплаб учрайди. Буларнинг барчаси аниқлик, бир хиллик ва мувофиқликни талаб этади. Бунга, асосан, сидирға ўқишида муваффақ бўлинади.

Энциклопедик асарлар матни устида ишлаш жараёнида муҳаррир аниқликка эришиш учун сидирға ўқишини матн айрим унсурлари бўйича алоҳида-алоҳида бажариши мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, биринчи галда исмларни, кейин ҳаволаларни, сўнг қисқартмаларни ва шу тартибда тўлиқ матнни кўздан ўтказади.

Матнни чуқурлаштирилган тарзда ўқиш муҳаррирдан алоҳида дикқат ва эътиборни талаб этади. Зоро, бундай ўқиш муҳаррирнинг матнни таҳлил қилишида асосий босқич саналади. Ноширликда суюги котган тажрибали муҳаррирлар матнни ҳақиқий, том маънода чуқур идрок этиб ўқиш айни мана шу иккинчи ўқиш деб ҳисоблашади. Иккинчи ўқиш

жараёнида ўкувчи матнга хотиржамлик ва ишонч билан яхлит карайди. Иккинчи ўқиш деганда биринчи ўқилган матнга қайтиш тушунилади, матн кисмлари бир-бираига мукоясаланади. Тилшунос учун бу ўқиш сўз, ўрам, урғу, маромларни излаш йўли бўлиб хисобланади. Тарихчи ва адабиётшунос учун иккинчи ўқиш бир сатрдан бошқасига ўтиш жараёнида ўқилганларни йўл-йўлакай шарҳлаш имконини беради. Мухаррир учун шошилмай ўқишда ўз кузатгандарининг қай даражада тўлақонлилик даражасини аниқлаш муҳимдир. Мухаррирнинг чуқурлаштирилган ўқишидан мақсад матн етказувчи ҳар бир унсур, тафсилотни умумий нуқтаи назардан баҳолаш хисобланади.

Ноширлар орасида мухаррирлик иқтидори хусусидаги сўзлар эшитилиб қолади. Шунда асосий урғу матнни яхлит тасаввур этиш, хис этиш, мухаррирликдаги касбий сергаклик тилга олинади. Бундай фикрлар тўғри, албатта. Ҳақиқатан ҳам, мухаррир матнни яхлит «қўра» олиши лозим, бироқ бу хислат туғма ҳам, бирордан кўчириб оладиган ҳам эмас.

**Мухаррирониа ўқиш** – ўта диққат билан ўқишидир, ҳеч бир тафсилот унинг назаридан четда қолмаслиги лозим.

Мухаррир матн билан танишар экан, у ҳақиқий билимдон сифатида намоён бўлиши керак. Тафсилотларга чуқур ва кенг қамровли назар ташлай олганларгина ишининг ҳақиқий устаси сифатида мухаррирликни касб қилиб олган «хунарманд»лардан фарқ қиласди. Ўз ишининг ҳақиқий билимдонигина арзимасдай туюлган гайриодатий нарсада ҳам катта маъно кўради, зоро, уни чуқур тушунади ва умумийга муносабатини хис этади.

Матн билан танишар экан, мухаррир унинг ҳам биринчи ўкувчиси, ҳам билимдони вазифасини бажаради. Мухаррир ўқиши кўп жиҳатдан илмий ишни ўқишига ўхшаб кетади. Ҳар иккала ўқишида ҳам тушунарсиз бўлган ҳеч нарса қолмаслиги лозим. Бунда тушунарсиз ҳеч нарса қолмаслигидан ташқари, матндаги мураккаб ўринларни чуқур мулоҳаза қилиб кўриш, мавзу бўйича адабиётлар билан танишиш шарт. Лекин шуни унутмаслик керак: бундай вазиятда тўла айнанликка эришиш амримаҳол.

**Мұхаррир барча нарсани билиши керак.** Бирок, ҳеч ким, ҳеч қачон мұхаррирдан ҳар қандай мавзу бүйіча дархол ўз мулохазасини билдиришни талаб этмайди. Муаллифдан устун мутахассис бўлиш мұхаррир учун шарт эмас, у шундай бўла олмайди ва бу талаб ҳам этилмайди. Лекин у муаллиф асари мазмун ва мундарижасини баҳолашнинг умумий методологиясини эгаллаган бўлиши, асар моҳияти (предмети)ни тасаввур этиши, асосий адабий манбалардан хабардор бўлиши ва улардан фойдалана олиши шарт.

Мұхаррир учун **ҳамма нарсани билиш** деганда шуни тушуниш керакки, у матн устида ишлаганда бирорта тушунарсиз нарса қолдирмаслиги лозим: бирорта ҳам ибора, бирорта ҳам сўз. Бундан ташқари маъно ифодаси унча аник бўлмаган сўз ҳам, мазмуни ғализ жумла ҳам унинг эътиборидан четда қолмаслиги лозим. Амалиётдан маълумки, айрим «ғўр» мұхаррирлар маъно ифодаси ўzlари учун унчалик аник бўлмаган терминлар (умуман, сўзлар)ни «ха, керакли ўқувчи ўзи тушуниб олса бўлди», деб ўтказиб юборадилар. Агар мұхаррир ниманидири билмадими, бу ҳолни ҳеч бир кечириб бўлмайди. Билмадингми ёки шубҳа қилдингми, албатта текширир ва буни энг самарали усулини изла ҳамда бажар.

Агар илмий ишни ўқишида мұхими билиш бўлса, мұхаррирлик ўқишида асосийси матнни баҳолаш. Мұхаррир ҳар бир сўзни «тортиб» кўриши, ўринли қўлланганлигини эмас, балки муаллифнинг муваффақиятсиз фойдаланганини, ҳатто, бунинг сабабини ҳам аниқлаши лозим.

Тажрибали мұхаррир ўқиган матнини, ундаги ҳар бир фикрни шунчаки маълумот сифатида эмас, балки ўзига хос воқелик тарзида қабул қиласи, унинг мазмунига чукур ва тадрижий суръатда кириб боради, унинг барча унсурларини хаёлан мұайян ҳәётий тимсолларда тасаввур этади. Ана шундай мутахассисона ўқишини ўрганиш мумкинми? Албатта, мумкин. Мумкингина эмас, ҳатто шарт. Акс ҳолда мұхаррир «заргар» эмас, оддий «хунарманд» лигича қолади.

«Ўз дикқатим устидан хукмронлигим қанчалик юкори бўлса, ўз мақсадимга эришишим шунчалик муваффақиятли бўлади» — бу сўз бежиз айтилмаган. Мұхаррирлик ўкуви дикқатни бир жойга тўплашни ва унга онгли тарзда хукм-

рон бўлишни талаб этади. Хотиранинг ўзига хос хусусиятларини билиш ўқиш жараёнини бошқаришга имкон беради. Лекин, шу билан бирга ҳар бир муҳаррир олдида турли муаммолар пайдо бўлади. Шулардан айримларини кўрсатиб ўтамиз: матнни ўқишиш жараёни, адабий асар доираси, матн миқёсида материалнинг тақсимланиши — бу-ларнинг барчасини эслаб қолиш лозим.

Бундан ташқари, ўқувчига таъсир этувчи баённинг тури усувларини хам ёдда доимо тутиш керак.

Матнни чуқур ва диққат билан ўқиши мобайнида муҳаррир уни аниқ баҳолашга муваффак бўлади. Агар матн ҳар жиҳатдан — тили ва услуби, шакли, фояси ва бошқа кўрсаткичлар бўйича эълон қилиш учун мақбул бўлса, муҳаррир унинг устида ишлашни бошлайди ва тузатишлар киритади. Анъянавий таҳрир усули айни шуни тақозо этади. Бунда асар туридан қатъи назар (айниқса, бадиий асар таҳрири тажрибасига кўра), бунга амал қилинади. Лекин илмий-техникавий адабиётларни нашрга тайёрлашда маслаҳат бериладиган тадрижий таҳрир усули муҳаррир танишув ўқишидан сўнг, тезда материал бўйича ўз хулосанини тайёрлаши лозимлигини таъкид этади. Тузатишлар эса диққат билан чуқур ўқишдан сўнг матнни босишга беришдан олдин бутун матн бошдан-оёқ яна кўздан ўтказилади. Оммавий ахборот материалларини эълон қилишга тайёрлашда журналистика асарининг мазмунан ҳамда жанрга кўра турли-туманлиги туфайли матн устида ишлашдаги ҳар хил усувларни уйғунлаштириш учун мослашувчанлик маҳоратини намоён этиш талаб қилинади.

Таҳрир назарияси ва амалиёти бўйича адабиётларда матнни тузатиш жараёни билан боғлиқ муҳаррир таҳлили муаммолари иккинчи ўринга суриб қўйилган. Бу қайсиdir даражада асар ўқувчисига қандай хизмат қиласиди, деган нұктай назардан карапланда қўллёмзани тасаввур этиш учун текширишнинг ўзига хослигига таҳрир моҳиятини намоён этишда, зинхор уни тузатишда эмас<sup>1</sup>.

Матнни тузатиш фояси адабий асар яратишнинг табиий тавсифига хам, руҳий қонуниятларига ҳам зид эмас.

<sup>1</sup> Қаранг: Милчин А.Е. Методика редактирования текста. — Москва: Книга. 1980. 12-25-6.



Моҳирона амалга оширилган (бажарилган) тузатишлар матнинг яхлитлиги ва мазмуний уйғуныллигига путур етказмайди. Аксинча, унинг тузилишидаги айрим нұқсонларни истисно этади, муаллиф фикрини, тоғасини ойдинлаштиради.

Мұхаррирлик фаолияти андозавийликни мутлақо рад этади. Тузатишнинг хар қандай матнга нисбатан құллаш мүмкін бўлган қолипи йўқ. Мұхаррир тузатиш усулини ўзи танлаш ҳуқуқига эга, лекин бу усул тўғри, асосланган бўлиши лозим, шунингдек, уни тўғри қўллай билиш керак.

Қўлёзмалардаги тузатишлар, ўзгартиришларнинг миқдори ишнинг сифат кўрсаткичи ҳисобланмайди. Ҳануз айрим мұхаррирлар (адабий ҳодимлар) учраб туради, улар муаллиф матнини қайта ёзиб чиқишини ўз бурчи ҳисоблайди ва бу билан, ҳатто, фуурланиб ҳам қўяди, чунки улар ўз ишлари фойда келтиришига қаттиқ ишонадилар, меҳнатим зое кетмайди, деб ҳисоблайдилар.

Бундай сидкидилдан қилинган меҳнат туфайли матн анча «силлиқ» тортар, лекин кўп нарса йўқотиши мүмкін.

Биз юқорида тузатиш жараёни хақида тўхталдик. Энди тузатиш турларини кўриб чиқамиз.

Тахрир услубиятида тузатишнинг тўрт тури фарқланади: **ўқиб тузатиш; қисқартриб тузатиш; ишлов бериб тузатиш; ўзгартириб тузатиш.**

Мусаххихлик ва мұхаррирлик ўқишидан мақсад бошқабошка. Мусаххих чоп этишда тайёрланган матнни ўқиш жараёнида унинг тахрирдан чиқкан, муаллиф билан келишилган ва тасдиқланган матнига тўла мос эканлигига эришади.

Матнни имловий, тиниш белгилари билан боғлик ҳатолардан холи қиласи. Энциклопедик асар матнидаги қисқартмалар ва ҳаволаларни бир хилдалиги ва аниқлигини таъминлайди. Изоҳлар матнидаги кўрсаткичларга мослиги ва ҳоказолар тўғрилигини текширади, шунингдек, зарур тузатишларни амалга оширади.

Мұхаррирнинг **ўқиб тузатишидан** мақсади — матнни сидирға ўқиш. Мұхаррир бу тур ўқиши амалга оширганда унинг мазмуни, тузилиши (композицияси)даги, шунингдек, услубий ҳатоларни аниқлади. Ўқиши жараёнида мұхаррир географик номлар, шахс исм, фамилиялари, та-

халлуслари бир хил берилиши, иқтибослар, рақамлар, саналар аник бўлишига эътиборни қаратади, узунлик, микдор ўлчамларини таққослаш мумкинлигини текширади.

Сарлавҳаларнинг матн билан уйғулиги, мослигини, тасвирлар ости ёзувларининг расм, чизмага мослигини текшириш хам унинг вазифасига киради.

Айрим ҳолларда бундай ўқиши таҳририятнинг малакали ва тажрибали мутахассисига топширилади, лекин у материални тайёрлаган мұхаррирнинг зинҳор ўрнини боса олмайди. Унинг вазифаси матндағы камчиликларни аниқлаш, күрсатиш, тузатиш әмас. Аммо, табиийки, аник кўриниб турган хатоликлар, ҳарфий, имловий хатолар бундан истисно. Шунинг учун бундай ўқувчининг малакаси жуда юкори бўлган тақдирда хам мазкур жараёнда етакчи мұхаррир иштирок қиласи ва муаммоларни хал этади.

Матнда **қисқартириб тузатишларни** амалга оширишдан мақсад, аввало, матн ҳажмини кичрайтириш ва шу йўл билан уни мақбул ўлчамга келтириш, қолаверса, ортиқчаликлардан холи қилиш. Одатда, қисқартириш тузатишнинг ўзига хос тури сифатида вазиятга кўра зарур ҳолларда ёки турли қоидалар (техник мұхаррирлик) тақозосига кўра амалга оширилади. Қисқартириб тузатишнинг ўқиб тузатишдан фарқи шундаки, бунда матнга бевосита қўл урилади. Шунга кўра мұхаррир матннинг мазмуний ва синтактик ўзига хослигини ҳисобга олиши лозим.

Қисқартириб тузатишда матнда амалга ошириладиган ўзгартишларни икки турга ажратиш мумкин. Биринчиси, матннинг **муайян қисмларини** қисқартириш, иккинчисини шартли аташ мумкин — матн **ички қисқартирилиши**.

Биринчи тур қисқартиришда муайян маъноли бўғинни ташкил этувчи қисм қисқартирилади. Албатта, бу парча, одатда, тузилишга ва синтактик қурилишга эга бўлади. Таҳрир жараёнда бир колипдаги мисоллар, битта мазмуний қатордаги асос (факт)лар, қўшимча тафсилотларни қисқартириш қийинчиллик туғдирмайди. Агар қисқартириштуби қисмлар тўғри аниқланган, муаллиф баён усулига зид бўлмаса, мазмунга путур етказмаса матн қисқартирилишидан сўнг кўп меҳнат талаб қилмайди, факат қисмлараро боғланишни таъминловчи бир оз ишлаш керак бўлади, хо-

лос. Бу хам факат матн қисмларининг уйғунлигига хизмат қиласи. Матнни қисқартирап әкан, муҳаррир доимо қисқартирилган парча ва фактлар кейинги баёнда билвосита қайд этилмаслигига алоҳида эътибор бериши керак.

Матн мазмуний бўғинлари ўртасидаги боғлиқлик шарт бўлса, унда йирик қисмлар қисқартирилиши мумкин бўлмайди. Бундай ҳолларда матн ички қисқартирилиши амалга оширилади. Бундай қисқартирилишда муҳаррир матнга анча чукурроқ кириб боради, яъни матнга кўпроқ дахлдор бўлади.

Асарнинг адабий сифатига алоқадор қисқартиришларга **ишлов бериб тузатиши** тарзида қараш лозим. Бундай тузатишдан мақсад матннинг якуний (тўлиқ кўлдан чиқкан) талқинини эълон қилишга тайёрлашдир. Бундай тузатиш жараёнида муҳаррир таҳлили натижалари тўлиқ хисобга олинади. Ишлов бериб тузатишида матн адабий жиҳатдан силлиқланади, унинг шакли мукаммаллаштирилади, муаллиф тоғаси аниқланади, фикри ойдинлаштирилади. Бу жараёнда матнга киритилган ўзгартиришлар тавсифига кўра турлича: қисқартириш, айрим парчалар киёмига етказилади (кўшимча қилинади), сўзлар алмаштирилади, нутқ ўрами синтактик тузилиши ўзгартирилади, асар тузилиши такомилига етказилади. Лекин бунда муаллиф баёнининг ўзига хослиги, унинг услуби ўзгартирилмайди.

Тузатишнинг тўртинчи тури – **ўзгартириб тузатиши**да муаллиф тақдим этган материал асосида матннинг янги талқини яратилади. Муаллиф етказган фактларга қатъий амал қилган ҳолда муҳаррир (журналист) муаллиф фикрини адабий шаклга солади. Ўзгартириб тузатишида асар бир жанрдан бошқа жанрга ўтказилади, матннинг мўлжалланган мақсади ўзгарганда унга ишлов берилади, янги талқини яратилади. Бу жараёнда муҳаррир ва муаллиф ҳамжиҳатликда ишлайди, ўзига хос ижодий ҳамкорлик юзага келади.

Албатта, тузатишларни юқоридаги тарзда турларга ажратиш шартли – айнан шу хилда бўлиши керак, дегани эмас. Матнни тузатишни айни бир тур билан чеклаш бироз фойритабиий (сидирға ўқиб тузатиш бундан мустасно).



Матнни тахрир килиш жарабёни ягона жараён, мухарирнинг касбий маҳорати — мутахассис эканлиги тузатишнинг турли усулларидан мохирона фойдалана олишда на-моён бўлади.

Тажрибали мухарирлар матнга тузатиш киритишда соф мухарирлик вазифасини бажаришдан ташкари, нашрни чоп этишга тайёрлашда иштирок этувчи бошқа мутахассисларнинг айрим «ўтказиб» юборган камчиликларини хам тузатиб кетадилар. Масалан, мусахҳих, техник мухарир, графикачи мутахассис, ҳатто бадиий мухарир — дизайннерларнинг. Булардан қўринадики, мухарирнинг масъулияти жуда юқори, унинг зиммасидаги масъулиятни бошқа нашр иштирокчиларининг масъулияти билан тенглаштириб бўлмайди. Мухарир хамма нарсани билиши керак, деб юқорида қайд этилгани сабабсиз эмас.

## ИЗОҲЛИ ЛУФАТ

**Адабий таҳрир** — матнни адабий тил меъёрлари, муайян услугга мослаб ишлов бериш жараёни. Мазкур жараён, асосан, таҳрир бўйича мутахассис — муҳаррир томонидан амалга оширилади. Нашр жараёнининг асосий босқичларидан бири хисобланади.

**Аннотация** (лот. — қайд) — босма асар ёки кўлёзманинг қискача тавсифи.

**Атама** — муайян нарса, воқеа ва ҳодисани номловчи сўз. Масалан, тупрок, қўзғолон, шамол.

**Ахборот** (ар. *хабарлар; бирлиги хабар*), оммавий ахборот воситалари, босма нашрлар ва бошқа турли воситалар, белгилар, ишоралар ёрдамида етказиладиган, маълум қилинадиган, кўрсатиладиган маълумот. Яна каранг. Информация.

**Автограф** (юн. *аутос* — ўзи ёзмоқ) — 1) муаллифнинг ўз юёли билан ёзилган асл нусха, матн; 2) ўз юёли билан ёзилган ёзув ёки китоб, расм, фотосурат ва б.га қўйилган имзо.

**Автореферат** — муаллифнинг ўзи, масалан, диссертация муаллифининг ўзи томонидан қискача баён этилган илмий тадқиқот.

**Адад** — бир номдаги ёки битта муаллиф босма нашрининг микдорий кўрсаткичи.

**Алифболи кўрсаткич** — хужжатлар сарлавхаси, контекстида мавжуд бўлган таянч сўзларнинг алифбо тартибида берилган кўрсаткичи. Бу таянч сўзлардан руkn сифатида фойдаланилади ва аввалги ҳамда кейинги матн билан бирга берилади, шу йўл билан ҳар бир руkn аниқланади.

**Алифболи каталог** — каталог, бунда босма асар тавсифи муаллифнинг алифбо тартибидаги фамилиялари, шунингдек, З дан ортиқ муаллифга тааллуқли ёки муаллифи кўрсатилмай нашр этилган асарларнинг сарлавҳаси алифбо тартибида (уларнинг мазмунидан қатъи назар) жойлаштирилади. Кутубхона ёки ахборот идорасининг асосий маълумотнома — библиография воситаларидан бири. Унинг ёрдамида китобхон бирор муаллифнинг асарини топиши, китоб сакланадиган хонадаги ўзини кизиктираётган китоб шифрини аниқлаши ва унга буюртма бериши мумкин.

**Альманах** — турли муаллифларнинг мавзу, жанр, ғоявий, сиёсий ёки қандайдир бошқа белгилари бўйича бирлаштирилган адабий асарларнинг даврий бўлмаган ёки давом этувчи тўплами.

**Аналитик шарҳ** — муайян вақт оралиғида масаланинг холатига аналитик баҳо бериладиган шарҳ. Таҳлил этилаётган материалларнинг далилланган тавсифидан иборат бўлади, унда асосланган амалий тавсиялар берилади. Илмий тадқиқот ишининг бир қисми сифатида қаралади.

**Аргумент** (лот. *аргументум* — важ) — исботлашнинг сезиларли даражада ишончлилигини белгиловчи унсури; исботлашга асос бўлиб хизмат қилувчи мантиқий далил. Исботлаш асоси сифатида қараладиган аргументларнинг кўпроқ учрайдиган (одатий) турлари; а) илгари исботланган қоидалар; б) исботланган (бевосита қабул қилинган, эксперимент вақтида кузатиш йўли билан қайд этилган) далиллар ҳақидағи мулоҳаза; в) аксиомалар; г) ечимлар.

**Асл нусха** — 1) қўлёзма, асарнинг ҳақиқий (кўчирмасидан фарқли) нусхаси; 2) қўлёзма, унга асосан босмахонада босиш амалга оширилади; 3) бошқа тилга таржима қилиш учун асос хисобланувчи матн.

**Бадиий асар таҳрири** — таҳрир тури. Бунда мазмун ва шакл бирлиги, муаллиф ижод йўли (ёки услуби), образлилик, тасвирийлик, таъсирчанликка алоҳида эътибор берилади. Адабий тил услубларининг барчасидан ўрни билан фойдаланишга йўл қўйилади.

**Библиография** (юн. — *китоб; ёзаман*), асосий маълумотлари — чиқкан йили, жойи, нашриёти ва бошқалар билан бе-

рилган китоб, журнал, мақолалар рўйхати; адабиётлар кўрсаткичи.

**Брошиюра** (фр.) – ҳажми унча катта бўлмаган асар, юмшоқ муқовали юпқа китоб (4–5 босма табоқ – 64–80 бет бўлади), дафтарга ўхшатиб муқоваланади.

**Баён** – шарҳ, талқин; педагогика фани ва халқ таълимининг аҳволи, йўналишлари ва истиқболдаги ривожланиши хақидаги тизимлаштирилган маълумотлар ва илмий умумлашмалар. У ўз ичига тавсиф, тахлил, баҳолаш ва умумлашмани олади, ривожланиш истиқболлари ва йўналишларини белгилайди. Аник таклиф ва тавсиялардан иборат бўлади. Баённинг ўзига хос хусусияти бўлиб, хужжатларда бевосита бўлмаган хуносаларни олиш ҳисобланади. Баённинг тузилиши унинг қандай мақсадга қаратилганлигига боғлик ва сарлавҳа, реферат (аннотация), кириш, асосий аналитик қисм, хуносалар ва тавсиялар, адабиётлар рўйхати, мундарижани ўз ичига олади. Ахборот баёни аник ва киска бўлиши, муайян мавзу бўйича манбаларни тўла қамраб олиши, мунтазамлик тавсифига эга бўлиши, ишончли, оператив бўлиши, иктибослар олинган ёки фойдаланилган манбаларга ҳаволалар аник бўлиши керак. Баённинг ҳажми уч босма табоқдан ортиқ бўлмайди. Ахборотнинг тавсифига боғлик тарзда аналитик, библиографик ва рефератив баёнлар фарқланади.

**Баён тарзидаги ахборотнома нашрлар** – бир ёки бир неча баёндан иборат нашр, бир неча манбаларни таҳлил килиш асосида тузилади. Олимлар ва танқидчиларга бошлангич манбалар ҳақида тизимли ва умумлашган маълумотларни беради, масаланинг қай ахволдалитини ёки ижтимоий муаммони яхши тасаввур этишга ёрдам беради.

**Библиографик ёзув** – библиографик тавсифдан иборат библиографик маълумот, у сарлавҳалар, аннотациялар ёки рефератлар, турли малакавий индекслар, руқнлар, сақланиш рақамлари ва бошқа унсурлар билан тўлдирилиши мумкин.

**Библиографик картотека** – библиографик қўлланма, варакча шаклида бўлади, унга библиографик маълумотлар ёзиб кўйилади. Алифболи, тизими, соҳавий ва бошқа картотекалар фарқланади. Кутубхона каталогидан фарқли ўларок картотекада кутубхона жамғармасида бўлмаган хужжатлар ҳақидаги маълу-

мотлар учрайди, кутубхона шифрлари, бошқа маълумотлар берилмайди.

**Библиография варакчаси** – ахборот манбанинг библиографик тавсифи, муаллиф хақидаги маълумот, сарлавҳа, сарлавҳа ости маълумотлари (жилднинг раками, жанр, кимларга мўлжалланганлик), сарлавҳа юқорисидаги маълумотлар (туркум, нашрни тайёрлаган муассаса), манбанинг миқдорий тавсифи (бетлар, нашриёт хисоб табоги, адади, нархи), иловалар (библиография хақида маълумотлар, тасвиirlар ва б.). Библиография варакчаси эълон қилинган нашрлар хақидаги маълумотларни тезда олиш имконини беради, маълумотнома тарзидаги ахборотлар жамғармасини бутлаш учун фойдаланилади.

**Библиографиявий ҳавола** – кўчирма олинаётган, кўриб ниқилаётган ёки эсланаётган ҳужжат хақидаги библиографиявий маълумотлар мажмуи; бу уни бирхиллаштириш ва излаш учун зарур.

**Библиографиявий маълумотнома** – библиографиявий ахборотдан иборат бир марталик сўров жавоби.

**Буклет** (инг. *бооклет* – брошура, китобча) – яхлит бир варакқа босилган ва қўп букламли нашр; йўл кўрсаткичлар, реклама ва ахборот вараклари, болаларга оид баъзи нашрлар буклетлар тарзida чиқарилади.

**Бюллетең** (фр.) – 1) даврий ёки давомли нашр, нашр этувчи ташкилот тасарруф доирасига киравчи масалалар бўйича қисқача расмий материаллардан ташкил топади; турли ходисалар хақидаги маълумотнома; 2) ижтимоий аҳамиятга эга ходиса, масала, ишлар хақидаги қисқача расмий ҳабар; 3) сайлов бюллетеңи – номзод ёки номзодларнинг фамилияси қайд этилган овоз бериш учун варака.

**Вариант** (лот. *варианс* – ўзгараётган), талқин – 1) кўринишнинг ўзгариши, турли хиллилик; мумкин бўлган алмашинувчиларнинг бири; 2) бирор (адабий, мусикий, публицистик ва х.к.) асар, расмий ҳужжатнинг бир неча таҳриридан биттаси.

**Вербал алоқа** (лот. – *сўз*) – тил, яъни нутқ ёрдамида мулокот жараёни. Нутқ дейилганда табиий тил товушлари наzarда тутилади, у алоқанинг универсал воситаси хисобланади.

Чунки унинг ёрдамида ахборот узатишда мuloқot мазмунига жуда кам даражада путур етади.

**Вербал ишонтириши** — сўз ёрдамида амалга ошириладиган ишонтириш.

**Версия** (лот. — *бурилиш, айланиш*) — бир-биридан фарқ килувчи баёнларнинг бири ёки бирор ходиса, далилнинг шархи.

**Глоссарий** (лот. — *сўзлар лугати*) — нотаниш ва кам ишлатиладиган сўз ёки матн учун, асосан, қадимий бўлгандари учун тузилади (масалан, Алишер Навоий тўла асарлар тўпламига тузилган луфат).

**Гонорор** (лот. — хизмат учун мукофот), қалам ҳаки — адабий, мусиқий, илмий асар, ихтиро муаллифи, шунингдек, унинг асарини эълон қилган ва ундан фойдаланган ворисга тўланадиган пул мукофоти; қалам ҳакининг миқдори муаллифлик шартномасида кўрсатилади.

**Диалог** (юн.) — 1) икки ёки ундан ортиқ кишилар ўртасидаги сўзлашув; драматик асар нуткини ташкиллаштиришнинг асосий шакли; 2) сўзлашув шаклида ёзилган адабий асар.

**Даврий нашрлар, вақтли нашрлар** — газета, журнал, даврий тўплам ва бюллетенлар. Булар муайян вақт оралиғида чиқарилиб туради. Оммавий ахборот воситалари ва тарғиботнинг асосий турларидан хисобланади.

**Далил** — 1) мuloҳаза (ёки мuloҳазалар мажмуи), бошқа мuloҳаза (фикр, назария)ни асослаш учун келтирилади; 2) исботнинг асоси (асосининг бир кисми); 3) журналистикада фикрнинг ишончлилигини таъминловчи асос.

**Давлат тили, Расмий тил** — қонунчилик ва расмий иш юритиш, судлов ишлари, таълим ва х.к.ларда фойдаланиладиган асосий давлат тили. Ўзбекистон Республикасида «Давлат тили тўғрисида»ги Конуннинг 1-моддасига мувофик, ўзбек тили давлат тили хисобланади.

**Депонентланган қўлёзма** — давлат муассасасига сақлаш учун берилган илмий нашр мавқеига эга хужжатларнинг алоҳида тоифаси. Уни ўқийдиганлар доираси чекланган бўлади, депо-

нентлаш тизими ахборот нашрлардаги қўлёзма хақида маълумот албатта бўлишини хамда нусха кўчириш имкони мавжудлигини кўзда тутади; депонентланган қўлёзмаларнинг афзалликлари шундан иборатки, уларда янги, хали эълон қилинмаган материаллар бўлади.

**Диалект** (юн. – *нұтқ*; *шева*; *лаҳжа*) – лаҳжа, шева, умумхалқ (умуммиллий) тилнинг ижтимоий ёки маҳаллий тури.

**Дизайн** (инг. *десигн* – лойихаламоқ, тузмок) – саноат ашёси, нарсанинг бадиий лойиҳаси.

**Дилемма** (юн. *du* – икки марта ва *лемма* – юбориш) – 1) икки бир-бирини инкор этувчи ва улардан бири танланиши керак бўлган мулоҳаза; 2) танлаш кийин бўлган бир-бирига зид икки имкониятдан бири.

**Етакчи мавзуу, Лейтмотив** (нем. – *асосий гоя*) – 1) мотив, мусиқа асарининг бошидан то охиригача тақоррла-нувчи ва саҳида ҳаракатланаётган бирор шахсни тавсифлашга хизмат килувчи, бирор фоя, ходисанинг мусиқа аса-рида акс эттириладиган ифодасидан иборат мусиқа мавзуу; 2) бир неча марта тақоррланадиган ва таъкидланадиган асосий бош фикр; фаолият, хулқ-атвор ва х.к.ларни белгиловчи мотив.

**Журналист** – журналистлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс.

**Журналистика** – ижтимоий долзарб хабарларни тўплаш, қайта ишлаш ва тарқатишдан иборат ижтимоий фаолият (мазкур фаолият матбуот, радио, телевидение ва бошқа воситалар орқали амалга оширилади); оммавий ташвиқот ва тарғибот олиб бо-риш шаклларидан бири. Журналистика терминидан журналистик фаолият маҳсули – асарни ифода этишда ҳам фойдаланилади, шулардан газета, журнал сонлари тўлдирилади, радио, теледас-турлар ва бошқалар тузилади.

**Журнал** – брошура қилинган матнларнинг даврий нашри. Турли ижтимоий-сиёсий, илмий, ишлаб чиқариш ва б. масалалар бўйича маколалар ва рефератлар, шунингдек, адабий асарлар, тасвирлардан иборат бўлади. Журналлар мутахассисларга анча долзарб илмий-услубий муаммолар бўйича нашрларни тезкорлик

билин тақдим этади. Йўналишига кўра адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий, илмий, рефератив ва б. фарқланади.

**Зидди билан исботлаш** – исботлаш тури, бунда баъзи мулоҳаза (исботлаш тезиси)нингadolatлилиги унга зид бўлган мулоҳаза – антитетисни рад этиш орқали амалга оширилади. Антитетизни рад этишга аввалдан чин бўлган мулоҳаза билан унинг мос келмаслигини кўрсатиш йўли билан эришилади. Зидди билан исботлашда кўпинча икки маънолилик тамойилига таянилади.

**Зиддият** – 1) қоида, бир фикр ўзига мос келмайдиган бошқасини (мулоҳаза, фикрни) истисно этиши; 2) мантиқда, бири иккинчисини инкор этадиган икки фикр (мулоҳаза, назария)нинг мавжудлиги. Зиддият қонуни шуни кўрсатадики, икки қарама-карши мулоҳаза бир вактда хақиқат бўлиши мумкин эмас, агар улардан бири чин бўлса, бунда иккинчиси албатта ёлғон бўлади. Ёки аксинча: айни бир фикр ҳам тасдиқловчи, ҳам рад этувчи бўлиши мумкин эмас.

**Информация** (лот. – *тушунтириш, баён*), аввало, инсонлар оғзаки, ёзма ва бошқа усулда берадиган маълумот (шартли ишоралар, техник воситалар ва ҳоказолар ёрдамида берилади). Яна қаранг. *Aхборот*

**Идея** (юн. – *тушунча, таассурот*), гоя – яққол кўргазмавиий образ, нарса ёки ходиса хақидаги умумий тушунча; белгиловчи тушунча, назарий тизим, мантикий курилиш асоси хисобланади.

**Ижод эркинлиги** – инсоннинг асосий маданий ҳуқуқларидан бири, эркин баён этишнинг бир тури; конституцияларда мустаҳкамлаб қўйилганига унча кўп бўлгани йўқ. Адабий, бадиий, илмий, техниковий ва бошқа тур ижод эркинлигини, шунингдек, ўқитиш эркинлиги (академик эркинлик деб аталувчи эркинлик)ни ўз ичига олади.

**Ижод, ижодий фаолият** – қандайdir янгиликни юзага келтирувчи, такрорланмас, ўзига хос ҳамда ижтимоий-тарихий жиҳатдан ноёб фаолият. Баъзи олимларнинг нуктаи назарича ижод, фан, техника, ишлаб чиқариш, санъат ёки умуман кишилар хаёт фаолиятининг у ёки бу соҳасидаги янги ахборотни жамлаш.

**Изоҳлаш** — ҳодисанинг моҳиятини аввал маълум бўлмаган таҳлил ўёли билан ниманидир тушунтириш ёки талқин этиш. Изоҳ гуманитар фанларнинг усулларидан бири хисобланади, ундан нарсаларнинг мазмуни ва моҳиятини билиш жараёнинг инди-видуал ёндашишда фойдаланилади.

**Изоҳли лугат** — маънолари ҳакида тушунтириш берилган сўзлар луғати; сўзларнинг грамматик, этимологик ва услубий тавсифга эга бўлиши мумкинлиги, ишлатилишига оид мисоллар ва бошқа маълумотлар берилади.

**Иккиламчи ҳужжат** — бир ёки бир нечта бирламчи ҳужжатларни мақсадга мувофиқ тарзда саралаш ва таҳлил килиш натижасида ҳосил қилинган ҳужжат; уларнинг мухим томонлари ни ва жихатларини акс эттиради, мамлакатимиздаги ва чет элдаги манбаларни қамраб оловчи долзарб маълумотларни ўз ичига олади. Иккиламчи ҳужжатлар ёрдамида ўқувчилар нашрлар оламида пайдо бўлганлар ҳакида ўз вақтида билишлари, таълим ва тарбиядаги амалга оширилган тадқиқотлар, янгиликлар ҳақида маълумот олишлари мумкин. Журналист ҳодимларни кенг хабардор килиш учун рефератлар, аннотациялар, шархлар, экспресс ахборот материаллари, библиографик кўрсаткичлар, каталоглар ва бошқалардан кенг фойдаланилади.

**Илмий нашр** — тадқиқот ишлари учун мўлжалланган нашр; назарий ва/ёки эксперимент тадқиқотлар тавсифи ёки натижаларидан иборат бўлади, монография, диссертация автореферати, маърузалар тезиси, илмий ишлар тўплами, илмий конференция материаллари ва б. тарзида нашр этилади.

**Илмий-бадиий адабиёт** — адабиёт соҳаси, бадиий, ҳужжатли ва илмий-оммабоп, насрый адабиётларга хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради, фаннинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, олимларнинг қашфиётлари, ихтиrolари, ғоялари ва ҳ.к.лар ҳақида ҳикоя қиласи.

**Илмий-оммабоп адабиёт** — муайян фан ва техника соҳасида мутахассис бўлмаган китобхонлар кенг оммасига тушунарли бўлган, замонавий муваффакиятлар асослари баён этилган ва оммалаштирилган адабиёт.

**Интервью** (инг. — *уҷрашув, сұхбат*), *сұхбат* — 1) журналистнинг радио, телевидение ва матбуот учун мўлжалланган



сиёсий, жамоат арбоби ёки бирон бир арбоб билан сухбати; 2) социологик тадқиқотларда — тадқиқотчининг саволларига берган жавобларини умумлаштириш учун бошлангич эмпирик материал бўлиб хизмат қилувчи шахс ёки бир гурӯҳ шахслар билан аввалдан белгиланган режа бўйича тадқиқотчининг сухбати; 3) педагогикада — эмпирик тадқиқот усули; унинг илк босқичларида фойдаланилади. Интервьюнинг 2 тури фарқланади: эркин (чегараланмаган мавзу ва шаклдаги сухбатлар) ва стандартлаштирилган (сўровномага якин хуфия савол шакли бўйича). Бу тур интервьюлар орасидаги чегара ўзгарувчан ва муаммонинг муракаблиги, мақсадлар ҳамда тадқиқот босқичларига боғлиқdir.

**Интернет** (лот.) — глобал компьютер тармоғи, сифимли ихтисослашган ахборот серверларига кириш имконини беради ва электрон почта. Интернет ва серверга кириш провайдерлар (маҳаллий тармоқка хизмат кўрсатувчилар — инг. *service providers*) томонидан таъминланади.

**Исботлаш** — ахборотнинг түғрилигига, идрок этилганинг чинлигига ишонтириш мақсадида ёки агар мазкур қоида бўйича баҳс кетаётган бўлса, уни яна бир карра тўлдириш ва тасдиқлашда кўлланадиган усул; исботлашнинг акси бўлиб, инкор хисобланади.

**Ички матн** — тўғридан-тўғри маъносидан фарқ қилувчи ички, қўшимча, яширин фикр ифодаси, у вазиятни хисобга олган контекст асосида тикланади.

**Иқтибос** — бирор матн, иншодан айнан кўчириб олинган парча ёки айрим мулоҳаза ёки даъвони тасдиқлаш учун сўзмасўз келтирилган бошка бирорнинг айтгани. Яна қаранг. *Цитата*

**Йилнома** — 1) тарих ҳодисаларининг вақт кетма-кетлиги тартибидаги рўйхати, вақтга кўра кетма-кетлик; 2) вақтни ўлчаш, хисоблаш бўйича фан, назария.

**Йилнома каталог** — кутубхона каталоги, бунда библиографик ёзув нашр (ёки биринчи нашр) йиллари бўйича жойлаштирилади.

**Китоб аппарати** — ўқувчига адабий асарда берилган маълумотларни осон ва тушунарли тасаввур этиш имконини берувчи, асосий материални тўлдирувчи материаллар умумий номи.

**Кодекс** (лот. — *китоб*) — хозирда қонунларнинг тизим-лаштирилган мажмуси. Масалан, жиноий қонунлар кодекси, меҳнат ҳақидаги қонунлар кодекси.

**Коммуникация** (лот.) — хабар, алоқа.

**Конструкция** (лот. — *түзилиш, қурилиш*) — ўзаро алоқадорликка кўра сўзларнинг бирикуви.

**Контекст** (лот. — *жисп bogliқлик, бирлашма*) — ёзма нутқ (матн)нинг маъно жиҳатидан тугал қисми таркибига кирган алоҳида сўз ёки фикрни аниқ ифодаловчи мазмун.

**Кўрсаткич, адабиёт кўрсаткичи** — мураккаб тузилишига эга бўлган библиографик кўлланма. Мақсадга ва ўкувчилар доираси ҳисобга олинган обьекти (китоб, вақтли нашрлар ва х.к.), мавзуи, материалларни камраб олиши, библиографик ёзувлар жойлашуви, нашр қилинган адабиёт вақтига кўра фарқланади. Ёрдамчи кўрсаткич — матн бўйича йўлланма, китоб, маълумотнома — аппаратининг бир қисми. Руқн мундарижасига (номлар, нарсалар ва х.к.), материаллар гурухланиши (алифболи, тизимли, йиллар ва х.к.) бўйича фарқланади.

**Картотека** (юн. — *омбор, құти*) — муайян тартибда тизимга солинган, бирлаштирилган, маълумотлар ёзилган варақчалар йиғиндиси, мажмуси: улар алифбо тартибида, мавзуга кўра, хужжатларнинг бажарилиш муддатлари бўйича тартибга солинади.

**Каталог** (юн. — *rўйхат*) — 1) муайян тартибда тузилган бирор предмет (китоб, экспонат, товар)ларнинг рўйхати; 2) кутубхона каталоги — кутубхонада мавжуд бўлган нашр асарларининг рўйхати. Замонавий кутубхоналарда каталоглар қуйидагича фарқланади: мўлжалланганилиги (қироатхоналарга ва хизматчиликага тааллуқлилиги) бўйича, ёзувларнинг гурухланиш усули (алифболи, тизимли, фанлар) бўйича, нашр тури ва б. бўйича. Каталоглар илмий ва амалиётчи ходимлар учун мўлжал бўлади, кутубхона жамғармаси мазмунини очиб беришда ишончли восита бўлиб хизмат қиласди.

**Конъюнктура** (лот. — *мулоҳаза, таклиф, тахмин*) — 1) тахмин, ўйламок 2) бузилган матнни тузатиш ёки тиклаш ёхуд тахмин асосида бирор ёдгорликнинг ўкишни иложи бўлмаган матнини тахминан ўкиш.

**Корректировкалаш, корректировка** (лот. — түгрилаш, тузатиши) — истикбоддаги башорат, режалар, лойихалар, программалар, хисоб-китобларга киритилган айрим ўзgartириш, тузашиб, түгрилашлар.

**Корректура** (лот. — тузатиши, яхшилаш) — 1) босмахона (ёки бошқача усулда) кўпайтириш учун тайёрланган матн ёки график материаллардаги хато ва камчиликларни тузатиши жараёни; 2) босмахона усулида босилган белги.

**Лўндалик, локанизм** (юн.) — фикрни байён этишдаги қисқалик ва аниқлик; ривоятларга кўра қадимги Локония аҳолиси спарталиклар шундай хўсусиятга эга бўлган.

**Макет** (фр.) — 1) полиграфияда, китоб ёки журналнинг бошлангич (адад тайёрлангунга қадар бўлган) намунаси, шунингдек, бўлажак нашр ўлчамидаги матннинг босилган қисмлари ва тасвиirlар елимланган қофоз вараклар (сахифа макети); 2) архитектурада лойихаланаётган ёки мавжуд иншоот, ансамбл, мужассаманинг кўлами — фазовий тасвири, кичик ҳажмда бажарилади; 3) педагогикада, ниманидир модели, нарсанинг кичрайтирилган ҳажмларда ифодаловчи бошлангич намуна; таълим жараёнида кўргазмали кўлланма сифатида фойдаланилади.

**Маълумотнома** — илмий, ижтимоий-сиёсий, амалий ёки маиший тавсифдаги қисқача маълумотлардан иборат нашр; лугатлар, энциклопедиялар, қўлланмалар, атласлар ва б. тарзда, фойдаланиш учун кулагай шаклда чиқарилади.

**Матн** (ар. — мундариж) — 1) муаллифнинг ўз сўзи; 2) ёзилган ёки босилган мақола, ундаги чизмалар, тасвиirlар, иловалар ва бошқалар бундан мустасно; 3) мусика асари (опера, романс ва ҳоказолар)га тегишли сўз.

**Монолог** (юн. моно — бир, лог — нутқ) — 1) шахснинг ўзига ёки тингловчига қаратилган нутқи; 2) саҳнадаги ўз-ўзига қаратилган нутқ.

**Мотив** (лот. — ҳаракатлантираман) — ривоя ва хикоя баённинг маъновий бирлиги. Ҳозирги замон адабиётида сюжет ривожининг оддий бирликлари (тадрижийлик, воқеа, ходисани харакатлантирувчиси).

**Монография** (юн. *моно* — битта, ягона ва *грапҳо* — ёзман) — китоб ёки брошюра тарзидаги, битта муаммони ёки мавзулар бўйича тадқиқотни тўла ва хар томонлама баён этувчи, бир ёки бир неча музаллифга тегишили бўлган илмий асар; бошқа илмий хабарлар шаклидан кўриб чиқилаётган масаланинг чуқурлиги ва яхлитлиги билан фарқланади. Коидага кўра монографияда танланган мавзунинг долзарблиги асосланади, унинг фан ва амалиётдаги ҳолати очиб берилади, кўйилган муаммоларни хал қилиш учун фойдаланиш зарур бўлган усуслар кўриб чиқилади.

**Музаллиф** (ар. *аллафа* — *тумъоқ*) — бадиий, илмий, техникавий ва бошқа асарлар (ихтиро, лойиҳа, китоб, ҳикоя ва х.к.) яратувчи шахс.

**Музаллифлик шартномаси** — музаллиф (унинг меросхўри) билан нашриёт, театр, киностудия ва б. ўртасида тузилади. Ўзбекистонда миллий қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

**Музаллифлик ҳуқуқи** — фуқаролик ҳуқукининг илмий, адабий ва санъат асарини яратиш, фойдаланиш (нашр эттириш, тасарруф этиш ва х.к.) билан боғлиқ бўлими. Музаллифлик ҳуқукини химоя қилувчи миллий қонунчилик ҳужжатлари ва халқаро конвенциялар билан тартибга солинади.

**Музаллиф табоқ** — адабий асар ҳажмини ўлчаш бирлиги. 40 минг босма белгига teng. Асар учун музаллифга ҳак тўлашда шунга асосланилади.

**Музаллиф таҳрири** — ўз асари қўлёзмаси матни устида музаллифнинг ишлаши.

**Музаллифлар жамоаси** — ўз расмий материалларини эълон қилувчи, ўз номига эга бўлган нашрлар, тўпламлар чиқариш ишидаги ходимларнинг доимий ёки вақтинчалик ташкилоти. Бу мазкур ташкилотни фаолият кўлами ва мавжудлиги давомийлигидан қатъи назар, уйгуналаштиришга имкон беради. Вақтинчалик гурухлар ва ходисалар, хусусан кенгаш, конференция, конгресс, экспедиция, кўргазма, фестиваль ва бошқалар хам музаллифлик жамоаси ҳисобланади.

**Музаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиши бўйича халқаро конвенция** — конвенцияга имзо қўйган қатнашувчи мамлакат-

лар фуқароларининг ишланмалар, ихтиrolар, адабиёт ва санъат асарларига муаллифлик хуқуқини химоя қилиш бўйича давлатларнинг мажбурияти.

**Мусаҳҳих** (ар. — *тұғриловчи*) — нашрлардаги имло ва тишиш белгилари бўйича ва бошқа тур хатоларни тузатувчи.

**Мұхаррир** (ар. *тахрір* сўзидан — *құтқарувчи, озод қилювчи*), 1) муайян матн, күләммага ишлов берувчи шахс; 2) нашр (китоб, журнал, газета, энциклопедия ва б.) га раҳбарлик қилувчи; 3) нашрлар мазмунини тасдиқловчи (бош мухаррир).

**Нашр** — нашр қилинган асар, у мустақил полиграфик безакка эга, таҳририй — нашр ишловидан ўтган бўлади, чиқарилиши ва тарқатилиш учун мўлжалланган ахборотдан иборат маълумот ҳам берилади.

**Нашр билдиригич** — нашрнинг тавсифини билдирувчи маълумотлар мажмуи. Булар нашр тури, ҳажми, ўлчами, вақти, жойи, мансублиги, муаллифи, нашр муаллифи, иштирокчилари ва х.к.дан иборат бўлиб, истеъмолчи ва статистик ҳисоб-китоб олиб боришга хизмат қиласи. Барча нашрларда бўлиши шарт.

**Нашриёт** — босма маҳсулот ишлаб чиқаришни амалга оширувчи давлатга, жамоага қарашли ёки хусусий корхона.

**Ноширлик иши** — маданият ва ишлаб чиқариш соҳаси. Китоблар, журналлар, газеталар, тасвир материаллар ва б. тур босма маҳсулотларни тайёрлаш, чиқариш ва тарқатиш билан шуғулланади.

**Плагиат** (лот. — *үгирлик, үгирлаш*) — бегона илмий, адабий ёки санъат асарининг муаллифлигини онгли равишда тўлиғича ёки қисман ўзиники қилиб олиш... Ўзбекистон Республикасининг конунчилиги бўйича фуқаровий-хуқуқий ва жинонӣ жавобгарликка олиб келади. Ўзига хаммуаллиф қилиб олишга мажбуrlаш ҳам плагиат сифатида баҳоланади.

**Расмий нашр** — давлат ва жамоатчилик ташкилотлари, мусассасалар ва ишхоналар номидан чиқариладиган нашр.

**Резюме** (фр. — *қисқача баён қилмоқ*) — нутқ, мақоланинг қисқача баёни, қисқача хулоса.

**Реферат** (лот. — *хабар қиламан*) — илмий ишлар, мавзуи бўйича асар мазмунининг ёзма тарздаги ёки маъруза шаклидаги қисқача баёни.

**Рубрика** (лот. — *қизил бўёқ билан ёзилган қонун сарлавҳаси*) — 1) газета, журнал ва б.даги қисм сарлавҳаси; 2) қисм, банд.

**Руқн** — 1) газета журнал қисми (абзаци) сарлавҳаси; 2) қисм, қисм бўлғаги, графа.

**Солишириб тузатиши** — матн асл нусха (ишончли манбай) билан солиширилади. Техник хатолар тузатилади (масалан: кўз хатолар), зарур ҳолларда имло, транскрипция ва б.ни саклаш масаласи ҳал этилади. Шрифт, ажратиб кўрсатиш (масалан, курсив, разряд) сакланади.

**Синопсис** (юн. — *шарҳ*) — умумий шарҳ, мажмуа, муайян нарса хусусидаги турли муаллифлар мақолаларининг тўплами. Муайян масала бўйича турли материаллар тўплами.

**Сюжет** (фр. айнан — *асос, моҳият*) — ходисаларнинг баёни, мавзуни очиб бериш усули. Таҳрир жараёнида эътиборга олинниши шарт ҳисобланади.

**Тақриз, рецензия** (лот. — *кўриб чиқши*) — 1) газета, журнал жанри; янги бадиий асар ёки илмий асарнинг, спектакль, кинофильмнинг танқидий мухокамаси ва баҳоси; 2) илмий иш ёки адабий-бадиий асарнинг у эълон қилинишидан олдинги ёзма таҳлили.

**Таъриф** (ар. *камёб*) — нотаниш термин, сўзнинг маъносини аниқлаш. Бунга таниш ва идрок этилган термин (сўзлар) ёрдамида, шунингдек, контекстта бошқа сўзлар киритилиб эришилади. Бундан ташқари бошқа термин, сўзга тенглаштирилади, чап томонга аниқлаштирувчи термин (сўз), ўнг томонга аниқлаштирилувчи термин (сўз) жойлаштирилади.

**Таҳлил** (ар. *ҳалала* — ажратмок, фарқламок, аниқламок) — 1) журналистикада — матнни унсурларга ажратиш; 2) синтез, унсурларни бир бутун қилиб бирлаштириш, яхлит ҳолатга келтириш; 3) умуман илмий тадқиқот бирикмасига синоним; 4) расмий мантиқда — мулоҳазанинг мантикий шакллари (тузилиши)ни аниқлаш.

**Таҳрир** (ар. *خَارِرًا* — кутқармоқ, озод қилмоқ) – 1) қўллэzmани тартибига келтириш, ишлаш, нашрга тайёрлаш; 2) муайян ишлов берилган матннинг ўзи; 3) баён этилган фикрнинг муайян ифодаси, шакли.

**Термин** (лот. – *χαρτης*, *чегара*), 1) фан, техника ва санъатда – муайян тушунчани аниқ ифода этувчи сўз; 2) мантиқда – мулоҳазанинг таркиб топдирувчи унсур.

**Тўплам** – нашр, бир ёки бир неча муаллифнинг бир қатор асарларини, шунингдек, турли расмий, илмий ва ахборот материалларини ўз ичига олади. Тўпламларда мухим муаммолар муҳокама этилган илмий конференциялар, симпозиумлар, кенгашларнинг материаллари нашр қилинади.

**Услуб** – 1) муайян қонуниятларга асосланган усул, хаёт ва харакат тарзи. Шу маънода ижодий услублар ҳакида (Алишер Навоий даври услуби), маданият услуби ҳакида, айрим буюк шахсларнинг яшаш услуби ҳакида сўз боради; 2) ижодчининг индивидуал ифодаси.

**Факт** (лот. – *ишиланган, юз берган*) – 1) одатий маънода – ҳақикат, ҳодиса, натижа тушунчаларининг синоними; 2) ишончлилиги исботланган билим; 3) мантиқ ва фан методологиясида – тажриба натижасида ҳосил бўлган билим кайд этилган жумла; 4) таҳрирда – матндаги асос материаллар; 5) журналистикада – тадқиқот обьекти, нарса, воея ва ҳодисанинг чин ёки ёлғонлигини тасдиқлаш учун хизмат қиласи.

**Факсимил нашр** – нодир ва қимматли асл нусха нашрларнинг ҳажми, муқоваси, матннинг ўзига хосликлари ва тасвирлар аниқ қайта тикланган нашр.

**Хроника** (юн. – *вақт*) – 1) тарих ҳодисаларини вақтга кўра тадрижий ёзилиши; 2) адабий жанр – ҳикоя ёки драматик асарда тарихий мухим ҳодисаларнинг улар вақтига кўра кетма-кетлиқда баёни, шунингдек, хроник ҳикоя усулидан фойдаланиб, шахсий ҳаётни баён этиш.

**Халқаро стандарт китоб рақами (ISBN – ИСБН)** – харфли-рақамли код, унинг ёрдамида китоб нашри идентифицияланади; ISBN – ИСБН абревиатураси «International Standard

Book Number» дан иборат ва коидага кўра 10 та рақамдан ташкил топган ҳамда халқаро ва миллий агентлик томонидан ягона усулда берилади.

**Хулоса** — мантиқда, мулоҳаза; унинг давомида муайян бошлангич мулоҳаза, айтилганлар, ҳукмлардан иборат оддий мантиқий йўсин; оддий ҳолларда хулоса икки фикр ва якундан иборат бўлади.

**Цитата** (юн. — *даъват, атамок*) — қаранг: **Иқтибос**

**Шрифт** (нем.) — муайян алифболи ҳарф, шунингдек, рақамлар ва белгилар.

**Шарҳ** — 1) матннинг талқини, уни тушунтирувчи илова; 2) бирор нарса ҳакидаги мулоҳаза, тушунтирувчи ва танқидий фикрлар (кўплиги — шарҳлар).

**Шифр** (фр. — *рақам*) — 1) муайян маъно берилган шартли белгилар ва уларнинг уйғунлашган тизими; ҳабарни шифрланган тарзда узатишда фойданилади; 2) ҳужжатлар, кўлёзмалар, китоблар, ахборот материаллари ва ҳ.к.ларга уларни сақлашни тартибга солиш ва кутубхоналар, архивлар, маълумотлар жамғармасидан излашни енгиллаштириш мақсадида тушириладиган кайд этишнинг шартли белгилари.

**Энциклопедия** (юн. — *барча билимлар бўйича таълим бермоқ*) — тизимланган билимлар мажмунини ўз ичига олган илмий ёки илмий-оммабоп маълумотнома нашр. Энциклопедияда материаллар алифбо тарзида ёки тизимлилик тамойили (билимлар соҳаси бўйича) берилади. Ҳар томонлама (универсал), яъни билимлар ва амалий фаолият барча соҳаларига оид, соҳавий, шунингдек, ҳудудий тури мавжуд.

**Эълон қилинган ҳужжатлар** — нашр этилгандан ва расмий рўйхатга олингандан сўнг илмий фойдаланиш учун тақдим этилган китоблар, вақтли ва давом этувчи нашрлар, рефератив материаллар. Ҳужжатларни нашр этилган ва нашр этилмаганга ажратиш яқин кунларгача асосий ҳисобланган. Репродукциялаш воситаси пайдо бўлгандан сўнг бу белги ўз асосий хусусиятини йўқотади; ҳужжатлар ва нашрларни бирламчи ва иккиласмичига, улардаги эълон қилинаётган ахборот мазмунининг янгилигига боғлиқ холда, ажратиш биринчи ўринга чиқди.

**Үқув нашири** — даврий бўлмаган нашр, ўз ичига ўқитиш ва ўрганиш учун куляй шаклда баён этилган илмий ёки амалий тавсифдаги мунтазамлаштирилган маълумотларни олади; ўқув программалари, ўқув-услубий ва ўқув-қўргазмали қуроллар, амалий машқлар, турли хил дарсликлар, дидактик материаллар ва х.к.лар шуларга тааллуқли.

**Ўзгартириб тузатиши** — адабий тил бўйича саводхонлиги етишмайдиган муаллифларнинг қўллэзмаси қайта ишланади. Лекин бунда муаллифнинг фикрини сақлаб колишига харакат қилинади, шунингдек, муаллиф услубидаги ўзига хослик ҳам.

**Қисқартириб тузатиши** — қўллэзма белгиланган ҳажмга келтирилади (белгилар, сатрлар, табоқ ва б.). Энг арзирликлар, мухим бўлганлар сақланади.

**Қайта ишилаб тузатиши** — қўллэзма композициясидаги камчиликлар бартараф этилади, фактик ва мантикий хатолар, услубий, грамматик нуқсонлар тўғриланади.

**Қўллэзма** — 1) кенг маънода — қўлда ёки техника воситасида ёзилган матн; 2) ёзма асар; 3) ноширлик ишида — нашриётга топширилган муаллиф матни.

**Ҳаммуаллиф** — ҳамкорликда бошқа шахс (шахслар) ёки ташкилот (ташкилотлар) билан биргаликда асар яратувчи шахс ёки ташкилот.

**Ҳаммуаллифлик** — икки ёки ундан ортиқ шахсларга уларнинг умумий меҳнати натижасида ёзилган асарга ёки ихтирога ёхуд саноат намунасига бўлган муаллифлик хукукининг биргаликда тегишлилиги. Биргаликда икки ёки ундан ортиқ шахснинг ижодий меҳнати билан яратилган асарга бўлган муаллифлик хукуки ҳаммуаллифларга ўзаро бундай асар яхлитлигидан ёки мустакил мазмунга эга бўлган қисмлардан ташкил топганлигидан қатъи назар, таалуқли бўлади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўқитувчи, 2005.
2. *Каримов И.А.* «Юксак маънавият — енгилмас куч». — Т.: Маънавият, 2008.
3. *Каримов И.А.* Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига // Халқ сўзи. 2015 йил 26 июнь.
4. «Ноширлик фаолияти тўғрисида». Ўзбекистон Республикасининг Конуни. — Т.: Ўзбекистон, 1998.
5. *Хайитметов А.* Навоий даҳоси. — Т.: Faфур Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970.
6. *Қодирӣ X.* Отам ҳақида. — Т.: Faфур Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
7. *Toҳиров З.Т.* Журналистика терминлари қисқача изоҳли луғати. — Т.: Зар қалам. 2004.
8. *Toҳиров З.Т.* Прагматик сема. — Т.: Зар қалам, 2004.
9. *Toҳиров З.Т.* ОАВ рекламалари услугубияти назарияси ва амалиёти. — Т.: Университет, 2006.
10. *Toҳиров З.Т.* Бадиий нутқда тасвир. — Т.: Университет, 2011.
11. Редактирование отдельных видов литературы. Под. ред. Сикорского А.М. — Москва, Высшая школа, 1973.
12. Сикорский А.М. Теория и практика редактирования. — Москва, Высшая школа, 1980.
13. Милчин А.Е. Методика редактирования текста. — Москва, Книга, 1980.
14. *Данилов И.Й.* Автора книги. — Москва, Книга, 1988.
15. *Беззубов А.Н.* Введение в литературное редактирование. — Санкт-Петербург, 1997.



## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Тахрир ва мухаррирлик .....	4
Нашр жараёнида мухаррирнинг ўрни.....	16
Матн таҳлили ва таҳрири .....	22
Мухаррир ва муаллиф ҳамкорлиги.....	39
Матн баёни таҳрир объекти .....	48
Адабий таҳрир ва мантиқ конуни.....	60
Асар композицияси таҳлили ва таҳрири .....	89
Ҳақиқат ушоғи .....	99
Сарлавҳа матнни идроклаш асоси.....	105
Матнга ёрдамчи унсурлар таҳрири .....	114
Адабиёт тур ва таҳрир.....	128
Бадиий таҳрир масъулияти.....	140
Ахборий матнлар таҳрири .....	159
Услуб ва адабий таҳрир .....	187
Матнда тузатишларни амалга ошириш .....	207
Изоҳли луғат.....	219
Фойдаланилган адабиётлар .....	236

*Илмий-оммабоп нашр*

**ЗОИР ТОҲИРОВИЧ ТОҲИРОВ**

**ТАҲРИР МАНТИҚИ**

Мухаррир *A. Бобониязов*

Рассом *Б. Зуфаров*

Техник мухаррир *T. Харитонова*

Кичик мухаррирлар: *Д. Холматова, Г. Ералиева*

*Мусаххих Д. Ҳусанова*

Компьютерда саҳиfalовчи *Ф. Тугушева*

Нашриёт лицензияси AI № 158, 14.08.2009.

2016 йил 9 августда босишга руҳсат этилди.

Офсет корози. Бичими  $60 \times 90^{\frac{1}{16}}$ .

Virtec Peterburg Uz гарнитурасида оффсет усулда босилди.

Шартли босма табоғи 15,0. Нашр табоғи 14,32.

Нусхаси 1000. Буюртма № 16-336.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)  
[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)

**РАССЫЛКА**

28000 c



«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-28-544-

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-28-544-6.

9 789943 285446